

Қ.Ж. Мирзаев,  
Э.Ш. Шавқиев,  
Б.К. Жанзаков

# ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**Қ.Ж.Мирзаев, Э.Ш.Шавқиев, Б.К.Жанзаков**

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

**ТОШКЕНТ – 2020**

УЎК: 330.33.012

КБК 94:65.7

И 88

Қ.Ж. Мирзаев, Э.Ш. Шавқиев, Б.К. Жанзаков. Инновацион иқтисодиёт.  
(Ўкув қўлланма – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»,  
2020. – 298 бет.

**ISBN 978-9943-6595-2-0**

Ушбу ўкув қўлланма жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ҳамда ташки бозорда рақобатгардошликни таъминлашда замонавий инновацияларга асосланган юксак технологияларни жорий этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган.

У кириш ва ўн саккизта мавзудан иборат бўлиб, уларда курснинг мазмуни ва вазифалари, инновацион фаолият объектлари ва субъектлари, иқтисодиётда инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, инновацион иқтисодиётниң илмий-услубий асослари, инновацион фаолият инфратузил-масининг ташкилий, ҳуқукий ва иқтисодий масалалари, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш омиллари, инновацион иқтисодиётда хизматлар бозорини ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантиришига таъсир этувчи омиллар, жумладан, иқтисодиётда инновацион кластерни шакллантириш зарурияти ҳамда унинг ташкил этилиши ва амал килиши билан боғлиқ масалалар баён этилган.

Ўкув қўлланма олий ўкув юрглари талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан магистрантлар, аспирантлар, раҳбар ходимлар ва мутахассислар ҳамда малака ошириш марказлари тингловчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 330.33.012

КБК 94:65.7.

**Тақризчилар:**

**А.И.Алиқулов** – и.ф.д., профессор;

**Т.Шарипов** – и.ф.н., доцент.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш раёсати мажлисининг 2020 йил 14 февралдаги 1-сонли баёни билан нашр этишига тавсия этилган.

**ISBN 978-9943-6595-2-0**

© Қ.Ж.Мирзаев, Э.Ш.Шавқиев, Б.К.Жанзаков, 2020;  
© “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020.


## КИРИШ

Дунёда кечаёттган глобаллашув жараёнлари барча давлатларни ягона иктисадий тизимга бирлаштириб, ўз чегараларини кенгайтириб бормоқда. Жаҳон иктисадиётининг трансформациялашуви ва халқаро меҳнат тақсимотининг чукурлашиб бориши шароитида, ташки бозорда рақобатбардошлиликни таъминлаш учун аксарият давлатлар ўз иктисадиётини ривожлантиришда ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш самародорлигини оширишда замонавий инновацияларга асосланган юксак самарали технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратишмоқда.

Иктисадиётнинг хозирги замон ривожланишига хос бўлган жиҳат дунёнинг етакчи мамлакатлари постиндустрисал жамият шаклланишининг янги босқичига – илғор билимлар яратиш, тарқатиш ва фойдаланишга асосланадиган иктисадиёт яратишга ўтиши хисобланади. Жамиятда кам учрайдиган ноёб кўнинма ва қобилияtlар, уларни доимий равишда ўзгариб турадиган фаолият шароитларига мослаштириш, юқори малакали ва етакчি ишлаб чиқариш ресурсига, шахснингсоциал мақоми ва моддий фаровонлигининг асосий омилига айланади.

Бугунги кунда илм ва фандаги ютуклар, кадрлар ва илмий салоҳият, табиий ресурслар каби мавжуд объектив омиллардан самарали фойдаланаётган мамлакатлар ўз ривожланишларида илтарилаb бормоқда. Ва бунинг натижасида ўз фуқароларининг турмуш фаровонлигини оширишга ва ҳамда ички иктисадий, сиёсий ва халқаро муносабатларнинг янги тизимини шакллантирмоқдалар. Замонавий фан ютукларидан, янги техника ва технологиялардан фойдалана олмаётган мамлакатлар эса юзага келган янги шарт-шароитларга мослаша олмаяптилар.

Иктисадиётнинг глобаллашуви жарёнида ишлаб чиқариш, меҳнат ва савдо бозорлари интеграцияси, хомашё ўрнини босувчи воситалар ва таннархга таъсир этувчи бошқа омилларни топиш борасидаги аёвсиз ва шиддатли рақобат замонида илм-фан, инновация, инвестиция, техника ва технология соҳалари иктисадиётнинг локомотиви хисобланади. Буни Япония, Хитой, Жанубий Корея каби китамиздаги ривожланган



давлатларнинг ихтирочилик ишланмалари, рационализаторлик таклифлари йўналишларига салмоқли сармоялар киритиш орқали юксак натижаларга эришгани мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Хозирги пайтда Япония дунёни ўзининг нанотехнологиялари билан, Германия автомат машиналари билан, Хиндистон дастурлари билан, Хитой эса майший ва арzon воситалари билан дунёда машҳур ҳисобланади. Бугунги кунда яратилётган инновацияларнинг асосий кисми техника ва технологиялар оламига хосдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан ўзгартиришдаги муҳим стратегик вазифалар каторида илмий-техника салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳим ўрин эгаллайди, чунки давлатнинг XXI асрдаги иқтисодий ўсиши фан-техника тараққиёти ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида, асосан, саноатда ишлаб чиқаришнинг интеллектуаллашуви билан тъминланади.

Республикамизда кейинги уч йил мобайнида юқори технологиялар, илмий-технологик ва инновацион тадбиркорлик баркарор ривожланишини тъминлаш, миллий ва хорижий бозорларга рако-батбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва етказиб беришни йўлга кўйиш учун кулагай мухит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бу борада замонавий ёндашув ҳамда тамоилиларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш, эркян иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш, фаолият кўрсатагётган зоналарнинг самарадорлигини ошириш вазифалари белгиланган.

Шуни тан олиш лозимки, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётида, глобал технологик маконда ўз ўрнини эгаллашида факатгина ривожланишининг тўғри стратегиясини белгилаб олиши ўта муҳимdir.

Бундай стратегия асосида фан ва технологияларнинг ривожланиши даражаси ётади. Уларни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш даражаси Ўзбекистоннинг баркарор ривожланиши ва ҳавфсизлиги муаммоларини ҳал этишда асосий омиллардан бири бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича” ПФ-5544 сон Фармонида кайд этилганидек: “Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимиз-

нинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион гоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган холда амалга оширишни тақозо этади”.

Кучли ракобат шароитида, иқтисодиёт тармоқларининг илғор технологиялар ва ишланмаларга эҳтиёжи катта бўлиб, мунтазам ортиб бормоқда. Чунки, ҳозирги замон бозор иқтисодиёти хўжалик юритувчилардан ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, катта даромад келтирадиган сифатли ҳамда харидоргир маҳсулот тайёрлаш имконини берадиган юқори технологияларни ўзлаштиришга йўналтиришни талаб қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “2017йилда иқтисодиёт соҳасида замон талабларига жавоб берадиган, янгича маънамазмундаги ва самарали ислохотларни амалга ошириш йўлида биринчи қадамларни кўйдик”<sup>1</sup>.

‘Бугун биз давлат ва жамият хаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмокдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Яни фикр, янги гояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни буғундан бошлайдиган бўлсақ, уни айнан инновацион гоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдига аниқ вазифаларни кўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият хаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширища ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз”<sup>2</sup>.

Демак, буғунги кунда жамият ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан бири – инновацион гоялар ва ҳар қандай фаолиятда инновацион ёндашув ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам миллий иқтисодиётни инновациялар асосида тараққий этириши давлат сиёсатига айланди.

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018, 8 бет.

<sup>2</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018, 23 бет.

Инновацион сиёсат – инновация фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантиришга йўналтирилган социал-иктисодий сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу иктисодиётда илмий ишланмалар, тажриба лойиха ишлари ёки бошқа фан-техника ютуклари, янги ёки такомиллаштирилган технологияларни татбиқ этилаётган инновацион жараёндир.

Давлатнинг инновацион сиёсати миллий маҳсулотнинг рақобат-бардошлигини ошириш, барқарор иктисодий ўсиш, ахолининг яшаш шароитини яхшилаш, мамлакатнинг мудофаа, технологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш учун инновация фаолияти устуворлигининг тан олиниши учун шакллантирилади ва амалга оширилади.

Давлатнинг инновацион сиёсати – илмий тадқиқотлар, ишланмалар, тажриба-конструкторлик ишлари ёки фан-техника ютукларидан фойдаланган ҳолда иктисодий айланмага киритиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот яратиш тушуниладиган инновацион фаолиятни ривожлантириш ва рағбатлантиришга йўналтирилган социал-иктисодий сиёсатнинг таркибий қисмидир.

Давлатнинг инновацион сиёсати маҳаллий маҳсулот (хизмат)лар рақобатбардошлигини ошириш, барқарор иктисодий ўсишни таъминлаш, ахолининг турмуш сифати ва даражасини ошириш, технологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш учун инновацион фаолият устуворликларини тан олишдан келиб чиқиб, шакллантирилади ва амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, қолаверса унинг тақдири, аксарият ҳолларда, нафакат корхоналардаги ресурслар микдорига, айни пайтда уларда фаолият юритаётган ходимларнинг илм ва фан ютукларини ишлаб чиқаришда қўллай олиш қобилиятига ҳам боғлиқдир. Корхоналар раҳбарлари ва мутахассисларининг инновацион тадбиркорлик хислатлари ҳозирги иктисодий танглик, моддий ва молиявий ресурсларнинг таққислиги даврида жудаям сезилади.

Ушбу талабларга жавоб бериш учун “Инновацион иктисодиёт” фани бўйича чукур билимга эга бўлиш мухим аҳамиятта эга.

“Инновацион иктисодиёт” фани инновацион ишланмалардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш корхоналарини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва юритиш йўлларини ҳамда усулларини ўргатади.

“Инновацион иқтисодиёт” фанини ўқитишидан мақсад – иқтисодий юксалишининг ҳозирги босқичида инновацион ривожланиш бўйича илмий-назарий ва услубий ёндашувларни ўрганиш, шунингдек, талабаларда янги иқтисодий онгни шакллантиришdir.

Фаннинг вазифалари – инновацион ривожланишининг устувор йўналишларини танлашни билдиш, инновацион тараққиётни амалга ошириш борасида илмий асосланган амалий қадамларни илгари суринни ўргатишидан иборатdir.

Шунингдек, “Инновацион иқтисодиёт” фани фундаментал фанлардан бири бўлиб, бошқа иқтисодий фанларни чукур ўрганишда асос бўлиб хизмат килади.

Жамиятнинг ривожланиб бориши давомида кўпгина янги фанлар пайдо бўла бошлайди, мавжуд фанлар эса янада такомилишади. “Инновацион иқтисодиёт” фани иккинчсига таалуткукли.

Мамлакатимизнинг инновацион ривожланишп йўлига ўтаётган шароитда ‘Инновацион иқтисодиёт’ фанини ўрганишга бўлган талаб янада ортди. Бу фанни билмасдан туриб, ҳар қандай корхонани ривожлантириб бўлмайди.

Фан ва техниканинг шиддатли ривожланаётган ҳозирги шароитда олинган билим доимо тўлдирилиб борилиши керак. Фақат шундагина билим амалий аҳамиятга эга бўлади ва жамиятнинг ишлаб чикариш кучига айланади.

«Инновацион иқтисодиёт» фани бакалаврларни тайёрлаш учун мўлжалланган бўлиб, Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари асосида 5230100 “Иқтисодиёт” (тармоклар ва соҳалар бўйича) таълим йўналишида ўқитилади.

Ушбу ўқув кўлланмаЎзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги 394-сонли бўйруги (б-илова) билан тасдикланган “Инновацион иқтисодиёт” фани дастури асосида тайёрланди.

Ўқув кўлланмада ёритилган мавзулар қўйидаги муаллифлар томонидан тайёрланди:

Кириш, 1, 4, 7, 11, 13, 17 мавзулар – Э.Ш. Шавқиев

2, 5, 8, 9, 14 мавзулар – Б.К. Жанзақов

3, 6, 10, 12, 15, 16, 18 мавзулар – Қ.Ж. Мирзаев.

# **1-МОДУЛ. “ИННОВАЦИОН ИҚТІСОДИЁТ” ФАНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1-мавзу. “Инновацион иқтисодиёт” фанига кириш Режа:**

- 1.1. Инновацион иқтисодиёт – фан ва ўкув курси сифатида.
- 1.2. “Инновацион иқтисодиёт” – иқтисодиёт фанларининг таркибий қисми ва билимлар соҳаси.
- 1.3. “Инновацион иқтисодиёт” фанининг мазмуни, мақсадлари ва бошқа фанлар билан алоқаси.

### **1.1. Инновацион иқтисодиёт – фан ва ўкув курси сифатида**

Маълумки, инсоният ҳаётининг давомийлиги унинг эҳтиёжларининг мавжуд эканлиги, айниқса инсонларнинг моддий кўришишдаги ҳаётий эҳтиёжлари – кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-рўзгор буюмларига эга бўлиш зарурлигини тақозо этади.

Ҳаётий неъматларга бўлган эҳтиёжларни қондириш мақсадида инсонлар турли соҳаларда фаолият кўрсатишади.

Инсонлар ҳаётий неъматларга бўлган эҳтиёжларини янада тўликроқ қондирилишини таъминлаш мақсадида турли йўналишдаги фаолиятлар билан шугулланиши зарурияти туғилади: таълим, фан, маънавият ва бошқалар.

Инсонлар эҳтиёжининг қондирилиш даражаси бевосита ресурсларга бориб тақалади.

Ресурсларнинг барчаси – табиий бойликлар, малакали ишчи кучлари, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарлари, пул маблағлари ва бошқалар табиат ва жамиятда чекланган миқдордадир. Ҳаттоқи, ишлаб чиқаришнинг бугунги даражасида инсоният ихтиёридаги турли табиий бойликларнинг тахминан қанча вақтга етишини олдиндан башорат қилиш мумкин. Жумладан, инсоният 2500 йилга келиб, барча металл захираларини сарфлаб бўлиши башорат қилиниб, бунда темир рудаси 250 йилга, алюминий 570, мис 29, рух 23, қалайи 35, кўргошин 19 йилга етиши тахмин қилинмоқда. Амалда ҳозир яшаётган авлод хам ишлаб чиқаришда кўргошин, қалайи,

рух, олтин, кумуш, платина, никел, волфрам, мисдан фойдаланиш муаммосига дуч келмокда. Яқин юз йил ичида ишлаб чиқарышни энергоресурслар: нефть, газ, күмир билан таъминлаш муаммоси ҳам алохида муаммо бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас”<sup>3</sup>.

Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, инсонларнинг яшаши ва камол топишини таъминлайдиган моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқлиқда амал киласидиган турли-туман фаолиятлар яхлит қилиб, бир сўз билан айтганда, иқтисодий фаолият ёки иқтисодиёт деб аталади.

Иқтисодиёт – мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган хўжаликлардан, хўжаликлараро, давлатлараро бирлашмалар, корпорациялар, концернлар, қўшма корхоналар, молия ва банк тизимларидан, давлатлар ўргасидаги турли иқтисодий муносабатлардан иборат ўта мураккаб социал-иктисодий тизимни англатади.

Чекланган иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиб, ахолининг тўхтовсиз ўсиб борувчи эҳтиёжларини қондириш мақсадига эришиш йўлларини топиш иқтисодиётнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Шу сабабдан ҳам, бугунги кунда, мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларини инновацион ривожланиш жараёнларини рақамли иқтисодиётга мос интенсивлаштириш стратегик жиҳатдан энг асосий масала сифатида қаралмокда.

Хозирги даврда миллый иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармокларida инновацион иқтисодиёт асосларини билиш малакали мутахassisлар тайёрлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. “Инновацион иқтисодиёт” фани инновацион иқтисодиёт бўйича муайян билимларни эгаллашга қўмаклашади.

Инновацион иқтисодиёт – фан сифатида инновацион жараёнларни бошқарув механизmlари бўйича умумий замонавий тушунча ва тасаввурларни шакллантириш, инновацион фикрлаш, янгилangan маълумотлар оқимиини қабул қилиш ва умумлаштириш, шунингдек, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш каби зарурий ичкি ресурсларни ривожлантириш бўйича инновацион билимлар мажмусини ифода этади.

<sup>3</sup> Зубко Н.М. Экономическая теория. - Минск: НЦ АПИ, 1998, стр.61..

У жамият учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни тайёрлашнинг янги усулларини ва жараёнларини хамда замонавий бошқарувни шакллантиришни ўз ичига олади.

Фан-техника тараққиёти жадал ривожланаётган бугунги шароитларда билим бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича” ПФ-554-сон Фармонида: “Ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш” Стратегиянинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Шу муносабат билан мамлакатимиз олий таълим муассасаларида талаба-ёшларнинг стартап-лойихалари танловини ташкил этиш, истиқболли стартап-лойихаларни танлаб олиш ва молиялаштириш тартиби ишлаб чиқилган.

Стартап-лойихалар танловининг мақсади – олий таълим муассасасида талабаларни илмий фаолиятга йўналтириш ва уларда инновацион фикрлашни, янги ғоя ва ташаббусларни шакллантиришдан иборат.

Стартап-лойихалар танловининг вазифаси эса қўйидагилар хисобланади:

- олий таълим муассасаларида талаба-ёшлар ўртасида тадбиркорлик лаёқатини ривожлантириш ва тадбиркорликни рағбатлантириш;
- истиқболли стартапларни аниқлаш ва уларни ривожлантириш;
- бизнес-loyihalarning umumiy miqdorini oshiriш;
- loyihalararga йўналтирилган taъlimni rivojlanterish;
- олий таълим муассасаларида талабa-ёшlarning ilmий-amaliy faoliyatni samaradorligini oshiriш;
- kelgusiда tizkoratlashgariш maksadida intellektual faoliyatni natижаларини яратиш;
- startaplarни яратиш асосларини шакллантириш учун янги техник масалаларни ишлаб чиқишга йўналтиришган тадқиқотларни рағбатлантириш;
- инновацион тадбиркорликни ривожланишига кўмаклашиш.

Мамлакатимиз олий таълим тизими муассасалари “... ўз ваколатлари доирасида:

- илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий йўналишларини амалга оширишда қатнашади;
- илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар киритади;
- давлат илмий дастурлари, шунингдек ҳалқаро дастурларни ишлаб чиқишда қатнашади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;
- ўз бўйсунувидағи тегишли таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда самарали ҳамда рақобатбардош илмий фаолият юритилишини таъминлайди;
- тегишли йўналишлар бўйича илмий даражали кадрлар тайёрлашни таъминлайди, илмий фаолият юритувчиларни рағбатлантириб боради;
- илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади;
- ўз бўйсунувидағи илмий ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб боради;
- илмий ишланмаларни тижоратлаштиради ва улар эгаларини рағбатлантиради, шунингдек ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, уларнинг самарали илмий фаолият юритишлари учун зарур шартшароитлар яратади;
- илм-фан ва технологиялар асослари, ютуқларини оммалаштириш, шунингдек илм-фан ва илмий фаолият соҳасига оид тегишли тадбирларни тарғиб этишда қатнашади”<sup>4</sup>.

Фан-техника тараққиёти, малакали кадрлар, хўжалик механизми ва ундан оқилона фойдаланиш, изланиш, тадбиркорлик, ташаббускорлик, рағбатлантириш: буларнинг барчаси иқтисодиётда ижобий силжишларга эришиш учун асос бўлади.

Шу тариқа “Инновацион иқтисодиёт” фани иқтисодиётнинг изланиш, янгиликни татбиқ этишдаги услубий вазифаларни бажа-

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни, 2019 йил 29 октябрь, 8-модда.

ради ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида амалий қарорлар қабул қилишда мухимманба бўлиб хизмат қиласди.

## 1.2. “Инновацион иқтисодиёт” – иқтисодиёт фанларининг таркибий қисми ва билимлар соҳаси

Инсон яратилганидан бўён ўрганишга интилиб келган мавжудот (зот). Таълим, илм, унинг учун эҳтиёж. Илм инсоннинг ўқиши, ўрганиш ва ҳаётий тажриба орқасида ортирган билими. Билим эса муайян соҳага оид маълумотлар мажмуи.

Фан – тадқиқотлар фаолияти соҳаси бўлиб, асосий мақсад табиат, жамият ва фикрлаш тӯғрисида янги билимларни ишлаб чиқишига йўналтирилади. У табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонуниятларини очиб берувчи ҳамда атрофдаги муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар тизимиdir.

Фан ёрдамисиз, атрофимизни ўраб турган дунё тӯғрисидаги билимлар тизимини яратмасдан жамият тараққиётига эришиш мумкин эмас. Илмий ўрганиш воқеликни оддий ҳаётий тарзда қабул қилишдан фарқли равишда, ҳодиса ва жараёнларни чукур англаш, ўзаро алокаларини очиб бериш, уларнинг ривожланиш сабаблари ва кучларини аниқлаш имконини беради.

“Инновацион иқтисодиёт” фани умумий фанларининг таркибий қисми бўлиб, унинг ўрни ва аҳамияти тӯғрисида юқорида қисқача тўхталиб ўтилди.

“Сўнгги йилларда республикада мамлакатнинг инновацион салоҳиятини янада ривожлантириш учун қурай шарт-шароитларни яратишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишига, илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-кувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди”<sup>5</sup>.

Маълумки, иқтисодиёт жамият ҳолатини, ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш ва уларнинг ривожланиш даражасини, фантехника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишни, одамларнинг маданияти ва маълумоти даражаси ва ҳоказоларни акс эттиради. “Инновацион иқтисодиёт” билимларнинг мустақил соҳаси ва иқтисо-


<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги хузурида илгор технологиялар марказини ташкил қилиш тӯғрисида” ПҚ-3674-сон карори.

диёт фанининг таркибий қисми сифатида масаланинг айнан шу томонига кўпроқ эътибор қаратади.

Бундай шароитларда хўжалик амалиёти ва фан олдига биринчи ўринда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғинида юқори самара ва сифат кўрсаткичларига эришиш масаласи кўйилади.

Иқтисодиётнинг ривожланишига керакли билим ва кўнникмаларни, маблағ ва кучларни киригмасдан туриб корхона ҳам, жамият ҳам ривожланган иқтисодиётни ҳамда моддий неъматларнинг тўкинлиги ва турмуш тарзининг юқорилигини талаб қила олмайди.

“Жаҳон тикланиш ва тараккӣёт банки томонидан 192 мамлакатда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, хозирги даврда иқтисодий ўсишнинг 16,0 фоизи жисмоний капитал (ишлаб чиқариш воситалари, инфратузилма ва х.к.), 20,0 фоизи - табиий ресурслар таъминлайди. Колган 64,0 фоизи инсон омили, биринчи навбатда билим ва малака даражаси улушкига тўғри келади (1.2.1-расм).



■ Жисмоний капитал \* Табиий ресурслар \* Инсон омили

### 1.2.1-расм. Жаҳон мамлакатларида иқтисодий ўсишни таъминлашда инсон омили – билим ва малаканинг салмоғи (умумий кўрсаткичга нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>6</sup>.

Кучли ракобат шароитида, иқтисодиёт тармокларининг илгор технологиялар ва ишланмаларга эҳтиёжи катта бўлиб, мунтазам ортиб бормоқда. Негаки, хозирги замон бозор шароити хўжалик юритувчилардан ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, катта даромад келтирадиган сифатли ҳамда харидоргир маҳсулот тайёрлаш

<sup>6</sup> Ижтимоийсоҳа иқтисодиёти. Дарслик/И.Ф.д., проф. К.Х. Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: Иқтисодиёт, 2013, 131 бет.

имконини берадиган юқори технологияларни ўзлаштиришга йўналтиришни талаб қиласди.

Шуни қайд этиш лозимики, республикамизда қабул қилинган қатор имтиёз ва преференциялар ҳам инновацион тараққиёт учун хизмат қиласди. Масалан, инновацион лойиҳалар билан шуғулланаштган илмий муассасаларга солик имтиёзлар тақдим этилган, шуниси ҳам муҳимки, бундай мақсадларга йўналтирилган маблағлар ягона социал тўловдан ташқари барча тўловлардан озод этилган.

Жаҳон тажрибасига мувофиқ соҳалар ва ишлаб чиқарувчилар, корпорация ва фирмалар давлат билан бир қаторда ўзлари учун керакли бўлган амалий илмий тадқиқотларни молиялаштиришлари зарур бўлади, улар амалий ишланмаларнинг 30 фоизидан зиёдини, илмий-техник инновацион ишланмаларнинг 50 фоизидан кам бўлмаган улушини молиялаштиришлари керак бўлади. Ҳозирги кунда уларнинг молиялаштириш ҳажми 10 фоиздан ошмайди. Амалий давлат илмий-техник дастурлар миқёснинг ўзида ушбу ишлардан манфаатдор бўлган ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий иштироки куттилмоқда. Бу соҳадаги тегишли дастлабки ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

Мамлакатимизда экспортбоп маҳсулот олиш мақсадида қишлоқ хўжалик хомашёсини чукур қайта ишлаш бўйича ихчам технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун айнан ушбу соҳада муваффақиятли қўллаш мумкин бўлган инновациялар мавжуд.

Бу борада Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг “Ботаника” илмий-ишлаб чиқариш маркази, Фарғонадаги “Композит” масъулияти чекланган жамияти, Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти, мамлакатимизнинг турли худудларидағи бошқа кўплаб илмий муассасалар ва марказларнинг ишланмалари янгилиги ва долзарблиги билан ажралиб туради. Бу субъектлар томонидан бажарилган илмий тадқиқот натижалари мамлакатимизда қатор йишлардан бўён ўтказилаётган ярмаркаларга ташриф буюрган фермер ва кичик бизнес вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва корхоналарнинг мустакил фаолият кўрсатишларига кенг имкониятлар очиб бериш билан бирга кадрларга, уларнинг билимлари, кўникмалари ва малакаларига катта талаблар кўймоқда. Бир томондан фан-техника тараққиёти, иккинчи томондан эса замонавий бозор муносабатлари ва рақобатчиликнинг ривожланиб бориш шароитларида инновацион фаолият билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишни тўғри амалга оширувчи мутахассислар муваффакиятга эришиши мумкин.

Шу муносабат билан 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг бош мақсади: “...мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш ...”<sup>7</sup> хисобланади. Бу мақсадга эришишда“... барча даражада таълим сифати ва қарорлар тайёрлаш тизиминининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш”<sup>8</sup> зарур бўлади.

Машхур иборада айтилишича, “даражатларнинг ортида ўрмонни кўра олиш зарур.” Малакали мутахассис дунё амалиётидаги илғор илмий тадқиқот усулларини ва замонавий технологияларни ўзлаштириши асосида ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ёки хизматта бўлган талабни ошириш йўлларини билиши лозим. Бошқача қилиб айтиганда, гап назарий билимларнинг амалий тажриба ва кўникмалар билан уйғунашуви, ёш мутахассиснинг турли хўжалик шароитларида тез, тўғри ва аниқ қарор қабул қилиши хақида бормоқда. Факат шу қобилиятларга эга бўлган мутахассисгина тезда жамиятда ўз ўрнини топиб, хизмат пиллагоясида олға қадам ташлаши ва юқори лавозимлар сари ҳаракатини бошлаши мумкин.

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича” ПФ-5544-сонФармони.

<sup>8</sup>Ўша манба.

### **1.3. “Инновацион иқтисодиёт” фанининг мазмуни, мақсадлари ва бошқа фанлар билан алоқаси**

“Инновацион иқтисодиёт” бошқа фанлар каби биринчи ўринда ўрганиш функциясини бажаради.

Хозирги кунда жамият хаётида инновацион соҳанинг жадал ривожланиши, иқтисодиётда интеллектуал маҳсулот, ахборот ва илмий-техник ва инновацион фаолият улушининг ўсиши шунга олиб келдики, инновациялар худди фойдали қазилмалар, ишлаб чиқариш кувватлари ва интеллектуал салоҳият каби, мамлакатнинг бойлиги ҳисобланади бошлади.

Ўзбекистон ва унинг ҳар бир фуқароси манфаатлари йўлида инновацион ва илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланишинг мамлакатда комплексли инновацион сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш учун қонунчилик асослари яратмасдан туриб, ҳеч ҳам имкони йўқ. Шу сабабдан юртимизда интеллектуал мулк ва унинг муҳофазаси борасида бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Бозор ислоҳотларининг амалга оширилиши, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, жаҳон иқтисодий тизимишинг билимлар ва ахборот ролининг ўсиши томон ўзгариши, янги технологиялар ва капитал бозори ўртасидаги алоқалар кучайиши билан мамлакатимиз иқтисодиётининг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши долзарб аҳамият касб этади.

Дунёning етакчи ривожланган ва ривожланадиган мамлакатларида ривожланиш умумий қонуниятлари ва тенденцияларини билиш, шунингдек, бой табиий ресурслар, ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолдагина мамлакатимизнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиш йўллари ва усуllibарини ишлаб чиқиш мумкин.

Замонавий дунёда интеллектуал маҳсулотнинг тижоратлашуви, фан ва техника ролининг тубдан ўзгариши сабабли ҳар бир давлат, шунингдек, алоҳида корхоналар даражасигача бўлган қўйи бошқарув даражасидаги тузилмалар бозор шароитларида илмий-техник ва инновацион фаолиятга ресурслар ажратиш, бу фаолият натижаларини амалга оширишга ўз муносабати ҳақида тасаввурга

эга бўлиши, яъни мамлакат, минтақа, ташкилот ва алоҳида шахснинг белгиланган социал-иктисодий мақсадларига самарали эришиш имконини берадиган ўз инновацион сиёсатини ишлаб чиқиши лозим.

Инновацион соҳада стратегик ва тактик чоралар тизимини ишлаб чиқиши фақат илмий асосда амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли фаол ҳаракат қилаётган ҳар бир шахс, у қайси фаолият соҳасида банд бўлмасин, фан ва техниканинг ривожланиш умумий қонуниятлари; янгиликларни самарали кўллаш усуллари ҳакида тасаввурга эга бўлиши, янгиликлар киритиш назарияси, инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш амалиётини, яъни инновацион стратегиянинг асосий қоидаларини, шунингдек, мос келувчи даражада инновацион сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш хусусиятларини билиши зарур.

“Инновацион иқтисодиёт” фанининг обьекти – Ўзбекистонда замонавий инновациянинг асосий масалалари, унинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, такомиллаштириш мумкин бўлган йўналишлари ҳисобланади.

Мазкур фанининг предмети – инновацияларнинг жамият ривожланишидаги ўрни ва роли, фан-техника тараққиёти қонуниятлари, янгиликлар яратиш ва ўзлаштириш жараёни, янгиликлар киритишнинг ҳаётйлик даври, инновацияларни таснифлаш тамойиллари ва функциялари ҳамда инновацион фаолият инфратузилмаси ҳисобланади.

Фан-техника тараққиёти суръатининг тўхтовсиз ўсиши ва динамиклиги билан тавсифланадиган инновацион иқтисодиётда кадрлар тайёрлашнинг асосий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади. Бу эса, ўз навбатида, профессионал кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни самарали амалга ошириш имконини берадиган мос келувчи таълим тизимини шакллантириш кўзда тутилган инновацион сиёсатни талаб қиласди.

“Инновацион иқтисодиёт” фанида инновацион сиёсат мақсадлари ва вазифаларига, унга таъсир кўрсатувчи омилларга, корхона, минтақа ва давлат миқёсида инновацион сиёсат амалга ошириш усулларига, уни ишлаб чиқиши тамойиллари ва мавжуд инновацион сиёсатни таҳлил қилиш усулларига, инновацион сиё-

сатни амалга оширишнинг амалий масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

“Инновацион иқтисодиёт” фанида давлат миқёсида инновацион фаолиятни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш асосий тамо йиллари ҳамда миллий инновацион тизимлар шакллантириш ва фаолият кўрсатиши борасида хориж тажрибалари ўрганилади.

Фаннинг предметини ташкил қилувчи энг асосий муаммо ва масалалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга кўмаклашувчи инновацион сиёсат;
- инновацион товарни яратиш жараёни ва унинг босқичлари
- бозор тузулмасининг янги технологияларни ривожлантиришга таъсири;
- инновацион фаолиятнинг бугунги инфратузилмаси;
- инновацияларнинг иқтисодий аҳамияти;
- инновацияларнинг соҳалар бўйича турлари;
- саноатда инновацион моделлар;
- илмий техника тараққиёти ва уни бошқариш;
- интеллектуал капитал, интеллектуал мулкни шакллантириш ва бошқариш;
- Ўзбекистон миллий инновацион тизими;
- инновацион маркетингда товар ва хизматларни стратегик йўналишлари;
- илмий кашфиётлар, ихтиrolар ва лицензиялаш;
- патентлар ва патент ахборотларини излаш;
- саноат намуналари, бренд ва селекция ютуқлари инновацион ривожланишнинг бошқарув объекти сифатида;
- инновацион иқтисодиётда менежмент стратегиялари;
- инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими;
- инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми;
- инновацион гоялар, ишламалар ва технологияларни амалга оширишда кластер усулларини кўллаш зарурияти.

Юқоридаги ва бошқа саволлар миллий иқтисодиётнинг тараққий этишида инновацияларнинг ролини очиб беради.

Фаннинг мақсади – таълим олаётганларга миллий иқтисодиётни инновацион тизимда саноат корхоналарининг эгаллаган ўрнини

тавсифлаш, иқтисодиёт ва ахолининг саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва саноатда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий масалалари тўғрисида назарий билимларни шакллантириш ва амалиётта татбиқ этиш кўнимасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу максадга эришиш учун “Инновацион иқтисодиёт” фани – талабаларни назарий билимлар, амалий кўнималар, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларни бажаради.

Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, исталган билимлар доимо тўлдириб ва муқаммаллаштириб борилмас экан, эскириб қолиши ҳамда жамият ва алоҳида корхоналар ҳаётида вужудга келувчи турли хил вазифаларни ҳал қилишга ярамай қолиши мумкин. Гап шундаки, фан-техника ва иқтисодиётнинг ривожланйши қўшимча билимлар чегарасини кенгайтиради ҳамда кадрларнинг ҳозирги кун талабларига жавоб берувчи билим, кўникма ва малакага эга бўлишларини талаб қиласди.

Шу сабабли олинган ахборотлар ва билимлар билан чекланиб қолиш ярамайди. Уларни доимий равишда тўлдириб, фан ва хўжалик амалиётининг сўнгги ютуқлари асосида ривожлантириб бориш лозим. Олинган билимлар факат шу асосдагина амалиётда қўлланниб, жамиятнинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланishi мумкин.

“Инновацион иқтисодиёт” фан сифатида бошқа иқтисодий фанлар билан, жумладан, “Иқтисодиёт назарияси”, “Микро ва макроиқтисодиёт”, “Индустрисал иқтисодиёт”, “Корхона иқтисодиёти” ва иқтисодиётта оид бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқ.

Бугунги кунда иқтисодиётта оид фанларни жамият ҳаётида рўй берётган иқтисодий жараёнларни-техника ва технологиялар борасида рўй берётган янгиликларни билмасдан ўрганишнинг иложи йўқ. Фан-техника тараққиёти шароитларида техника ва технологияда жадал суръат билан юз берётган ўзгаришлар нафақат ишлаб чиқариш хусусиятларида, балки айирбошлиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижаларида ҳам акс этади ва шу сабабли мазкур фанни ўрганишда ҳисобга олинмаслиги мумкин эмас.

Шу сабабли бўлажак мутахассиснинг иқтисодий фикрлаш доирасини кенгайтириш ва унинг миллий иқтисодиётда ўз ўрнини топишини шакллантирувчи бошқа иқтисодий, техникавий ҳамда технологик фанлар мажмуасини ҳам билиши талаб қилинади.

“Инновацион иқтисодиёт” фанини ўрганишнинг умумий усули— билишнинг диалектик усули хисобланади.

“Инновацион иқтисодиёт” фанининг методологик асоси — бу иқтисодиёт назариясидир. У нда мамлакатнинг социал йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида амал қилувчи ривожланиш йўналишлари ва қонуниятлари, жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига ўтишнинг асосий тамойиллари акс этган.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг амалиёти шундан далолат берадики, уларнинг аксарияти юкори касб малакасига ва ўз соҳасида чукур билимга эга кадрлар эвазига юкори даромадга ва ишлаб чиқариш имиджига эга бўлишмоқда.

Шу сабабдан ҳам, миллий иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган мутахассислар ўзларининг иқтисодий фикрлаш доирасини кенгайтиришлари учун бошқа иқтисодий, техникавий ҳамда технологик фанлар мажмуасини ҳам билишлари мақсадга мувофиқдир.

## Таянч иборалар

Иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, инфратузилма, социал инфратузилма, фан, техника, самарадорлик, иқтисодий барқарорлик, рако-батчилик, бошқарув, талаб, таклиф, фаннинг объекти, фаннинг предмети, фаннинг мақсади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий фанлар ва айнан “Инновацион иқтисодиёт” фани жамият кадрларининг шаклланишида қандай роль ўйнайди?
2. “Инновацион иқтисодиёт” фанининг обеъктинима?
3. “Инновацион иқтисодиёт” фани ёрдамида қандай қонунлар ва қонуниятлар ўрганилади?

4. “Инновацион иқтисодиёт” фаниқандай фанлар билан чамбар-часбоғлик?
5. Рақобатчилек хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қай тарзда таъсир ўтказади?
6. Иқтисодий сиёsat, иқтисодий мухит ва иқтисодий фанлар нинг ўзаро алоқаларини кўрсатиб беринг.
7. Иқтисодий фаолиятга даҳлдор мутахассис қандай хислат-ларга эга бўлиши лозим?



## **2-мавзу. Иқтисодиётда инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари**

**Режа:**

- 2.1. Инновациялар харакати, унинг ҳаётийлик даври ва босқичлари.**
- 2.2. Иқтисодиётда инновацион бозорни бошқариш услубияти, инновацион жараённинг гепотезалари.**

### **2.1. Инновациялар харакати, унинг ҳаётийлик даври ва босқичлари**

Иқтисодиётнинг замонавий янги техника технологиялар ноу-хуулар яратилиши ва амалиётта кўлланилиши натижасида иқтисодий ўсишни тъминловчи омиллардан бири бу инновациядир. И.Шумпетер таъкидлаганидек, инновацион фаолият ишлаб чиқаришнинг “мутацияси” сифатида иқтисодиётда янги кўшилган қийматни яратади ва бу жараён техник тараққиёт натижалари ҳамда унинг элементларининг иқтисодиётта жорий этилиши оқибатида юз беради. Иқтисодиётда инновацион фаолиятнинг энг муҳим характеристли жихатларидан бири бу инновациялар харакати моҳиятини кўрсатиш, шунингдек унинг яратилиши (тарқалишидан тортиб) то унинг натижадорлигигача бўлган барча жараён ҳамда босқичлардан иборат бўлади. Инновациялар пайдо бўлиш жараёнини ўрганишда инновацияларнинг тарқалиш жараёни – диффузияси муҳим аҳамиятга эга. Машҳур америкалик олим Э.Роджерснинг фикрига кўра диффузия – бу маълум вақт давомида жамият аъзолари ўртасида маълум ижтимоий тармоқлар (таниш билишлари, қариндошлар) орқали инновацияларнинг тарқалиши (харакати) ҳисобланади<sup>9</sup>. Биринчи марта бу тушунча XIX асрда француз социологи Г.Тард томонидан таклиф этилган. 1950 йилда швед географи Т.Хагерстанд социал иқтисодий ҳодисалар диффузия жараёнини қишлоқ ху-

<sup>9</sup>Роджерс Э. М.. Диффузия инноваций, 4-е издание., Нью-Йорк, 2010, 518 стр.

дудларида ўрганди ва Монте-Карло усули асосида бу жараённи моделлаштириди. Инновациялар (тарқалишининг) ҳаракатининг хар хил намоён бўлыш вариантлари мавжуд<sup>10</sup>:

1. Инновациялар ташувчисининг (одамнинг) инновацияларни осонроқ ва тезроқ жорий этиш имконияти юқори бўлган худудларга миграция қилиниши натижасида;

2. Инновацион(информацион) янгилик яратиш тўлқинининг энг яхши молиявий ва информацион ресурсларга бой жойларга кўчиши оқибатида;

3. Инновацияга талаб жуда катта бўлган жойга (амалиётга) жорий этилган инновациянинг диффузия натижасидаги кўчиб юриши қўринишида.

Э.Роджерснинг “Инновациялар диффузияси” асарида диффузияни тадқиқ этишдаги асосий элементлар – бу яратилган янгиликлар (инновациялар), коммуникация тармоқлари, вакт(инновация бўйича қарор қабул қилиниш даври) ва ижтимоий тизим ҳисобланади. Э.Роджерс инновацияларнинг инсонлар томонидан қабул қилиниши ёки рад этилишига таъсир этувчи бир нечта омилларни ажратиб кўрсатади. Буларга:

1. Нисбий устунлик(бошқа худди шундай ўхшаш маҳсулотлардан устунликлари).

2. Анъанавий тизимга мос келиши (инновацияларнинг индивидлар қадриятларига мос келиши).

3. Янги маҳсулотнинг фойдаланишдаги кулайлиги.


4. Инновацияни текширишнинг осонлиги (ҳақиқатан ҳам янги ва бошқалардан фарқли эканлиги).

5. Инновациялар устунлигини ёритиб бериш осонлиги ва қулайлиги.

Иқтисодиётда инновациялар жамият ривожланиши асосий қонунларини амалга оширишнинг зарурй элементи, уни ривожланиши ва динамик шарти ҳисобланади. Жамиятда ташкилотнинг ривожланиши улар фаолиятининг барча жабхаларига дахлдор бўладиган хилма-хил инновацияларни ўзлаштириш йўли билан фаолият юритади. Шунинг учун ҳам, инновациялар янги ғояларни қидиришдан тортиб, уларни фойдаланишгача (сотилиши ва тарқатилишига-

<sup>10</sup> Бабурин В. Л. Инновационные циклы в российской экономике. М.: КРАСАНД, 2010. 216 с.

ча) бўлган вактдаги фаолиятнинг барча босқичлари йигиндисини ҳисоблаш учун “инновацион давр”, яъни “инновацион цикл” тушиунчасидан иборат бўлади. Уни икки йўналишга ажратиш мумкин. Биринчи йўналишда инновацияларда янгиликни яратиш босқичи, шунингдек, янги гояларнинг пайдо бўлиши, гояларнинг ишланиши ёки шаклланиш босқичи ҳамда янгиликларни экспремент асосида ўзлаштириш босқичларидан иборат бўлади. Иккинчи йўналишда эса, инновацияларнинг ҳаётий циклини ўз ичига олиб, бунда инновацияларнинг бозорга кириши, уларнинг тижоратлашуви (сотилиши) ва диффузия фазасида, шунингдек, яратилган инновацион товарнинг баркарор сотилиши рутинизация фазасидан ҳамда энг асосийси янги яратилган товарни истеъмолда кенг тарқалиб, анъанавий маҳсулотта айланиш жараёнларини ўз ичига олади. Инновацион циклни куйидаги расмда ҳам кўриш мумкин. (2.1.1-расм).



**2.1.1-расм. Инновацион цикл схемаси.**

Шунингдек, айрим иқтисодчилар иқтисодиётда инновацион фаолият ҳаракатининг ҳам ҳәётийлик даври (цикли)ни тўртта босқичга (циклга) ажратади. Инновацияларнинг тарқалиши ҳаракатининг ҳәётийлик даври инновацияларнинг пайдо бўлишидан да-вомли фойдаланишгача (рутинизация) жараёнида содир бўлиб, бу босқичлар умумий ҳолда қўйидагича тавсифланиши мумкин<sup>11</sup>.

**Биринчи босқич.** Фоянинг яратилиши – бу босқичда бозор талабига мос келувчи инновацион маҳсулот ёки жараён ҳақида бошланғич тушунчалар яратилади.

**Иккинчи босқич.** Берилган инновацион foяни тор экспериментал доираларда ўзлаштириш. Бу босқичда инновацияларни текшириш ва синаб кўриш орқали керакли ўзгартиришлар кири-тилади.

**Учинчи босқич.** Инновацияларнинг тарқалиши, диффузияси-ни рўй бериш жараёнида мухитта мослаша олиши ёки рад этилиши амалга ошади. Инновацияни ўзлаштириш мураккаб жараён бўлиб, унга тўртта асосий омил таъсир қиласди:

- а) инновацион жараённинг хусусиятлари;
- б) янги технологик жараённинг ишлаб чиқариш шароитларига мослашиш талаблари;
- в)худди шундай ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфра-тузилмасига талаблар;
- г) қабул қилувчи корхонанинг жойлашган жойидаги шарт-шароитлар.

**Тўртинчи босқич.** Бу сўнгги босқич бўлиб, инновациялар аниқ маҳсулот ёки жараён шаклида ҳар хил мухитларда жорий этилади. Бу маҳсулот ва хизматларга талаб кучли бўлиб, ишлаб чиқариш кенгайиб боради.

Шунингдек, инновациянинг ўзига хос характерли хусусияти ҳам мавжуд. Кўпгина илмий давраларда инновация жараёни чизиқли ва чизиқли бўлмаган ҳодиса сифатида қабул қилинади. Чизиқли инновацион жараён – бу илмий билимнинг инновацияларга (янгилик яратилиши ва амалиётга қўлланилиши) ўтиши билан бора-диган жараён ҳисобланади. Инновациянинг бу жараёни икки фаза-ни ўз ичига олади. Биринчи фаза бу бозорга чиқариш учун тайёр янги маҳсулотни яратиш жараёни ҳисобланади. Иккинчи фаза эса

<sup>11</sup>Носов А.М. Теория диффузии инноваций и инновационное развитие регионов России, Псков, 2015 стр.8

янги маҳсулотни сотиш жараёни сифатида инновацион маҳсулотни ишлаб чиқаради ва истеъмолчилар ўртасида кенг ташвиқот қиласди. Чизикли бўймаган ҳодиса сифатида инновацион жараён бу бозор талабини хисобга олмасдан, аммо инновацион жараён барча талабларга мос келиши билан ифодаланади. Инновациянинг муҳим хусусияти сифатида Э.Шумпетер эътироф этган инновацион жараён учхил шаклда учрайди.

1. Корхона ташкилотларнинг ички инновацион жараёнлари. Бу инновацион жараёнлар корхона ва ташкилотлар ичида фойдаланилиб товар шаклини олмайди;

2. Корхоналар ва ташкилотлар ўртасида айланадиган инновацион жараёнлар. Бунда инновациялар товар кўринишига эга бўлиб олди-сотди жараёнида иштирок этади.

3. Кенгайтирилган инновацион жараён – янги ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлиши, монополист ишлаб чиқарувчи монополиясининг бузилиш ва янги корхоналарнинг бозорга кириб келиш жараёни кузатилади.

## **2.2. Иқтисодиётда инновацион бозорни бошқариш услугубияти, инновацион жараённинг гепотизалари**

Инновацион иқтисодиётнинг моҳиятини очиб бериш энг аввало инновацион бозорнинг моҳиятидан келиб чиқади. Иқтисодий адабиётлардан маълумки, бозор бу – ишлаб чиқариш ва истеъмол манфаатларининг мос келтиришнинг ўзига хос воситасидир. Унда асосий ўринни харидор (мижоз) эгаллайди) сотувчининг мажмурияти – ўз мижозларининг эҳтиёжини қондиришдир. Бозорда қўйидаги шартларга риоя этиш талаб этилади:

1. Эркин рақобат. Бунда бозорнинг барча қатнашчилари ўз маҳсадларига эркин ортиқча тазийиқларсиз эришишга ҳаракат қилиши билан ифодаланади.

2. Махсулотнинг сифати ва истеъмолчилар хавфсизлиги бўйича белгиланган қоидаларга риоя қилиш.

3. Истеъмолчими эркин танлаш имкониятининг мавжудлиги.

Шундай экан, инновацион бозор – инновацион маҳсулотни (янги ғоя, янги технология, янги лойиҳа ва ҳоказолар) олди - сотди қилинадиган жойни билдиради.

Шунингдек, бундай бозорда инновацион маҳсулот яратувчиси ва харид қилувчилари ўртасида иқтисодий муносабатлар фаоллашади, янги яратилган инновацион маҳсулотнинг мақсадли тарқалиши таъминланади.

Инновацион бозорнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилар ҳисобланади:

1. Инновацион маҳсулотнинг юқори сифат даражасининг кафолатланганлиги, маҳсулотнинг ишончлилиги ва унинг бозорининг барқарорлиги.

2. Инновацион маҳсулотнинг бозордаги талаб ва таклиф қонуниятига мос фаолият юритиши. Бунда таклиф ҳажми нархларнинг ошишида кўпайиши ва аксинча.

3. Инновацион маҳсулотга бўлган талаб мавсумийлик тебранишларига боғлиқ эмаслиги.

4. Инновацион маҳсулот ва унинг эҳтиёжнинг қондирилиш даражаси инсондаги интеллектуал онг, билим ва ақлий қобилиятга боғлиқ эканлиги.

Инновацион бозорда инновацион жараёнларнинг моҳиятини куйидаги иккита гипотеза бўйича асослаш мумкин:

1. “Технологик туртки” гипотезаси (илм-фандан>бозорга).
2. “Бозор талаби босими” гипотезаси (бозор талабидан>илм-фангга).

“Технологик туртки” гипотезаси ўз навбатида илмий ғоялар ривожланиши амалий билимларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланади ва бозор билан илмий-техник прогресс ўртасида боғланиши кучсиз деган тахминларга асосланади. Бу гипотезага асосан инновацион жараён чизиқли модель сифатида қабул қилинади, яъни гонинг товарга айланishi жараёни босқичма-босқич амалга ошади. Бу босқичлар: фундаментал (назарий) ва амалий тадқиқотлар, тажриба конструкторлик ишланмалари, маркетинг, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобланади.

Бу гипотезага кўра фундаментал (назарий) тадқиқотлар ҳажмининг кўпайиши илмий -техник ишланмалар ҳажмини оширади ва бу ўз навбатида уларнинг сони ошибб, инновациялар жараённинг шаклланишига олиб келади. (2.2.1 - расм).



## 2.2.1 расм. Инновацияларниң шаклланиш жараёни.

Масалан, ўтган асрда АҚШ ва собиқ СССР ўртасида юз берган қуролланиш пойгасида бу гипотезанинг амалий аҳамияти ўз исботини топған. Ҳозирги кунда, дүненинг күпгина давлатларида инновацияларни яратишнинг бу усули катта харажатлар талаб қилиши сабаб қўлланилмайди.

Фундаментал тадқиқотларда инновация жараёнининг ўзаги яратилади, аммо, одатда, уларда амалий муаммоларга тўғридан-тўғри ечим топилмайди. Фундаментал тадқиқотлар натижалари илмий билим, ғоялар ва илмий билим кўринишида бўлиши мумкин. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, фундаментал тадқиқотларнинг 90 фоиз муваффакиятсизликка учрайди, 10 фоизи ижобий натижа беради ва 3 фоизигина амалиётда қўлланилади. Амалий тадқиқотларда фундаментал (назарий) билимлар асосида тажрибалар, тестлар ўтказилади. Бу тажрибалар натижаси патентлар, илмий мақолалар кўринишида бўлади.

Бозорга янги маҳсулот билан кириб боришда йирик корхоналарда бозорни ўрганиш ва маҳсулотни сотиш учун маҳсус гурӯхлар ташкил этилади. Маркетинг ва сотиш босқичлари инновацион жараён натижаларини сотиш билан боғлиқ.

Бу моделнинг устунликлари билан бирга камчилик томонлари ҳам бор. Масалан, инновациялар ҳар доим ҳам фундаментал тадқиқотлар ва ихтиrolар натижасида пайдо бўлмайди. Ҳозирги кунда кўпроқ бозор талаби инновациялар яратилишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, инновацияларнинг келиб чиқиш манбаларига кўра 60 фоиз бозор талабидан, 25 фоиз технологиялардан ва 15 фоиз номаълум манбалардан келиб чиқсанлиги аниқланган.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион жараёнининг чизиқли модели бозор таъсири ва инновацион жараёнлар элементлари ўртасида юз берадиган мураккаб жараёнларни инобатта олмайди.

“Бозор талаби босими” гипотезасида инновацион жараёнларга бўлган эҳтиёж бозор талаби орқали шакланади деб қаралади. Янги гоя инновацион жараённинг исталган босқичида пайдо бўлиши мумкин, яъни фундаментал тадқиқот таъсирисиз ҳам юз бериши мумкин ва инновацион жараённинг барча қатнашчилари: тадқиқотчилар, ишлаб чиқарувчилар, инвесторлар ва тадбиркорлар инновацияни яратишда бирлашишлари лозим, деб ҳисобланади.

Инновацион жараён босқичлари ҳам ўзаро таъсирилашади, бир нактнинг ўзида лойихалаштириш, маркетинг ва ишлаб чиқариш жараёнлари амалга ошади. Тадқиқотларнинг натижалари инновацион жараённинг турли босқичларида турлича фойдаланилади. Шу билан бирга лойиҳа менежерлари ва истеъмолчиларнинг роли ҳам инобатга олинади.

Юқоридаги икки гипотезаларни бирлаштириш натижасида чизикли бўлмаган инновацион жараён моделини келтириб чиқариш мумкин. Унга кўра давлат инновацияларни ривожлантиришни илмий-техник соҳаларни молиялаштириш орқали қўллаб-кувватлайди. Бизнес инкубаторларда ва бошқа инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулоти бозорга чиқиши учун сунъий бозор талаби яратилади.

## Таянч иборалар

Инновацион фаолият, қўшилган қиймат, диффузия, гоя, гипотеза, лойиҳа, маҳсулот, тежамкорлик, технология, иқтисодий ҳолат, интеграция, қонуниятлар.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. “Инновациялап диффузияси” тушунчасини ёритинг.
2. Инновацияларнинг тарқалиши босқичларини айтинг.
3. Илмий-технологик ривожланишда иқтисодий ҳолат қандай баҳоланади?
4. Маҳсулотнинг ҳаёт босқичлари ва технологияларнинг интеграллашган ривожланиши ўртасидаги қонуниятларни тушунтиринг.

### **З-мавзу. Инновацион иқтисодиётнинг илмий - услугий асослари**

#### **Режа**

**3.1. Инновацион иқтисодиётда инновацион фаолият ва инновацион инфратузилма зарурлиги, вазифалари ва аҳамияти.**

**3.2. Инновацион иқтисодиётда инновацион инфратузилма турлари.**

**3.3. Инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва уни кўллаб-куватлашнинг илмий услугий асослари.**

#### **3.1. Инновацион иқтисодиётда инновацион фаолият ва инновацион инфратузилма зарурлиги, вазифалари ва аҳамияти**

Республикамида инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва инновацион фаолият яратиш учун инновацион инфратузилмани шакллантириш мухим ҳисобланади. Ушбу жараённи амалга ошириш инновацион иқтисодиётни қўйидаги тизим (занжир) асосида: “Инновация –инновацион фаолият – инновацион инфратузилма – инновацион тадбиркорлик” фаолият юритиши учун шарт-шароит яратади.

Мамлакат иқтисодиётини инновацияга асосланган холда ривожланишда ҳамда унинг ички ва ташки бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашда инновацион фаолият мухим ҳисобланади. Инновацион фаолият дейилганда, корхона ва ташкилотлардаги иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва бошқа йўналишлар асосида янги ғоя ва фикрларни жорий этиш натижасида самарадорликни ошириш жараёнидан иборатdir.

Республикамиз иқтисодиётида инновацион фаолият мавжуд бўлиши қўйидагиларни талаб этади. Жумладан:

- корхоналар амалиётида инновацион замонавий илмий билим ва қўнгурлар асосида фаолият йўлга қўйилганда;
- инновацион ишланмаларни бозор иқтисодиёти талаблари асосида тижоратлаштириш амалга оширилганда;

- корхоналарда янги гоя ва фикрларни яратувчи интеллектуал илмий салоҳиятни янги маҳсулот (хизмат кўрсатиш)ни амалга оширишга йўналтирилганда;
- корхона ва ташкилотларда илмий-техника гояларини шакллантиришга асосланган инновацион жараёнларнинг бевосита бошқарув жараёнини қамраб олганда;
- корхона ва ташкилотларда истеъмолчилар эҳтиёжлари асосида янги гояни амалиётга татбиқи бўйича тезкор инновацион цикл яратилганда ва шу кабиларда намоён бўлади.

Инновацион иқтисодиётнинг илмий-услубий асосларини моҳиятини баён этиш инновацион фаолият билан бирга бевосита инновацион инфратузилма билан боғланган. Инновацион инфратузима дейилганда шундай ташкилот ва корхоналар мажмуаси тушуниладики, улар инновацион гоя, янгилик ва инновацион фаолиятни амалиётга амалга оширишни ижрочиси ҳисобланади. Ўндай ташкилот ва корхоналар мажмуаси жумласига илмий-техникавий ташкилотлар, таълим ишлаб чиқариш ташкилотлари ва бирлашмалари, технологик инкубаторлар, технопарклар, ишчи ўкув марказлари, венчур ва инновацион фондлар ҳамда инновацион марказлар ва бошқалар ҳисобланади. Инновацион инфратузилма субъектларининг асосий бош мақсади, инновацион фаолиятни ҳамда илмий тадқиқот иши натижаларини янги инновацион гояларни амалиётта татбиқ этишдан иборатdir.

Инновацион иқтисодиётда инновацион инфратузилма олдида турган вазифалар, қўйидагилар ҳисобланади:

1. Инновацияга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, рако-батни ривожлантириш.
2. Илм-фан эҳтиёжи юқори бўлган ишлаб чиқариш корхоналарида, тармоқларида (секторларида) самарали фаолиятини ташкил этиш.
3. Истеъмолчилар талаблари асосида ўта муҳим бўлган технологик жараёнларни шакллантириш.
4. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани модерниза-циялаш.
5. Инсон капиталини самарадорлигини ошириш иқтисодиётнинг муҳим йўналиши сифатида инновацияга асосланади ва креативлиги юқори бўлади.

6. Илмий тадқиқот инновацион лойиҳаларини (бирон бир бошқарув тузилмасига бўйсунмайдиган, турли авторитар топшириклардан ҳоли бўлган) шаффоф экспертизасини амалга ошириш.

7. Инновацион иқтисодиётни тартибга соладиган қонунчиликни такомиллаштиришни йўлга кўйиш.

Инновацион иқтисодиётда инновацион инфратузилмани мавжуд бўлиши қуидаги янги иқтисодий имкониятларни яратади:

1. Мамлакат иқтисодиётини инновацион асосда ривожлантириш ва натижада кўплаб ижтимоий ва ресурс таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш.

2. Корхона ва ташкилотлар ҳамда истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чикиб, янги инновацион замонавий маҳсулотларнинг турларини кўпайтириш.

3. Републикада тармоқ ва соҳаларда ишлаб чиқарилаётган (хизмат кўрсатилаётган) маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобат-бардошлигини ошириш.

4. Республика иқтисодиётини жаҳон бозоридаги жозибадорлигини кучайтириш ва бошқалардан иборат.

### **3.2. Инновацион иқтисодиётда инновацион инфратузилма турлари**

Инновацион иқтисодиётда инновацион инфратузилма ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланишининг юқори даражага эришишини таъминлайди ҳамда мўътадил иқтисодий ўсиш суръатларига олиб келади. Замонавий иқтисодиётда инновацион инфратузилманинг бир неча турларига амал қилиб, улар қуидагилардан иборат:

1. Молиявий инновацион инфратузилмаси.

2. Ишлаб чиқариш ва технологик.

3. Ахборот таъминоти.

4. Кадрлар тайёрлаш.

5. Эксперт – консалтинг.

6. Товарлар (ресурслар) таъминоти ва бошқалардан иборат.

Республикамиз иқтисодиётида инновацион инфратузилма (турлари) нинг ўртасидаги муносабатлар қуидагиларда намоён бўлади. 3.2.1-жадвалда маълумотлар келтирилган.

## Инновацион инфраструктуранынг умумий тузилмаси

<b>Инновацион инфраструктулары</b> <b>Ишлаб-чыкарыш-технологик таркиби</b>	<b>Эксперт - консультант</b>	<b>Молиявый</b>	<b>Кадрлар табигатын</b>	<b>Ахборот табминоти</b>	<b>Товарлар (махсулоттар) табминоти</b>
<b>Инновация ва технология марказлари ва технопарклар</b>	<b>Трансфер-технологик марказлар</b>	<b>Бюджет маблагтары буйича</b>	<b>Инновациялар сөзбеси учун кадрлар табигат, малжасыни ошириши</b>	<b>Илимий-техникавий ахборотнинг давлат тизими</b>	<b>Ташки савдо учошмалари ва бирлашмалари</b>
<b>Инновациян саноат маҳмудалари</b>	<b>Иктисолидёт ва молиявый маслаҳат марказлари</b>	<b>Технологик ривожинини бюджет ва бюджетдан ташки маблаглары буйича</b>	<b>Технологик менежмент сөзбеси учун мутазакосислар тайёрлаши</b>	<b>Кичик бизнесни күллаб-куватлоччи ресурслар тузилемаси</b>	<b>Ихтисослашган воситали фирмалар</b>
<b>Технологик классерлар</b>	<b>Технологик консалтинглар</b>	<b>Вечур фондлари</b>	<b>Мингавий ахборот (сеть) гармоклари</b>	<b>Интернет</b>	<b>Кургазама</b>
<b>Техника-технологияни жорий этиш зоналари</b>	<b>Маркетинг маслаҳат консалтинги</b>	<b>Экин экиншага ажратиладиган маблаглар ва бошланғич маблаглар</b>			
<b>Юқори технологиялар (ускунайларни) жамоавий фойдаланиш марткази</b>	<b>Ташки иктисолидий фоалият сөзбеси консалтинги</b>	<b>Кафолатланган таркиб ва фондлар</b>			

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хар бир инновацион инфратузилма зилмасининг моҳиятини кўриб чиқамиз:

1. Ишлаб чиқариш – технологик инновацион инфратузилма ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни ресурсларни келтириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш учун мўлжаллангандир. Булар га, бугунги кунда амал қилаётган технопарклар, инновацион технологик марказлар, ишлаб чиқариш обьектлари, бизнес ва техник инкубаторлар ҳамда инновацион технологик комплекслар саноат парклари ва технологик кластерлар ҳамда техник инновацион зоналардан ташкил топади.

2. Эксперт консалтинг инфратузилмаси иктисадиётда соҳа ва тармоқ учун муҳим бўлган иктисадиётни узлуксиз ривожланишини таъминловчи профессионал маслаҳатлардан фойдаланиш имкониятини беради. Булар жумласига, технологияларни узатиш марказ (офис)лари, ихтинослаштирилган ўқув муассасалари, юридик маслаҳат компаниялари, ихтинослаштирилган давлат органлари, бюджет ва бюджетдан ташқари, миллий, хорижий қўшма фондлар. Бундай эксперт консалтинг инфратузилмаси барча соҳалар (тармолар)да мулк хукуқини, ўқув тизимини, бошқарув соҳасини инновацион амалга оширишга шарт-шароит яратади, айниқса, олий ўқув юртларида эҳтиёж асосида инновацион вазифаларни амалга оширадиган янгиликларни яратади оладиган кадрларни тайёрлаш бўйича маслаҳатларни амалга ошириш имкониятини яратади.

3. Молиявий инновацион инфратузилмада турли йирик ва кичик ҳажмдаги субъектларга молиявий ресурсларни таъминлашнинг янги имкониятларини яратиб беради. Бундай субъектлар жумласига давлат ва нодавлат молиялаштириши фондлари, венчур фондлари, бизнес – ангель фондлари ҳамда халқаро лойихаларни киритиш мумкин.

4. Кадрлар тайёрлаш инновацион инфратузилмаси инновацион фаолият соҳасининг барча йўналишлари учун юқори малакали инновацион ғояларни яратади оладиган илмий тадқиқот, тажriba-конструкторлик ишларини ҳамда мулқдорларнинг хукуқларини ҳимоя қила оладиган малакали соҳа мутахассисларни тайёрлашни амалга оширади. Бундай инфратузилма субъектларига олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари, тажriba –конструкторлик ташкилотлари, маркетинг компаниялари, молия-кредит муассасалари,

шунингдек инновация фаолият соҳаси бўйича маҳсус ўқувни ташкил этувчи ташкилотлар ва бошқа айрим давлат бошқарувидағи шу йўналишда мутахассис тайёровчи органлардан ташкил топади.

5. Ахборот таъминоти инфратузилмаси жумласига инновация соҳаси учун маълумотларни шу соҳани қизиқтирувчи иштирокчиларга ўз вақтида ва малакали етказиб берувчи турли ташкилот (сеть)лар фаолиятидан иборатdir. Мазкур субъектлар қўйидагилардан иборат, илмий - техник информациялар-нинг давлат марказлари, кичик бизнесни қўллаб-куватловчи тузилмалар, марказлар, давлат ва худудий ахборот тармоқлари, илмий-амалий, жорий нашриётлар, давлат ва хусусий инновацияга йўналтирилган интернет сайтлари ресурслари ва бошқалардан иборат.

6. Товарлар-ресурслар таъминоти инновацион инфратузилмаси жаҳон бозорида инновациён маҳсулотларни ҳаракатини таъминлайдиган хамда уни яратувчилар учун барча имкониятларни таклиф этувчи масъуллар ҳисобланади. Бундай инновацион инфратузилма кўпинча муаммоларни бозорга жамоа асосида чиқиш тузилмасини яратиш жиҳатлари билан характерланади. Бундай инфратузилма субъектлари қўйидагилардан иборат:

- савдо – саноат палаталари;
- ҳалқаро ва тармоқ савдо бирлашмалари;
- ихтисослашган маҳсулотларни етказиб берувчилар ва бошқалардан иборат.

### 3.3. Инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-куватлашнинг илмий услубий асослари

Инновацион иқтисодиётнинг илмий услубларини баён қилишда инновацион тадбиркорлик уни ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш мухим ҳисобланади. Бундай фаолият асосан инновацияни яратувчи инсонларнинг фаолиятидан ташкил топади. Инновацион иқтисодиётда инновацион инфратузилма тадбиркорлиги дейилганди, шундай тузилма тушуниладиқи, бунда инноваторлар ва тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини самарали ва рационал ташкил этиш учун шароит яратувчи ташкилот тузилмалари (уюшмалар, марказлар ва ҳоказолар) фаолиятидан иборат бўлади.

Бундай тузилмаларда инновацион ишбилиармонлик ва тадбиркорлик бош мақсад бўлиб, шу асосда инновацион инфратузилмаларнинг самарали фаолияти йўлга қўйилади. Бугунги кунда инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-куватлашда инновацион инфратузилманинг асосий фаолият белгилари ўзига хос фарқли жиҳатлари ҳамда фаолиятни амалга оширувчи турларини моҳиятини очиб бериш мақсадга мувофиқидир.

Булар куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Фаолия йўналишлари бўйича:

- институционал;
- бозор;
- ижтимоий (социал);
- ташкилий;
- коммуникацион;
- эксперт консалтингли.

2. Қайси ресурслардан фойдаланиш даражаси бўйича:

- ишлаб чиқариш технологик;
- молиявий;
- ахборотли;
- кадрлар тайёrlаш.

3. Инфратузилма бўғинлари (звенолари) бўйича:

- таълим;
- технополисли;
- инновацион кластерли.

4. Инфратузилма обьектларининг типлари бўйича:

- чизикли (ахборот алоқалари бўйича);
- аниқ йўналтирилганлик даражасига қараб (лаборатория полигонлари, олий ўкув юртлари бўйича).

5. Иқтисодиёт субъектлари даражаси бўйича:

- ҳалқаро даражадаги;
- мамлакат (тармок, регион);
- иқтисодий зоналар бўйича;
- маъмурий территориал комплекслар бўйича;
- саноат тугунлари бўйича;
- саноат бирлашмалари (корхоналари).

6. Иқтисодиётдаги муҳит даражаси бўйича:

- макромухитдаги;
- мизомухитдаги;
- микромухитдаги.

7. Аҳолининг истеъмол талабини қондириш даражаси бўйича:

- маълум кичик жойларда аҳолининг кундалик турмуш тарзига хизмат қилувчилар;

- маълумот олишилиги бўйича;
- овқатланиши (умумий);
- бола тарбияси;
- даволаниши;
- дам олиш ва бошқалар.

8. Ижтимоий инфратузилмаси бўйича:

- меҳнат қиласиганлар;
- социал сиёсий жиҳатлари бўйича;
- социал маданий жиҳатлари бўйича;
- майорий инфратузилмалар;
- табиий мухитни ҳимоя инфратузилмалари бўйича;
- инсонлар соғлиги бўйича.

Инновацион иқтисодиётни самарали инновацион фаолият асосида ташкил этиш ва инновацион инфратузилмани шакллантириш инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-куватлашнинг тизимли амалга ошириб борилишини тақозо этади.

### **Таянч иборалар**

Иқтисодиёт, инновация, технология, салоҳият, инновацион салоҳият, инновацион ишланмалар, технологиялар трансфери, тадбиркорлик, инновацион тадбиркорлик, интеллектуал мулк, тажриба марказлари.

### **Назоратвамуҳокамаучунсаволлар**

- 1.Инфратузилма – бу нима?
- 2.Инновацион инфратузилманинг вазифаларини айтиб беринг.
- 3.Кадрлар тайёрлаш ва ахборот таъминоти инфратузилмалари ни ёритинг.
- 4.Молиявий инфратузилма хусусида нималарни биласиз?

## **4-мавзу. Инновацион фаолият инфратузилмасининг ташкилий-иктисодий механизмлари**

### **Режа**

- 4.1. Инновация фаолият инфратузилмасининг аҳамияти.
- 4.2. Инновацион фаолият инфратузилмасининг таркиби.
- 4.3. Инновациялар бозорида тадбиркорликни ривожлантиришнинг айрим масалалари.

#### **4.1.Инновация фаолият инфратузилмасининг аҳамияти**

Мамлакатимиз иқтисодиётида йирик моддий, молиявий ва интеллектуал ресурслар тўпланган. Фан-техника тараққиёти – ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётига ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг янада чукурлашига ёрдам бермоқда, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг якуний натижаларига катта таъсир кўрсатмоқда. Албатта, бундай жиҳатлар йирик индустрialiлаштирилган ишлаб чиқаришга хосдир. Унинг масштаби кенгайиб бориши давомида турли хизматларга талаб ошиб боради.

Шу сабабли, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига оптималь шароит яратишни таъминловчи ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи инновацион фаолият субъектларига зарурият туғилади. Булар умумий кўринишда инновацион фаолият инфратузилмаси дейилади. “Инфратузилма” атамаси лотин сўзидан олинган бўлиб, *infra* – куйи ва *structura* – тузилиш, жойлашиш деган маънони беради.

Инфратузилма – иқтисодий категориядир. У миллий иқтисодиётнинг таркибий қисмини ифодалаб, катта миқдорда пировард махсулот яратишга ёрдам беради. У жамиятдаги ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми бўлиб, корхоналар фаолиятининг пировард натижаларига ижобий таъсир кўрсатади. Пировард натижалар эса, инновацион инфратузилмаси тараққиёти даражасига ҳам боғлиқдир.

Иқтисодий адабиётларда инновацион фаолият инфратузилмаси субъекти деб: ишлаб чиқариш-техник, консалтинг, молиявий, кадрлар тайёрлаш, ахборот ва бошқа турдаги хизматлар күрсатувчи юридик шахслар тан олинади (4.1.1-расм).

Инновацион фаолият инфратузилмасининг муҳим вазифаларидан бири –ишлаб чиқариш ва хизмат күрсатувчи корхоналарни янгиликлар яратиш йўналишидаги функцияларидан аста-секин озод этиш ва уларга асосий фаолият билан шуғулланиш имкониятини яратищdir.


Инновацион фаолият инфратузилмаси – янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни, шунингдек, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараённи яратиш, уларни ишлаб чиқаришда ўзлаштириш (амалиётда қўллаш) бўйича хизматлар кўрсатадиган субъектлар йигиндисидир.

Инфратузилма субъектлари мустақил равишда пировард маҳсулот ишлаб чиқармасада, инновацион тадбиркорликнинг пировард натижаларга эришишларига сабабчи бўлади. Улар умумий инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ўзига хос оралиқ бўгин ролини ўтайди.

Инфратузилманинг инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш тизимидағи ўринни тавсифловчи муҳим жиҳати шундаки, у инновацион тадбиркорликни ягона мақсадли дастур асосида юқори даражада якуний натижаларга эришишга хизмат қиласди. Шунингдек, улар инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришда меҳнатнинг юқори даражада бўлишлигини таъминлайди.

Демак, инфратузилма – яхлит хўжалик организми эмас. Унинг таркибига кирувчии барча тармоқлар, ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш тизимида ўзларига хос муносиб ўринни эгаллаб, инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришга турлича таъсир кўрсатади.

Инновацион фаолиятда, бир томондан янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни, шунингдек, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараённи яратган инноваторлар турса, иккинчи томонда эса, уни қўллаш асосида янгиёки такомиллашган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган субъектлар туради. Бу субъектлар ўзаро боғлиқ ва улар ўртасида ўзига хос меҳнат тақсимоти мавжуд.



#### 4.1.1-расм. Инновацион инфратузилма умумий схемаси.<sup>12</sup>

<sup>12</sup>Abdusattarova X.M. «Innovatsiya strategiyasi» - O'quv qo'llanma - T.: TDIU, 2011.38 bet.

Бу йўсиндаги меҳнат тақсимотининг бўлишлиги жамият учун ахамиятлидир. Чунки, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараённи яратувчи инноватор ўз ишланмаларини амалиётта бевосита ўзи жорий этиш ҳамда маркетинг ишлари билан шуғулланса, янги ғоя ишлаб чиқиши жараёнининг секинлашиши ёки бутунлай тўхтаб қолиши мумкин. Шу сабабдан ҳам инновацион ғояларни ишлаб чиқарадиган субъектлар билан бир қаторда, янги ғояларни охирига етказиш билан шуғулланувчилар, яъни инновацион тадбиркорларнинг бўлиши ўта ахамиятлидир. Инновацион тадбиркорлик – инновацион фаолият инфратузилмасининг ажралмас кисмидир.

Инновацион ишланмалар устида фаолият юритадиган субъектлар – Фанлар академиясининг ихтисослашган институтлари, олий таълим муассасалари таркибидаги тажриба лабораториялари, синов тартиқасидаги ишлаб чиқариш марказлари, илмий парклар, инновацион марказлар ва бошқалар.

Инновацион тадбиркорлик билан шуғулланувчи, яъни инновацион ғояларни амалга оширувчи субъектлар – ғояни жорий қилувчи фирмалар, мухандислик марказлари, консалтинг фирмалари, реклама фаолияти билан шуғулланувчи фирмалар, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказлари, сугурта компаниялари ва бошқалар.

Инновацион тадбиркорлик – инновацион соҳанинг тадқиқотчилик-лойиҳалаш секторини иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси билан бирлаштиради.

4.1.1-жадвалда келтирилган инфратузилма турларининг айрим элементлари - ахборот хизматлари кўрсатувчи фирмалар, тажриба ва мухандислик марказлари, молиявий структуралар, патентлицензияли корхоналар мос келиши ёки умумий бўлиши мумкин.

Инновацион ғояларнинг маълум бир маҳсулот, технология ёки хизматлар кўринишига айланиши ва уларнинг сотилишида рўй берадиган ҳаракатлар – бу инновацион жараёндир. У кетма-кетлиқдан иборат занжир ҳисобланади. Бунда янгилик оддий бир

гоядан муайян маҳсулот, технология ёки хизматгача “пишиб етади”<sup>13</sup> ва хўжалик амалиётида тарқалади.

#### 4.1.1-жадвал

#### Инфратузилма элементларининг қиёсий жадвали<sup>14</sup>

Инновацион тадбиркорлик учун	Бевосита инновациялаш учун
Жорий қилувчи фирмалар	Саноат университетлари ва
Муҳандислик марказлари	халқ хўжалигининг бошқа секторлари
Инженеринг фирмалари	Тадқиқотчилик мажмуалари
Ахборот хизмати кўрсатувчи фирмалар	Фанлар академияси
Консалтинг фирмалари	Кутубхоналар ва
Реклама фаолияти бўйича фирмалар	маълумотлар тўпламлари
Банклар ва бошқа кредит корхоналари	Синов тариқасидаги ишлаб чиқаришлар
Инноватика ихтисослашган аудиторлик фирмалари	Тажриба лабораториялари ва
Илмий-техник ширкатлар	марказлари
Кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказлари	Ахборот хизмати кўрсатувчи фирмалар
Сертификация марказлари	Патент-лицензияли корхоналар
Лизинг компаниялари	Илмий парклар
Патент-лицензияли корхоналар	Инновацион марказлар
Бизнес-инкубаторлар	Инновацион-ишлаб чиқариш комплекслари
Технологиялар трансфери марказлари	
Сугурта компаниялари	

Бу жараённи қуйидаги схема кўринишида акс эттириш мумкин:

Фт ↔ Ат ↔ И ↔ Л ↔ К ↔ Ў ↔ Си ↔ М ↔ С;

бу ерда,

Фт – фундаментал тадқиқотлар;

<sup>13</sup>Салихов С.А. Инновацион фаолияти бошқариши. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2013. 34бет.

<sup>14</sup>Abdusattarova X.M. Innovatsiya strategiyasi. O'quv qo'llanma. – Т.: TDIU, 2011. 40 bet.

Ат – амалий тадқиқотлар;  
И – ишланмалар;  
Л – лойиҳалаштириш;  
Қ – қурилиш;  
Ў – ўзлаштириш;  
Си – саноат ишлаб чиқариши;  
М – маркетинг;  
С – сотув.

Амалиётда инфратузилмани иккита гурухга бўлиш қабул қилинган: ишлаб чиқариш ва социал. Ишлаб чиқариш инфратузилмасига инновацион тадбиркорликка хизмат кўрсатувчи тармоқлар, социал туридагига эса – ходимларнинг нормал меҳнат фаолиятини таъминловчи ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга ёрдам берувчи тармоқлар киради.

Биринчи гурӯҳ тармоқлари фаолиятининг натижаси бевосита ишлаб чиқариш учун хизматлар яратиш бўлса, иккинчиси – ходимларнинг турмуш даражасини ошириш бўйича хизматлардир.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасига кирувчи ишлаб чиқариш кучларининг таркибий элементларини меҳнат воситалари дейиш мумкин. Улар ишлаб чиқариш жараёнларининг содир бўлишига моддий шароитлар яратиб беради. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш жараёнига тўғридан-тўғри кирмасада; усиз бу жараён содир бўлмайди, бўлган тақдирда ҳам мукаммал даражага эришмайди.

Кайд этилганидек, инновацион фаолият инфратузилмасининг тармоқлари ва бўлимлари пировард маҳсулот яратмайди. Улар инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан то уни сотишга қадар, моддий ва номоддий шароит яратиб беради холос. Инфратузилманинг айрим элементлари ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайди, унинг узуксиз амалга ошишига ва ҳоказоларга ёрдам беради. Ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш деганда, масалан, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг таркибига кирувчи қисмларни, яъни моддий-техник таъминот, молиявий русурслар таъминоти, кадрлар билан таъминлаш ва ҳоказоларнинг мавжудлиги (шакллантирилганлиги) тушунилади.

Социал инфратузилма инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришнинг керакли мутахассисларга бўлган талабини қондиришга, ишчи

кучини тақрор ишлаб чиқариш ва унинг қўнимини таъминлашга хизмат қиласди шу билан у инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-куватлади. Ишлаб чиқаришжараёни маҳсулотлар муюмласи билан якунланади. Бунда ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот истеъмолчи томон ҳаракатланади. У сотилиш жойига етказилади (ярмарка, кўргазма ва ҳоказо жойларга).

## 4.2. Инновацион фаолият инфратузилмасининг таркиби

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада тараккий эттиришда, юртимизнинг ривожланган давлатлар каторидан ўрин эгаллашида ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўринини мустаҳкамлашда инновациялар мухим ахамиятга эга.

Ривожланган давлатларда илм-фан ёруғлик тезлигига илғорлашиб бормоқда. Самарали илмий тадқиқотлар натижасида яратилган технология инсонияти ҳаётини буткул ўзгартирмоқда. Бундай жараённи тушунган мамлакатлар илм-фанини юқори чўққига олиб чиқиш учун бор куч ва ресурсларни сарфлашаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон ҳам ушбу оқимга қўшилиб, муносиб ўринни эгаллашга ҳаракат киляпти.

Шу сабабдан ҳам мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ривожланишида фаннинг ролини кучайтиришга ва илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий-икти sodiy механизm жадал фаоллашмоқда.

Сўнгги йилларда технопарклар (ТП), инновацион-технологик марказлар (ИТМ), инновацион-ишлаб чиқариш комплекслари (ИИК), кластерлар, старп корхоналар ва бошқалар ривож топмокда.

Илмий-технологик марказ – бу бир ерга зич жойлашган комплекс бўлиб, умумий кўринишида илмий муассасалар, олий ўкув юртлари, саноат корхоналари ва кичик фирмаларни ўз ичига олиши мумкин.

Илмий гояларни ишлаб чиқиш ва уни кейинчалик материаллаштиришда янги ташкилий тузилмалар: инновацион марказлар катта роль ўйнайди.

Инновацион марказлар таркиби қуйидагилардан иборат:

- технологик парклар (илмий, ишлаб чиқариш, инновацион, бизнес-парк ва ҳоказо);

- технополислар;
- фан ва технологиялар миңтақалари;
- инновациялар инкубаторлари.



#### 4.2.1-расм. Технологик паркнинг тузилиши.

Технологик парк иерархик тузилмасини қуриш асосида модулли тамойил ётади. Уни қуришда фойдаланилайдиган биринчи элемент инкубатордир. Технологик парк ҳар бири инновацион хизматларнинг ихтисослаштирилган мажмусини тақдим этувчи марказларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Технополис – бу технопарклар, инкубаторлар йиғиндиси ва шаҳар ҳаётини таъминловчи турли - туман тузилмаларнинг мажмусидир.

Фан ва технологиялар миңтақаси ўз ичига технополислар, технопарклар ва инкубаторларни ҳамда илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-куvvatловчи шохланиб кетган инфратузилмани олиши мумкин.

Технополислар ўzlari жойлашган миңтақаларни ривожланишига шакллантирувчи таъсир кўрсатадилар ва куйидагиларга ёрдам берадилар:

- инновацион фаолликни ошириш;
- инновацион инфратузилмани шакллантириш;
- янгиликларни тижоратлашувини жадаллаштириш;
- саноатни таркибий қайта қуриш;
- янги иш жойларини ташкил қилиш;
- инновацион фаолият механизmlарини такомиллаштириш,

- инновацион соҳани институциялаштириш (қандайдир янги ижтимоий институтларни таъсис этиш);
- саноатни ривожланишининг кўп илм талаб қилишини кучайтириш;
- иктисодиётнинг инновацион қобилиятини такомиллаштириш.

Технопраклар яратишнинг асосий мақсади яратилаётган технологиялардан самаралироқ фойдаланиш мақсадида илмий муассасалар, саноат ва бизнес ўртасида ҳамкорликни рағбатлантиришидир.

Технологик паркнинг асосий функцияси кичик корхоналарни инкубациялаш мақсадида тадқиқотлар ўtkазиш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар (қоидага кўра, кичик ва ўрта инновацион корхоналар) учун бинолар тақдим этиш хисобланади.

Кўпинча технологик паркка асосланадиган фирмаларга, шунингдек, бизнесга хизмат кўрсатиш (музокара ўтказиш учун инфратузилма, алоқа, интернетга уланиш, бухгалтерия хизматлари), молиялаштириш манбалари излаб топиш ва маҳсулотни бозорга чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилади.


Технологик парк, оддий қилиб айтганда, инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш ва инновацион фаолият натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга хизмат қилади. У юридик шахс сифатида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат рўйхатидан ўтказилади.

Технологик паркларни бошқаришда давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар асосий ролни ўйнайдилар. Улар кичик ва ўрта бизнесни кўллаб - қувватлашнинг йирик кўламли дастурларини ишлаб чиқади, янги технологияларни ривожлантиришини рағбатлантиради, фан ва саноатни кооперациялашишнинг ёрдам кўрсатади. Давлат молиявий ва қонунчилик ёрдамидан ташқари мижоз фирмалар ҳамда кўп илм истеъмол қиласиган корхоналарга ҳар хил квоталар ва субсидияларни тақдим этишади.

Маҳаллий ҳокимиятлар инновацион лойиҳа устида ишлаш ва унинг асосида кичик кўп илм истеъмол қиласиган фирмаларни ташкил этишга мутахассисларни жалб қилишга кўмаклашувчи шароитларни тақдим этадилар.

Технологик паркларни бошқариш учта асосий йўналиш: қонунчилик, молиялаштириш ва ривожлантириш дастурлари бўйича амалга оширилади.

Технопарк таъсисчилари ва улар томонидан ечиладиган масалаларнинг базавий чизмаси 4.2.2-расмда кўрсатилилган.



#### 4.2.2-расм. Технологик парк таъсисчилари ва улар томонидан ечиладиган масалаларнинг базавий чизмаси.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг Юнусобод, Сергели, Якка-сарай туманларида бир нечта технопаркка; «Яшнобод» технопаркига; ТТЕСИ хузурида Ўқув-амалий тўқимачилик технопаркига асос солинган<sup>15</sup>.

Бу технологик парклар қуйидаги соҳаларда илмий тадқиқотларни, саноатда тажриба синовларини ўтказишга, инновацион намуналарни ўзлаштириш учун ихтисослаштирилиши кутилмоқда:

- кимё технологиялари, биотехнологиялар, фармацевтика ва тибиёт биотехнологиялари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалири;

<sup>15</sup>Инновацион технопаркларнинг ташкил этилиши ва феолият юритиши тартибга солинади. [www.kun.uz](http://www.kun.uz) / Ўзбекистон 13.11.2018 18:16 951

- материалшунослик, металларга ишлов бериш технологиялари, сейсмик чидамлилик, қурилиш материаллари;
- озиқ-овқат саноати;
- энергия тежаш, муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чыкариш;
- электрон ўлчов асбоблари, робот техникаси, машинасозлик, электр техника.

Технопаркларни ташкил этиш ва тугатиш вазифаси Инновацион ривожланиш вазирлигига юклатылди. Технопарк фаолиятини дирекция бошқаради. У резидентларни жалб этиб, унинг ҳудудида жойлаштиради.

Технопарклар ҳудудида лойихаларни амалга ошириш учун давлат-хусусий шерикликнинг күйидаги шакллари таклиф этилмоқда:

- технопарклар бинолари қурилиши учун ер участкаларини бепул асосда доимий фойдаланишга бериш;
- инновацион фаолият юритиш учун бүш турган давлат объектларини “ноль” харид кийматида бериш;
- фойдаланилмаёттан бинолар ёки корпусларни хусусий шерикларга узок муддатта бепул фойдаланишга бериш;
- концессия асосида қурилиш, реконструкция килиш ва жиһозлаш учун ер участкаси ёки бинони ажратиш;
- хусусий шерикнинг мол-мұлқи негизида ташкил этилган инновацион технопаркларни моддий-техникавий ва молиявий жиһатдан таъминлаш.

Лойихалар давлат ёки хусусий шерик ташаббусига кўра келишув асосида амалга оширилади.

Ажратиладиган ер участкаларини, шунингдек, фойдаланилмаётган бүш турган биноларни вилоят ҳокимліктары Инновацион ривожланиш вазирлигининг тақдимномасига кўра белгилайдилар. Уларнинг ўзлари бүш турган давлат объектлари “ноль” харид кийматида узок муддатли бепул фойдаланишга берилишини таъминлайдилар.

Технопарк мақомини олиш учун күйидагилар мавжуд бўлиши талаб этилади:

- а) инновацион лойиха ҳамда ваколатли органнинг ижобий хуласаси;

б) куйидагилар назарда тутилган технопаркни ташкил этиш ва ривожлантириш концепцияси:

- имкон қадар кўп сонли резидентларни жалб этиш ва технопарк худудида жойлаштириш;

- технопарк резидентларига зарур сервис хизматларини кўрсатиш;

- технопарк резидентларини кўллаб-куватлаш, шу жумладан: инвесторларни жалб этиш учун инновацион лойиҳаларга эксперт баҳоси бериш, инновацион фаолиятнинг ахборот таъминоти, офис, лаборатория ва ишлаб чиқариш майдонларини имтиёзли шартларда тақдим этиш;

в) алоҳида худуд доирасида умумий майдони камида 1000 м<sup>2</sup> технопарк эгаллаган ишлаб чиқариш ва офис бинолари;

г) фаолият юритаётган коммуникациялар, алокা, кичик ишлаб чиқаришлар, лабораториялар, таркибий бўлинмалар ва ҳоказолар бўлган ишлаб чиқариш ва офис бинолари. Улар “ғоядан тажриба намунасигача ва кейинчалик, саноат маҳсулотигача” тамойили бўйича инновацион фаолиятнинг тўлиқ цикли учун технопарк резидентларига берилади;

д) инновацион корхоналарнинг кузатув (эксперт) кенгаши, ўқув маркази, сервис хизматлари маркази;

е) технопаркни ривожлантириш учун захира майдонлар.

Технопарк лойиҳалари куйидаги манбалардан молиялаштирилади:

- давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари;

- жалб этиладиган инновацион фаолият субъектларининг бюджетдан ташқари манбалардан олинган маблағлари, шу жумладан, кредит, халқаро сугурта ташкилотлари, инновацион венчур фонdlар ва бошқа инвесторларнинг маблағлари;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий ажратган маблағлари;

- кредитлар ва грантлар;

- хорижий ва маҳаллий инвестициялар;

- технопаркнинг инновацион ва илмий тадқиқот, маслаҳат бериш ва бошқа фаолиятидан олинган маблағлари;

- бошқа тақиқланмаган манбалар.

Технологиялар трансфери марказлари (ТТМ) илмий-техник натижаларнинг тижоратлашувини тезлатиши, кичик инновацион корхоналар, жумладан, технопарклар ва инновацион-технологик марказлар таркибида яратишни таъминлаши кўзда тутилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ТТМ тизимининг самарали ишлashingiga қатор омиллар тўсқинлик қиласди. Уларнинг орасида куйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- минтақалар миқёсида инновацион жараёнларни бошқаришнинг суст ташкил этилганлиги;
- кўпчилик ТТМда ҳам ички, ҳам хорижий бозорларги чиқиш билан боғлиқ муаммолар;
- ТТМ ташкил килиш ва фаолият кўрсатиши учун ресурслар базасининг етарли эмаслиги;
- инновацион фаолият кучайишини рағбатлантирадиган мөъерий - хуқуқий асосларнинг йўқлиги.

Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишининг муҳим йўлларидан бири – миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида (енгил саноат, нефть-газ, кимё, биотехнология, АКТ, автомобилсозлик, транспорт-логистика, рекреацион-туристик, озиқовқат, илм-фан, таълим, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик ва ҳоказоларда) кластер тизимини жорий этиш ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида кластер тизимини яратиш – илмий тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтиради, сифатини яхшилайди ҳамда инвестициявий ташкилойиҳаларда иштирок этиш, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги имкониятларини яратади.

Шунингдек, кластер тизимида таълим ишланмаларини яратиш, уларни қисқа муддатда синовдан ўтказиш, ишлаб чиқариш ва илмий изланишлардаги ходимлар ҳамда мутахассислар меҳнатларини кўпроқ рағбатлантириш, янги товарлар ва хизматларнинг Ўзбекистон бренди билан ихтиро қилиш учун кенг имкониятлар яратади.

“Мутахассислар фикрига кўра, бугун дунёдаги кўргина етакчи давлатлар иқтисодиётининг қарийб 50 фоизи кластер усулига ўтган. Масалан, Европа Иттифоқида 2 мингдан зиёд кластерлар мавжуд бўлиб, уларда ишчи кучининг 38 фоизи камраб олинган. Дания,

Финландия, Норвегия, Швеция саноатида тўлиқ кластер усули татбиқ қилинган. АҚШда эса мамлакатдаги мавжуд корхоналарнинг ярмидан кўпи шу тизимда ишлаб, улар томонидан тайёрланадётган товарлар ЯИМнинг 60 фоизини ташкил қилади.

...бу давлатларда фермер хўжаликлари аксарият ҳолда кластер тизимида ихтиёрийлик асосида, илм ва ишлаб чиқаришни шиор қилган ҳолда бирлашади. Бунда фермерлар тайёр маҳсулот ишлаб чиқилгунча бўлган жараёнда турли вазифаларни бажарадилар”<sup>16</sup>.

Кластер тизимида концессия шартномаси амал қиласи. Концессия шартномаси – бу давлатнинг ёки маҳаллий органлар тасаруфидаги табиий бойликлар ёки бошқа хўжалик объектларидан вақтинча фойдаланиш, айрим корхона, кон ва шу кабиларни ишга солиш, куриш учун ижозат бериш ва шу ҳақдаги шартномадир<sup>17</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасида лойихаларни молиялаштириш механизmlарини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда республикада инновацион лойихалар ва стартаплар (стартап – инновацион маҳсулотларни ёки хизматларни ишлаб чиқариш ёки такомиллаштириш билан боғлиқ лойихалар) экотизимини ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, инновацион инфратузилмани ривожлантириш жараёнини жадаллаштириш белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонда белгиланган йўналишлар доирасида Илмий стартаплар акселератори ташкил этилган.

Инновацион марказлар, технопарклар, технополислар, кластерлар, старп корхоналар ва бошқалар мисолида инновацион инфратузилманинг аҳамияти айниқса сезиларлидир, уларҳозирги замон бозор мухитида илмий-техник соҳада тадбиркорликнинг ривожланиши ва янгиликларнинг иқтисодий самарадорлигини ошишига ёрдам беради.

<sup>16</sup>Жамшид Хўжаев хуқукий асоси йўқ кластер тизими ва янги агентлик ҳақида гапирди. [www.Kun.uz](http://www.Kun.uz) 22:23 / 05.02.2020 217437

<sup>17</sup>Ўзбек тилининг изохли лугати. 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. -Т. -” Ўзбекистон миллый энциклопедияси” Давлат илмий навтиёти. [www.ziyouz.com/kutubxonasi](http://www.ziyouz.com/kutubxonasi), 405 бет.

Инновацияларнинг тижорат муваффақиятининг эҳтимоли – маҳсус институтлар ва ташкилотларнинг шаклланиси ва ягона инновацион соҳада шаклланган инновацион жараённи таъминлаш тизимлари туфайли кескин ошади.

### 4.3. Инновацилар бозорида тадбиркорликни ривожлантиришнинг айрим масалалари

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш – иқтисодиётни кўтариш, аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий шартидир. Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида тадбиркорликни янада ривожлантиришга катта ахамият берилиб, бу соҳадаги вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланаб бормоқда.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлаш,, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишни таъминловчи бир қатор қонун хужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган.

Қонуннинг 3-моддасида: “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”<sup>18</sup>, дейилган.

Тадбиркорлик моҳиятини чукурроқ англашда тадбиркорларнинг ўзаро боғлиқ тўрт фаолиятини алоҳида кўрсатган америкалик иқтисодчилар Кэмпелл Р.Макконнелл, Стенли Л.Брюларнинг қуидаги нуқтаи назарлари алоҳида ахамият касб этади:

- тадбиркор ер, маблаг ва меҳнат ресурсларини маҳсулот ишлаб чиқариш хамда хизмат жараёнига бирлаштириш ташаббусини ўз зиммасига олади;

<sup>18</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2000 йил 25 май,

- тадбиркор бизнесни олиб бориш жараёнида асосий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни, яъни бизнесни ривожлантириш йўналишлари, корхона фаолияти йўналишини белгиловчи операцияларни ўз зиммасига олади;

- тадбиркор янги маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқаришга интилевчи, янги ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқарувчи ёки бизнесни ташкил қилишни ва ривожланишнинг янги шаклларини олиб кирувчи ташаббускор шахсdir;

- тадбиркор тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган хавфни ўз зиммасига олади, зеро, тадбиркор учун даромад олиш кафолатланмаган, сарф этилган вақт, харакат ва қобилиятлардан даромад олиш баробарида зарар кўриш ҳам мумкин. Бундай ҳолларда тадбиркор нафакат ўзининг ўз вақти, меҳнати ва ишбилармонлик обрўси билан, балки сарф этилган маблағ билан ҳам таваккал қиласди<sup>19</sup>.

Демак, ижодкорлик тадбиркорлик вазифаларидан бири бўлиб, тадбиркорлик фаолиятида доим мавжуд бўлиши шартdir.

Шуни таъкидаш лозимки, ҳар кандай тадбиркорлик ҳам инновацион бўла олмайди. Фақаттина инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар инновацион тадбиркорлик субъектлари хисобланади.

Инновацион тадбиркорлик – қапитални йўналтиришнинг янги соҳаларини излаш, мавжуд маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш, шахсий устуворликни таъминлаш, даромад олиш учун турли имкониятлардан самарали фойдаланишдир.

Инновацион тадбиркорликнинг энг муҳим ва шу билан бирга энг мураккаб вазифаси – янги тояларни излаш ва уларни татбиқ этишдир. Чунки, бу ҳолда тадбиркордан нафакат ижодий фикрлаш ва янги ечимларни топиш, балки истиқболли фикрлаш, келажақдаги жамиятнинг эҳтиёжларини кўра олиш хусусиятини ҳам талаб этади.

Инновация – тадбиркорликнинг алоҳида куроли, тадбиркорона фикрлаш инновацион кўринишидир.“... инновация ва янгиликлар инновациявий фаолият натижасида юзага келади, улар ўзаро боғлиқ ва

<sup>19</sup>Кэмпелл Р. Макконнелл, Стенли Л.Брю. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Том 1. –Таллин, 1993, стр.37-38.

бири иккинчисиз мумкин эмас. Уларнинг асосий фарқи шундаки, биринчи ҳолатда – янги маҳсулот шаклланиши жараёни рўй берса, иккинчисида – уни тијкоратлаштириш жараёни амалга оширилади<sup>20</sup>.

Инновацион тадбиркорликнинг ривожланишига: иқтисодий ва технологик, сиёсий ва хукукий, бошқарув-ташкилий, социал-психологик ва маданий кабиомиллар таъсир этади (4.3.1-жадвал).

#### 4.3.1-жадвал

#### **Инновацион тадбиркорликнинг ривожланишга кўмаклашувчи омиллар<sup>21</sup>**

Омиллар гурӯҳи	Омиллар
Иқтисодий, технологик	Молиявий, моддий-техника воситалари захираси, илғор технологиялар; зарур хўжалик ва илмий-техник инфратузилма, инновацион фаолият учун моддий рағбатлантириш.
Сиёсий, хукукий	Инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи қонунчилик чоралари, инновацион фаолиятнинг давлат томонидан қўллаб-куvvатланиши.
Бошқарув-ташкилий	Ташкилий таркибларнинг эгилувчанлиги, бошқарувнинг демократик услуби, ахборотнинг горизонтал йўналиши, устуворлиги ўз-ўзини режалаштириш, тузатишлар киритиш имконияти, номарказлаштириш, ўз-ўзини бошқариш (идора қилиш), мақсадли-муаммоли гурӯхларни шакллантириш.
Социал-рухий ва маданий	Маънавий рағбатлантириш, жамиятда тан олиниш, ўз-ўзини намоён этиш имкониятини таъминлаш, ижодий меҳнат эркинлиги, меҳнат жамоасида рухий мұхит (вазият).

<sup>20</sup>Эргашев Р.Х. Иқтисодиётни инновацион ривожлантаришнинг илмий-назарий ва хукукий асослари. //Иқтисодиётни инновацион ривожлантариш истиқболлари. Монография. Муаллифлар жамоваси. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019, 13 бет.

<sup>21</sup>Яковенко М. Н. Экономика и организация инновационной деятельности : учебное пособие / М. Н. Яковенко, Е. О. Коваленко, В. В. Ровенская. -Краматорск: ДГМА, 2011, стр.21-22.

Инновацион тадбиркорликнинг ривожланишга, юқорида келтирилганлардан ташқари, инновацион фаолиятни молиялаштирувчи давлат дастури, инновацияларни татбиқ этиш ва кўпайтиришнинг мақсадга мувофиқлигини экспериментал текшируви, тадбиркорлик таваккалчилигини камайтириш учун янгиликнинг рақобат бардошлигини текшириш ва ҳоказолар ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Инновацион тадбиркорликни ривожланишнинг зарурияти қўйидагилар билан изоҳланади:

- иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида инновацияларни қўллашга кўмаклашувчи ишлаб чиқаришнинг интенсив омили ролини ошириш;
- ишлаб чиқилип самарадорлигини кўтаришда фаннинг муҳим роли ва янги техникани жорий этиш;
- яратиш муддатларини сезиларли қисқартириш зарурияти, янги техникани ўзлаштириш, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини кўтариш, ихтирочи ва рационализаторлар ижодини оммавий ривожлантириш зарурияти;
- натижаларнинг ноаниклиги, тадқиқотларнинг кўп вариантлилиги, таваккалчиликнинг мавжудлиги ва салбий натижаларга эришиш мумкинлиги билан ифодаланувчи илмий-техникавий ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хослиги;
- сарф-харажат ортиши ва янги маҳсулотни ўзлаштиришда корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари пасайишида; техника ва технологиянинг шиддатли маънавий эскиришида; янги техника ва технологияни тезкор татбиқ этишнинг объектив зарурати билан ва ҳоказо.

Инновацион тадбиркорликнинг ривожланиши истеъмолчилар томонидан инновацияларга, миллий иқтисодиётнинг илмий-техник салоҳияти ривожланиши, таваккал инновацион фаолиятни молиялаштирувчи венчур корхона (фирма) ва инвесторлар фаолиятига боғлиқ.

Венчур корхона (фирма)ларининг асосий вазифалари:

- илмий муҳандислик ишларини бажариш;
- янги техника, технология, товар намуналарини яратиш;
- ишлаб чиқарishни бошқариш;

- тижорат ишини ташкил этиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётта жорий этиш;
- йирик корхона (фирма)лар ва давлат ижара контракти буюртмаларини бажариш каби ишларни амалга оширадилар.

Венчур корхона (фирма)лари бу вазифаларни давлат ва йирик фирмалар буюртмасига биноан контракт-битимлар асосида бажари шади. Венчур корхоналар техниканинг янги йўналишларида фаоллик кўрсатади ва бу билан фан-техника тараққиётига ўз хиссасини кўшади.

Янги техника ва технологияларни ҳамда янги маҳсулот намуналарини яратища йирик корхоналарнинг алоҳида ўрни бор. Уларда, “... биринчидан, фан-техника ютуқларини хаётга татбиқ этиш асосида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд, иккинчидан, янги маҳсулот турларини ихтиро этиш нуқтаи назаридан, илмий-қидирув лабораториялари фаолиятини йўлга кўйиш мумкин. Бу йўсундаги ишлар, табиийки, мамлакатда фан-техника тараққиётининг ривожланишига йўл очиб беради”<sup>22</sup>.


Инновацион тадбиркорлик – ғоя ва ихтиrolардан амалий фойдаланиш орқали янги маҳсулот ва технологиялар яратиш жараёни ҳисобланади. Одатда, тадбиркорлик фаолияти замирида янги эҳтиёжларни қондиришга имкон берувчи, янги бозорни барпо этиш, маҳсулот ёки хизматлар соҳасига янгилик киритишидир.

Инновациялар – тадбиркорликнинг маҳсус қуроли бўлиб, бунда инновациялар ўз ҳолиҷа эмас, балки янгиликларни йўналтирилган ташкилий излаш, уларга тадбиркорлик таркибларининг мунтазам қаратилганилигидир. Тадбиркорлар фикрлашнинг инновацион турини фарқлайди, инновацион фаолият эса ўзида тадбиркорликнинг алоҳида қуролини акс эттиради.

Инновацион тадбиркорлик – янгилик яратишнинг алоҳида ижодкорлик жараёнидир. Унинг замирида мунтазам янги имкониятларни излаш, инновацияларга йўналтирилганилик ётади. Бу янги лойиҳаларни амалга ошириш ёки мавжуд лойиҳани такомиллаштиришдаги таваккалчиликни, шунингдек, бу жараёнда юзага келадиган молиявий, маънавий ва социал жавобгарликни тадбиркор ўз зиммасига олишга тайёрлиги билан боғлиқ.

<sup>22</sup> Шавқиев Э.Ш. Тадбиркорлик – ахоли фаровонлигини оширишда асосий омил. //Хизмат кўрсатилиш соҳасини модернизациялантиш ва ахоли фаровонлигини юксалтириш: муаммо ва етимлар. Монография. Муаллифлар жамоаси – Т.: “Fan va texnologiya”, 2019, 104 бет.

Инновацион тадбиркорлик жараённда янги технологиялар воситасида янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.



**4.3.1-расм. Инновациявий янги маҳсулот яратиш босқичлари.<sup>23</sup>**

Янгилик ижод қилувчи тадбиркорнинг вазифаси – ихтиrolарни татбиқ этиш билан бирга ишлаб чиқаришни ислоҳ қилишdir, яъни янги технологик имкониятларни қўллаш орқали янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш эвазига эски маҳсулотларни янги услубда ишлаб чиқаришдан иборатdir.

Инновация ёки янгилик киритиш янги жараён, янги воситани маҳсулот жараёнини (техник, иқтисодий, ташкилий, маданий ва бошқалар) яратиш ва фойдаланиш. Фаолият воситалари маҳсулот ва услубларини такомиллаштирувчи тубдан (бутунлай) янгилик ва янгиликларни ажратади.

Инновацион тадбиркорликнинг қуидаги асосий тури мавжуд:

- маҳсулот инновациялари;
- технологик инновациялар;
- социал инновациялар.

Маҳсулот инновациялари – корхонанинг сотиш салоҳиятини ошириш, мижозларни ушлаб туриш, бозордаги улушини кенгайтириш, олинадиган фойда ҳажмини кўпайтириш, молиявий ҳолатини

<sup>23</sup> Эргашев Р.Х. Иктисолиётни инновацион ривожлантиришнинг илмий-назарий ва ҳукукий асослари //Иктисолиётни инновацион ривожлантириш истиқболлари. Монография. Муаллифлар жамоаси. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019, 14 бет.

мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш, янги иш жойларини яратишга қаратилган.

Технологик инновациялар – ишлаб чиқариш салоҳиятини янгилаш жараёни ҳисобланади. У меҳнат унумдорлигини оширишга, энергия, хомашё ва бошқа ресурсларни тежашга қаратилган бўлиб корхона фойда ҳажмини оширишга имкон беради. Шунингдек, техника ҳавфсизлигини такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш, корхона ички ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Социал инновациялар – корхонанинг социал муҳитини режали яхшилаш жараёнидир. Бу турдаги инновацияни татбиқ этиш бозорда ишчи кучи имкониятларини янада кенгайтиради, ташкилот ходимларини қўйилган мақсад сари сафарбар этади, корхонанинг социал мажбуриятларга нисбатан ишончини мустаҳкамлайди.

Инновацион тадбиркорликнинг барча турлари асосида маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлаш ва ўзлаштириш ётади. Бундай тадбиркорликнинг асосий мақсади – истеъмолчи (харидор)ларга етказиб бериладиган илмий-техник маҳсулот, ахборот, интеллектуал бойлик яратиш ва ишлаб чиқаришдир.

Инновацион тадбиркорлик натижасида янги тайёр маҳсулот юзага келади. Уни инновацион фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари (инновацион фаолиятни амалга оширишдаги сарф-харажатлар ва даромадини ўз ичига олган нархда) инновацион маҳсулот истеъмолчиси бўлган корхоналарга сотади.

Мамлакатимизда инновацион фаолликни оширишда давлатнинг роли ўта муҳим ҳисобланади. Бу факат Ўзбекистонга хос кўриниш эмас, балки дунёда инновацион фаол ҳисобланган мамлакатларда ҳам инновацион муҳитни яхшилаш ва инновацион тадбиркорларни кўллаб-куватлаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сўнгги уч йилда АҚШ, Россия, Хитой, Туркия, Франция, Жанубий Корея ва яқин кўшни давлатларга амалга оширилган ташрифларида, бу мамлакатларнинг тадбиркор-ишбильармонлари билан бизнес форумлар ўтказиб, уларни мамлакатимиз иқтисодиётига молиявий ва интеллектуал капитал киритишга бўлган қизиқишларини ошириш сиёсатини юритмоқда.

Хорижий давлатлар билан тузилган шартномаларга кўра:

- Россия билан ҳамкорликда Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида нефть ва газ конларини қидириб топиш ва ўзлаштириш;

- Туркия билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини класстер асосида ташкил этиш, текстил ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш;

- хорижий технологиялар асосида гидропоник усулда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бошقا шу сингари лойиҳалар мамлакатимиз саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари хисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион тадбиркорлик – хўжалик юритишининг алоҳида ижодкорлик жараёни бўлиб, унинг асосида янги имкониятларни мунтазам излаш, инновацияга йўналтирилганлик, турли-туман манбалардан доимий масалаларни ҳал этиш учун ресурслар излашни уддалаш ва улардан фойдаланиш демакдир. У мавжуд лойиҳани яхшилаш ёки янгисини татбиқ этиш билан боғлиқ барча таваккалчиликни ўз зиммасига олишга тайёрлиги, молијавий, маънавий ва социал жавобгарликни ўзига олиши ва пировардида даромад олишдан қониқиши ҳосил қилиши билан тавсифланади. Инновацион тадбиркорлик – тадбиркорлик фаолиятининг барча соҳалари ривожи учун таянч ҳисобланади.

### **Таянч иборалар**

Инфратузилма, фан, илм, таълим, инновация, маҳсулот, ишлаб чиқарish, рақобатбардошлиқ, инновациялар бозори, интеграция, технология, тадбиркорлик, концессия, шартнома.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инновацион фаолият инфратузилмасини ёритинг.
2. Инновацион фаолиятнинг бугунги инфратузилмасини тушунтиринг.
3. Инновацион марказ таркибини айтинг.
4. Стартап корхона тўғрисида нималарни биласиз?
5. Концессия шартномаси нима?

## **5-мавзу. Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш омиллари**

### **Режа**

- 5.1. Корхоналарда инновацион фаолиятда иқтисодий усуллар, инновацион бошқариш (менежмент) усулларидан фойдаланиш.**
- 5.2. Инновацион фаолиятни оширишда инвестиция лойихаларини молиялаштириш.**
- 5.3. Инновацион фаолиятда инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.**
- 5.4. Корхоналарда инновацион салоҳиятни ошириш.**

#### **5.1. Корхоналарда инновацион фаолиятда иқтисодий усуллар, инновацион бошқариш (менежмент) усулларидан фойдаланиш**

Республикамизда инновацион иқтисодий ривожлантиришда куйидаги иқтисодий усуллардан фойдаланилади:

1. Истеъмолчининг (ички ва ташки) эҳтиёжини қониктирадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хорижга экспорт қилишни рағбатлантириш.
2. Банк-кредит муносабатларини такомиллаштириш (имтиёзлар бериш).
3. Инновацион маҳсулот яратадиган юқори малакали кадрлар меҳнатидан самарали фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш.
4. Корхоналарда ходимларни рағбатлантириш ва манфаатдорлигини ошириш.
5. Ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларни қониктирадиган нарх сийесатини йўлга кўйиш ва маҳсулот таниархини пасайтириш.
6. Корхоналарда инновацион фаолиятни ривожланишига йўналтирилган солиқ имтиёзларидан фойдаланишни.
7. Хорижий инвесторлар ва республикамиздаги тадбиркорлар учун ҳар томонлама қулай инвестицион мухит яратиш.

8. Инновацион иқтисодий ривожланиш учун корхонанинг фойдаси ва рентабеллигини ошириш.

Юқорида баён қилинган инновацион иқтисодий ривожлантириш бўйича таъкидланган иқтисодий усуллар мамлакатимизни тезкор тарафкӣ этиришда янги имкониятларни яратиб беради.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг қуийдаги вазифалари белгилаб берилган:

- очик иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция мухитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;
- иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;
- иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш;
- валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом этириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;
- иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рӯёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш.<sup>24</sup>

Ҳар қандай корхона узок муддат бозорда улушини сақлаб қолишини истар экан, инновацион бошқарув усулларига мурожаат қилишига тўғри келади. Инновацион бошқарув деганда, инновацияларни жорий этиш ҳисобига корхонанинг доимий ривожланишини таъминлаш тушунилади.

Умуман олганда, корхоналарда инновацион менежментни иккӣ турга ажратиш мумкин:

1. Анъанавий репродуктив менежмент–корхона фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган ресурслардан максимал фойда олиш ва ишлаб чиқаришни бошқаришга катта эътибор қаратилади. Бунда рентабелликни ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

қилиш ва маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш бош мақсад қилиб олинади.

2. Инновацион менежмент – мавжуд бошқарув усусларидан фарқ қиласидиган янги замонавий технологияларга асосланган ривожланиш йўлини доимий излаш орқали бошқариш тушунилади. Бунда асосий эътибор корхонага киритилаётган барча ресурслар (молиявий, моддий, меҳнат) инновацияларга қаратилиб, корхона фаолиятини доимий такомиллаштириб боришга қаратилади.

Инновацион менежмент тушунчаси XX асрнинг 60–70 – йилларида Й. Шумпетер томонидан фанга киритилган. Инновацион менежмент концепцияси деганда, куйидаги кетма-кет жараённи амалга ошириш тушунилади:

1. Инновацион маҳсулот истеъмолчилари таҳлили.
2. Истиқболли гояларни излаш.
3. Инновацияни яратиш ва жорий этишини ташкиллаштириш.
4. Инновацион маҳсулотни бозорга чиқариш.

## **5.2. Инновацион фаолиятни оширишда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш**

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш турли усуслар билан амалга оширилади:

- акциядорлик инвестициялаш;
- бюджетдан инвестициялаш;
- лизинг;
- қарз мажбуриятлари ҳисобидан банклар кредитлари, юридик ҳамда жисмоний шахслар мажбуриятлари эвазига молиялаштириш;
- ипотека (кўчмас мулкни гаровга қўйиш) асосида олиб борилади.

Мониторинг лойиҳа ҳолатини кузатиш, уни баҳолаш, лойиҳанинг истиқболини белгилашни қамрайди, бошқача айтганда лойиҳанинг амалга оширилишини кузатиб боришни назарда тутади. Унга куйидагилар киради:

- молиялаштирилаётган лойиҳани амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги хисоботлар таҳлили;

- ишнинг аҳволини бевосита лойиҳа амалга оширилаётган жойда текшириш;
- мақсадли тафтишлар, аудиторлик текширувлари;
- лойиҳанинг тугалланганлиги тўғрисида ҳисобот тузиш (унда харажатларнинг қопланиши, маҳсулотни сотиши чиқимларини баҳолаш ҳам назарда тутилади).

Инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш учун инвестиция қарорларини қабул қилишнинг барча даражаларида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, танлаб олиши ва амалга ошириш бўйича ягона мукаммал тизимни шакллантириш талаб этилади. Ягона мукаммал тизимни кўллашда жаҳон амалиётида синовдан ўтган ва эътироф этилган, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, таҳлил этиш стандарт усулига таяниш зарур. Ушбу усул лойиҳаларни бошқариш услубиёти ва самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини эътиборга олишни назарда тутади.

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мамлакатнинг ташки бозорга чиқиши ва экспортга мўлжалланган маҳсулот (хизмат)лар ишлаб чиқариши стратегияси асосида амалга оширилиши зарур. Миллий иқтисодиёт манфаатлари лойиҳаларни танлаш, шунингдек, уларни амалга оширишда устувор ва асосий мезон бўлмоғи лозим. Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, танлаш ва амалга оширишда асосий эътибор инвестиция имкониятиларининг таҳлилига, жалб этилаётган ресурслар қийматини баҳолашта қаратилиши талаб этилади. Булар билан биргаликда, эътиборни ноаниқликнинг таҳлилига, хавф-хатарларни пасайтириш усуллари, уларни инвестиция қатнашчилари ўргасида тақсимланишига қаратиш зарур бўлади. Лойиҳавий таҳлил, самарадорлик бўйича ҳисоб-китоблар миллий (сўм) ва чет эл валютасида, валюталар курси истикболини белгилаш йўли билан олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда туризмга оид инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, танлаш ва амалга ошириш тизими босқичма-босқич шаклланмоқда. Туристик корхоналар лойиҳалари одатда молиялаштиришнинг мамлакат амалиётини ва лойиҳавий молиялаштиришни чет эл тажрибасини асос қилиб олади.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда пул оқимларини дисконтлаш усули билан амалга ошириш талаб этилади. Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ба-

холашда соф дисkontланган даромад, даромаддорлик индекси, ички даромаддорлик меъёри, харажатларнинг қопланиш муддати кўрсаткичларидан фойдаланиш талаб этилади. Бунда жаҳон амалиётидакўлланиладиган стандарт услубиёт кўрсаткичларидан, уларни ҳисоблаш усувларидан ҳамда таққослаш услубидан фойдаланиш лозим.

Инвестицион ресурсларнинг умумий ҳажмига бўлган эҳтиёжни прогнозлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади.

Биринчи босқичда реал инвестициялашга керак бўладиган молиявий воситалар ҳажми аниқланади. Бу мақсадда инвестицион стратегияда белгиланган аналог – обьектлар танланиб, улар бўйича янги қурилиш ёки харид қиймати ҳисобланади.

Янги обьектлар қуриш қиймати, уларга ўхшаш (аналог) обьектларни қуришга кетган ҳақиқий харажатлар асосида аниқланади.

Ишлаб турган корхонани харид қиймати қўйидаги усувлар билан аниқланади:

- соф баланс қиймати асосида, ушбу баҳолаш корхона активларининг умумий баланс қийматидан унинг мажбуриятлар йигиндинини айриш асосида аниқланади;
- фойда асосида баҳолаш охириги йиллар мобайнида йиллик ўртача фойданинг реал йигиндинини аниқлашга асосланган ҳамда инвестицияларнинг фойдалилик ўртача нормасини аниқлашга қартилган;
- бозор қиймати асосида баҳолаш тамойили ушбу корхонага ўхшаш корхоналарнинг аукцион ва конкурсларда сотиш маълумотларидан фойдаланишга асосланади.

Инвестицион ресурсга бўлган эҳтиёжни прогнозлашда ушбу харидни кенгайтириш, техник жиҳозлаш ва реконструкция харажатлари киритилади.

Прогнозлашнинг иккинчи босқичида молиявий инвестицияларни амалга оширишга керак бўладиган инвестицион ресурслар ҳажми аниқланади. Бундай эҳтиёжни ҳисоблаш прогноз даврида турли инвестициялаш формалари ўртасидаги нисбатни аниқлашга асосланади.

Молиявий инвестицияларни амалга ошириш учун керак бўладиган инвестицион ресурслар умумий эҳтиёжини аниқлаш уларга

бўлган биринчи (бошлангич) даврдаги эҳтиёжни ва қейинги даврлардаги кўпайишини хисоблашдан иборат.

Эҳтиёжни прогнозлашнинг учинчи босқичида зарурий инвестицион ресурслар умумий ҳажми аниқланади, бунда реал инвестициялашга лозим инвестицион ресурсларга талаб, молиявий инвестицияларни амалга ошириш учун керак бўладиган ресурсларга талаб, резерв капитали йигиндилари хисобланади.

Турли манбалар хисобига инвестицион ресурсларни ташкил этиш имкониятларини ўрганиш стратегиянинг иккинчи босқичи хисобланади. Бунда корхонанинг у ёки бу жиҳатларини хисобга олган ҳолда инвестицион ресурсларни ташкил этиш манбалари кўриб чиқилади. Бунда қуйидаги учта асосий турлари мавжуд:

- ўз (хусусий);
- қарзга олинганд;
- келтирилган (жалб этилган).

Инвестицияларни молиялаштириш манбалари ўртасида энг асосий ўринда солик ва бошқа мажбурий тўловлардан кейин колган фойда туради, чунки унинг бир қисми инвестицион мақсадлар учун фойдаланиши мумкин.

Инвестицион лойихаларни молиялаштиришда амортизация ажратмалари муҳим манбаларидан бири хисобланади. Улар ишлаб чиқаришни қайта ташкил қилиб колмай, балки маълум даражада уларни кенгайтиришга хам мўлжалланган бўлади. Уларнинг миқдори корхона асосий фонди ва амортизация сиёсатига боғлик бўлади.

Ривожланган мамлакатларда амортизация – корхона инвестиция эҳтиёжининг 70-80 фоизни қондиради. Ўзбекистонда хам амортизация ажратмаларига, инвестицияларни молиялаштиришда муҳим манба сифатида каралади.

Шуни таъкидлаш лозимки, амортизация ажратмалари инвестицион лойихаларни молиялаштиришда бошқа манбаларга нисбатан устунликка эга. Чунки, у манба сифатида корхонанинг ҳар кандай молиявий ҳолатида хам ўз ўрнига эга ва доимо корхона ихтиёрида бўлади.

Карзга олинадиган маблағлар ичida энг асосийси узок муддатли банк кредитлариидир. Инвестицион лизинг инвестицияларни молиялаштиришнинг истиқболли (перспектив) шаклларидан биридир.

Инвестицияларни молиялаштириш келтирилган манбалари ўртасида акционер капитални ташкил этиш имконияти биринчи ўринда туради, чунки бундай манба корхона акционер жамияти формасидан фойдаланиш имконини беради.

Инвестицион ресурсларни дотациялаш стратегиясини ишлаб чиқицда куйидаги асосий бешта инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш усулларидан фойдаланилади.

Инвестицион ресурсларни ташкил этиш манбалари тузилмасини оптималлаштириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг сўнгти босқичи ҳисобланади.

Ички ва ташқи инвестицион ресурсларни ташкил этиш манбалари ўртасидаги нисбатни аниқлашда уларнинг асосий жиҳатларини ҳисобга олиш лозим.

Ички молиялаштириш манбалари куйидаги ижобий жиҳатлар билан характерланади:

- фойдаланиши тезлиги ва соддалиги;
- инвестицияланаётган капиталнинг фойдалилик бўйича юқори нормаси;
- улардан фойдаланишда тўлов қобилияти ва банкротлик рискини пасайиши;
- корхона ташкилотчиларида бошқарувнинг сақланиб қолиши.

Ички инвестицион ресурсларни ташкил этиш манбаларининг куйидаги камчиликлари мавжуд:

- фойдаланиш ҳажмининг чегараланганилиги;
- шахсий инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ташқи назорати чегараланганилиги.

Ташқи молиялаштириш манбалари ижобий жиҳатлари:

- улардан фойдаланиши юқори имкониятлари;
- инвестиция фаолияти самарадорлиги устидан юқори ташқи назорат мавжудлиги.

Шунинг билан бирга унинг камчиликлари:

- келтириш қийинчиликлари;
- келтиришнинг узоқ даврлилиги;
- мулк гарови ва гарантиялар зарурлиги;
- банкротлик риски юқорилиги;

- ссуда фоизини тўлаш натижасида инвестиция фаолиятидан келадиган фойданинг пасайиши;

- корхона фаолиятини бошқаришда қисман йўқотиши.

Ташқи ва ички молиялаштириш манбаларини нисбати оптимальлаштириш бош мезонлари:

- корхона юқори молиявий мустаҳкамлигини таъминлаш зарурати;

- инвестиция фаолияти фойдаси йигиндисини максималлаштириш.

### **5.3. Инновацион фаолиятда инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш**

Инновацион - инвестицион фаолият – корхона қийматини оширишнинг асосий омили ҳисобланади. Чунки, у корхона даромадларининг ўсишини, молиявий хавф-хатарлар даражасининг хамда ишлаб чиқариш харажатларининг камайишини таъминлайди. Бу, табиийки, корхона фаолияти самарадорлигининг ошишига ва мулкининг кўпайишига олиб келади.

Шу сабабдан хам ҳар кандай инновацион-инвестицион лойиха-нинг самарадорлигини баҳолаш зарур бўлади.

Инновацион - инвестицион лойиха самарадорлигини баҳолаш – ишлаб чиқаришга киритилаётган капиталнинг қайтиб келиш муддатини ва корхонанинг ривожланиш суръатини аниқлаш хамда бошқа социал-иқтисодий муоммаларни ҳал этиш имконини беради.

Туристик корхоналар фаолиятига жалб қилинаётган инвестициялар мумкин қадар кўпроқ фойда (қайтим) келтириши лозим. Акс ҳолда сарфланган ресурслар беҳудага кетади, мулқдорларнинг (қолаверса жамият аъзоларининг) илгариги ва ҳозирги меҳнати йўққа чиқади.

Инновацион - инвестицион фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда иккита вазифа ҳал қилинади:

- капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати ва даромадлилиги нуқтаи назаридан, энг мақбул вариант танлаш имкониятини яратувчи инвестицион лойиха самарадорлигини баҳолаш;

- туристик маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадига киритилувчи инвестициялар самарадорлигини баҳолаш

(күшими маҳсулот ишлаб чиқариш, таннархни камайтириш, фойданни ошириш ва хоказо).

Инновацион - инвестицион лойиҳаларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш аҳамиятли хисобланади. Маркетинг тадқиқот давомида талаб ва ундан келиб чикувчи таклиф, бозор сегментацияси, баҳони шакллантириш стратегияси, молиялаштириш манбалари ва бошқалар аниқланади.

Инновацион-инвестицион лойиҳалар муқобиллик асосида танланади. Танланган лойиҳани амалга ошириш учун бирламчи руҳсат берувчи хужжатлар, техник ва бошқа қарорлар, жумладан, мұхандислик таъминоти, атроф-мухитни мұхофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар тайёрланади.

Инновацион-инвестицион лойиҳани баҳолашда вакт омили ҳам хисобга олинади. Ҳар қандай лойиҳа маълум бир вакт оралигида ўз самарасини беради. Вакт ўтиши билан унга мос равищда у ўз самарасини йўқотиб боради. Шу сабабдан, лойиҳаларни баҳолашда инвестицион объектларни эксплуатация қилиш муддати хисобга олинади.

Амалиётда, кўпинча, инновацион-инвестицион лойиҳалар турли хил варианtlарда тузилади ва кўриб чиқилади. Улар бирбири билан киёсланади, сўнгра улардан энг макбули танлаб олинади. Инновацион-инвестицион лойиҳаларнинг самараదорлиги ни баҳолашда қўйидагилар асосий кўрсаткич хисобланади:

- инвестицияларнинг ҳар бир сўмига тўғри келувчи қўшимча маҳсулот:

$$\mathcal{E} = \frac{(Y_{M_1} - Y_{M_0})}{I_x}$$

Бу ерда,

Э - инвестициялар самараదорлиги;

Я<sub>M<sub>0</sub></sub>, Я<sub>M<sub>1</sub></sub> – ялпи маҳсулот, мос равищда бирламчи ва қўшимча инвестицияларда;

Ик – қўшимча инвестициялар миқдори.

- инвестицияларнинг ҳар бир сўмига таннархнинг пасайиши:

$$\mathcal{E} = \frac{Q(T_{H_0} - T_{H_1})}{I_x}$$

Бу ерда,

ТН0, ТН1 – маҳсулот бирлиги таннархи, мос равишида, бирламчи ва қўшимча инвестицияларда;

Q – қўшимча инвестициялар киритилгандан кейинги йиллик маҳсулот ҳажми, натурал ўлчов бирлиги.

- инвестицияларнинг ҳар бир сўмига маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнат харажатларини қисқартириш:

$$\mathcal{E} = \frac{Q(M_0 - M_1)}{U_d}$$

Бу ерда,

M0, M1 – маҳсулот бирлигига ишлаб чиқаришда сарфланувчи меҳнат харажатлари, мос равишида қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг.

- инвестицияларнинг ҳар бир сўмига фойдани ошириш:

$$\mathcal{E} = \frac{Q(\Phi_1 - \Phi_0)}{U_d}$$

Бу ерда,

$\Phi_0, \Phi_1$  – маҳсулот бирлигига тўғри келувчи фойда, мос равишида қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг.

- инвестицияларнинг қопланиш муддати.

Иқтисодий самардорликни баҳолаш жараёнида киритилувчи инвестицияларнинг қопланиш муддатини аниқлашнинг ўзига хос ўрни бўлиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

K

$$\text{Ток} = \frac{(Фр1 - Фр0)}{K}$$

Бу ерда,

K – асосий ишлаб чиқариш фондларига киритилувчи капитал қўйилмалар ҳажми;

Фр1 – режалаштирилаётган даврнинг сўнгги йилидаги фойда;

Фр0 – базис йилдаги фойда (режадан олдинги даврнинг сўнгги йили).

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлик коэффициенти қопланиш муддатига тескари бўлган катталиkdir. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$E = \frac{(Фр1 - Фр0)}{K}$$

Янги корхоналарни куриш, амалдагиларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ишлари қанчалик тез бажарилса, буюртмачи (инвестор) ва пудратчи учун шунчалик фойдали бўлади. Бу қўшимча фойда олиш имкониятини беради.

Кундалик хаётда, юқорида келтирилган ҳолатнинг акси хам учраб туради, яъни объектни фойдаланишга топширилиш муддати ўтиб кетади. Бунинг оқибатида инвестор, нафакат кутилаётган фойдани олишдан маҳрум бўлади, айни пайтда, қўшимча харажатларга дуч келади.

Объектнинг муддатидан аввал фойдаланишга топширилиши муносабати билан олинадиган қўшимча фойда, яъни иқтисодий самара (Экф) қўйидаги формула асосида аникланади:

$$\text{Экф} = E_n \times \Phi \times (T_{ш} - T_a)$$

Бу ерда,

$E_n$  – самарадорликнинг норматив коэффициенти;

$\Phi$  – муддатидан аввал фойдаланишга топширилувчи асосий фонdlар киймати;

$T_{ш}$  – объектни фойдаланишга топширишнинг шартномадаги муддати;

$T_a$  – объектни фойдаланишга топширишнинг амалдаги муддати.

Янги курилиш ёки амалдаги корхонани қайта тиклаш ва кенгайтириш ишлари, объектларнинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик тез амалга оширилса, инвестициялар самарадорлиги мос равишда шунчалик юқори бўлади.

#### 5.4. Корхоналарда инновацион салоҳиятни ошириш

Корхоналарда ишлаб чиқарип ёки хизмат кўрсатишни самарали фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш бўйича турли олимлар томонидан ҳар хил усувлар ишлаб чиқилган. Машҳур америкалик иқтисодчи М.Портер айнан корхона даражасида инновацион фоалиятни самарали ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос моделини яратди. Унинг фикрига кўра корхоналар ўзи учун энг

мақбул рақобат стратегиясини танлашда бешта күч таъсирини иnobatта олиши лозим бўлади<sup>25</sup>. Бу бешта күч :

- 1) Ўриндош товар ёки маҳсулотларнинг пайдо бўлиш хавфи.
- 2) Янги рақобатчиларнинг бозорга кириш хавфи.
- 3) Рақобатнинг интенсивлик даражаси.
- 4) Харидорлар( мижоз)нинг нархга таъсир даражаси.
- 5) Таъминотчи (сотувчи)ларнинг нархга таъсир даражаси.

Юқоридаги бешта күч таъсирини инобатта олгани М.Портер куйидаги инновацион фаолият самарадорлигига эришиш учун умумий стратегияларни кўллашни тавсия этади:

- 1)дифференциация;
- 2)харажатлар бўйича абсолют устунлик;
- 3)фокус стратегияси.

**Инновацион иқтисодиётда дифференциация стратегияси** – бу тармоқда ягона ўзига хос хусусиятларга эга бўлган товар ёки хизмат ишлаб чиқариш ҳисобланади. Дифференциация хар хил кўринишда бўлиши мумкин, масалан, дизайн ёки бренд (Фиелдрест-сочиклар ва ички кийим ишлаб чиқарувчи), технология(Хейстер юк машиналарини ишлаб чиқарувчи, Солеман кемпинг ускуналар ишлаб чиқарувчи), функционал имкониятлар (Женнаир электроплита ишлаб чиқарувчи), истеъмолчиларга хизмат кўрсатиц (Кровн Сорканд Сеал металл идишлар ишлаб чиқарувчи) дилерлик тармоқлари (Сатерпиллар Трастор курилиш техникасини ишлаб чиқарувчи) ва бошқалар. Дифференциация стратегияси истеъмолчиларнинг нархга таъсирчанлигини камайтириш ва “садик” мижозлар гуруҳини яратиш орқали бозордаги кучли рақобатдан ҳимоя қиласи. Мижозларнинг “садиклиги” ва янги маҳсулот яратишга бўлган мажбурлик янги рақобатчиларнинг бозорга кириб келишига халақит беради.

**Харажатлар бўйича абсолют устунлик стратегияси** деганда, корхонанинг берилган соҳада харажатларни камайтириш бўйича етакчига айланиши тушунилади. Рақобатчиларга нисбатан кам харажат қилиш бу корхонага тармоқдаги ўртача даромаддан юқори даромад кўриш имкониятини беради. Бундан ташқари, бундай корхоналар кучли рақобатга ҳимояланган бўлади, чунки улар-

<sup>25</sup>Портер М. Конкурентная стратегия, Альпина Бизнес Букс, 2005, стр.75.

нинг рақобатга заар қўраётган пайтда улар фойда билан чиқишида давом этади. Харажатлар бўйича абсолют устунликка эришишда одатда фаолият олиб борилувчи бозорнинг катта қисмини эгаллаш талаб этилади. Шу билан бирга, кўп микдорда янги жиҳозлар капитал қўйилмалар, хужумкор нархлаштириш, бозорнитез эгаллаш стратегияси кабилар талаб этилади. Бозорнинг катта қисмини эгаллаш миқёс самараси учун имконият яратади. Устунликка эришиб бўлгач эса олинган юқори фойданни қайта инвестициялашга йўналтириш соҳада етакчиликни ушлаб қолишга имкон беради. Бу стратегияни қўллаган Бригтсанд Страттон кам кувватли бензин двигателларини ишлаб чиқариш корхонаси 2000 йилларда жаҳон бозорнинг 50фоизни эгаллашга эришган<sup>26</sup>. Ҳарнисчфегер корхонаси 1979 йилда юк кўтарувчи кранлар ишлаб чиқариш бўйича шунга ўхшаш стратегияни қўллаган. Аввалига корхона бозорнинг 15 фоизни назорат қилиган бўлса, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичини қайта ташкил этиш ва тежаш мақсадида керакли запчастларни катта микдорда харид қилиш орқали бозордаги улушкини 25 фоизга чиқаришга эришди.

**Фокус стратегияси-** бу маълум бир харидорлар гурӯхига (фокусга) дикқатини қаратиш ҳисобланади. Фокус стратегияси турли кўринишида қўлланиси мумкин. Бу стратегия асосида корхона тор доирадаги мақсадларга эришиши кенг қамровли мақсадларга нисбатан осонроқ амалга ошади деган тахмин ётади. Фокус стратегиясини қўллаган корхоналар охир оқибат маҳсулот дифференциацияси ёки харажатларни камайтиришга эришади. Бунда ҳам корхоналар ўзлари фаолият юритувчи тармоқда ўртacha фойдадан юкори фойда олиш имкониятига эга бўлади, аммо бозорда катта улушга эга бўла олмаслик эҳтимоли ҳам бўлади.

Инновацион фаолиятнинг асосий мақсади бозорда узок муддат давомида самарали фаолият олиб боришга эришиш ҳисобланади. Масалан, АҚТ соҳасида инновацион маҳсулот яратган Микрософт компанияси ўзининг инновацион фаолияти ҳисобига мана 23 йилдирки кучли рақобатчиларнинг мавжудлигига қарамай ахборот технологиялари бозорида етакчиликни сақлаб турибди. Бу

<sup>26</sup>Портрет М.Э. Конкуренция. Пер. с англ.-М.: Издат. Дом "Вильямс", 2001, 464 стр.

максадга эришиш учун куйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- бозордаги улушкини кўпайтириш;
- янги бозорларга чиқиш;
- мослашувчан инновацион корхона имиджини яратиш;
- фаолиятни диверсификациялаш.

Амалиётда корхоналар кучли рақобат шароитида инновацияларга эҳтиёж сезишади ва бошқарувнинг барча бўскичларида ривожланишинг янги йўлларини қидиришади.

### **Таянч иборалар**

Инновация, инвестиция, корхона, лойиха, маҳсулот, стратегия, рақобат, технология, харажат, самара, самарадорлик, инновационсалоҳият.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инновацион фаолиятта таъсир этувчи асосий омилларни ёритинг.
2. Инвестиция – бу нима?
3. Инновацион фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини тушунтириинг.
4. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини айтинг.
5. Корхонанинг инновацион салоҳияти деганда нима тушунилади?

## **6-мавзу. Инновацион иқтисодиёт инсон омилини фаоллаштиради**

### **Режа**

- 6.1. Инновацион тизимда инсон омили, ўрни ва аҳамияти.**
- 6.2. Инсон омилини фаоллаштириш асосида инновацион соҳада корхонани бошқариш.**
- 6.3. Кадрларни танлаш, улар фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш асосида инновацион фаолликни таъминлаш тизими.**

#### **6.1. Инновацион тизимда инсон омили, ўрни ва аҳамияти**

Инсоният тараққиётининг постиндустриал босқичи инновацион иқтисодиётнинг шаклланишини, шунингдек, меҳнат ва истеъмол стратегиясини индивидуллашувини назарда тутади. Бу эса ўз навбатида инсоннинг иқтисодий и ижтимоий ҳаётдаги фаолият шаклларини назарий жиҳатдан тушуниш масаласининг долзарблигини белгилаб беради. Билимларга асосланган замонавий иқтисодиёт учун инсон омили инновацион ривожланишининг воситаси ва шубилан бирга мақсадини ҳам ифодалайди.

Меҳнат фаолияти иштирокчиларининг сифат кўрсаткичлари янги илғор ғояларни ўзлаштириш ҳамда ижтимоий-иктисодий жорий этиш суръатларини таъминлаш қобилияти рақобатда устунликнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Ижтимоий тизимларнинг инновацион қайта шаклланиш шароитида инсон омили иқтисодиёт ва бугун жамият инновацион ривожланишининг асосий ресурси ҳисобланади.

Инсон омилининг инновацион иқтисодиётдаги мазмунини назарий жиҳатдан ўрганишда икки гурӯҳ назарияларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ижтимоий-иктисодий концепциялар. Бунда инсон омилининг ишлаб чиқаришдаги ўрни алоҳида корхона миқёсида кўриб чиқилади. Инсон омили таркиби ходимнинг инсоний салоҳияти ташкил этувчилари орқали баҳоланади. Шу жумладан, ходимнинг унумли меҳнаттга бўлган моддий ва маънавий қобилияtlари асосида ўрганилади.

**2. Ижтимоий-маданий ёндашувлар.** Унга кўра, инсон омили иқтисодий омиллар билан бирга ўз маданий шаклига асосан ҳам тубдан фарқ қиласи. Бу иштирокчиларнинг меҳнат, бошқарув ва инновацион фаолиятдаги маданиятида намоён бўлади. Бунда тўпланган маданий қадриятлар жамиятнинг инновацион ривожланишидаги асосий омил сифатида қаралади.

Саноатлашувнинг замонавий босқичида, жамиятнинг инновацион ривожланиш турига ўтишида инсон омили ўзида ижтимоий инсон омилини акс эттиради. Мазкур тушунчани белгиловчи ҳолатлар қўйилагилардир:

1. Аҳолининг меҳнатта лаёкатли қисми.

2. Инсон омилининг таълим, маданият, касб билан боғлиқ кенг қамровли салоҳиятига эга бўлган одамлар.

3. Иқтисодий ҳаракатларни амалга оширувчи ва иқтисодий тизимлар фаолиятига таъсир этувчи одамлар.

4. Ўз ижтимоий-иқтисодий мақсадларига эришиш учун иқтисодий ҳаракатларни амалга оширувчи одамлар.

Шундай қилиб, замонавий иқтисодиётда инсон омили бу – меҳнатта лаёкатли ахоли, Ижтимоий, маданий, таълимий, касбий қобилият шаклидаги инсоний салоҳиятга эга бўлган, турли ижтимоий-иқтисодий шаклда ўз меҳнат ҳаракатларини амалга оширувчи одамларнинг ташкилий бирлашмасидир.

Инновацион ривожланиш шароитида инсон омили тор маънода, яъни меҳнат жараёнида ўзининг касбий билим, малака ва кўнимкамларини намоён этувчи “яхлит ходим” сифатида кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ эмас.

Микдорий жиҳатдан иқтисодиётнинг ижтимоий инсон омили жамиятнинг иқтисодий ҳаракатларининг субъектлари йиғиндисини ифодалайди. Иқтисодий ҳаракатлар субъекти сифатида ахоли турмуш фаровонлигини ошириш учун мақсадли хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ижтимоий гурӯхлар, жамоалар, бирлашмалар тушунилади.

Иқтисодий ҳаракатларнинг турли субъектлари инсон омили сифатида турлича намоён бўлади. Бу ҳолат одамларнинг ижтимоий статуси, ижтимоий-иқтисодий ва маданий салоҳияти, иштирокчилар фаолият кўрсатаётган ижтимоий-маданий мўхитта боғлиқ.

Инсон омили – бу маълум маънода тартиблашган таркибий элементлар йигиндиси бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- ижтимоий-демографик компонент бир қатор тизимли кўрсаткичлар билан тавсифланади: аҳоли таркиби, меҳнатта лаёқатли аҳоли таркиби, туғилиш ва ўлим даражаси, ўртacha умр кўриш даражаси, оила институтининг ривожланиши;
- жисмоний компонент – ахолининг жисмоний соглиғи ва ахолининг рухий соглиғи каби кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади;
- ижтимоий-иктисодий компонент – учта кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади: аҳоли бандлиги таркиби ва даражаси; ахолининг меҳнат ва интеллектуал қобилияtlарига бўлган талаб; ахолининг турмуш сифати.
- ижтимоий-маданий компонент – тўртта кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади: жамиятда таянч таълимнинг сифати; касбий таълим даражаси; ходимларнинг малака ва касбий маҳоратининг ўсиши; ахолининг ижтимоий маданияти даражаси (шахснинг меъёрий-қадриятлар бўйича тушунчаси, тамойиллари ва эътиқодларининг ўзига хослиги, ахлоқи ва одоби даражаси, рағбатлантиришдаги афзалликлари, хулқ-атвори, ахолининг турли қатламлари ва гурӯхларининг маданий интеграция даражаси).

## 6.2. Инсон омилини фаоллаштириш асосида инновацион соҳада корхонани бошқариш

Ҳозирги пайтда муваффакиятли ташкилотларнинг асосини персонал ташкил қиласи деган тушунча ўз тасдиғини топган. «Бизнес – бу ташкилот бўлиб, унинг барқарор ривожланиши ёки инқирозини белгиловчи асосий куч унинг ходимлари малакаси ҳисобланади. Жисмоний меҳнат вақт ўтиши билан тўлиқ автоматлаштирилиши мумкин. Лекин билим – бу инсоннинг ўзига хос ресурси бўлиб, уни китоблардан топишнинг имконияти йўқ. Китобдан ахборот олишимиз мумкин; бироқ билим – бу ахборотни аниқ бир фаолият соҳасида кўллай олиш қобилиятидир.

Ташкилот шахснинг фаолиятини чеклар экан ўзининг ўзгаришларга мослашиш қобилиятини чеклайди. Ташкилот шахснинг ривожланишини рағбатлантирас экан, унинг янтиланиши доин

мий ҳисобланади. Шахслар – ташкилотлар янгиланишининг ягона маңбай ҳисобланади.

Хозирги пайтда инсон салоҳияти миллий бойликнинг асосий ташкил этувчиси деб тан олинган ва иқтисодий ўсишнинг асосий харакатлантирувчи кучидир. Унинг сифати илмий-техник тараққиёт, меҳнатни ташкил этиш ва маданияти, самарадорликни белгилаб беради. Юқори меҳнат унумдорлиги нафакат техника, балки персонал салоҳияти билан ҳам белгиланади.

Инновациялар ва технологияларни бошқариш ижтимоий жаёнларни акс эттиради. Меҳнат ресурслари, ишлаб чиқаришнинг субъектив омили бўлиб, инсоннинг жисмнойи ва ақлий қобилияйтлари йигиндисини, унинг меҳнаттага қобилиятини акс эттиради. Меҳнат ресурслари сифати куйидагиларга боғлик:

- меҳнатнинг ишлаб чиқариш кучида номоён бўлади ва ходимнинг таълим олиши ва шаклланишига сарфланган вакт асосида аникланади;
- умумий таълим даражаси, касбий билим ва кўникмалар, мутахассислиги бўйича ишлаш давомийлиги ва шароитларини акс эттиради;
- ходимнинг умумий маданият даражаси ва интеллектуал қобилияtlари, қадриятлар тизими, маънавий-ахлоқий, иродавий сифатлари, фуқаролик фаоллиги ва бошқа ижтимоий эгалланган хусусиятлари билан белгиланади.

Персонални бошқариш жараёнларида мутахассислар ва раҳбариятнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш ва қўллашга катта аҳамият берилади:

- ижодий фаолиятга эҳтиёж ва қобилият;
- тадбиркорлик;
- командада ишлай олиш;
- ривожланишининг потенциал имкониятлари;
- ахлоқий ишончлилик ва бошқалар.

Ижодий фаолиятга имкон берувчи ишchanлик мухитини яратишда ходимларни мотивлаштиришининг турли усуллари қўлланилади.

«3М» фирмасида (Миннесота Майнинг энд Мэнюфекчуринг, АҚШ) инсон ресурсларини бошқаришнинг инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи тамойиллари қўлланилади:

■ юқори меҳнат унумдорлигини рағбатлантириш асосида ҳар бир одамнинг индивидуаллиги ва қадриятларини таъкидлаб ўтиш. Инсон хукуқларини ҳимоя қилиш; ходимларнинг бир-бирига ишончли ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларини ривожланиши; персоналга таълим бериш ва малакасини оширишга жавобгарлик;

■ ҳар бир ходимнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва шу билан бирга эркин ижодий фаолиятни таъминлаш; мураккаб вазиятларда жавобгарликни ўзига олишни рағбатлантириш;

■ ҳар бир кишига ўз индивидуал қобилиятларини рўёбга чиқаришига имконият яратиш; кадрлар жойлашувини тўғри танлаш; ходимлар меҳнат салоҳиятининг ривожланишида раҳбарларнинг масъулиятини ошириш;

■ яхши бажарилган иш натижалари учун адолатли ҳақ олишда ҳаммага тенг имкониятлар яратиш; қўйилган мақсадлар асосида ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини баҳолаб бориш.

Ҳозирги пайтда инновацияларни яратиш оммавий тус олмокда – “ихтиrolар саноати” яратилмокда. Бунда ҳар бир янгилик ўзига хос бўлиб, алоҳида индивидуал ижодий жараён маҳсулини акс эттиради.

“Ихтиrolар саноати”нинг ривожланиши жиддий ресурслар таъминотини талаб этади. Янгиликнинг яратиши ва бозорга чиқиши учун илмий, лойиха-конструкторлик, технологик, маркетинг ва бошқа бўлинмалар керак бўлади. Замонавий бозорнинг янги маҳсулот сифати ва намоён қилишга талаблари жуда юқори ва муваффакият кўп жиҳатдан хилма-хил билимларни қўллай олишга боғлик. Шу сабабли янги маҳсулотни яратиш – бу турли мутахассисларнинг жамоавий фаолияти натижасидир.

Шу сабабли янгиликлар яратувчи хусусий ихтирочилар ва саноат корхоналари ўргасидаги меҳнат тақсимоти чуқурлашиб боради. Шубҳасиз, инновациялар юзага келишига асосий туртки бўлган ихтирочилар ва олимларнинг янги ғоялар генератори сифатидаги аҳамияти юқори бўлиб қолади.

Инновацион ташкилотларнинг асосий хусусияти ижодий шахсларга нисбатан эътиборли бўлишларидир. Ижодий қобилият – шахснинг муаммони ечишда ўзига хос ечимни топиш ва ноанъанавий қарорларни қабул қилишида номоён бўлади. Ижодий қобилият

хар бир инсонда туғилганидаёқ бўлиши мумкин, лекин ижодий ёндашув рағбатлантириладиган мухитдагина тўлиқ намоён бўлади.

Ўз ишига ҳаддан ташқари берилиб кетган инсонлар – ташаббускорларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ Ташаббускор – бу ташкилотнинг энг қимматли ва кўп ҳолларда ягона капиталидир. Моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ҳеч бир усули ташаббускор каби ходимни мақсад сари йўналтиришга мажбур кила олмайди.

Янгиликларни жорий этиш нафақат янгиликларни яратиш ва қўллаш билан боғлиқ ташкилий-технологик жараён, балки ташкилот функциялари, тузилмаси ва қадриятлари ўзгариши билан боғлиқ ижтимоий-маданий жараённи ҳам ифодалайди. Янгиликларни жорий этиш – бу мавжуд маданий муносабатларга янги маданият элементларининг кириб боришидир. Шу сабабли янгиликларни жорий этишда кўпинча ташкилот персоналийнинг янгиликларга каршилиги юзага келади. Бу қаршиликлар очик, яъни лойиҳага очик танқидий муносабатлар кўринишда ёки ёпик, яъни ички каршилик ташқи кўринишда розилик сифатида намоён бўлиши мумкин.

Ўзгаришларни амалга оширишда одамлар таваккал қилишга мажбур бўладилар, бу эса уларнинг маданиятига зид келади. Персоналийнинг хулқ-автори қўйидагилар билан изоҳланади:

- ўзгаришларнинг оқибатлари номаълумлиги сабабли қўрқувҳисси;
- барқарорликнинг йўқолиши мумкинлигидан безовталиқ;
- даромадларнинг пасайиши мумкинлигидан;
- мавқеини йўқотиш мумкинлиги;
- ташкилотта кераксиз бўлиб колишидан қўрқиш;
- келажақда янги ролни бажариш имкониятига эга бўлмаслик;
- янги ишни ўргана олмаслик ёки бажара олмаслик.

Бундан ташқари, янгиликларни жорий этишга тўскинлик ташкилотда вужудга келган умумий маданият таъсирида вужудга келади:

Сиёсийлашган ички мухит. Бу юқори таъсирга эга менежерларга ўзгаришларга қаршилик қилишга имконият беради. Кўп масалалар шовқинли қўллаб-куватлаш ёки кучли таъсирга эга юқори

лавозимли шахсларнинг қаршилиги, асосий раҳбарга тайзик ўтказиш, маълум натижалардан манфаатдор гурух ёки бўлимлар ўртасидаги низолар асосида ҳал этилади.

Ўзгаришларга ёки уларни ўтказишга интилаётган ходимларга нисбатан душманларча муносабат. Янги ғояларни жорий этиш ташаббуси билан чиқаётган менежерлар ва ходимларни қадрламайдиган мансабдор шахслар мавжуд ҳолатни яхшилашга интилишларга тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

Стратегик ривожланиш, рағбатлантирувчи ғоялар ва маданиятни шакллантиришга нисбатан структура, назорат тизими, бюджет, назорат тизимини яхши билувчи менежерларга устувор аҳамият қартиш. Бу турдаги менежерлар ташкилотнинг ички ташкилий масалаларни меваффакиятли ечишга қодир бўлади. Лекин уларни юқори лавозимларга қўйишганда, компания янги стратегик вазифаларни еча оладиган ишбайлармон лидерларга нисбатан танқислик сезиши мумкин, бу эса узоқ муддатли мақсадларга эришишга имконият бермайди.

Персоналнинг ўзгаришларга қаршилигини пасайтириш учун ташкилот ичida бўлаётган ўзгаришларни енгишга имкон берувчи ўзига хос мослашувчан маданиятни шакллантириш керак.

### **6.3. Кадрларни танлаш, улар фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш асосида инновацион фаолликни таъминлаш тизими**

Ташкилотларда персоналнинг новаторлик фаолиятини кучайтириш ва ўзгаришларга қаршиликни камайтириш мақсадида зарур ўзгаришларга мотивация кўринишидаги турли чоралар кўрилади:

- ташкилот раҳбариятининг новаторлар таклифларига эътибор билан қараши;
- таклифлар, ихтиrolар ва ишланмалар муаллифларини моддий ва маънавий рағбатлантириш;
- янгиликларни ишлаб чиқища зуур шароитларни яратиш, шу жумладан харакатлар эркинлигини таъминлаш;
- ташкилот ичida ва ташқарисида ҳамкаслар ўртасида самарали коммуникацияларни қўллаб - қувватлаш;

- новаторлар ва яратувчиларнинг ташкилот муваффакиятида-  
ги ҳиссасини тан олиш;
- хизмат мартабаси жиҳатдан кўтарилиши ва бошқалар.

Ихтиричилар меҳнатини ташкил этиш ва рағбатлантиришида хукукий, молиявий, ташкилий ва бошқа йўналишларни қамраб олувчи алоҳида сиёsat ишлаб чиқилади ва ташкилотнинг иммий-техник ҳамда истеъмол фаолиятини ривожлантиришга имкон берувчи стимуллаштирувчи кенг харакатлар кўлланилади.


Ихтиричилик фаоллигини стимуллаштириш тизими Япония-да, айниқса, батафсил ишлаб чиқилган. Муаллиф патент учун ариза берганда унча кўп бўлмаган мукофот берилади. Агар фирма ихтиричининг ишланмасини ўз фаолиятида кўллаган бўлса, унга катта микдордаги мукофот берилади. Фирма томонидан тасдиқланган нуфузли комиссия ихтиродан олинган самарани олти балли шкала бўйича баҳолайди, муаллифларга б мингдан 200 минг иенга-ча мукофот берилади. Сотилган лицензия учун ҳар йили, лицензияни алмаштириш учун ҳар беш йилда мукофот берилади. Агар ихтиро фирмага сезиларли даромад келтирган бўлса, бу ҳолда алоҳида мукофот берилади.

АҚШ корхоналарида инновацион фаолиятни таъминловчи алоҳида шароитлар яратилган. Киритилаётган таклифларни тезкор тарзда жорий этиш ва унинг самарасини дарҳол баҳолаш учун имкониятлар яратилган. Ташаббусни катта микдордаги мукофот билан тақдирлаш сиёсатини амалга ошириш янгиликларни жорий этишининг узлуксиз жараёнига кучли рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Шундай, «Женерал Моторс» корпорацияси техник-технologik ва ташкилий кўринишдаги ҳар қандай таклифи 10 минг доллар атрофида рағбатлантиради. Корпорация ҳар йили ўртacha бир ходимдан битта таклиф олади ва бу таклифларнинг учдан бир кисми амалиётга жорий этилади.

АҚШнинг саноат корхоналари объектив сабабларга кўра ёки техник тақомиллашмаганлик учун амалиётга жорий этиш имконияти бўлмаган таклифларни ишлаб чиқсан новаторларни ҳам рағбатлантирадилар. Уларга «Компания фаолиятига қизиқиш билдиргани ва уни ривожлантиришга ҳаракат қилгани учун» рамзий мукофоти берилади.

Компания «3М» (Minnesota Mining & Manufacturing) ходимлар ўргасида ижодий ташаббусни кўллаб-кувватлаш учун ўз ходимларига иш вақтининг 15фоизини ўз лойиҳаларини ишлаб чиқишига ажратишга рухсат беради. Компания ихтирочиларни рағбатлантиришнинг яна бир турини жорий этган – бошланғич грант. Фирма ходими ўз лойиҳасини амалга ошириш учун 50 минг доллар миқдорида субсидия олиш имкониятига эга.

Бундан ташқари, компания новаторликнинг ташкилий захираларини қидириш бўйича фаол иш олиб боради. Шу жумладан, мутахассисларнинг шахсий ривожланиши учун «3М» да “икки томонлама зина” тизими жорий этилади. Бу тизим ходимларнинг шахсий қобилиятлари ва хоҳишлиаридан келиб чиқиб, маъмурий ёки илмий-инженерлик йўналиши бўйича ўсишига имконият яратади. Илмий-инженерлик йўналиши бўйича лавозимлар бошқарув лавозимларига мос ҳолда келтирилган.



**6.3.1-расм. Илмий-инженер кадрлар мартабаси ривожланишининг икки йўналиши.**

Кўпгина давлатларда профессионал кадрлар тайёрлаш тизими бир нечта буғинлардан иборат бўлади. Ўзбекситонда у куйидаги босқичлардан иборат:

- умумтаълим мактаблари;

- профессионал-техник колледж (билим юрти) ёки колледж (техникум);
- олий таълим муассасалари, уларда бакалавр, магистр тайёрланади;
- ОТМлар ва илмий тадқиқот институтлари қошидаги докторантуралар;
- ОТМлар қошидаги малака ошириш факультетлари.

АҚШдаги расмий профессионал таълим тизими күйидагиларни ўз ичига олади: бошлангич ва ўрта таълим, профессионал техник билим юрти, иккى йиллик бошлангич колледжлар; профессионал мактабларвауниверситет колледжлари, аспирантура ва докторантура. Америкада меҳнат ресурсларининг касбий таълим минни таъминловчи маңба бўлиб хусусий иш жойида кадрларни тайёрлаш ва корпорациялар хузуридаги ўқув марказлари ҳисобланади (6.3.1-жадвал).

### 6.3.1-жадвал

#### АҚШда кадрларни тайёрлаш

Ташкилотлар	Фаолият кўрсатаётган меҳнат ресурслари таркибида тайёрланган ходимларнинг улуши, фоиз
Олий ва ўрта мактаб	29
Тўрт йиллик колледжлар	17
Иккى йиллик колледжлар	5,2
Ўрта мактаблар	4,9
Мактабдан кейинги хусусий касбий курслар	2,2
Давлат касбий курслари	1,7
Компаниялар, фирмалар (иш ўрнида тайёрлаш)	28
Хусусий компанияларнинг касбий марказлари	10
Мудофаа кучлари ўқув бўлинмалари	2

Япониянинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги таълимнинг ривожланишини белгилаб берган бир чизиқли мактаб таълими тизими 6–3–3–4 формуласига асосланади:

- 6 йил – бошлангич мактаб;
- 3 йил – кичик мактаб;
- 3 йил – катта ўрта мактаб;
- 4 йил – олий мактаб (университет).

Япония иқтисодиёти ривожланишини ҳаракатга келтирган куч фирма ичидаги таълимга асосланган кадрларни тайёрлаш тизими ҳисобланади. Фирма ичидаги таълимнинг муваффақиятини куйидаги ҳолатлар таъминлаб берган:

- японияликларнинг мактабда олинган фундаментал билимларга асосланган юқори таълим даражаси;
- “ички тайёрлаш”нинг анъанавий амалиёти, бунда корхона ўзи учун керак деб ҳисоблаган кадрларини ўзи тайёрлайди;
- иш вақтида таълимнинг тарбиявий самарасини ошириш имкониятини берувчи персонални бошқариш тизими;
- фирма ичидаги таълимни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати.

Ҳозирги пайтда илмий-техник ривожланиш таъсирида меҳнат ресурсларининг қайта ишланиши узоқ муддат талаб этади. Бошқа томондан меҳнат ресурсларининг ишлаб чиқариш кучларининг моддий элементлари (асбоб-ускуналарнинг маънавий эскириш даври қисқариб бориши) қайта ишланиш муддати қисқариб бормокда. Бу эса билимлар ҳажмининг ошиб бориши билан боғлиқ. Жаҳон амалиётида янги билимнинг пайдо бўлиши ва унинг амалда кўлланиш даври кескин қисқариб бормокда.

Ташкилотдаги ўқитиши – бу ташкилот янги билим, хулқ-атвор ва қимматликлар олувчи жараён ҳисобланади. Бу жараён ташкилотнинг барча даражаларида амалга оширилади:

- алоҳида ходимларнинг ўзаро ва ташки мухит билан таъсири асосида ҳар кунги иш жараёнида;
- гурухларда, аъзолар умумий мақсад учун ҳамкорлик қилишганда;
- атроф-мухитдан тескари алоқа таъсирини сезган ҳолда кейинги ўзгаришларни кутиш давомида бутун ташкилот тўлиқ ўқийди.

Янги билимлар янги мақсадлар, процедура, кутишлар ва муваффақият мезонлар мазмунида ўз аксини топади.

Иккى турдаги ўқигиши мавжуд – «сақланувчи» ва «инноваци-он».

«Сақланувчи ўқитиши» – бу маълум ва тақрорланувчи вазиятларда ҳаракат қилиш учун аниқ ўрнатилған қарашлар, усул ва қоидаларни ўзлаштиришдир.

Таълимнинг бу тури ҳар қандай жамиятнинг фаолият кўрсатиши ва барқарорлигини саклаб туришда бекиёс аҳамиятга эга. Бунда бугунги фаолият фақат ўтган даврдаги фаолият билан таққосланади. Тахирлаш чоралари вужудга келаётган муваффакиятсизликларни тузатишга қаратилган ҳамда ташкилотнинг янги имкониятлари ва устунликларидан фойдаланиш масаласи эътибордан четда қолган. «Инновацион ўқитиш» ташкилотнинг янги шароитдаги ишлашига тайёрлашга қаратилган.

Бу ҳолда ҳали мавжуд бўлмаган муҳит қандай бўлишини аниқлай олиш керак бўлади. Инновацион ўқитиш амал қиладиган келажакдаги вазиятнинг у ёки бу даражадаги аниқ тафсилотлари ҳам мавжуд бўлмайди. Бу вазиятларни аниқ тасаввур қила олиш ҳам бу турдаги ўқитишнинг вазифаларидан бири ҳисобланади. Инновацион ўқитиш вужудга келадиган қуйидаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган:

- ўзига хос бўлиб, шу сабабли олдинги хатолар ва тажриба асосида ўқитиш имконияти бўлмаган муаммолар;
  - ечими ҳали маълум бўлмаган муаммолар;
  - мазмуни баҳс ва шубҳаларга сабаб бўлувчи муаммолар.

Ташкилотда инновацион ўқитишининг мавжуд бўлмаслиги унинг ташки мухитга мослаша олиши билан боғлиқ қийинчи-ликларни келтириб чиқаради. Менежерлар одатда қувватловчи ўқитишига яхши тайёргарлик кўришган. Лидернинг вазифаси инновацион ўқитишини таъминлашдан иборат.

## Инновацион үқитишнинг қуидаги турлари мавжуд:

1. Тарихни янгича талқин этиши. Бу йўналиш ташкилотнинг ўзида тўпланган иш тажрибаси ва анъаналарини бахолаш асосида уларни янги шароитда кўллашга қаратилган.

2. Тажриба ўтказиш. Ташкилот ўзгаришлар ийналишининг аникланган илмий фаразларини бошқариладиган тажрибалар ва

уларнинг оқибатларини ўрганиш асосида текшириб кўриши мумкин.

3. *Ўхшаш ташкилотларнинг тажрибасидан фойдаланиши* – маълум ва амалиётда кенг қўлланиладиган усул ҳисобланади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги узоқ йиллар давомида япон тадбиркорлари жаҳон бозорида қандай рақобат курашини олиб боришни хорижий мамлакатларнинг ўхшаш компанияларидан ўргангандар. Минглаб япон менежерлари ва мухандислари америка компанияларига бориб, ишлаб чиқариш жараёнининг миллионлаб фотосуръатларини олишган, кўплаб америкалик ҳамкаслари билан сухбатлашишган ва уйга қайтгач, ўргангандарнинг энг яхшиларини ўз ташкилотларида қўллагандар. Ҳозирда тескари жараён юз бермоқда. Энди АҚШ мутахассислари япон ишлаб чиқарувчиларининг тажрибасини ўрганишга ҳаракат қилишмоқда.

4. *Таҳлилий жараёнлар*. Кўпгина ташкилотлар ташки мухитдаги ўзгаришлар тенденциясини мақсадли таҳлил қилиш асосида, вужудга келаётган муаммоларни аниқлаш ва унинг ечиш усуllibарини аниқлашга асосланган ўқитишни амалга оширади.

5. *Ўқитиш ва таълим*, яъни расмий ўқитиш, бунга ҳозирда кўплаб корхоналар катта эътибор қаратмоқда. Америка фирмалари бунинг учун йилига умумий ҳолда 30 миллиард долларгача маблағ ажратишмоқда.

Янгиликларга қаршилик кўрсатиш ва новаторлик фаолиятини кучайтириш персонални мотивлаштиришнинг маҳсус тадбирларини ўтказиш орқали амалга оширилади. Бунда рағбатлантиришнинг моддий ва маънавий усуllibарни қўлланилади. Раҳбарият ходимларнинг янги ғояларни илгари суриши, бу ғояларни амалга ошириш учун шароит яратишга эътиборни кучайтириши керак.

### Таяинч иборалар

Инсон омили, ресурс, бошқариш, концепция, кадрлар, стратегия, кадрларни танлаш, кадрларни тайинлаш, рағбатлантириш, мамлакали кадрлар, ижодий қобилият.

### Назорат ва мухокама учун саволлар

1. Инновацион тизимда инсон омилини шарҳлаб беринг.

2. Инсон омилиининг фаоллик даражасини баҳолаш мезонлари ни айтинг.
3. Инсон ресурсларини бошқариш концепцияси тұғрисида ту- шунча беринг.
4. Кадрларни бошқариш стратегиясининг мөхияти ва турлари- ни ёритинг.
5. Кадрларни бошқариши стратегиясининг турларини санаб бе- ринг.
6. Кадрларни танлаш ва баҳолашда нималарга эътибор қарати- лади?

## **7-мавзу. Инновацион иқтисодиётда хизматлар бозорини ривожлантириш**

### **Режа**

- 7.1. Инновацион иқтисодиёт шароитида хизматлар бозорининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти.
- 7.2. Хизматлар бозорининг мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида тутган ўрни.
- 7.3. Ўзбекистонда инновацион хизматлар бозорини ривожлантириш йўллари.

#### **7.1. Инновацион иқтисодиёт шароитида хизматлар бозорининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти**

Кишилик жамиятидаги буюк тарихий кашфиётлардаи биримиз бозор хисобланади. Бозор ўз тараққиёти давомида иқтисодий аҳамияти билан бирга, одамларнинг маънавий юксалишига хам ўзининг таъсирини кўрсатиб келган. Инсон бозордаги товарларни ҳарид қилиш билан мамлакат ва жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар ва янгиликлардан баҳраманд бўлади, ўз маҳорати ва билимини яна-да оширишга интилади. Бу эса ўз навбатида илмий-техник жараённи рағбатлантиради ва ишлаб чиқаришнинг жадаллашишига олиб келади.

Республикамизда аралаш иқтисодиётнинг вужудга келиши ва иқтисодиётимизни бошқаришда демократик тамойилларнинг қўлланилиши тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очилиши-жаҳондаги илғор тажрибалар ва меъёрлар асосида ички ҳамда ташқи бозорларда фаолият юритишларига замин яратмоқда. Бундай шароитда, табиийки, бозорнинг қонуниятларини ўрганиш мухим йўналиш хисобланади.

Хозиргى даврда, бозор – ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг кўп қиррали мураккаб алоқаларини, уларнинг ўзаро бирбиirlарига бўлган таъсирини боғлайдиган бўгин, жамият тараққиётида модда алмашувини таъминлайдиган жараён сифатида шакл-

ланди. Бозор тушунчасига жуда кўплаб таърифларни келтириши-  
миз мумкин.

К. Р. Макконел ва С. Л. Брюлар бозорни маҳсулот ва хизмат-  
ни сотувчи ва сотиб олувчиларни қўшувчи механизм деб аташа-  
ди<sup>27</sup>.

Н. Тухлиевнинг фикрича: “Бозор товар ишлаб чиқариш  
қонунлари асосида ташкил қилинган айрбошлиш, товар ва пул  
муомаласи муносабатларининг йигиндиси, ишлаб чиқариш ва  
истеъмол ўртасидаги муҳим боғловчи бўғиндир”<sup>28</sup>.

А. Ўлмасов ва А. Ваҳобовлар қаламига мансуб “Иқтисодиёт  
назарияси” дарслигига: “Бозор – бу харидорлар билан сотувчилар  
орасидаги иқтисодий алокалар, уларни бир-бирига боғлайдиган  
механизмдир”<sup>29</sup>, дейилган.

Б.Ю.Ходиев ва Ш.Ш. Шодмоновлар муаллифлигига ёзилган  
“Иқтисодиёт назарияси” дарслигига эса: “Бозор – ишлаб чиқарув-  
чилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул  
орқали айрбошлиш жараённида вужудга келадиган муносабатлар  
мажмуаси”<sup>30</sup>, деган таъриф берилган.

Юқорида келтирилган таърифлардабозорнинг моҳияти қайси-  
дир даражада очиб берилган. Улар асосида айтиш мумкинки, бо-  
зор – ишлаб чиқарувчи (сотувчи)лар ва истеъмолчи (харидорлар) лар  
ўртасида пул орқали айрбошлиш жараённида бўладиган муносабат-  
ларни боғлайдиган тузилмадир.

Бозорнинг асосий белгилари – сотувчи ва харидорларнинг  
ўзаро келишуви, эквивалентлилик тамойили асосида айрбошлиш,  
сотувчиларнинг харажатлари қопланиб, фойда олиши ва тўловга  
кодир бўлган харидорларнинг талабини қондириш ва рақобатчи-  
ликдан иборатdir.

Шуни таъкидлаш лозимки, бозорнинг моддий асосини жой  
эмас, балки товар ва пулнинг ҳаракати ташкил этади. Бозор тушун-  
часи иқтисодиётнинг тўртта фазаси (ишлаб чиқариш, айрбошлиш,  
тақсимлаш ва истеъмол жараёнлари)дан факат айрбошлиш жара-  
ёнидаги иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади. Бозорда хеч

<sup>27</sup>Кэлбелл Р. Макконелл, Стэнли Л. Брю. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Том 1. –Таллинн: 1993, стр. 77.

<sup>28</sup>Тўхлиев Н. Бозорга ўтишининг машакатли йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 13 бет.

<sup>29</sup>Ўлмасов А., Ваҳобов А.. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: “Шарқ” наприяти, 2010., 90 бет.

<sup>30</sup>Xodiyev B.Y., Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi: Darslik. – T.: “Barkamol fayz media”, 2017, 160 bet.

қандай бойлик яратилмайди, ишлаб чиқарилмайди, кишиларга баҳт, ризқу-рўз ҳам улашилмайди, лекин унда – турли мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда мавжуд бўлган минглаб корхоналарда ишлаётган миллионлаб кишилар томонидан яратилган товар ва хизматлар, кўчмас мулклар, иқтисодий ресурслар, ишчи кучи пулга сотилади ва сотиб олинади.

Бозор мураккаб тузилишга эга. Шу сабабдан, уни туркумлашга ҳар хил мезонлар асос қилиб олинади. Булар бозорнинг етуклик даражаси, сотиладиган ва сотиб олинадиган маҳсулот тури, бозор субъектлари хусусиятлари, бозор миқёси, иқтисодий алоқалар характеристи ва бошқалар.

Бозорнинг етуклик даражасига қараб ривожланмаган бозор, эркин (классик) бозор, ҳозирги замон ривожланган бозорларга бўлинади. Ривожланмаган, шакланаётган бозор кўпроқ, тасодифий ҳарактерга эга бўлиб, унда товарга товар айирбошлиш усули (бартер) кўпроқ қўлланилади. Бозорнинг бу тури тарихан ҳали ҳақиқий пул келиб чиқмаган даврга тўғри қелади. Лекин ҳозирги даврда ҳам айрим мамлакатларда пул инқизорзга учраб, ижтимоий ишончни ўқотган, бозор иқтисодиётига ўтаётган даврларда ҳам бу бозор амал қилиши мумкин.

Эркин (классик) бозорда товар ва хизматларнинг ҳар бир тури бўйича жуда кўп ишлаб чиқарувчи (сотувчи)лар ва истеъмолчи (сотиб олувчи)лар бўлиб, пул оркали айирбошлиш жараённада улар ўргасида эркин рақобат келиб чиқади, нархлар талаб ва таклиф ўргасидаги нисбатга қараб эркин шаклланади, рақобатнинг турли усулари қўлланилади, аҳоли ва ишлаб чиқарувчилар кескин табакалашади.

Ҳозирги замон ривожланган бозорида давлат унинг фаол иштироқчиси бўлади. Бунда бозор анча тартиблаштирилади ва бошқарилади, турли хил биржалар ва бошқа олди-сотди жараённiga хизмат килувчи тармоқлар ривожланган бўлади, рақобат курашлари, аҳолининг табакалашуви юмшатилиб, уларнинг даромадлари даражаси ўргасидаги фарқлар камаяди.

Назария ва амалиётда бозорларни турларга ажратишда, уларда иштирок этувчи товарлар ва хизматлар асос қилиб олинади. Аксариёт иқтисодий адабиётларда бозорларнинг қуидаги асосий турлари келтирилади:

- истеъмол товарлари ва хизматлар бозори;
- ишлаб чиқариш воситалари бозори (ресурслар бозори);
- меҳнат бозори;
- молия бозори ва бошқалар.

Бозорлар таркибида истеъмол товарлари ва хизматлар бозори-асосий таркибий қисмлардан бири ҳисобланади. Унда хўжалик субъектларининг барча учта тури: уй хўжаликлари, давлат ва корхоналар катнашади.

**Истеъмол товарлари бозори** – аҳолининг шахсий эҳтиёжини қондирувчи ва ҳаёт кечириш учун уй-рўзгорини жиҳозлаш мақсадида харид қилинувчи асосий ва ҳаёт учун зарур бўлган маҳсулотларниң олди-сотди муносабатлари мажмуини ўз ичига олади. Истеъмол товарлари бозори ўз навбатида жуда кўплаб маҳсус бозорларга бўлинниб ҳам ўрганилади: озиқ-овқат, кийим-кечак, хўжалиқ, маданий моллар ва бошқаларга бўлинади. Бу бозорниң моддий-техника асоси(инфраструктураси) бўлиб: улгуржи савдо базалари, дўконлар ва барча чакана савдо-сотиқ билан шуғулланувчи шахобчалар ҳисобланади.

Хизматлар бозори – аҳолига майший, маърифий, тиббий, техник, коммунал, маданий, алоқа, транспорт, консалтинг, инжиринг, лизинг ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича олди-сотди муносабатларини ифодалайди. Унинг ҳам ўзига хос шахобча ва муассасалари шаклланади. Истеъмол товарлари ва хизматлар бозорларининг ўхшашлиги шундаки, улар тўғридан-тўғри инсонлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Истеъмол товарлари ва хизматлари бозорининг маҳсус туринг-интеллектуал товарлар бозоридир. Унда ақдий меҳнат маҳсулни бўлган товарлар – илмий ғоялар, техника янгиликлари, санъат ва адабиёт асарлари, ҳар хил ахборотлар олди-сотди қилинади. Ушбу бозор таркибида илмий-техника ишланмаларини айирбошлиш катта ўрин тутади.

Интеллектуал товарлар бозорининг функцияси – патент, лицензия ва ноу-хау сотишдан иборат. Бу бозорда асосан инновация фирмалари фаолият юритишади. Улар янгиликлар яратиш, бозорда сотиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича хизмат кўрсатишади.

Ишлаб чиқариш воситалари бозорида саноат корхоналари, дехқон, фермер хўжаликлари ва иқтисодиётнинг барча тармоқлари муассасаларининг таъминоти учун зарур бўлган дастгоҳ, хомашё, жиҳоз ва бутун керакли товарлар олди-сотдиси ташкил этилади. Бу бозор бизнинг мамлакатда “Ўзулгуржибиржасавдо” тизими, товарҳом ашё биржалари миқёсида ташкил этилган.

Ишлаб чиқариш воситалари бозори товар биржалари орқали ҳам амалга оширилади.

Молия бозори – нақд пул, валюта, капитал ва қимматли қофозлар олди-сотди муносабатлари мажмунин билдиради. Молия бозори суғурта тизимини ҳам ўз ичига олади. Молия бозорининг сотувчилари сифатида пул эгалари – аҳоли, фирма, корхона, давлат ва тижорат банклари қатнашадилар. Молия бозорининг харидорлари – пулга муҳтоҷ бўлган барча субъектлардир.

Мехнат бозори дегандা ишчи кучини олди-сотди жараёни тушунилади. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурсларини ҳам эркин олди-сотдиси ташкил этилади. Ортиқча меҳнат ресурси ишчи кучи сифатида таклиф этилади ва корхона, фирмаларнинг талаблари асосида эркин баҳоларда сотилади. Демак, меҳнат бозорида ҳам таъаб, таклиф ва баҳо мавжуд. Ишчи кучи қийматининг баҳоланиши, сотиб олинаётган ишчининг иш ҳақи ва қўшимча имтиёzlари билан аникланади.

Мехнат бозори – меҳнат биржалари орқали уюштирилади. Меҳнат биржаси туман, шаҳар ва вилоятларда ўз тармоқларига эга.

Меҳнат биржасида корхона ва фирмаларда бўш иш жойлари рўйхати ва ишсизлар тўғрисида маълумотлар йигилади. Меҳнат биржасига мурожаат қилган ишсизларга бўш жойлари ёки янги касбни эгаллаш тавсия этилади. Янги мутахассисликларни эгаллашга муҳтоҷ кишиларга маҳсус ўқиши курслари ташкил этилади.

Юқорида келтирилган фикрларга эътибор берадиган бўлсак, истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш воситалари (ресурслар), меҳнат ва молия бозорлари фаолияти ўз мазмун-моҳиятига кўра хизмат кўрсатишга каратилган. Шу сабабдан, бу бозорлар алоҳида (турли) номлар билан аталсада, аслида уларнинг барчаси жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишиди.

“Туризм инновацион хизматлар бозорининг бир кўриниши бўлиб, юқори сифатли туристик хизматлар бозорини ҳам келтириш

мумкин. Республикаизда ўсиб бораётган юқори сифатли туристик хизматларга бўлган талаб ва унинг қондирилиши ўргасидаги муносабатлар юқори сифатли туристик хизматлар бозори – бу истеъмолчиларга юқори сифатли туристик хизмат кўрсатиш асосида даромад олиш имкониятини яратадиган туристик хизматларга талаб ва таклиф мутаносиблиги ҳисобланади”<sup>31</sup>.

Хизматлар бозори бизнинг мамлакатимизда ҳам жуда катта истиқболга эга. Жаҳондаги энг ривожланган мамлакатларда ишга яроқли аҳолининг 65-70 фоизи ана шу хизматлар бозори соҳаларида фаолият кўрсатади ва уларнинг иқтисодиётдаги салмоғи ҳам жуда юқори.

Худудий жиҳатдан бозорлар – маҳаллий, миллий ва жаҳон бозорига ажратилади.

Юқорида баён этилган бозорлар, уларда сотилаётган товар ёки хизматлар турларига қараб бир неча минглаб хилларга бўлиниб кетади. Амалиётда ҳар қайси товар ёки хизмат турининг хусу-сиятларига қараб бозорни ташкил этиш ва бошқариш тартиб-қоидалари мавжуд.

Хорижий адабиётларда бозор турларига қараб маркетинг фаолиятининг икки мингдан ортиқ таърифи бор эканлиги қайд этилади. Амалиётда қанча турдаги товар ёки хизматлар бозори ташкил этилаверса ва бошқариш тизими шаклланаверса, шунча маркетинг фаолияти таърифи берилаверади.

Аҳоли фаровонлигини оширишни кўзда тутувчи бозор муносабатлари сари бораётган мамлакатимизнинг ривожланиш даражасини кўтариш бўйича улкан ишлар амалга оширалаётган ҳозирги шароитда, истеъмолчилар талабига ҳар томонлама жавоб бера оладиган арzon ва сифатли, шунингдек, бозорда ракобатбардош хизматларни яратиш энг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳозирги замон талабига жавоб берадиган маданиятли хизматларни қарор топтириш мақсадида “Истеъмолчилар ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (1996 йил (26 апрель) ва “Реклама тўғрисидаги” (1998 йил 25 декабрь) қонунлар ҳамда бир қатор қонуности ҳужжатлар қабул қилинган. Уларга риоя қилиш учун давлат назорати амалга оширилади. Бу

<sup>31</sup>Ушбу муаллифлик таърифи СамДУ таянч докторантি Жанзаков Б.К. илмий тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

қонун ва қарорларга мувофиқ инсофсиз рақобатчилар томонидан товар ёки хизмат бозорларини монополлаштириш юзасидан ҳар қандай уринишларнинг олдини олиш, уларни чеклаш ва барҳам бериш, истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш жиҳатлари билан биргалиқда нархларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига, бозорда сифатсиз хизматлар кўрсатилишига олиб келувчи рақобатнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилади.

Мамлакатимизда хизматлар бозорида рақобат муҳитининг ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечими ни топиш – миллӣ иқтисодиётимизни ривожлантириш стратегиясининг асосини ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам бозорларимизда эркин рақобат муҳитини шакллантириш ва корхоналаримиз рақобатбардошлигини ошириш омилларини таҳлил этиш амалиёти кўлланилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётининг янги ривожланиши босқичига ўтаётган даврда асосий эътибор хизматлар бозорини экстенсив ривожлантиришгагина эмас, балки фан-техника тараққиёти негизида, улар фаолиятини ҳар томонлама интенсивлаштиришга, инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этган ҳолда ривожлантиришга қаратилмоги зарур.

## **7.2. Хизматлар бозорининг мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида тутган ўрни**

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан бир каторда, аҳолининг хизматларга бўлган талаби ортиб бормоқда. Хизматлар иқтисодиётидаги муҳим ўрин эгаллай бошлади. Натижада хизматлар бозори иқтисодиётининг муҳим бўғинига айланмоқда.

Замонавий иқтисодиётнинг глобал тенденцияларидан бири – кўрсатилаётган хизматларнинг кескин даражада ўсиши ҳисобланади. Давлат статистик органлари маълумотларига кўра ривожланган давлатлар ялпи миллӣ маҳсулотидаги хизматлар ҳиссаси хозирги кунда 2/3 дан 3/4 гача ташкил қилмокда. АҚШ да хизматлар бозорида ишловчилар, умумий банд бўлганларнинг 77 фойизни ташкил этган ва башпоратларга кўра, ушбу соҳа яқин йилларда янги иш жойларининг 90 фойизни таъминлаши лозим.

Ривожланган давлатларда ахолининг истеъмол харажатлари таркибида хизматларнинг хиссаси 50-80 фоизни ташкил этади. Республикаизда эса ушбу кўрсаткич бор - йўғи 10-15 фоизга ташкил этади, холос.

Хизматлар бозорида аксарият ҳолларда тижорат ташкилот (корхона)лар фаолият юритишади. Улар таркибига савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, туристик ва консалтинг фирмалари, хусусий тиббий муассасалар, авиакомпаниялар, банклар, маълумотларни компьютерда қайта ишлаш бюоролари, юридик, сугурта, кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи компаниялар ва бошқалар киради.

Юқорида қайд этилганидек, хизматларни ишлаб чиқариш билан давлат ҳам шуғулланади. Дунёдаги кўпчилик давлатларда таълим муассасалари ва музейлар давлат ихтиёрида бўлади ва улар ўз фаолиятларидан фойда олишни мақсад қилиб қўйишмайди. Улар нотижорат ташкилотларидир. Аммо шундай давлатлар мавжудки, бундай ташкилотлар тижорат ташкилотлари ҳисобланади.

Хизматлар бозорида бир-биридан ўлчамлари билан фарқланадиган турли субъектлар: тижорат банклари, сугурта ва телекоммуникация компаниялари, меҳмонхона хўжалиги мажмуалари, ташиш каби соҳалардаги йирик халқаро корпорациялардан тортиб, кафе, таъмирлаш устахоналари каби маҳаллий даражадаги турли хил кичик корхоналарни фаолият юритишади.

Хизматлар бозорининг динамик даражада ривожланишини таъминлашнинг асосий йўлларидан бири бўлиб, фан-техника тараккиёти ҳисобланади. Унинг натижаси – ишчи кучи ва капиталнинг кўшимча оқимини таъминловчи инновацион хизмат турларининг яратилиши бўлди.

Инновацион технологияларнинг<sup>32</sup> пайдо бўлиши истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ташкилотларда бизнесни амалга ошириш усулларини тубдан ўзгартиради. Мисол тарикасида, хозирги кундаги компьютер техникиси ва телекоммуникация воситаларининг интеграллашувини келтириш мумкин.

Миллий ёки глобал электрон хизмат кўрсатиш тизимларининг яратилиши-молиявий компаниялар, банклар ва бошқа хизмат

<sup>32</sup>Технология (юнон сўзи): *technē* – маҳорат, санъат + *logos* – таълимот. Технология – бу, маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг ўзгартаришда кўлланиладиган усул.

кўрсатиш ташкилотлари фаолиятлари миқёсини қайта ўзгартирди. Уларнинг тасарруфида юқори интеллектуал компььютер тизимлари мавжуд бўлиб, улар талаб ва таклиф ўргасидаги қонуниятларнинг ўзгаришини оператив таҳдил килиш орқали қабул қилинаётган қарорлар хавф-хатарини баҳолаш, мижознинг тўлов қобилияtlарини аниқлаш, амалга ошириладиган операциялар даромадлилиги ва бошқаларни ўрганишга имконият беради.

Инновацион-технологик тараққиёт-хизмат кўрсатишнинг барча турларига таъсир кўрсатади. Янги ва такомиллаштирилган тизимларнинг яратилиши буюргмаларни қабул килиш, тўловларни амалга ошириш ва бошқа бир қатор ишларни бажариш учун замин яратади. Масалан, банклардагулларни қабул қилиш, кредитларни ёпиш, нақд пулларни бериш каби банк операцияларининг автоматлаштирилиши ҳисобланади.

Банк автоматларининг жорий этилиши ходимлардан фойдаланишнинг имконияти бўлмаган жойларда кечаю қундуз хизмат кўрсатиш имконини беради. Кредит карталарининг қўлланилиши қоғоз пулларни муомала воситаси сифатида сикби чиқаради ва истеъмолчиларга тааллукли электрон терминаллари билан жиҳозланган савдо марказлари ва бошқа харидни амалга оширадиган жойларда бевосита хисоб-китобларни қилиш имконини беради.

Иккисодиётнинг инновацион-технологик тараққиёт негизида ривожланиши техник жиҳатдан қийин ҳисобланган товарларни етказиб бериш ва келгусидаги эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган кўшимча хизматлар (сервис)нинг ошишига олиб келади.

Ҳақиқатда ҳар қандай инновацион маҳсулот (товар), айниқса юқори технологик ва узоқ муддатли фойдаланиладиганлари турли хизматларга эҳтиёжларини юзага келтиради.

Маҳсулот тавсифига боғлиқ ҳолда хизматларга бўлган эҳтиёж кўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- юклаш-тушириш ва таҳлай;
- ўрнатиш ва монтаж;
- ёқилғи қуиши;
- техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;
- тозалаш ва ташқи кўринишни тиклаш;
- экологик утилизациялаш ва бошқалар.

Ушбу хизматларнинг айримлари қўшимча даромад манбаи хисобланади. Айрим холларда сотишдан кейинги хизматларни кўрсатиш орқали олинадиган даромадларни йиллар давомида олиш мумкин. Ҳозирги кунда инновацион-технологик асбоб-ускуналар ва машиналарнинг кўпчилик таъминотчилари ўз эътиборларини юқори билим ва ҳунарни талаб қилинадиган қийин турдаги хизматлар тўпламиини яратишга қаратмоқдалар.

Бундай хизматлар нафакат қўшимча даромад келтиради, балки ишлаб чиқарувчи корхона (фирма)нинг истеъмолчиларга яқин бўлиши харид қилинган асбоб-ускунанинг эксплуатация имкониятларини вужудга келтиради.

Бугунги кунда ўзларининг рақобатбардошлигини ҳамда маҳсулотларининг жозибадорлигини ошириш мақсадида кўпчилик ишлаб чиқарувчи корхона (фирма)лар ўзлари томонидан ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналарни таъмирлаш имкониятларини, шунингдек, уларга техник хизмат кўрсатиш ва вужудга келган муаммоларни ер шарининг ҳар қандай нуқтасида ҳал этиш мумкинлигини реклама қилаодилар.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида хизматлар – олди-сотдининг тўлақонли обьекти бўлиб қолди. Бунинг натижасида ушбу хизматлар мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий кўр-сат-кичлари ҳисобланган миллий даромад, ялпи ижтимоий маҳсулот кабилар таркибиға киритилган.

“Ҳозирда туризм соҳасида ҳам инновацион технологияларнинг кўлланиши тобора кенг тус олмоқда. Масалан, Швейцария, Испания каби мамлакатларда таклиф этиладиган тур пакетларнинг 80роизида инновацион технологиялар (каджетлар, датчиклар, лазер ускуналар ва х.к.лар) элементлари иштирок этади. Айрим тадқиқотчилар тармок ва соҳалар хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда инновацион технологиялар иштирок этган хизматларни юқори сифатли хизмат деб ҳисоблашади. Хусусан, туризм соҳасида юқори сифатли туристик хизматларга куйидагича таъриф берилган: Юқори сифатли туристик хизмат-бу туристларнинг жисмоний ва эстетик эҳтиёжларини тўлиқ қондирадиган, хавфсиз, атроф-мухитга зарар келтирмайдиган, хизмат кўрсатишнинг барча босқичларида сифати пасаймайдиган,

сифатли инфратузилма шароитида рўй берадиган, инновацион технологиялар жалб қилинадиган малакали хизмат ҳисобланади”<sup>33</sup>.

“Шу ўринда туризмда инновацион хизмат кўрсатиш тушунчи сиҳати мавжуд бўлиб, унинг моҳиятини қўйидагича ифодалаш мумкин. Туризмда инновацион хизмат – бу туристларга таклиф этиладиган, туризм соҳасида янги технологиялар, янги гоява илмий ишланмаларни ўз ичига олган замонавий хизмат ҳисобланади”<sup>34</sup>.

“Инновацион хизмат кўрсатишнинг корхоналардаги муҳим жиҳати ва натижадорлиги рақобатбардошликни ифодалаш билан характерланади. Айниқса, бундай жараён алоҳида олинган соҳаларда(масалан, туризм соҳасида) ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шундай экан туристик хизмат рақобатбардошлиги – бу туристик хизматнинг бозорда мавжуд бошқа рақобатчи шундай хизматларга нисбатан хизмат сифати, кадрлар малакаси, фойда (даромад) даражаси, бозордаги улуши каби кўрсаткичлар бўйича нисбий қиймати тушунилади”<sup>35</sup>.

Юқорида қайд қилингандардан шундай хулоса қилиш мумкинки, хизматлар иқтисодиётда ўта муҳим роль ўйнайди ва бу қўйидаги омилларда ўз ифодасини топади:

- хизматларнинг юқори ликвидлилиги, яъни даромадлилиги билан. Улар одатда ишлаб чиқарилган пайтда истеъмол қилинади.

- нисбатан юқори бўлмаган материал сифими билан (номоддий деб номланадиган харажатларни қўшган ҳолда). Бу ўз навбатида қўшилган қиймат ҳажмини оширади ва тегишли равища маддий даромадни ҳам.

- хизматларни бажарганлик учун ҳақ олишнинг қисқа муддати билан.

Шундай қилиб, иқтисодий омилларнинг хизматлар бозорига таъсири ялпи миллий маҳсулотнинг умумий динамикасида, истеъмол ва инвестицион товарларга бўлган талабнинг ўзгаришида, ахолининг бандлик ҳолатида ва даромадлар даражасида (иш ҳақида) ва бошқа бир қатор макроиқтисодий кўрсаткичларда ифодаланади.

<sup>33</sup>Ушбу муаллифлик таърифи СамДУ таянч докторенти Жанзаков Б.К. илмий тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

<sup>34</sup>Ушбу муаллифлик таърифи СамДУ таянч докторенти Жанзаков Б.К. илмий тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

<sup>35</sup>Уша жода.

Ижтимоий мекнат тақсимотининг ўсиши билан иш ва бўш вакт ўртасидаги мекнат ва дам олиш ўртасидаги нисбат ўзгаради. Замонавий цивилизациянинг қонуниятларидан бири бўлиб ҳисобланмиш ишловчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун турли хилдаги хизматларга (спорт билан шуғулланиш, маданий, согломлаштириш чора-тадбирларида қатнашиш, саёҳат, туризм ва бошқаларга) бўлган талаб кенгаяди.

Шунингдек, хизматлар бозорида молиявий ва ишchan хизмат кўрсатиш билан бирга (лизинг, франчайзинг) янги динамик соҳа бўлган ахборотни ишлаб чиқариш, сақлаш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган хизматларнинг ҳам роли ортиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг барча тармоқлари, шу жумладан, хизматлар бозорига (ташқи муҳит таъсири тизимидағи) демографик омил хизматларнинг турли бозорларига бевосита таъсир кўрсатади. Мисол сифатида инсон ҳаётини суғурталаш бўйича хизматларни олишимиз мумкин. Суғурта хизматларининг ушбу тури индустрисал ривожланган давлатлардаги суғурта бизнесининг етакчи ўрнини эгаллайди.

Мамлакатнинг социал-иқтисодий ҳаётида аёллар ролининг интенсив ўзгариш жараёнлари содир бўлмоқда. Уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишлари ҳам кенгаймоқда. Бундай ҳолат аввал уй шароитида бажариладиган турли хил хизматларга талабнинг ошиши билан кузатилмоқда. Улар жумласига овқат тайёрлаш, ювиш, уй ва хоналарни тозалаш ва ҳоказолар киради. Уй хўжалигига йўналтирилган уйдан ташқари хизматларни бажаришга ихтисослаштирилган фирмаларга эҳтиёж пайдо бўлади.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда тўлақонли хизматлар бозорини шакллантириш учун маълум иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд, шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар ушбу соҳа ташкилот (корхона)ларнинг иқтисодий мустақиллиги ва фаолият натижаларининг ошишига замин яратмоқда.

### **7.3. Ўзбекистонда инновацион хизматлар бозорини ривожлантириш йўллари**

Ўзбекистонда хизматлар бозорининг ривожланиши ўзига хос бўлиб, у моддий ишлаб чиқариш билан бирга параллел равища шаклланмоқда ва ривож топмокда.

Мамлакат иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги босқичида шундай хизмат турлари вужудга келмоқдаки, уларни ривожлантирмасдан туриб, моддий ишлаб чиқариш соҳасини ҳам ривож топтириш қийинлашиб қолади.

Бугунги кунда ахборотларсиз ва уларни амалга оширадиган хизмат тармоқларисиз ишлаб чиқариш ривожини тасаввур этиш қийин. Улар эса ўз навбатида барча тараққиёт учун, шу жумладан, моддий неъматларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳам асосий омилларга айланниб улгурди. Табиийки, бу жараёнда Ўзбекистон ҳам дунё ҳамжамиятидан орқада қолиб кетмаслиги лозим. Бу эса хизматлар бозорини янада ривожлантиришни тақозо қиласди.

Хизматлар бозорининг янада ривожланишига бир қатор шароитлар таъсир этади. Уларга асосан куйидагилар киради:

- бозорнинг фаолият юритиш шароитлари;
- кишининг шахсий манфаати;
- тадбиркорлик, қарорлар қабул қилиши эркинлиги;
- рақобат;
- эркин нархлаштириш;
- ҳуқуқий ва иқтисодий кафолатлар.

Хизматлар бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларга – техника ва технологияларнинг замон талабига жавоб бермаслиги, мутахассис кадрларнинг ва молиявий ресурсларнинг тақчиллиги, аҳоли даромадлари ва хизматларга талаб даражасининг пасайиши, бозор нархларининг даражаси, солиқ режими ва ҳоказолар киради.

Миллий иқтисодиётда хизмат турларини ривожлантириш учун, шу соҳада янги иш ўринларини очиш бошқа соҳаларга нисбатан арzonлиги ва қулийлиги, хизматларнинг кўп тури миллийлиги ва анъаналаримизнинг сақланиши ҳамда ривожланишига мойиллигининг мавжудлиги, бозор кўнникмасига, хизматларга бўлган талаб-

нинг, бозор конъюнктурасининг ўзгаришига мослашиш имконияти-нинг катталиги, хусусий секторда ушбу соҳани тез ривожлантириш мумкинлиги, унда моддий манфаатдорликнинг юқорилиги каби омиллар ҳам мазкур соҳанинг ривожланишини тақозо қиласди.

Шунингдек, хизматларнинг турлари ҳалқаро иқтисодий муносабатларда сезиларли даражада ривожланиши ҳам мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш заруратини туғдирмоқда. Олдинлари бир мамлакат иккинчи бир мамлакатга асосан транспорт хизматларини кўрсатган бўлса, эндиликда уларнинг улуши камайиб бормоқда. Уларнинг ўрнини ахборот-коммуникация, молия ва банк хизматлари, туризм, экспорт қилинган товарларга истеъмол ва эксплуатация қилинаётган жойларда хизмат кўрсатиш каби турларининг улуши ортиб бормоқда.

Хизматлар бозори такрор ишлаб чиқаришда алоҳида бўғин сифатида ажralиб турмаган бўлсада, унинг мазкур жараённинг амалга оширилишида ва жадаллашишида хиссаси катта. У кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида иштирок этмоқда. Махсулот ишлаб чиқариш, уни тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилишни хизматларсиз тасаввур қилиш қийин. Шу сабабли, кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнида хизматлар ролининг катталигини эътироф этиш лозим.

Ҳозирги замон бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобат афзалликлари – улар томонидан танланган стратегик йўналиш ва уни амалга оширишнинг мувоффақиятига яқинроқ боғлиқликда бўлади. Шунинг учун хизмат кўрсатиш корхоналари ўзларининг мақсадларига мувофиқ инновацион стратегияни шакллантиришга катта эътибор қаратишлари лозим.

Хизмат кўрсатиш корхоналари инновацион стратегисининг обьекти – инновацион фаолиятдан иборат бўлади. Эҳтимол бўлган катта фойдани олиш мақсадларида янги рақобатбардош хизматларни яратиш ва уларни инновацион технологияларнинг замонавий даражасида ишлаб чиқариш обьектив зарурият хисобланади.

Инновацион стратегия корхоналарнинг умумий стратегиясини чукурлаштиради, аниқлаб беради ва амалга ошишига кўмаклашади. У корхоналар тасарруфидаги ресурслардан оқилона фойдаланишга, юқори самарали ва қулай социал-иқтисодий натижаларга эришишга ёрдам беради.

Корхоналарнинг умумий стратегияси ва илмий-техник тараққиёт соҳасидаги стратегия ўртасидаги алоқа, янги хизматнинг татбиқ этилиши ва хизмат кўрсатиш жараёнида намоён бўлади.

Инновацион стратегия – бу корхона фаолияти муаммолари-нинг бутун мажмуаси билан узлуксиз боғлиқликда амалга оширилишидан иборат. Инновацион хизматни татбиқ этиш стратегияси – корхона нимани, қачон ва қандай техник-иктисодий даражада ҳамда қандай шароитларда ишлаб чиқаришини белгилаб беради.

“Бундай стратегияни алоҳида олинган иктиносидётнинг тармоқлари ва соҳалари бўйича ҳам ифодалаш мумкин. Жумладан, республикамиз иктиносидётининг мухим стратегик соҳаси туризмда юқори сифатли хизмат кўрсатиш рақобат стратегиясидейилган датуристик хизмат кўрсатиш субъектлари ўртасида нарх сиёсатига асосланган хизмат сифати, молиявий барқарорлик, рақобатбардошликини таъминлаш бўйича тузилган узоқ муддатли истиқбол режаси ва уни амалга оширишдан иборат”<sup>36</sup>.

Инновацион стратегия корхонадаги хизмат кўрсатиш жараёнини ривожланишининг, унинг сифатий таърифлари нуқтаи назаридан самарали динамикасини таъминлайди. У умумий стратегияда двигатель ролини ўйнагандек бўлади. Бир қатор ривожланган давлатларда инновацион стратегия – корхонанинг рақиблар, истеъмолчилар, етказиб берувчилар билан муносабатларини търифлайди.

Демак, инновацион стратегия йўналишларини белгилаш, истиқболли ривожланишнинг устуворликларини танлаш – корхонанинг ривожланиши ва мақсадларга эришиш учун чора-тадбирлар мажмуасига қўйиладиган талаблардан иборат бўлади.

Ўзбекистон иктиносидёти олдида турган энг долзарб муаммолардан бири – бу худудлар иктиносидётини ривожлантириш ҳисобланади. Мамлакатдаги айrim ҳудудларининг ривожланиш даражаси, турли омиллар таъсирида (ресурсларнинг камлиги, географик жойлашувнинг нокулайлиги ва ҳоказолар туфайли) бошқа худудларга нисбатан жиддий ортда қолиши кузатилмоқда.

<sup>36</sup> Улубу муаллифлик таърифи СамДУ таянч докторантси Жанзаков Б.Қ. илмий тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Худудлар ўргасида социал-иктисодий ривожланиш бўйича дифференциациянинг кучайиб боришини бартараф этишда, турли механизмлар воситасида, уларда инновацион хизматлар бозорини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион хизматлар бозорининг худуд иқтисодиёти ривожланишига қўйидаги чора-тадбирлар таъсир этиши мумкин:

- инновацион таклиф ва янгиликларнинг амалиётта татбиқ этилишини таъминлаш орқали худуд иқтисодиётининг модернизациялашуви;

- худуддаги ўз инновацион ишланмаларини яратишга эришган ва инновацион маҳсулот ёки хизматлар ишлаб чиқариш имкониятлари ошиб бораётган ташкилот (корхона, муассаса)ларнинг кўллаб-куватланиши ва рағбатлантирилиши;

- худудийинновацион ишланмалар бозорига хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятларини кенгайиши;

- хизматлар бозорида тадбиркорлик билан шуғулланувчи ва шуғулланиш истаги бор шахсларга бизнесни юритишида аскотадиган (молия, маркетинг, ахборот технологиялари ва бошқа) муҳим масалалар бўйича бепул ўкув семинарларининг ташкил этилиши;

- тадбиркорлик фаолиятини юритишида тўсиқ бўлаётган инфраструктуравий (ичимлик суви, газ, электр энергияси таъминоти, канализация) муаммоларини бартараф этиш учун маҳаллий ҳокимият вакиллари ишининг жонлантирилиши ва бошқалар.

Худудларда инновацион хизматлар бозорини ривожлантириш, нафақат уларнинг барқарор ривожланиб боришини таъминлашнинг асосий шартларидан бири бўлибгина қолмай, мамлакат худудларининг мутаносиб ривожланишини таъминлайди.

Хизматлар бозорининг ривожланиши – мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ўстириш ва ахолининг хизматларга бўлган талабини қондириш билан бир каторда, жамиятда ишсизликни бирмунча камайтириш имконини туғдиради ва ушбу бозорда ишлаётган инсонларнинг моддий фаровонлигини таъминлайди.

Булардан кўриниб турибдики, хизматлар бозорини ривожлантириш нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширади, балки жамиятнинг социал барқарарлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Социал йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитига ахоли турмушининг муносаби сифат даражасини таъминлаш, кишиларга жаҳон андозалари даражасида сервис хизматлар ва майший қулайликлар яратиш, ишчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун уларнинг уй-рўзгор ташвишлари учун сарфланадиган вақтларини тежаш ва бунинг эвазига бўш вақтларини кўпайтириш муаммолари мухим аҳамият касб этади. Ушбу муаммоларни ечиш учун хизмат кўрсатиш бозорини жадал суръатлар билан ривожлантириш, унга йўналтириладиган инвестицияларни кўпайтириш, хизматлар хилма-хиллигини ва юкори сифатини таъминлаш зарур бўлади.

Хизматлар бозори – аҳолининг соғлигига, кайфиятига, меҳнатга бўлган муносабатига, ишчи-ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз хаётидан розилик даражаси ва хурсандлигига, умуман ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётига бевосита таъсир кўрсатадиган мухим иқтисодий сегментdir.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши эса, ўз навбатида, хўжалик жараёнларининг тезлашишига, иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашишига олиб келади. Бинобарин, ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, қулий социал шароитларда ва кишига қаратилган эътибор кучли бўлгандага меҳнатга қизиқишнинг ошиб бориши, иш кучи сифатининг яхшиланиши ва шу асосда меҳнат унумдорлигининг кўтарилиши, ноишлаб чиқариш харажатлари ва кадрлар кўнимсизлигининг қисқариши, ҳаётий куч ва кувватнинг тезроқ ҳамда сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқаришга вақтнинг кўпайиши кабилар оқибатида ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари яхшиланиб, ялпи маҳсулот ҳажми ошиб боради.

Хизматлар бозорини жадал суръатлар билан ривожлантириш ва шу тарика унинг мамлакат социал-иктисодий ҳаётидаги, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, эътиборга молик қулайликлар туғдиришдаги ролини оширишнинг амалий воситаларини ва йўлларини, амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиши бугунги куннинг долзарб масалаларига киради.

## **Таянч иборалар**

Бозор, хизматлар, инновация, гоя, меҳнат, маҳсулот, инновацион хизмат, аҳоли, ҳудудлар, рағбатлантириш,

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Миллий иқтисодиётда хизматларнинг тутган ўрнини ёритинг.
2. Хизматлар соҳасидаги инновацияларга таъриф беринг.
3. Хизматлар бозорининг ривожланишига таъсир этувчи шароитларни санаб беринг.
4. Хизматлар бозорининг ривожланишига тўскىнлик қилувчи омилларни айтинг.

## **8-мавзу. Инновацияларнинг соҳалар бўйича турлари**

### **Режа**

**8.1. Инновацияларни иқтисодиётнинг турли ўзгаришлар таъсирида шаклланиш зарурияти. Инновацион сиёсат ва инновацион стратегия.**

**8.2. Инновацион лойиҳалар, соҳалар бўйича инновацион турлари.**

#### **8.1. Инновацияларни иқтисодиётнинг турли ўзгаришлар таъсирида шаклланиш зарурияти. Инновацион сиёсат ва инновацион стратегия**

Инновациялар вақт ўтиши билан ўзгариб боради ва унинг самарали фаолияти бир қатор талабларни бажаришни тақозо этади. Инновацияларни яратишда ишончли ҳамкорларнинг бўлиши инновациялар яратилиш жараёнини узоқ муддатлилигини таъминлайди. Аммо тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, бирор янги соҳани яратмоқчи бўлган корхоналар турли ҳамкорлар билан турли билимларни эгаллаш мақсадида кучсизроқ алоқа ўрнатишни афзал кўрар экан.

Буларнинг барчаси алоҳида олинган корхона ва ташкилотларда инновацион сиёсат бўлишини талаб этади ҳамда инновацион стратегияни белгилаб беради.

Аввало, инновацион сиёсат тушунчасини кенгроқ ёритиб берамиз. Инновацион сиёсат бу илмий ишлар ва ихтирочилик натижаларини ҳаётга жорий этишда (янгиликлар яратиш ва амалиётта татбиқ этиш) кўлланиладиган бошқарув, иқтисодий, ташкилий ва технологик қарорлар, усуслар жамланмаси ҳисобланади. Корхона инновацион сиёсати мавжуд ресурсларга караб инновациялар жорий этиш кетма-кетлигини белгилаб беради. Инновацион сиёсатни амалга ошириш корхонанинг техник иқтисодий ва молиявий имкониятларидан келиб чиқиб амалга ошади. Инновацион сиёсатни шакллантириш, аввалимбор, инновацион стратегияни ишлаб

чиқиши орқали амалга оширилади. **Инновацион стратегия** деганда микро (ташкилот, корхона) ва макро (мамлакат) даражада корхона томонидан инновацияни жорий этиш учун амалга ошириладиган яқин ва узоқ истиқболдаги чора-тадбирлар кетма-кетлиги тушунилади. Инновацион стратегияни ишлаб чиқариш фан ва техника технологиянинг ривожланиши даражаси билан узвий боғлик.

**Инновацион лойиҳалар** – бу инновациялар яратилиши (илмий ғоялар, илмий ишланмалар) ва уни амалиётга жорий этиш билан боғлик бажарилиши зарур бўлган барча ишлар (ложиҳа, констукторлик, илмий тадқиқот ва ҳоказо)нинг мажмуаси ҳисобланади.

Мамлакатда инновацияларнинг натижадорлиги – бу инновацион ғоялардан тортиб, то уни ишлаб чиқаришда қўллаб бирон бир самарага эришишга бўлган барча жараёнларни ўз ичига олади. Бу борада республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай деган эди:

- "... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатта айлантириши мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз"<sup>37</sup>.
- "... илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиши керак" <sup>38</sup>
- "Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюrolари, тажриба – ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир ... Биз мамлакатимизда ... илмий ишланмалар "Ноу-хоу" лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак. ... илмий тадқиқот ташкилотлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда илмий ишланмалар бўйича амалий натижадорликни ошириш юзасидан аниқ таклифлар тайёрлаш ..." <sup>39</sup> талаб этилади.

Республикамизда иқтисодий соҳада инновацияларни, инновацион дастурлар ва лойиҳаларни жадал ривожлантириш учун хукуматимиз алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, "... амалга оширила-

<sup>37</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

<sup>38</sup> Уша жойда.

<sup>39</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

ётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институтционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарур”<sup>40</sup>лиги белгилаб берилди.

Илк инновацион моделларда инновациялар чизиқли фаолият олиб бориш кетма-кетлиги сифатида намоён бўлади. Аввалига илмий тадқиқот натижаларининг амалиётта жорий этилиши орқали янги маҳсулотлар яратилиб бозорга чиқарилди (“технологик туртки”) ёки бозорнинг ўзи инновацияларга эҳтиёж сезиб корхоналарни инновация яратишга мажбур этади(инновациялар манбаси: эҳтиёж бозор талаби босими гипотезаси<sup>41</sup>). Бу гипотезаларнинг камчиликлари амалиётда яққол намоён бўлади, аслида инновациялар ўзаро боғлиқ ва мувозанатлашган жараён бўлиб, баъзида “технологик туртки” баъзида эса “бозор талаби босими” гипотезаси устун келади. Таъжрибалар шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик инновациялар тартибсиз бошланиб, шаклланиш босқичлари давомида қайта ишланади ва баъзида шаклланиш босқичлари кетма-кетлиги бузилади. 2000-йилда Ван де Вен ва бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқотларда инновацияларнинг чизиқли моделларининг бир нечта камчиликлари аниқланди. Улар инновацияларнинг вақт давомида ривожланиш жараёнига эътибор қаратиб, асосий моделга баъзи ўзгарувчиларни киритишни мақсадга мувофиқ деб топишиди:

Инновацияни келтириб чиқарувчи эҳтиёжлар – бу одамлар ёки ташкилотлар ўз имкониятлари максимал даражасига эришганда ёки ундан қониқмаслик натижасида рўй берадиган ўзгаришлар асосида юзага келади.

Фояларнинг тарқалиши - инновацион жараён аввалига бир йўналишда кенгая бошлайди, кейин эса турли йўналишларда тарқалади;

Инновацияларни яратишида тез- тез омадсизликка учралади, режалар ўта оптимистик бўлади, хатолар йиғилиб боради, салбий цикллар ривожланиши мумкин;

Инновацияларни яратувчи бўлимлар қайта тузиш одатда ташқи аралашув – мутахассисларни алмаштириш ёки бошқа кутилмаган қарорлар орқали рўй беради;

<sup>40</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

<sup>41</sup>R.Siebert, Ch.Zulehner, J.Abrevaya, The impact of market demand and innovation on market structure.

Шундай қилиб, инновацияларни шакллантиришда ва уни муаммоли ҳолатини танқид қилишда ва фойдали жиҳатларини кўллаб-куватлашда алоҳида ёндашув муҳим аҳамиятга эга.

Инновациялар чуқур таълим олишини талаб этади, лекин инновацияларнинг яратилишида бошқа кутилмаган омиллар ҳам таъсири натижасида билимлар “юзаки” табиатга эга бўлиб қолиши мумкин.

Англияниң Сассекс университети профессори Рой Ротвеллинг фикрича, бизнинг инновацион жараён ҳақидаги тасаввурларимиз оддий чизиқли моделлардан мураккаб интерактив моделлар даражасига ривожланиб борди<sup>42</sup>. Унинг “бешинчи авлод инновациялари” тушунчасида инновациялар кўп томонлама жараён, яъни корхоналарнинг ташки ва ички интеграциясини талаб қилувчи, ахборот инфратузилмасининг кўлланилишига боғлик деб қабул қилинади.

Абстракт моделлар бизга инновацияларни бошқаришдаги муаммоларни яхши англашга ёрдам беради, лекин шу билан бирга кўпинча бу моделларнинг кўллашда эҳтиёт бўлиш лозим. Бу моделларни кўллашда чекловлар бўлади. Масалан, инновацияларни “технологик туртки” чизиқли жараёни (асосий эътибор илмий-техник ишланмаларга қаратилади, фойдаланувчилар таъсири эса инобатта олинмайди) ёки инновацияларни ҳаракатлантириш факат бозор орқали юз беради деган қараш бўлиши мумкин. Шу билан бирга инновациялар факат катта ўзгаришларга олиб келувчи ихтиrolар эмас, балки инкрементал инновациялардан ҳам иборат. Мисол учун Эдисоннинг лампа дизайнни йиллар давомида деярли ўзгармади, лекин маҳсулот ва жараённинг аста- секин яхшиланиб бориши орқали 16 йил ичида чўғли лампа нархи 80фоизга тушди, бу маҳсулотнинг дунё бўйлаб кенг тарқалишига сабаб бўлди. Инновациялар тушунчасига нотўғри қарашларга уларни тизимдан ташқарида деб ҳисоблаш ёки уларни маҳсулот ва жараёнга ажратиб, бу иккаласининг ўзаро таъсиrlашувини инкор этишни келтириш мумкин.

Одатда инновациялар ҳамма тушунадиган қоидалар асосида ривожланади, яъни барча инноваторлар ўзларининг йўналишларида янгилик яратишга уринади. Қайсиdir инноватор бошқаларга

<sup>42</sup><https://www.provenmodels.com/575/five-generations-of-innovation/roy-r.-rothwell/>

қараганда сифатлироқ ва фойдалыроқ инновация яратади ва натижада бозордаги ўйин қоидалари ўша инноватор фойдасига ўзгара бошлайди. Бу албатта баъзилар учун янги имкониятлар яратади, шу билан бирга янги шароитлар мослашиш каби муаммоларни келтириб чиқаради. Бу жараён Шумпетернинг инновация назариясида марказий ўринни эгаллади. У бу жараённи “ижодий бузиш” деб атади.

Биз шу вактгача кўриб чиккан моделлар тақрорланувчи ва давомли инновациялар бўлиб, корхоналарнинг асосий шиори “ўз ишимизни яхшироқ амалга ошириш” хисобланади. Аммо баъзан маҳсулот ва жараёнда катта ўзгаришларга олиб келувчи радикал инновациялар ҳам юз беради, лекин улар ҳам технологик имкониятлар, бозор талаби, рақобат даражаси, сиёсий вазият ва бошқа омиллар ортида яширган қоидалар асосида яратилади.

Абернати ва Кларк 1985 йилда инновациялар ҳаёт циклини уч фазага ажратади<sup>43</sup>. Биринчиси “суюқ фаза” – маҳсулотда баъзи ўзгаришлар, иккинчиси ўтиши фазаси – маҳсулот янги шаклга ва хусусиятларга эга бўлади, учунчиси эса ихтисослашув фазаси – маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари камайтирилиб, маҳсулот бозорга чиқарилади.

Клейтон Кристенсон биринчилардан бўлиб, инновацияларнинг бозор талабидан келиб чиқишига эътибор қаратди<sup>44</sup>. Унинг тадқиқотларига кўра ҳар бир авлод алмашганида кўпчилик корхоналар, ўз вактида бозорни эгаллаб туриш бўйича бошқаларга намуна бўлганига ва инновацияларга инвестиция киритганига қарамасдан, янги талабларга мослаша олмай банкротликка учрайди. Кристенсон ёритган муаммо корхоналарнинг технологик тарақ-қиётга мослаша олмаслигида эмас, балки янги бозорларнинг пайдо бўлиши янги эҳтиёжларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ. У муман олганда ишлаб келаётган корхоналар ўзларининг асосий мижозлари билан кўп вакт овора бўлиб, узоқ муддатда рўй берадиган янги бозорларнинг пайдо бўлиш эҳтимолини кўздан қочиради ва натижада янги ўзгаришларга мослашолмайди.

<sup>43</sup>J.Abernathy, K.B. Clark (1985) Innovation: Mapping the winds of creative destruction.

[http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/0048-7333\(85\)90021-6](http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/0048-7333(85)90021-6)

<sup>44</sup><https://claytonchristensen.com/keyconcepts/#:~:text=Disruptive%20innovation%2C%20a%20term%20of,market%2C%20eventually%20displacing%20established%20competitors.>

Аввалига, бозорга кичик корхона сифатида кирган, лекин янгича бизнес моделга эга бўлган корхоналар бозорда мавжуд қонун қоидаларни ўз фойдасига ўзгартира бошлади. Бу қоидаларни ҳам келажакда яна янги авлод корхоналари вақти келиб ўзгартиради. Янги бозор қоидаларига ўз вақтида мослаша олиш учун корхоналар келажакда бўладиган ўзгаришларни кўра билишлари ва ўзларини ўзгартиришлари керак.

Иктисадчилар Кристенсон ва Рейнорларнинг бу жараённи чукур ўрганиб, бозорда янги қоидаларнинг ўрнатилишини “бозорнинг бузилиши” деб атайди. Бозорни “бузадиган” товарлар ва хизматлар одатда юқори технологияли тармоқларда радикал инновация кўринишида ёки мавжуд технологияларни кўллашнинг янгича усули-инкрементал инновация кўринишида бўлиши мумкин. Радикал ва инкрементал инновацияларни аслида фарқлаш анча қийин бўлиб, технологияларнинг бозорга таъсирини ўлчашни талаб этади. Бозор “бузилиши” шу билан бирга корхонанинг бошқа корхона ва ташкилотлар билан алоқасига ҳам таъсир ўtkазиши мумкин. Чунки одатда инновациялар тизим даражасида, яъни ҳамкорлар ўrtасида билим алмашинуви ва янги таклифлар натижасида юзага келади.

## 8.2. Инновацион лойиҳалар, соҳалар бўйича инновацион турлар

Ҳар қандай корхона ўз фаолиятини инновацион фаолиятга айлантиришда, авваламбор инновацион лойиҳа ишлаб чиқиши керак. Умуман, инновацион лойиҳа – бу инновацион фаолиятни иктисадий, ҳукуқий, ташкилий ва техник жиҳатдан асословчи режа ҳисобланади. Инновацион лойиҳа – бу юридик ҳужжат бўлиб, инновацион маҳсулот ҳақида тўлик маълумот берилади ва унинг барча хусусиятлари кўрсатиб ўтилади. Бундан ташқари, инвестиция киритиш йўллари, лойиҳани бажариш муддати, ижрочилар ва ҳоказо бўйича маълумотлар берилади. Инновация лойиҳасининг реализацияси деганда, инновацион маҳсулотни яратишдан уни бозорга чиқаришгacha бўлган жараёнлар тушунилади.

Инновацион маҳсулот ёки инновацион жараённи яратишни назарий тавсифлашда турли моделлар қўлланилади. Лекин уларнинг орасида энг кенг қамровли бу инновацион жараёнларнинг тар-

моқ модели ҳисобланади. Тармоқ модели бир соҳада амалга оширилган инновациялар бошқа соҳаларда ҳам янги инновацияларни келтириб чиқаради деган гипотезага асосланади. Масалан, интернетнинг пайдо бўлиши, маълумотларнинг тез алмашинувига сабаб бўлди ва кўпилаб соҳаларда янги маҳсулотлар яратилишини тезлаштириб юборди. А. А. Дынкининг фикрича, XXасрнинг охиригача бутун дунёда инновациялар ривожланиши асосан учта соҳада: ахборот технологиялари, тиббиёт ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳаларида юз берди<sup>45</sup>. Ҳозирги кунда эса бунга яна бир нечта соҳа қўшилди, масалан, нанотехнология, биотехнология, қайта тикланувчи энергия манбалари, экологик тоза транспорт воситалари ишлаб чиқариш, ҳарбий техник революция ва ҳоказолар.

Инновацияларни яратишда инновацион инфратузилманинг роли катта. Инновацион инфратузилма – бу илмий тадқиқот институтлари, замонавий лабораториялар ва бошқа илмий янгилик ва ихтиродарни яратишда хизмат қиласидаги воситалардир.

Инновацион инфратузилма асосида соҳалар бўйича инновациялар яратилади.

Инновациялар соҳалар бўйича қўйидаги турларга бўлинади:

**Технологик инновациялар** – бу бозорда технологик жиҳатдан мутлақ янги жараён ёки усул асосида мавжуд эҳтиёждан келиб чиқадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ёки кўрсатилган хизмат бўйича амалга ошириладиган инновацион фаолиятнинг якуний натижасидир. Агар у бозорда ёки ишлаб чиқариш жараёнида муносиб истеъмолчисини топса, амалга оширилган деб ҳисобланади.

**Маркетинг инновациялари** – бу истеъмолчилар эҳтиёжлари ни яхшироқ қондиришга, уларнинг таркибини кенгайтиришга, сотишни кўпайтириши учун янги сотиш бозорларини очишга қартилган инновациядан иборат. Сотишнинг янги усуllibарини кўллаш ва маҳсулотни намойиш қилиш сотишни кенгайтириш билан боғлиқ, аммо логистика (транспорт ва саклаш) усуllibарини ўз ичига олмайди. Масалан, сутни пакетларда ишлаб чиқариш дастлаб маркетинг инновацияси сифатида қабул қилинган.

<sup>45</sup><https://elibrary.ru/item.asp?id=19749721>

**Нархларни шакллантиришдаги инновациялар** деганда хизмат ёки товарга белгиланган нархнинг ноодатий қоидалар асосида белгиланиши натижасидаги инновациялар хисобланади. Масалан, замонавий авикомпаниялар самолёт двигателларини харид қилмайди балки уни “ижарага” олади, чунки двигатель авиа-компания учун факат восита холос. Шуни хисобга олиб двигатель ишлаб чиқарувчилар товарнинг нима беришига қараб нарх белгилайди. Бошқача айтилганда, ўрнатилган қоидага кўра нархларни шакллантиради ва бу инновация соҳаларининг янги тури хисобланади. Мана шу қоида нархларни шакллантириш инновациясига мисол бўла олади.

**Ташкилий инновация** – бу ташкилот учун янги тояни ёки ўзини тутиш шаклини қабул қилишdir. Бундай инновацион ёндашув жорий этилган янгилик бошқа одатий ва таниш амалиёт шаклида ҳам бўлиши мумкин. Аммо бундай инновация биринчи ташкилот учун соҳа инновациясининг янги тури бўлиб қолаверади.

**Ташкилий ва бизнес юритищдаги инновация** – бу тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда ривожлантириш ва юқори иқтисодий натижага эришишда янги усусларини жорий этишини англаатади. Буларга қўйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш жараёнининг янги ёки сезиларли даражада ўзгартирилган корпоратив стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- замонавий бошқарув усусларини жорий этиш (замонавий, мутлақо янги ахборот технологиялари асосида);
- корхонада янги ёки сезиларли даражада ўзгартирилган ташкилий тузилмаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, инновацион бизнесни юритища бошқа корхоналар билан ҳамкорлик инновациялари муҳим ўрин тутади. Инновациялар бўйича ҳамкорлик ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани учун шартнома тузиш тартиби ҳам бошқа фаолият турларидан бирмунча фарқ қиласди. Ушбу шартномалар илмий ва техникавий ҳамкорликнинг барча шакллари учун муҳим ва зарур бўлган барча маъмурий масалаларни ўзичигаолишикерак. Аввало, ҳамкорликнинг мақсади ва томонларнинг ниятларини имкон қадар аниқ бўлиши керак. Кейин шериклар сони ва турини аниқлаш керак. Кўпинча томонлар ҳамкорлик мақсади шунчаки "лойиҳа"

сифатида ишора қиласылар ва тадқиқот ҳолатини аникламайдилар. Аммо ҳар қандай илмий ҳамкорлик учун энг мухими, лойиха бошланишидан олдин унинг шартлари ва мақсадларини аниклаشتариштыр.

## Таянч иборалар

Инновация, сиёсат, лойиха, инновацион жараён, технологик инновациялар, маркетинг, нарх, бизнес, инновацион ҳамкорлик.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Инновацион сиёсатни шархлаб беринг.
2. Иқтисодиёт соҳасидаги инновацияларни айтинг.
3. Технологик инновациялар хусусида нималарни биласиз?
4. Маркетинг инновацияларини ёритинг.
5. Нархларни шакллантиришдаги инновацияларни шархлаб беринг.

## **2-МОДУЛ. ИННОВАЦИОН ИҚТІСОДИЁТНИ РІВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР**

### **9-мавзу. Иқтисодиётда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш**

#### **Режа**

**9.1. Корхоналарда инновацион технологиялар салоҳиятини оширишга таъсир этувчи омиллар, илмий - техника тараққиёти бошқаруви, инновацион кластер стратегияси.**

**9.2. Инновацион технологияларнинг ривожланишини устувор йўналишлари ва улардан корхоналарда фойдаланиш зарурияти, асосий жиҳатлари.**

**9.3. Инновацион ривожланиш индикаторлари (кўрсаткичлари).**

#### **9.1. Корхоналарда инновацион технологияларни салоҳиятини оширишга таъсир этувчи омиллар, илмий -техника тараққиёти бошқаруви, инновацион кластер стратегияси**

Иқтисодиётда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг салоҳиятини қандай омиллар асосида ривожланишининг ўрганиш мухим иқтисодий жараён ҳисобланади. Шундай экан, корхоналарда инновацион технологиялар салоҳиятини оширишга таъсир этувчи омиллар қўйидагилардан иборат:

1. Корхоналарнинг инновацион технологияларга бўлган бозор талаби.

2. Юқори малакали, билимли ва иқтидорли кадрларнинг мавжудлиги.

3. Инновацион технологияларни салоҳиятини ошириш учун зарур бўлган моддий -техник базанинг мавжудлиги.

4. Корхоналарда инновацион технологияларни салоҳиятини ошириш учун зарур ижтимоий-иқтисодий мухит ва молиявий маблағларнинг мавжудлиги.

5. Давлатнинг бу жараённи ҳуқуқий кафолатлайдиган тегишли ҳуқуқий асослари шунингдек, Президент қарорлари, Олий Мажлис қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларининг мавжудлиги.

6. Корхоналар учун инновацион технологияларни салоҳиятини оширишда зарур бўладиган инновацион инфратузилманинг мавжудлиги.

7. Корхонада ходимларни инновацион технологияларни яратиши учун рағбатлантириш механизми ва мотивациянинг йўлга қўйилганлиги.

8. Яратилган инновацион технологияларни интеллектуал мулк сифатида ҳимоя қилинганлиги ва уларнинг зарурий ҳукукий асослари ва бошқалардан иборат.

Иқтисодиётда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш илмий-техника тараққиётини қай даражада ривожланганлигига боғлиқ ҳисобланади. Илмий-техника тараққиёти дейилганда, барча (табиий, иқтисодий) фанларнинг ривожланиши, илмий тадқиқотнинг тараққий топиши асосида билимли ва малакали кадрлар тайёрланиши оқибатида янги самарали инновацион технологияларни яратилиши назарда тутилади. Шу билан бирга илмий-техника тараққиёти бу инновацион иқтисодиётда ишлаб чиқаришни (хизмат кўрсатишни) замонавий асосда ташкил этиш, уни модернизациялаш, диверсификациялаш ҳамда “Фан - таълим - ишлаб чиқариш занжири” асосида юқори иқтисодий ва инновацион самарадорликка эришиш тушунилади. Илмий - техника тараққиётини бошқаришнинг ҳукукий асослари бу жараённи ташкил этиш учун ҳукумат томонидан яратилган (ишлаб чиқилган) ҳукукий меъёрий ҳужжатлар (қарорлар, фармонлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар) ҳисобланади.

Замонавий корхоналар бизнесини бошқаришда инновацион технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва маркетинг фаолиятини ривожлантиришда янги бошқарув усуллари ва воситалари ёки илмий билимларни қўллаш орқали уларнинг самарадорлигини оширишга имкон берадиган янги шакл ва усулларни қўллашни ўз ичига олади. Турли тизимларнинг самарали ривожланиши ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар орқали фан, техник ва технологик соҳаларга таъсир этувчи инновацион жараёнларга боғлиқ. Инновацияларнинг пайдо бўлиши табиатда циклик ва тўлқин каби бўлиб, у иқтисодий, илмий ва техник цикларнинг (Н.Д. Кондратиевнинг

тўлкинлари концепциясига<sup>46</sup> кўра) босқичлари билан боғлиқ тизимнинг доимий ривожланишини таъминлайди. Шунингдек, ушбу тушунча юқори илмий ва технологик салоҳиятга эга ва янги истеъмолчи фазилатларини ўзида мужассам этган инсон интеллектуал фаолиятининг бозордаги янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот ва хизматларини ишлаб чиқаришни бошқаришни англатади. Амалий жиҳатдан эса, айни пайтда инновацион технологиялар мавжуд тизимнинг самарадорлигини кескин оширишни ҳам ифода этади.

Илмий-техника тараққиёти бошқарувининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

1. Замонавий технологияларга асосланган “Электрон ҳукумат” тизими бўйича бошқарув жараёнини яратиш.

2. Моддий-техника ресурслари, молиявий, иқтисодий ва бошқа маблағлардан тўғри фойдаланишда илмий асосда ташкил этишда ортиқча сарф-харажатларсиз фойдаланиш имкониятини яратувчи самарали бошқарув технологияларининг мавжудлиги.

3. Инновацион бошқарув тизимида ишлайдиган юқори малакали илмий-техник кадрлар ва уларни рағбаглантириш тизимининг йўлга қўйилганилиги ва бошқалардан иборат.

Республиканинг илмий-техник тараққиётида корхоналарда инновацион технологиялар салоҳиятини ошириш учун инновацион кластер стратегиясидан фойдаланиш янги имкониятларни юзага келтиради. Бу борада давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев шундай деган эди: “... мамлакатимизда кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш бўйича изланишларимизни давом эттирамиз ... бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш...” ҳукумат олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шундай экан, “Парламентимиз ушбу ислоҳотларимизнинг ҳукуқий асоси бўлган “Кооперация ва кластер тўғрисида”ги янги қонунни тезроқ қабул қиласа, ушбу катта режа ва ниятларимизга мос иш бўлур эди”<sup>47</sup>. Бундай инновацион кластер стратегиялари иқтисодиётни ривожлантириш учун қўйидаги шартшароитларни яратади.

<sup>46</sup>Korotayev, Andrey; Zinkina, Julia; Bogelevich, Justislav (2011). "Kondratieff waves in global invention activity (1900–2008)". *Technological Forecasting and Social Change*. 78(7): 1280. doi:10.1016/j.techfore.2011.02.011

<sup>47</sup> Мирзиёев Ш.М. Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

Умуман олганда, корхоналарда инновацион технологиялар салоҳиятини оширишда инновацион кластер стратегияси қуидаги имкониятларни яратади:

1. Иқтисодиёт жадал ва инновацион асосда ривожланади.
2. Корхоналар рақобатбардошлиги ошади ҳамда рақобатбардош товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ҳамда хизмат кўрсатилади.
3. Маҳсулот сифатини оширилиб, тизимда иштирок этаётган тадбиркорлар фаолияти рағбатлантирилади.
4. Географик ҳудуддаги давлат органлари, тадбиркорлар, таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва кооперация алоқалари кучайтирилади.

Корхоналарда инновацион технологиялар салоҳиятини оширишда инновацион кластер стратегияси 3 та босқичдан иборат:

Биринчи босқич лойиҳалаш босқичи ҳисобланиб, бунда инновацион кластерлар бўйича лойиҳалар, ғоялар яратилади ва зарурӣ ҳисоб-китоблар олиб борилади.

Иккинчи босқич кластернинг таҳлилий босқичи ҳисобланиб, бунда кластернинг тузилмаси, чегаралари, кучли ва кучсиз томонлари ҳамда мавжуд тўсиклари ва ривожланиш имкониятлари, қандай натижка, самарадорликка эришиш йўллари очиб берилади.

Учинчи босқичда, бу инновацион кластернинг стратегик ривожланиш ва ҳаракат дастури бўлиб, иштирокчиларнинг ўзаро муносабатлари, ҳамкорлик дастурлари, келажак истиқболлари белгилаб берилади.

## **9.2. Инновацион технологияларнинг ривожлантиришни устувор йўналишлари ва улардан корхоналарда фойдаланиш зарурияти, асосий жиҳатлари**

Республикамизда инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистонда Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида инновацион технологияларни ривожлантириш бўйича давлатнинг қуидаги устувор йўналишлари белгилаб берилган. Жумладан:

– республикамизда инновацион технологиялардан самарали фойдаланишда иқтисодий шарт-шароит яратадиган “... рақамли иқтисодиётта фаол ўтиш- келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифалардан бири бўлади”<sup>48</sup>. ”

– “давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш<sup>49</sup> га эришилади;

– “Жорий йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилишимиз керак. Биринчи навбатда, қурилиш... таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозим<sup>50</sup>” натижада иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларда инновацион технологияларни ривожлантириш имконияти яратилади;

– “... Электрон хукумат тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарур<sup>51</sup>”лиги, бу борада инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш амалга оширилади.

– “...таълимнинг барча босқичларида ҳалқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ахборот технологиялари жорий этилиши шарт<sup>52</sup>”лиги белгиланган.

– “Мамлакатимиз иқтисодиётини тезкор ривожлантириш учун “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ишлаб чиқишни<sup>53</sup>” амалга ошириш белгиланган.

– “Банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан яхшилаш...” бўйича тизимли ишларни амалга ошириш белгиланган ва бошқа шу каби йўналишлардан иборат.

Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланувчи етакчи компанияларнинг изланишлари шуни кўрсатадики, инновацион технологияларни яратишнинг дастлабки босқичда техник ва бошқарув ечимларининг дизайни маҳсус дасту-

<sup>48</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Ҳалқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

<sup>49</sup>Ўша жойда.

<sup>50</sup>Ўша жойда.

<sup>51</sup>Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Ҳалқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

<sup>52</sup>Ўша жойда.

<sup>53</sup>Ўша жойда.

рий таъминот ёрдамида амалга оширилади, кейин прототиплар ишлаб чиқарилади ва шу билан харажатлар таркибини оптималлаштиради. Шу мақсадда бугунги кунда дунё бўйлаб корхоналар базасида юқори малакали мутахассислар ва ишлаб чикувчилар раҳбарлигига маҳсус технопарклар ташкил этилмоқда. Бу борада республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев шундай деган эди: – “Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилмага эга бўлган ИТ – парк барпо этилмоқда. У ҳозирданоқ ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Бундай ИТ-парклар Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистан ва Урганч шаҳарларида хам ташкил этилади”<sup>54</sup>. Технопарк ташкил этилиши янги иш ўринлари яратиш, янги технологияларни ривожлантириш, корхоналар учун - инновацион ривожланишга ўтиш ва рақобатдошликни оширишга ёрдам беради. Аммо бу баъзи ҳолларда корхона фаолиятида инновацион технологияларнинг самарасиз қўлланилиши натижасида уларнинг мазмуни ва фойдаланишдаги қийинчиликлар уларни идрок этиш, амалий қўллашда муаммолар юзага келади. Шу муносабат билан инновацион технологиялар, жумладан электрон алоқанинг янги шакллари (Интернет, овозли почта, видео хабарлар, IP-телефония ва бошқалар), корпоратив билимларни бошқарув тизимини янгидан қайта қуриш зарурлигини ва сифатинишириш корхоналар олдида турган инновацион вазифалар хисобланади.

Айрим тадқиқот<sup>55</sup> натижаларишуни кўрсатмоқдаки, инновацион технологияларнинг илғор усуллари қўлланилганда корхона бизнес жараёнларини тубдан ўзgartирадиган, корхона мақсадлари ва истеъмолчилар талабларини уйғунлаштирадиган бизнес-жараёнларни қайта кўриб чиқиб, бозорга мослашиш имконини беради.

Бошқарув жараённига йўналтириш нуқтаи назаридан инновацион технологияларни ўрганиш корхоналарда алоҳида жараён сифатида инновацияларни излаш, ишлаб чиқиш ва тарқатиш заруратини туғдиради. Шу муносабат билан инновацияларни бошқариш, жавобгарликни тақсимлаш (жараён эгаси) мақсадларини аниқ белгилаш мақсадгамувофиқидир. Инновацион лойиҳалар амалиёти шуни кўрсатадики, кўпинча Ўзбекистон корхоналарида инновация-

<sup>54</sup>Уша жойда.

<sup>55</sup>Perez, Carlota (2002). Technological Revolutions and Financial Capital: The Dynamics of Bubbles and Golden Ages. UK: Edward Elgar Publishing Limited. ISBN 978-1-84376-331-4.

ларни бошқариш жараёни самарасиз бўлиб, натижада рақобатбардошликтинг пасайиши кузатилмоқда. Шу сабабли, корхоналарда инновацион технологияларни жорий этиш учун доимий ва узлуксиз жараён талаб қилинади, у куйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- янги гоялар, технологиялар бўйича ечимлар излаш;
- кичик худудда корхона фаолиятида технологияларни синовдан ўтказиш;
- бутун корхона бўйича инновацион технологияни қўллаш ва натижадорликка эришиш;
- инновацион технологиялардан фойдаланишда даромадлиликни баҳолаш (дисконт усули асосида) ва бошқа шу кабилардан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, инновацион технологиялардан фойдаланиш компания ва унинг ташкилотларини янги сифат даражасига ўтишига имкон берадиган ресурс имкониятлари ва чекловларни ҳисобга олган ҳолда бизнес-жараёнларни бошқаришнинг самарали механизмини ишлаб чиқишига асосланган корхонанинг стратегик режалаштириш ва бюджетлаштириш тизими билан синхронлаштирилиши имкониятини яратади.

### 9.3. Инновацион ривожланиш индикаторлари (кўрсаткичлари)

Инновацияларнинг ҳаёт цикли— бу уни жорий этиш, тижоратлаштириш, диффузия, рутинизация (инновацияларни барқарор амалга ошириш) ва тарқатиш ва анъанавий маҳсулотта айлантириш босқичларини ўз ичига олади. Инновациялар ҳақида гап кетганда, улар жиддий илмий ва амалий тадқиқотлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган корхоналар фаолиятига бир томондан юқори технологияларни жорий этиш имкониятини яратади, иккинчи томондан корхонанинг жадал иқтисодий ривожланиши учун амалий натижага эришини билдиради. Албатта, инновацион технологияларнинг истикъболли ишланмаларни амалга ошириш катта харажатларни талаб қиласи ва бу республикамизда давлат томонидан белгиланган хукукий хужжатлар асосида тартибга солинади.

Корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолиятини хамда улардаги инновацион рақобатбардошлигини баҳолаш учун хорижий

амалиёт тажрибаларидан келиб чиқиб, инновацион ривожланиш индекаторлари (кўрсаткичлари) дан фойдаланилади. Бугунги, иқтисодиёт тараққиётининг глобаллашув шароитида инновацион ривожланиш индекаторларини кўйидаги гурӯҳларга ажратиш мумкин:

- харажатлар бўйича индекаторлар;
- вақт бўйича индекаторлар;
- янгиланиш бўйича индекаторлар;
- таркиб бўйича индекаторлар.

Инновацион ривожланишнинг харажатлар бўйича индекаторлари кўйидагилар ҳисобланади:

1. Корхонанинг юкори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тавсифловчи савдо-сотикдаги илмий тадқиқот харажатлари қўймати.

2. Лицензиялар, патентлар, “ноу-хау”ларни сотиб олиш учун кетган харажатлар қўймати.

3. Корхона ва ташкилотлар томонидан инновацияларни сотиб олиш учун кетган харажатлар қўймати.

4. Ташаббускор ишланмаларни ривожлантириши учун кетган харажатлар қўймати.

Инновацион жараёнларни вақт динамикаси бўйича тавсифловчи вақт индекаторлари:

1. Янги маҳсулот (янги технологиялар) ишлаб чиқиши жараёнинг давомийлиги (қанча вақтда инновацион ишланманинг яратилганилиги, кун, ой, йил).

2. Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёргарлик давомийлиги даври.

3. Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги даври (бир маҳсулотни тўлиқ ишлаб чиқаришга кетган вақт, кун, ой, йил).

#### Янгиланиш индекаторлари:

1. Технологик инновацияларда янгиланган товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқиши ҳамда уларни амалиётта жорий этиш сони.

2. Маҳсулот таркибини янгилаш динамикаси (янгиланган маҳсулот салмоғи) индекаторлари (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг солиштирма оғирлиги 2, 3, 5 ва 10 йил).

3. Сотиб олинган (бегараз берилган), янги технологиялар (технологик ютуқлар).

4. Экспорт қилинадиган инновацион маҳсулотлар ҳажми (кыймат ва натурал кўринишида).

5. Тақдим этилаётган янги хизматлар ҳажми (кыймат ва натурал кўринишида).

Таркиб бўйича индекаторлар:

1. Илмий тадқиқот ва бошқа илмий-техник бўлнималарнинг таркиби ва сони (шу жумладан, тажриба-конструкторлик бюоролари, тажриба-синов комплексларининг сони).

2. Янги технологиялардан фойдаланиш ва янги маҳсулотлар яратиш билан шугуулланадиган қўшма корхоналарнинг таркиби ва сони.

3. Илмий тадқиқот билан банд ҳодимларнинг сони ва таркиби.

4. Вактингчалик жамоалар, гурухларнинг ижодий ташаббускорлиги сони ва таркиби.

Юқоридаги ҳар бир индекатор (кўрсаткич) корхонада инновацион жараёнларнинг ҳар томонлама барча параметрлари бўйича ўлчаш ҳамда уни иқтисодиётнинг ривожланишидаги салмоғи ва ўрнини тўғри баҳолашга имкон беради.

### Таянч иборалар

Иқтисодиёт, инновация, технология, тадқиқот, корхона, маҳсулот, лицензия, экспорт, салоҳият, стратегия, кластер, индекаторлар.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Технологиянинг ривожланиш босқичларини изоҳланг.

2. Давлатнинг инновацион технологияларни ривожлантириш бўйича устувор йўналишларини сананг.

3. Инновацион технологиялар ва улардан корхоналарда фойдаланиш заруриятини ёритинг.

4. Корхоналарда инновацион технологиялар салоҳиятини оширишга таъсир қилувчи омилларни айтинг.

## **10-мавзу. Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш**

### **Режа**

10.1.Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаларни ўрганиш зарурияти. Ривожланган давлатлар – АҚШ ва бошқа давлатларнинг Ўзбекистоннинг инновацион иқтисодиёти учун муҳим жиҳатлари .

10.2. Фаол инновацион-инвестицион сиёсат ва бу борада хорижий давлатлар сабоқлари.

10.3. Фан-инновация-инвестиция-ишлаб чиқариш занжири ва бу жараённинг хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда унинг республикамизда фойдаланиш мумкин бўлган жиҳатлари.

#### **10.1. Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаларни ўрганиш зарурияти. Ривожланган давлатлар – АҚШ ва бошқа давлатларнинг Ўзбекистоннинг инновацион иқтисодиёти учун муҳим жиҳатлари**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантириш учун инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг хорижий тажрибасини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Иқтисодий ривожланнишнинг инновацион модели давлатнинг бевосита аралашуви орқали яратилади. Инновацион модель ишлаб чиқаришда илмий техник билимлар ва янги технологияларнинг кенг қўлланилиш ҳолатини назарда тутади. Ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 70фоиз кўшимча ўсиши янги билимлар, жорий этиладиган технологиялар, кадрлар тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига рўй беради. Замонавий иқтисодиётда самардорликни опириш йўллари кўп бўлиб, улардан бири бу венчур тадбиркорлик ҳисобланади. Венчур тадбиркорлик ҳар хил саноат турларида учрайди, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам. Аммо венчур инвестицияларнинг катта қисми одатда таваккалчили-

ги юқори бўлган технологиялар саноатига йўналтирилади. Шунга қарамай АҚШ(охирги 20 йилда энг катта венчур капитал бозори) статистик маълумотларига кўра венчур инвестициялар юқори даромадли хисобланади. Уларнинг ўртача даромадлилиги 19 фоизни ташкил этади. Мамлакатлар миқёсида венчур капитал салмоғини қараб чиққанда, АҚШ ва Канада биргалиқда жаҳоннинг 60 фоиз венчур капиталини, Европа 25 фоиз, Осиё 9 фоиз, Африка 2 фоиз, Лотин Америка ва МДҲ давлатлари 1фоизни жалб қиласди. Шу билан бирга венчур капиталининг ҳажми ва тузилиши мамлакатда инновацион иқтисодиёт шаклланишига кучли таъсир ўтказади. Масалан, Америкада венчур капитали эллик йил давомида ривожланиб келди. 1950 йилларда пайдо бўлиб, 1970-80 йилларда одатий хўжалик шаклига айланди. Америка инновацион моделига хос хусусият бу давлат томонидан кўллаб-қувватланадиган кичик венчур корхоналарини ривожлантириш хисобланади. Илмий-техник тадқиқотларнинг олиб борилиши ва сотилиши давлат томонидан фаол кўллаб-қувватланади. Америкада хусусий корхоналарнинг инновацияларни яратишдан олинган даромади учун солиқ юки паст ҳамда бу корхоналар учун кўшимча имтиёзлар мавжуд.

Япония фан ва технологияларнинг ривожланиши бўйича АҚШ дан кейин жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. Японияда ҳам 1980 йилларнинг ўрталаридан таркибида венчур капитал бўлган кичик инновацион корхоналар иқтисодий ривожланишининг инновацион моделини шакллантириш асоси сифатида эътироф этила бошланди. Бу турдаги корхоналар ҳозирда Япония ялпи ички маҳсулотининг 52фоизни етказиб беради. Венчур бизнесини молиялаштиришда Японияда хусусий капитал билан биргалиқда давлат ҳам фаол қатнашади. Баъзида юқори технологияли саноатда инновациялар диффузиясига эришиш учун давлат томонидан янги корпорациялар ташкил этилади. Йирик шахарларда биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорининг мавжудлиги япон венчур бизнесининг тез ривожланишига ўз хиссасини кўшмоқда. Япон сиёсатининг мақсадларидан бири бу кичик, лекин бозор талабига эгилувчан инновацион корхоналарни яратиш хисобланади. Бу корхоналарда янги технологияларни ва янги маҳсулотларнинг яратилиши тор ихтисослик орқали амалга оширилади. Охирги

йилларда Япония илмий-техник ишланмаларга инвестициялар бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Инновацияларга инвестицияларни асосан йирик молия-саноат гурухлари ва хусусий сектор амалга оширади.

Лекин АҚШ, Япония ва Буюк Британиядан фарқли равишда кўпгина Европа давлатларида иқтисодий ривожланишнинг инновацион модели бошқача кўринишда, шу жумладан, венчур капитали ҳам. Масалан, Франция ва Германияда инновациялар яратиш бўйича кўпчилик тадқиқотларни йирик корхоналаргина ўз зиммасига олади. Улар инновацион жараёнларнинг барча техник босқичларини ўзлари назорат қиласиди. Аввалига, Германияда юқори технологияларни ривожлантириши АҚШ тажрибасига асосланиб йирик технологик дастурлар орқали амалга ошириларди. Бунда АҚШ, Франция, Япония ва Буюк Британиянинг инкубаторлар ва илмий технологик парклар яратиш бўйича тажрибаси қўлланилган. 1980 йиллардан бошлаб Германияда аста-секин кичик шахарларда инновацион жамғармалар ташкил этила бошланди ва инновацион фаолият йирик корхоналардан кичик ва ўрта корхоналарга кўча бошлади. Бу турдаги кичик инновацион жамғармалар давлат кўмаги ва кизиқиши билдирган хусусий сектор ёрдамида тузилган.

Мисли кўрилмаган даражада иқтисодий ўсиш Жанубий Кореяда кузатилмоқда. 1976 йилдан 2006 йилгача Кореяда ўртача ЯИМнинг ўсиши 9фоизни ташкил этди. Киска муддатда Жанубий Корея қолоқ давлатдан юқори технологияларни ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи марказга айланди. Жанубий Кореяниң бундай ютуққа эришишида илмий-техник салоҳиятнинг кучайиши асосий омил сифатида эътироф этилади.

Турли хил давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, венчур бизнеси инновацион ривожланиш моделини ва унинг инвестицион таъминоти кескин ўзгартириб юбориши, натижада, инвестицион ресурсларнинг нархи тушиши мумкин. Масалан, ҳозирги ривожланган давлатлар Япония, АҚШ ҳамда Германия оғир даврларда ҳам иқтисодий ривожланиш учун муҳим бўлган илмий ишланмаларга инвестицияларни кўпайтириб борган.

## **10.2. Фаол инновацион-инвестицион сиёсат ва бу борада хорижий давлатлар сабоқлари**

Республикамизда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш мухим вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасида Президент Ш.Мирзиёев бошчилигига фаол инновацион-инвестицион сиёсат олиб борилмоқда. Бу йўналишда фаол ички инвестицион салоҳиятдан фойдаланиш билан бир каторда илғор хорижий мамлакатлар инновацион фаолиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамизда фаол инновацион-инвестицион сиёсат қўйидагиларда ўз аксини топган:

– “жаҳон тажрибаси шуни қўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётини баркарор ўсишига эришган, шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери...” ҳисобланади;

– “инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади”. Бу мамлакатимиз иқтисодиёти тараккиётининг бош стратегик вазифаси ҳисобланади;

– “биз факат инвестицияларни жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш кувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади”;

– “хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз керак. Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин”;

– “... Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг чет элдаги ваколат-хоналари ҳам ўз ишини қайта кўриб чиқишилари лозим бўлади. Бундан буён бизнинг хориждаги элчиларимизга ҳам талаб ўзгаради. Уларнинг фаолиятига биринчи навбатда инвестицияларни жалб

қилиш бўйича қандай ишләётганига ҳамда ана шу инвестиция миқдорига қараб баҳо берилади.”<sup>56</sup>

– “... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга факат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.”;

– “иктисодиётни юкори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур”. “2020 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлишини алоҳида қайд этмоқчиман. Инвесторларни қўллаб-куватлаш мақсадида уларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш, инфратузилма яратиш харажатларини қисман давлат томонидан қоплаш механизмлари жорий этилмоқда”.<sup>57</sup>

Жаҳон тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, давлат томонидан қўллаб-куватланувчи инновацион дастурлар ривожланаётган давлатларни ривожланган давлатлар каторига тезроқ олиб чиқиши мумкин. Соғликни саклаш, таълим тизими ва транспорт соҳаларига инновацияларни жорий этиш ривожланаётган давлат фуқароларининг турмуш даражасини тезроқ ўсишига олиб келади. Шу билан бирга инновациялар хусусий, хорижий ва давлат корхоналари ўртасида рақобатнинг кучайишига, меҳнат бозори эгилувчалиги ошишига ва ахборот коммуникация технологиялари инфратузилмасининг ривожланишига сабаб бўлади. Юқоридаги ижобий хусусиятларига қарамай инновацияларни бошқариш жуда мураккаб жараён бўлиб, уларнинг ривожланиши ва таъсирини баҳолаш анча кийин.

Афсуски кўпгина ривожланган давлатларда яхши таълим олган аниқ фанлар бўйича олий ўкув юртлари битирувчилари кўп бўлсада, улар маҳаллий тадбиркорларнинг инновацион фаолиятида деярли қатнашмаяпти. Яна бир хавотирли ҳолат шуки, ривожланаётган давлатлар чет эл инвестицияларни жалб қилишга катта маблағ сарфлаган бир пайтда, маҳаллий стартапларни ривожлантиришга кам эътибор қаратиляпти. Ишчи кучининг миграцияси,

<sup>56</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаётномаси://Ҳалқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

<sup>57</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаётномаси://Ҳалқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

айниңса, малакалы ишчи кучи күчіб келиши мамлакатда инновацион мұхиттің ривожланышынан ижобий таъсир күрсатади. Умуман олғанда, инновацион сиёсат кичик ва ўрта корхоналарда инновацияларни яратилишини құллаб-куватлаши керак, буни бизнес ва давлат бошқаруви тизими ўртасидаги алоқаларни күчайтириш орқали амалға ошириш мүмкін.

Инновациялар мамлакатларнинг маҳаллий муаммоларини ҳал қилишда энг мақбул йўл хисобланиб, улар энг янги технологиялар асосида яратилиши шарт эмас, балки берилган муаммоларни ижодкорона оддий ечимидан иборат бўлиши мүмкін.

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари ҳар бири ўзига хос инновацион сиёсат олиб бориш эвазига юқори меҳнат унумдорлиги ва рақобатбардошлиқ даражасига эришиб келмокда. Энг жадал ривожланаётган давлатлар орасида эса Хитой ва Ҳиндистон айниңса охирги 10-15 йилда инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича сезиларли ютуқларга эришди. Жумладан Хитойда юқори технологияли саноат кластерларининг яратилиши телекоммуникация ва электроника соҳасининг жадал ривожланишига олиб келди. Ҳиндистоннинг дастурий таъминот яратишга ихтисослашуви ҳам инновацион сиёсатнинг муваффакиятли олиб борилаётганидан далолат беради. Хитой ва Ҳиндистоннинг юқори технологияли саноатда ўз ўрнини эгаллаб боришига қарамасдан, уларнинг иқтисодиётида кўпчилик кичик ва ўртача корхоналар инновацион соҳалар билан ҳамкорлиқдан узилиб қолган.

Инновацион-инвестицион сиёсат ривожланган хорижий давлатларда ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Айниңса, Европа иттифоқида фаолият бўйича АҚШ ва Япония билан рақобатлашади ва куйидаги тадқиқот турларини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди:

- табиий фанларни генетика фанлари билан биргаликда;
- соғлиқни сақлаш соҳасида биотехнологиялар;
- оғир касалликларни олдини олиш;
- нанотехнологиялар, “кўп функцияли” ақлли технологиялар;
- аэронавтика ва фазо, экологик тизимнинг барқарор ривожланиши;
- ечилмаган амалий технологик муаммолар бўйича ҳалқаро ҳамкорликни күчайтириш.

### **10.3. “Фан-инновация-инвестиция- ишлаб чиқариш” занжири ва бу жараённинг хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда унинг республикамиизда фойдаланиш мумкин бўлган жиҳатлари**

Республикамиизда инновацион иқтисодиётни тараққий эттириш бир қатор ўзига хос ёндашувларни талаб этади. Бунда, айниқса, “фан-инновация- инвестиция-ишлаб чиқариш” занжири мазмун-моҳиятини таҳлил килиш ва бу борада хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш жуда аҳамиятлидир. Шундай экан, “фан-инновация-инвестиция ишлаб чиқариш” занжирининг мазмун-моҳиятини кўриб чиқамиз.

1. Фан – юқори малакали мутахассис тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи илғор-педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчиси сифатида намоён бўлади ҳамда кадрлар тайёрлашда илмий тадқиқотга асосланган таркибий қисми ҳисобланади.

2. Инновация – (инглизча *innovation* янгилик киритиш) бозорда сотилаётган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалий фаолиятда фойдаланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён кўринишида амалга оширилган инновацион фаолиятнинг якуний натижасидир.

3. Инвестиция – чекланган ресурслар шароитида иқтисодий-ижтимоий самара олиш максадида миллий иқтисодиётнининг у ёки бу соҳасига капитал киритиш ҳисобланади.

4. Ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан куйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш жараённинг қатнашчисидир.

Республикамиизда илм-фан замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш ўта зарур ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев аниқ вазифаларни белгилаб берган жумладан,

- “... илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарур... шу сабабли таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим принципига асосланиши...бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз зарур.”;

• “... юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади...олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир. Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюrolари, тажриба ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақаттинг иктисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар “ноухау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак.”<sup>58</sup>

• “... мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ҳар бир давлат илм-фанинг барча соҳаларини бир йўла тараққий эттира олмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фанинг бир нечта устувор йўналишларини ривожлантириш тарафдоримиз.”

• “...илм-фан ютуқларини электрон платформасини, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим. Ҳар бир олий таълим ва илмий тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга кўйиши шарт.”<sup>59</sup>

Шундай экан, республикамида кенг кўламли ислоҳотларни янада ривожлантириш учун инновацион иктисодиётнинг тараққиётини хорижий давлатлар тажрибасида чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада бугунги кунда ҳалқаро миқёсида тез ва инновацион асосда фан ва технология ютуқларига асосланиб ривожланаётган Хитой давлати тажрибаси айниқса, ахамиятлидир.

Давлатнинг инновацион сиёsatнинг кенг жорий этиши Хитой иктисодий ўсишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. 1978 йилдан бери Хитойда фан ва технологияларни ривожлантириш бўйича бир нечта ислоҳотларнинг ўтказилиши олий таълим тизимиning тез ривожланишига сабаб бўлди. Ўттиз йил давомида амалга оширилган ислоҳотлар ўргача 9фоиз иктисодий ўсишга эришишга замин яратди. 2010 йилда Хитойнинг ялпи ички

<sup>58</sup> Мирзиев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси://Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабр.

<sup>59</sup> Мирзиев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси://Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

маҳсулоти Япониянидан ўзиб кетди ва Хитой дунёнинг иккинчи энг йирик иктиносидиётига айланди. 2014 йилга келиб Хитойнинг ялпи ички маҳсулоти ўн триллион доллардан ошиб кетди, жаҳонда фақаттина АҚШ бу натижага эришган. Аммо 2008 йилдаги молиявий инқироз Хитойнинг ишлаб чиқаришга асосланган иктиносидиёти ўсишини секинлаштирди, чунки у ривожланган давлатлар технологияларини ўзлаштирап эди. Инқироздан кейин Хитой ривожланган давлатлардан қарамлигини камайтириш мақсадида ўз маҳаллий инновациялар инфратузилмасини ривожлантира бошлади. Яъни маҳаллий тадқиқот институтлари ва университетларнинг рақобатдошлигини кучайтириш бўйича ислоҳотлар ўтказа бошлади. 2017 йилда Хитой глобал инновациялар индекси баҳоси бўйича дунёда 22 ўринни эгаллади: Глобал инновациялар индексининг билим ва технологиялар натижалари кўрсаткичи бўйича 2017 йилда тўртинчи ўринни эгаллади.

Хитойнинг фан ва технологияларни ривожлантириш сиёсати 1970 йилларда бошланиб тўрут босқичда ривожланди:

- тажриба босқичи;
- тизимли ислоҳотлар;
- чукур ислоҳотлар;
- узоқ муддатли режалаштириш.

**Тажриба босқичи(1978-1985 йиллар).** 1980 йилларда Хитой иктиносидиёти ва фан техника тараққиёти ривожланган мамлакатлар иктиносидиётидан ва илм фанидан хали анча орқада эди. 1960 йилларда ўзлаштирилган фан ва технологияларни ривожлантиришнинг Совет модели тадқиқот ва ишлаб чиқаришни бирлаштиромаслиги аниқ бўла бошлади. Ислоҳотлар, аввалимбор, тадқиқот институтларнинг баъзи қисмларини хусусийлаштириш орқали бошланди. Бу ислоҳот тадқиқот институтларини молиялаштиришни осонлаштириди ва кейинчалик уларда муҳим инновацияларни яратилишига хизмат қилди. Хитойнинг хозирги кўпчилик технология компаниялари ўша даврда ташкил топди. Уларга компьютер хизматлари ва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Леново Гроуп Лтд. (аввал Легенд Сомпьютер) – Хитой фанлар академияси ахборот технологиялар институтидан ажralиб чиқсан корхона, рақамли технологиялар ишлаб чиқарувчи Фоундер Гроуп Лтд.

Конгломерати – Пекин университети лойихаси асосида яратилган корхона хисобланади.

### **Тизимли ислоҳотлар (1985-1995 йиллар).**

1985 йилда қабул қилинган “Фан ва технологияда тизимли ислоҳот” қонуни Хитойда “тепадан пастга” кўринишдаги ислоҳотларни ўтказилишига олиб келди. Бу қонуннинг бирламчи мақсади тадқиқот институтлари ва тегишли саноат тармоқлари ўртасида алоқаларни кучайтириш эди. Шу билан бирга, фан ва технологиянинг иқтисодий таъсирини ошириш мақсад қилинган эди. Бу қонунга асосланган ислоҳотлар натижасида Хитой табиий фанлар жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма амалий тадқиқотларни молиялаштириш билан шуғулдана бошлади. Илмий тадқиқотларни тижоратлаштириш учун 863 дастури (1986 йилда), Учкун режаси (1986 йилда), Шуъла режаси (1988 йилда) кичик ва ўрта корхоналар учун мўлжалланган Шенжен қимматли қоғозлар биржаси (1990 йилда) ишга туширилди. Олий таълимни ривожлантириш мақсадида 1993 йилда Хитой ҳукумати “211 лойиҳа” дастурини ишлаб чиқиб, амалиёттга жорий эта бошлади. Ҳукумат ҳар бир вилоятнинг энг етакчи университетларини қўллаб-кувватлаш учун маҳсус бюджет маблағларини ажратса бошлади. Шу вақт давомида Хитой фанлар академиясининг “100 та талант” дастури шакллантирилиб, хорижда бўлган малакали миллий кадрларга таълим соҳасида иш таклиф қилиш ва уларни ватанига қайтариш вазифаси қўйилди.

**Чуқур ислоҳотлар фазаси(1996-2006 йиллар).** Беш йиллик миллий бюджет режаси ва бошка қатор қарорлар фан ва технология соҳасиди чуқур тизимли ислоҳотлар фазасини бошлаб берди. Хитойнинг асосий стратегияси “миллий иқтисодиётни фан ва таълим орқали ёшартириш” бўлди. 1996 йилда ҳукумат “фан ва технологияда бўладиган ихтиrolар ва янгиликлар” тўғрисида қонун қабул қилди. Бу янги сиёsat учта асосий мақсади:

- инновацияларни яратувчи кучни тадқиқот институтларидан саноат тармоқларига кўчириш;
- саноат тармоқларининг илмий ишланмаларга инвестицияларни саноат тармоқларининг инновацион кувватини кучайтириш;
- илмий янгиликларни тижоратлаштиришни яхшилаш.

Шу даврда миллий инновацион инфратузилмада түрттә мухим ўзгариш юз берди. Жаҳон талабларига мос келувчи Хитой университетларини шакллантириш мақсадида “211 лойиҳа” дастурининг давоми бўлган “985 ташаббус” дастури ишга туширилди. Ҳукумат, шу билан бирга, Хитой фанлар академиясида давлат институтларида тадқикот сифатини ошириш мақсадида “Билим инновация ташаббуси” дастурини ишлаб чиқилди. Бундан ташкари, давлат илмий тадқикотларни янада қўллаб-кувватлаш мақсадида 973 дастури ва Янгзи дарёси олимлар дастурларини ишлаб чиқди ва шу орқали ўқитувчи профессорларнинг иш ҳақини ошириш имконияти яратилди.

### **Узок муддатли режалаштириш фазаси (2006-2014 йиллар).**

2006 йилда Хитой марказий бошқарув аппарати 2006-2020 йилларга мўлжалланган “ўрта ва узок муддатли миллий ривожланиш режаси” ни қабул қилди. 2006 йилги Миллий режада фан ва технологияларни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар, мустақил инновацияларни яратиш, мухим технологик соҳаларини тез ривожлантириш, асосий инфратузилмани барпо этиш кабилар қайд этиб ўтилган. Бу режада барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, инновацияларни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш, инновацион фаолият кувватини оширишларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Шу даврда давлат энди олиб бораётган сиёсати самарадорлигини баҳолаш ва жорий этилишини бошқаришга катта зътибор қаратди. Оддин ишлаб чиқилган қонунлар ва қарорларнинг жорий этилишида анчагина камчиликлар бўлиб, уларни ягона тушунарли тарзда тизимлаштиришни талаб этарди. 2011 йилда Хитой ҳукумати қобилиятли ёшларни қўллаб-кувватлаш мақсадида “1000 та иқтисодорни ишга олиш” дастурини ишга туширди. 2016 йилда бу дастур орқали 2000га яқин ўз соҳаларида етакчи бўлган олимлар Хитойга қайтиб келди. 2012 йилда Хитой ўз олдига 2020 йилгача “энг инновацион миллат” бўлиш мақсадини кўйди. 2012 йилнинг охирида ўтказилган Коммунистик партиянинг 18 - мажлисида миллий иқтисодий ривожланишда инновациялар омили стратегик аҳамиятта эга деб белгиланди.

Хитойнинг фан ва технологияларни ривожлантиришга қартилган охирги ўттиз йил давомида олиб борган сиёсати инновацион фаолиятни мисли кўрилмаган даражада ривожлантирди.

2002 йилдан 2012 йилгача Хитойнинг ЯИМи деярли тўрт баробар ўсди. Хитой фан ва технологияси ривожланишини илмий-техник ишланмаларга йўналтирилган инвестициялар; инновация натижалари-патентлар, маҳсулотлар ва илмий мақолалар; фан таълими ҳамда технологик соҳаларда иқтидорларни етиштиришда кўришимиз мумкин. Фан ва технологияга йўналтирилган инвестициялар 2002 йилда ЯИМнинг 1 фоиз дан 2012 йилда 2 фоизга ўсди. Саноат тармоқларида илмий-техник ишланмаларга киритилган инвестициялар 2002 йилда жами инвестицияларнинг 70 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 80 фоизга етди. Хитойда охирги йилларда патентлар бўйича аризалар сони кескин ортди. 2012 йилдан бери Хитой глобал инновациялар индексида маҳаллий патентлар сони бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Хитойда фан ва технологиянинг ривожланиши таълим соҳаси ва малакали кадрларни етиштириш билан бирга борди. Таълим соҳасида ўtkазилган ислоҳотлар таълим сифатини сезиларли оширишга ва университетларда ўқийдиган талabalар сонини кескин ошишига замин яратди. Масалан, университет ва институт битириувчилари 2002 йилда 1 млн 300 минг кишини ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу рақам олти миллионни ташкил этди. Университетларда иқтидорли талabalар сонининг кўпайиши Хитойнинг инновацион тизимининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, бу ислоҳотлар иқтидорли ёшларни етиштиришда ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, “1000 та иқтидор” дастури хорижда бўлган кўплаб инновацияларни яратилишига хисса кўшган хитойлик иқтидорли олимлар ва тадқиқотчиларни қайташига эришди.

Инновацион жараён босқичларини ўрганишнинг турли усуллари мавжуд. Масалан, Р.Норман инновацион жараённи икки кисмдан ташаббус ва изжордан иборат деб ҳисоблаган. Ж.Хейдж ва М.Эйкенлар эса инновацион жараённи тўртга бўлиб ўрганишни тавсия этган, булар:

- баҳолаш;
- ташаббус;
- жорий этиш;
- рутинизация(узлуксиз ишлаб чиқариш).

Баъзи олимлар инновацион жараённи ташкилий контекстда таҳлил қилишади. Масалан, Ж.Уилсон учта боскични ажратиб кўрсатади<sup>60</sup>:

- концептуализация;
- таклиф киритиш;
- қабул қилиш ва жорий этиш.

Томсоннинг фикрича инновацион жараённинг бошланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- мавжуд мақсадлар ўртасида узилиш;
- ҳақиқий вазият;
- ривожланиш учун қулай имконият излаш.

Шу ва бошқа қарашлар инновацион жараённи турли жиҳатларини ёритиб беради. Инновацияларнинг кўп кирралилиги бу тушунчага ягона универсал таъриф бериш имконини бермайди. Бундан ташқари, вакт ўтиши инновациялар таркиби ва хусусиятлари ўзгариб боради, бу эса илмий тадқиқотларни янада қийинлаштиради.

### Таянч иборалар

Инновация, инвестиция, сиёsat, фан, технология, ресурс, инновацион модель, капитал бозори, венчур капитали, венчур бизнеси.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Венчур бизнеси хусусида нималарни биласиз ?
2. Глобал иқтисодиёт шароитида Европа иттифоқи инновацион фаолият бўйича қандай тадқиқот турларини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб кўйган ?
3. Япония ва Буюк Британиянинг инкубаторлар ва илмий технологик парклар яратиш бўйича тажрибалари хусусида нималарни биласиз ?
4. Хитойда юқори технологияли саноат кластерларининг яратилиши қайси соҳаларни жадал ривожланишига олиб келди ?

<sup>60</sup><https://www.amywilson.com/innovation-strategy>

## **11-мавзу. Корхоналарда экспорт салоҳиятини оширишда инновацион маркетинг технологияларидан самарали фойдаланиш**

### **Режа**

11.1. Корхоналарга инновацион маркетинг жорий этишнинг аҳамияти.

11.2. Ўзбекистон Республикасида замонавий инновацион маркетинг стратегияларини жорий этиш масалалари.

11.3. Корхоналарда экспорт имкониятларини кенгайтиришда инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланиш йўллари.

### **11.1. Корхоналарга инновацион маркетинг жорий этишнинг аҳамияти**

Маркетинг мазмунан бозор муносабатларига хос механизм ҳисобланади. У миллий иқтисодиётнинг барча жабҳаларида товарпул муносабатлари ва қиймат қонунига амал қилиб хўжалик юритишга асосланган. Шунга кўра маркетинг ўз ичига ишлаб чиқариш ва уни ташкил этиш, ишлаб чиқарилган товарлар ҳаракатини бошқариш, уларни сотиш ҳамда сотишни рағбатлантириш, рекламани ташкил қилиш, товар билан боғлик сервисни йўлга кўйиши жараёнларини олади.

Маркетинг фаолиятининг асосий таркибий қисмига бозорни комплекс ўрганиш, маркетинг стратегияси ва тактикасини тўғри белгилаш, товар ишлаб чиқариш услубларини кенг маънода баҳолаш, бозорнинг ҳолатини ва ривожланиш йўлларини ўрганиш каби масалалар киради.

Маркетинг инсон фаолияти маҳсулни бўлиб, шу фаолиятнинг самарали бўлишини таъминловчи хўжалик механизмидир. Миллий иқтисодиётда маркетинг тизимини кенг кўллаш ҳар бир корхона фаолияти учун бир мақсадга истеъмолчилар талабини қондириш оркали юкори фойда олишга эришишдир.

Корхоналарнинг бозорга кириши ва унда мустаҳкам ўрнашишидан кўзланган асосий мақсадлар таркиби куйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- маҳсулот турларини бозор талабига мос ҳолда ривожлантириб бориш;
- энг кам моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари харажатига эриши;
- замонавий моддий-техника базасини шакллантириш ва уни техник-технологик тараққиёт натижалари билан мунтазам ривожлантириб бориш ва ҳоказолар.

Корхоналарнинг кўзлаган мақсадлари маркетинг фаолиятининг ҳар бир жараёнида мавжуд бўлади – сифатли, арzon ва ишлатилиши бўйича куладай маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳсулотларни ташиш ва сақлаш жараёнларнинг кам харажатли бўлишини таъминлаш, маҳсулотлар сотилишини тезлаштириш йўлларини аниқлаш ва бошқалар.

Бугунги кундан мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш корхоналари, нафакат, маҳаллий бозорни керакли товарлар билан тўйинтиришга хизмат қилишмокда, айни пайтда, улар жаҳон бозорига чиқиш, ўрнашиш ва маълум турдаги товар билан мустаҳкамланиб олишни мақсад қилиб олишган. Ҳар бир корхона учун жаҳон бозорида савдо қилиш шарафли кўрсаткич ҳисобланади. Табиийки, бу мамлакатимизнинг равнаки учун ҳам муҳим омил саналади.

Амалиёт шундан далолат берадики, иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи илмий-техник инновациялар ҳисобланади. Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектлари инновацион жараёнда марказий роль ўйнайди, инновациялар эса техник тараққиёт суръати юқори бўлган тармоқларда асосий ракобат қуроли ҳисобланади. Инновацияга эришган корхона маркетинг соҳасида ҳам етакчи ҳисобланади.

“Инновацион маркетинг – буянги товарлар ёки хизматлар яратиш, кенгайтириш ва қўллаб-куvvatлашга йўналтирилган маркетинг технологиялари мажмууидир”<sup>61</sup>.

<sup>61</sup>Ergashxodjayeva Sh. Innovations marketing / Sh.Ergashxodjayeva. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'sim vazirligi. -T.: Cho'lon nomidagi NMU, 2014, 23 bet.

Корхонада инновацион маркетинг объектлари бўлиб инновацион мулқ, инновацион хомашё ва материаллар, инновацион товарлар ва хизматлар, инновацион технологиялар, товарлар ва хизматларни силжитишинг инновацион усуллари, бошқарувни ташкил этишнинг янги шакллари ҳисобланади.

Инновацион маркетинг – бу корхона фаолиятининг самардорлигини ошириш учун янги усуллар ва воситаларни жорий этиш мажмусидир. Бу анъанавий маркетинг концепциялағидан бири бўлиб, унинг асосий мақсади – маҳсулот ва хизматларни узлуксиз такомиллаштириб бориш ҳисобланади.

Корхоналарнинг янгиликларни яратиш, жорий этиш, ўзлаштириш ва сотиш фаолияти қўйидагиларни ўз ичига олади:

- янги ғояларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишларини ўтказиш, янги маҳсулотларнинг тажриба намуналарини яратиш;
- янги тур маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур хомашё ва материалларни танлаш;
- янги маҳсулотларни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш;
- янгиликларни жорий этишга қаратилган янги ташкилий-бошқарув қарорларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- инновацион аҳборот таъминотини ишлаб чиқиш ва олиш;
- илмий тадқиқот ишларини ўтказиш бўйича ходимларни тайёрлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш;
- маҳсулотларнинг хоссаларини истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжаларига мослаш;
- юқори даражадаги сифат кўрсаткичларига эришиш борасида тадқиқотлар олиб бориш;
- лицензиялаштириш, патентлаштириш ва ноу-хауларга залик қилиш бўйича керакли ҳужжатларга эга бўлиш ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида технологиянинг юқори суръатда ўзгариши, маҳсулотларнинг ҳаётйлик даврининг тезлашиши корхона рақобатбардошлигини инновациялардан фойдаланмай туриб оширишнинг имкони мавжуд эмаслигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Корхона рақобатбардошлиги, унинг маълум бир соҳада бошқа ракиблардан устунлигини – ресурслардан самарали фойдаланишни ҳамда инновацион маркетингнинг йўлга қўйилганини акс эттиради.

Корхона рақобатбардошлигини ошириш йўлларидан бири – инновацияларни ишлаб чиқиши ва улардан фойдаланиш хисобланади. Шунингдек, бозор шароитларининг доимий ўзгариши маркетингда инновацияларни кўллаш заруратини оширмоқда.

Инқирозли вазиятлар шароитида истеъмолчилар эҳтиёжига таянган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, корхонани бозорда рақобатбардошлигини оширади ва ўз фаолиятини самарали амалга ошириш имкониятларини беради.

Амалиёт шуни кўрсатадики, технологик инновациялар учун молиявий ресурслар билан боғлиқ муаммолар юзага келганда, инновацион маркетинг корхонанинг рақобат курашида асосий дастак бўлиб хизмат қиласди. Корхонанинг бозор мухитидаги фаолияти унинг маҳсулоти ва хизматларини истеъмол қилувчи шахслар томонидан белгиланади.

Хозирги замон бозор иқтисодиётида истеъмолчи қирол. Унинг хоҳиши- истаги барча хўжалик юритувчи субъектларни ҳаракатта келтиради. Корхона қачон фойда кўради? Қачонким, у тақдим этажтган товар ва хизматлар истеъмолчиларнинг талабини қондиргандан сўнгтина фойда кўради.

Истеъмолчилар корхона маҳсулот ва хизматларини, уларни яратиш учун кетган харажатларга нисбатан кўпроқ баҳоласа, корхона ривожланади, акс ҳолда унга ташки ёрдам зарур бўлади ёки бундай корхона инқирозга юз тутади.

Маълумки, тадбиркорликнинг асосий мақсади мижозларни жалб қилиш бўлганилиги сабабли, корхонанинг иккита асосий функцияси мавжуд: маркетинг ва инновация.

Маркетинг инновациялари деганда янги ёки сезиларли яхшиланган маркетинг услубларини жорий этиш тушунилади, яъни:

- маҳсулотларнинг дизайни ва қадоқланишида жиддий ўзгаришлар;
- маҳсулотларни сотиш ва тақдимоти бўйича, шунингдек, уларни бозорларга танитиш ва олга силжитиш бўйича янги услублардан фойдаланиш;
- янги нарх стратегияларини шакллантириш кабилар.

Инновацион маркетинг– янги маҳсулотлар, ускуналар, хизматлар ва янги технологияларни ишлаб чиқиши ҳамда уларни бозорда

сотиш учун янги маркетинг усулларидан фойдаланиш билан бөглиқ. Корхоналар фаолиятини чукур таҳлилига асосан, маркетингда инновациялардан фойдаланиш – истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш ҳамда янги бозорларни эгаллаш имкониятини беради.

## 11.2. Ўзбекистон Республикасида замонавий инновацион маркетинг стратегияларини жорий этиш масалалари

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтаётган шароитда–ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари олдида турган муҳим вазифалардан бири маркетинг тамойилларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Маркетинг тамойиллари – бу маркетинг асосини ва унинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи ҳолат, талабдир.

Маркетингнинг вазифасига товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш албатта истеъмолчига, ишлаб чиқариш имкониятларини доимо бозор талабига мўлжаллашдан иборат. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида маркетингнинг асосий тамойиллари қўйидагилар ҳисобланади:

- истеъмолчиларга нима керак бўлса шу нарсани таклиф этиш. Бозорга товарлар ва хизматлар таклифи билан эмас, балки истеъмолчиларнинг муаммоларини ечиш воситалари билан ишлаш;
- харидорлар мотивларини, уларнинг хулқ-атворларини таҳлил қилиш;
- рақобатчиларни, уларнинг стратегияси ва тактикасини ўрганиш;
- бозордаги рақобатнинг ўзини таҳлил қилиш;
- истеъмол товарлари бозорини билиш, ҳар бир турдаги товарга харидорлар талабини ҳар томонлама ўрганиш, олинган ахборотдан хўжалик юритиш қарорларини қабул қилиш жараёнларида фойдаланиш;
- товарларни сотиш ва сервис жараёнини мақсадли бошқарилишини таъминлаш;
- маркетинг изланиши натижасида юзага келган масалаларни ҳал этилишига ижодкорлик билан ёндашишни ривожлантириш ва рағбатлантириш;

- янги, айниқса юқори сифатли товарларни истеъмолчиларга етказищдан кеч қолмаслик;
- корхона хизмат кўрсатаётган ҳудудларни гурухларга ажратиш (бозорни сегментлаштириш) ва корхонанинг имкониятига яраша иш юритиш;
- истеъмолчилар талаб-эхтиёжини тадқик қилгандан сўнг маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- маркетинг концепцияси воситаларини кўллаш асосида маркетинг дастурини шакллантиришга олиб келувчи кўйилган мақсадларга эришиш учун комплекс ёндашиш ва мақсадли дастур услубини ишлатиш.

Юқорида келтирилган маркетингнинг асосий тамойиллари умумий ҳолда – бу истеъмол бозорини билиш, унга мослашиш ва бозорга таъсир ўтказищдан иборат.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари маркетинг тамойилларига таянган ҳолда маркетинг стратегиясини ишлаб чикишади. “Маркетинг стратегияси – фирманинг мақсадли бозордаги маркетинг фаолиятини ифодаловчи бош дастури бўлиб, унинг узок муддатга мўлжалланган маркетинг комплекси (маркетинг - МИКС)ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали кўзланган мақсадига эришиш жараёнларини ўз ичига олади. Бозордаги ҳар бир сегмент учун алоҳида товар тарқатиш, сотиш ва коммуникация сиёсатларини аникланади. Маркетинг стратегиясида корхона қайси маҳсулот (хизмат) билан, қайси бозорга қачон кириши кераклиги белгиланади. Шундай қилиб маркетинг стратегияси, корхонани ўз имкониятларидан фойдаланиб, атроф-муҳит (бозор, макро омиллар ва бошқалар) шароитида мақсадига эришиш йўлларини аникланади”<sup>62</sup>.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида маркетинг стратегиясига нисбатан қўйилаётган умумий талаблар куйидагиларга олиб келиши керак:

- бозор ва ўз имкониятларини ҳаққоний баҳолашга;
- қўйилган мақсадларни аниқлаштиришга;

<sup>62</sup>Soliyev A., Buzrukxonov S. Marketing. Bozorshunoslik. Darslik. –T.: Iqtisod-Moliya, 2010, 167 bet.

- ҳаракатлар мослашувчанлиги (бирон-бир омилнинг таъсир этиши ҳолатида вазиятнинг ўзгартиришга тез мослашиши)ни таъминлашга ва бошқаларга.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг асосий мақсади истеъмолчилар талабини қондириш орқали фойда олиш бўлса, унга эришиш учун фойда келтирадиган товарларни ишлаб чиқариш ва сотишини кўпайтириш, улар хиссасини оширишлари зарур бўлди. Бу вазифалар – маркетинг вазифалари бўлиб, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишни талаб этади.

Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишида энг муҳим муаммо, истеъмолчилар талабини қондириш асосида корхонани фойда олишга йўналтириш ҳисобланади.

Бунда бозорни ўрганиш, таклиф манбаларини топиш, корхонага тегишли ҳар бир товар бўйича конъюнктурани ўрганиш ва хуносас чиқариш жараёни бажарилади.

Маркетинг стратегияси – бу корхонанинг мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракат қилиш режаси. Стратегик режалаштириш – корхонанинг нима ишлаб чиқаришилгини, уларнинг истеъмолчиларини, нарх, реклама, сотиш каби йўналишларини аниқлайди.

Режалаштиришнинг мақсади – корхона фаолиятини олиб боришида хавф-хатарни камайтиришдир. Корхоналар бизнес режа асосида иш юритишни йўлга қўйиш учун куйидагиларга амал қилишлари зарур:

- бозор конъюнктурасини ўрганиш;
- ички мухитни таҳлил қилиш;
- корхона келажаги истиқболларини башпорат қилиш;
- бўлажак хавф-хатарни ўрганиш;
- ривожланиш концепциясини ва стратегиясини иқтисодий асослаш;
- бизнес режасини тузиш;
- моддий ресурс таъминотини аниқлаш;
- молиявий натижаларни аниқлаш;
- молиявий ресурслар манбаларини белгилаш;
- ҳаражатларни назорат қилиш тадбирларни ишлаб чиқиш демакдир.

Бозорга янгиликни киритиш стратегияси ва тактикаси маркетинг тадбирларининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. У ўзида

янги маҳсулотларни бозорларда жойлаштириш ва сотиш йўлларини шакллантиришга асосланган янгиликнинг рақобатбардош стратегиясини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида маркетинг стратегияси заминида қўйидагилар ётади:

- бозор бир хил эмас, у ўзига хос табакалар (сегментлар)дан иборат;

- корхона бозорда бир ёки бир нечта сегмент талабларини назарда тутиши мумкин. Аммо ҳар доим танланган бозори табакалари (сегментлари)ни ўзига жалб этишда, кўпроқ муваффақият козонишни ўйлаш лозим;

- корхона бозорда мустакил ёки бошқа корхоналар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиши мумкин;

- маркетинг воситасини танлашда, кўпроқ бир-бирига мос ва ўзаро вазифалари билан бир-бирини тўлдириб турувчиларни ишга солишини кўзда тутиш керак. Масалан, товар упаковка (ўрама)си билан нарх, товар ҳаракати билан сотиш жойини, истеъмолчилар билан алоқаларни рекламага кўшиб ишлатилиши тавсия этилади;

- корхонанинг бозорга чиқишида иқтисодий ҳолатни ҳар томонлама ҳисобга олиш талаб этилади. Масалан, умумий ва савдо конъюнктурасининг ҳолатини, рақобатчиларнинг бозорда тутган ўрни ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, инновацион маркетинг – корхонанинг ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва бозор шароитига таъсир кўрсатишига асосланган фаолиятдир. Кузатишлар шундан далолат беради, инновация ҳаётий даврининг ҳар бир боскичи турли маркетинг усулларини ва ёндашувларини, турли стратегия ва тактикани талаб киласи.

Инновацион маркетинг тадбирлари тизими фақатгина ишлаб чиқаришни янгилаш билан эмас, балки капиталнинг жамланиши ва оқими динамикаси билан узвий боғланган.

Инновацион маркетинг рақобатчиларига нисбатан кўпроқ фойда олишни истаган корхоналар учун муҳим бўлиб, инновацияларга ва янгиликларга асосланган устун рақобат стратегияни шакллантиради. Шунингдек, инновацион маркетинг фақатгина бозордаги янги маҳсулотни ёки мавжуд маҳсулотни реализация килиш эмас, балки янги технологиялардан: янги маҳсулот ёки

технологик жараён бўйича ихтиро ва ноу-хаулар учун лицензияларни сотиш ҳамда уни тайёрлаш учун ускуналарни такомилаштиришни назарда тутади.

### **11.3. Корхоналар экспорт салоҳиятини оширишда инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланиш йўллари**

Корхоналарнинг дунё бозорларида рақобатбардош бўлган маҳсулот ишлаб чиқариши ва уни жаҳон нархларида сотиш қобилияти ҳисобланган экспорт салоҳияти миллий иқтисодиёт учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам республикамизда мазкур масалага алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энг муҳим йўналишлардан бири сифатида экспорт фаолиятини либераллаштириш ва енгиллаштириш, экспорт таркиби ва географиясини диверсификациялаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш ҳамда мобилигини таъминлаш республикамиз корхоналари олдида ташқи бозорда мустахкам ўрнашиб олиш каби ўта муҳим вазифани юклайди.

Ушбу вазифани ҳал этишда иқтисодиёт ривожини жадаллаштирувчи омиллардан бири бўлган ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ўта муҳимдир. Илғор ускуналар билан жиҳозланган замонавий корхоналарнинг барпо этилиши ишлаб чиқариш соҳасининг янги тармоқларини ўзлаштириш, ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотларни тайёрлашни кўпайтириш, пировардида экспорт ҳажмини оширишга хизмат қиласиди.

Мамлакатда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар доирасида нафакат импорт ўринини босувчи, балки экспортга йўналтирилган товарлар тайёрлаш жараёни учун ҳам ҳуқукий, ҳам институционал шарт-шроитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарорига мувофиқ, экспортни кўллаб-куватлаш миллий тизими яратилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузурида Экспортни рағбатлантириш

агентлиги ташкил этилди. Шунингдек, 205 номдаги товарларни экспорт қилинда транспорт харажатларининг 50 фоизини қоплаб бериш йўлга қўйилди.

Корхоналарнинг экспорт салоҳияти, улар иқтисодий салоҳиятнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Экспорт салоҳият-корхоналарнинг ташки бозор учун маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва уларни кенг микёсда мақбул нархларда сотиши қобилиятини ифодалайди.

Корхоналарнинг экспорт салоҳиятининг ўсиши янги бозорларни эгаллаб олишга, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, янги иш ўринларининг ташкил этилишига олиб келади. Шунингдек, экспорт маҳсулотларини хорижий валютага сотилиши эвазига миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан қиймати ижобий томонга ўзгаради, қатор маҳсулотларга жаҳон бозоридаги нархнинг юқори бўлиши корхона даромади ҳажмининг ортишига ва ички инвестиция манбасининг кўпайишига имконият яратади.

Булардан ташқари, корхоналарнинг жаҳон бозорига маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи сифатида кириб бориши, уларнинг сифат кўрсаткичларига юқори талаблар қўяди ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ривожлантиришга бўлган интилишларини кучайтиради, натижада микдор ва сифат ўзгаришлари параллел равишда боради, миллий ишлаб чиқариш хусусиятлари ижобий томонга ўзгаради, ишлаб чиқариш омиларининг сифати ва самарадорлиги ортади.

Ўзбекистоннинг экспорт имкониятлари кўп. Хусусан, пахта толаси ва мева-сабзавотни қайта ишлаб, экспортбоп маҳсулотлар чиқариш мамлакатимизнинг ривожланиш нуқталаридан бири бўлиб қолмоқда. Республикамиз корхоналарида пахта толаси ва мева-сабзавотдан тайёрланган маҳсулотлар бутун дунёда қадрланади. Бу тайёр “брэнд” экспорт учун катта имкониятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июль куни қабул қилинган “Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Карори мазкур имкониятдан самарали фойдаланиш, агарар соҳага замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган.

Ушбу қарорга кўра, 2019-2021 йилларда умумий қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган 45 та агрологистика комплекси, қайта ишлаш бўйича 205 та янги кувват, 36 минг гектар интенсив бօғ ташкил этиш режалаштирилган.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви даврида корхоналарнинг экспорт салоҳияти ривожланиши истеъмолчининг истак ва хоҳинин ўз вақтида илғаб олиш ҳамда уни тезда қондиришга қаратилган тақдирдагина амалга ошади. Бунинг учун корхонанинг фаолиятини стратегик режалаштириш, унинг яқин ва узоқ келажакдаги мақсадларини аниқлаш мухим аҳамиятга эга.

Корхоналарнинг ташқи бозорда самарали фаолият юритиши кўп жиҳатдан уларнинг самарали маркетинг фаолиятига боғлиқ. Маркетинг фаолияти орқали корхоналарда инновацион салоҳият билан боғлиқ муносабатларнинг жадаллашуви юз беради. Шунинг учун ҳам корхоналар экспорт стратегиясини шакллантиришда, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда истеъмолчилар билан коммуникацияларни амалга оширувчи самарали инновацион маркетинг технологияларининг ўрни алоҳида аҳамиятга молик.

“Инновацион маркетинг технологияларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар жисмоний жиҳатдан мавжуд маҳсулот билан эмас, балки унинг ишлаб чиқилаётган концепцияси билан ишлайдилар. Бу эса анъанавий маркетингдан фарқли равишда, маркетинг тадқиқотлари ўтказишда катта қийинчиликларни юзага келтиради”<sup>63</sup>.

Амалиётда бир неча турдаги инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланилади. Уларнинг асосийлари қўйидагилар:

- ахборот- маркетинг технологиялари;
- SRM;
- тармоқли маркетинг технологияси;
- бренд технологияси;
- кросс маркетинг технологияси;
- мобил маркетинг технологиялари ва бошқалар.

<sup>63</sup>Ergashxodjayeva Sh. Innovatsion marketing / Sh.Ergashxodjayeva. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. -T.: Cho'lon nomidagi NMIU, 2014, 23 bet.

Ахборот маркетинг технологиялари – бу энг янги ахборот технологияларини күллаган ҳолда маҳсулотни илгари суриш орқали сотувни ошириш ва яхшилаш борасида бизнес юритиш бўйича қатор техникалардир.

Корхоналарнинг самарали фаолиятини таъминлайдиган ахборот тизимлари SRM синфига оид тизимлар ҳисобланади. *Supplier relationship management* (инглизча) – корхоналарнинг мол етказиб берувчилар билан биргалашиб ҳаракат қилишини бошқариш тизимиdir.

Ушбу тизимлар узоқ муддатга мўлжалланган мол етказиб берувчиларнинг кенг базасини яратишга йўналтирилади. Бундай тизимлар XX асрнинг 90 йиллари ўргаларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги пайтда ривожланиш босқичида турибди.

SRM – бу мавжуд ва потенциал мол етказиб берувчилар ҳакида барча ахборот манбаларини интеграция қилиш ва улардан максимал даражада фойдаланиш имкониятидир. SRM технологиялари ахборот тўплаш, қайта ишлаш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини белгилаб беради.

SRM, нафакат мол етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатларни бошқариш функцияларидан иборат бўлган ахборот тизимларини, балки мол етказиб берувчиларга йўналтирилган стратегиянинг ўзини ҳам белгилаш имконини тугдиради.

SRM технологияси (мол етказиб берувчилар билан мустаҳкам ва ишончли алоқалар ўрнатиш учун) мол етказиб бериш, сотув, маркетинг тадбирларига жавоблар, бозор тенденциялари ҳакида турли ахборот манбаларини бирлаштиради.

Тармоқ маркетинги –бу корхона (фирма, компания)ларнинг мустақил вакиллари ёки дистрибуторлар томонидан маҳсулот ёки хизматлар ҳакида ахборотни тўғридан-тўғри тарқатиш билан боғлиқ фаолиятидир. Унинг асосий вазифаси максимал сондаги одамларни ахборот билан қамраб олиш ҳисобланади.

Тармоқ маркетингининг энг замонавийи – МЛМ (Мулти-Левел Маркетинг), яъни “Кўп тармоқли маркетинг” ҳисобланади. Бунда маҳсулот ёки хизматни тарқатишга жуда кўп одам жалб қилинади. Ҳозирда, бу турдаги маркетинг соҳасида фаолият юритидиган жуда кўп корхона (фирма, компания)лар мавжуд. Улар тар-

моқ маркетинги тизими ёрдамида маҳсулот (хизмат)ларни тарқатишиадилар<sup>64</sup>.

Тармоқ маркетинги учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва сотовучи ўтрасида улгуржи савдо фирмалари йўқлиги характерли-дир. Бунда маҳсулотларнинг бутун ҳаракати давомида янги устама нархлар юзага келмайди. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона сотов ҳажмини оширганлик учун кўшимча чегирмалар тақдим этган ҳолда тармоқнинг ўсишини рагбатлантиради.

Тармоқ маркетингида, одатда, оммавий ахборот воситаларида реклама тарғиботлари ўтказилмайди – товарни харидорга сотов-чи-нинг ўзи тақдим этади ва товарнинг хусусиятлари ҳақида маълу-мот беради ҳамда унинг афзаликларини намойиш қиласди.

“Бренд – неоинституционал иқтисодиёт тушунчаси бўлиб, бу срда асосий тоифа истеъмолчининг ишончи ҳисобланади. Бренд тоифаси институционал иқтисодиётнинг ривожланиши, бозорнинг янги эҳтиёж ва талаблари пайдо бўлишининг мантиқий натижаси сифатида шаклланади. Фундаментал маркетинг қонунларига асос-ланиб, “брэнд” янги тоифасининг ривожланиши харидорларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш механизмини шакллантиришини ривожлантирган ва давом эттирган ҳолда савдо маркаси тушунча-сини уйғунликда қамраб олади”<sup>65</sup>.

Брендлаш – корхона образининг визуал ва мазмуний бирлиги-га риоя қилиш технологиясидир. Унинг элементлари куйидагилар ҳисобланади: маҳсулот номи, логотипи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, фирма номи, фирма ранглари, корхона ходимларнинг маҳсус кийимлари ранглари ва услуби, шунингдек, корхонага тегишли бўлган бошқа интеллектуал мулк объектлари.

Брендлаш орқали, яъни полиграфия усуллари, шелкография, гул тикиб безаш, босма нақш усуллари, реклама, жумладан, оммавий ахборот воситаларидаги реклама ёрдамида товарларни бозорга илгари суриш амалга оширилади.

Брендинг – бу харидор онгига товар образини яратиш, товар белгиси образининг нуфузи, сифати, машҳурлиги ва жалб этувчан-лигини кўллаб-қувватлаш, белгиланган товар маркасига нисбатан узоқ муддатли харидорлар афзал кўришини шакллантиришdir.

<sup>64</sup>[www.marketing.kharkov.ua/marketing/setevoy-marketing.htm](http://www.marketing.kharkov.ua/marketing/setevoy-marketing.htm)

<sup>65</sup>Ergashxodjayeva Sh. Innovatsion marketing / Sh. Ergashxodjayeva. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'tta maxsus ta'lim vazirligi. -T.: Cho'lpon nomidagi NMU, 2014, 71 bet.

Брендинг – бу узок давомида савдо маркаси ёки маркасиз маҳсулотнинг уни якуний истеъмолчи учун янада жалб этувчан қиладиган қўшилган қиймати, эмоционал ёки оқилона “белгисини” яратиш орқали бренд имиджини шакллантириш жараёнидир<sup>66</sup>.

Кросс-маркетинг – бир вактнинг ўзида бир нечта йўналиш бўйича истеъмолчиларни жалб қилишга имкон берадиган технология энг катта фойда келтирадиган технология ҳисобланади.

Унинг моҳияти: икки ёки ундан кўпроқ корхоналарнинг ўз маҳсулотларини илгари сурish учун биргаликда акция ташкил этишларида. Бунда реклама қилинадиган товар ёки хизматлар бир-бирига йўлдош бўлади ва гўёки бир-бирини тўлдириб туради. Кросс-маркетинг турли товарлар ва хизматларни илгари суришда фаол кўлланади.

Мобил маркетинг – уларни амалга оширишда уяли алоқа (мобил) телефони, смартфон ёки чўнтақ портатив компьютери (КПК) фойдаланиладиган коммуникациялар интерактив маркетинг воситаси<sup>67</sup>.

Мобил маркетингнинг асосий афзалликлари – реклама компаниясига бошқа воситаларни интеграция қилиш ҳисобига реклама имкониятларини кенгайтиришдан иборат.

Корхоналар экспортини ривожлантириш стратегияси ички бозордаги чегараланган имкониятларни эмас, балки таклиф ҳажмини ташки омиллар ҳисобига кенгайтириш имкониятини яратади. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ташки иқтисодий фаолияти давомида корхоналар ташки бозорда жиддий рақобатга дуч келади. Бу эса, табиийки, корхоналарни доимо ишлаб чиқаришни замон талабларига мослаштириш, янги технология ва инновациялардан фойдаланиш, маҳсулот ассортиментини янгилаб туриш ва таннархни пасайтиришга ундаиди.

Бугунги кунда корхоналарнинг экспортни ривожлантиришга қаратилган стратегияси – узок муддатли рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни шакллантиришнинг муҳим шартига, миллий

<sup>66</sup>Ильичева, И. В. Маркетинговые технологии: учебно-методическое пособие / И. В. Ильичева. - Ульяновск: УлГТУ, 2012, стр. 78.

<sup>67</sup>Ульяновский А.В. Маркетинговые коммуникации: 28 инструментов миллениума / А.В. Ульяновский - М.: Эксмо, 2008, стр. 17

ишлиб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини инновацион жараёни сифатида миллий иқтисодиёт ракобатбардошлигини таъминлаш ва аҳолининг реал даромадларини кескин оширишга, мамлакат тўлов балансини мустаҳкамланишига, шунингдек, сарф-харажатларни қоплашнинг асосий манбаига айланиши керак.

Хулоса шуки, корхоналар фаолиятида инновацион маркетинг технологиялари усулларидан самарали фойдаланиш орқали табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, янги рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлиб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ўзлаштириш, ушбу маҳсулотлар ва хизматлар билан нафакат ички бозорга, балки жаҳон товар ва хизматлар бозорига кириб бориш, умуман корхона иқтисодиётини юксалтиришга ҳамда самарали фаолият юритишига муҳим аҳамият касб этади.

### **Таянч иборалар**

Маркетинг, технология, экспорт, импорт, иқтисодиётнинг глобаллашуви, ахборот тизимлари, брендлаш, брендинг, тармоқ маркетинги, кросс-маркетинг.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

- 1.Инновацион маркетинг технологияларининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
- 2.Экспортни амалга оширишда тармоқ маркетингининг аҳамияти?
- 3.Экспорт товарларни брендлашнинг аҳамиятини изоҳланг?
- 4.Кросс-маркетинг – бу нима?

## **12-мавзу. Ўзбекистон миллий инновацион тизими**

### **Режа**

**12.1. Ўзбекистонда миллий инновацион тизим ва иқтисодиётни инновацион иқтисодиётта ўтишнинг долзарблиги, мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси (2030 йилгача) асосий йўналишлари.**

**12.2. Республикаизда фан-таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси ва бу борада Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги роли ва ўрнини ошириш.**

**12.3. Республикаизда миллий инновацион тизимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.**

### **12.1. Ўзбекистонда миллий инновацион тизим ва иқтисодиётни инновацион иқтисодиётта ўтишнинг долзарблиги, мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси (2030 йилгача) асосий йўналишлари**

Бугунги кунда республикамиз миллий иқтисодиёти олдида турган долзарб масалалардан бири мамлакатни инновацион ривожлантириш асосида тарақкӣ эттиришдан иборат. Республикаизда Ўзбекистонни инновацион ривожлантиришнинг муҳим шарти бу иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш ҳамда шу асосда миллий инновацион тизимни шакллантириш ҳисобланади. Ўзбекистонда инновацияни ривожлантириш ва миллий инновацион тизимнинг ҳуқуқий асослари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3682-сонли Қарори, 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3697-сонли Қарори, 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш

механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сон, 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий техникация фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сон, 2018 йил 6 августдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграция қилиш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3899-сон Қарорлари хамда Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Конуни(2019 йил 29 октябрь)ва бошқа тегишли норматив ҳуқуқий хужжатлар ҳисобланади.

Республикамизда инновацион иқтисодиётга ўтишда миллый инновацион тизимни шакллантириш ва ривожлантириш мухим вазифалардан ҳисобланади. Ҳар бир ривожланган давлатнинг мустақил миллый инновацион тизими шу давлат миллый хусусиятлари ва иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиқиб шакллантирилган бўлади.

Миллый инновацион тизим тушунчасини биринчи бўлиб, фанга киритган ва уни “миллый инновацион тизим” деб атаган олим американлик К.Фримен (1987 йил) ҳисобланади<sup>68</sup>.

Миллый инновацион тизим дейилгандага мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун шундай янги инновацион сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни ривожлантиришдан иборатки, бунда ҳукумат билан биргаликда турли илмийтадқиқот муассасалари (институтлар) янги технология, янги инновацион гояяларни ўз ичига олувчи инновацион жараёнларни ҳамкорликда яратишдан иборатдир. Бошқача айтилганда, миллый инновацион тизим, мамлакатнинг бош миллый инновацион стратегиясини амалга оширувчи янги билимлар, янги технологиялар ҳамда янги гояяларни ташкил этиш, саклаш ва уларни узатишни амалга оширишдан иборатдир. Шунингдек, миллый инновацион тизим, миллый иқтисодиёт учун кўпроқ фойда олиш ва юкори самарадорликка эришиш учун интеллектуал салоҳиятга эга бўлган инсонларнинг ақлий меҳнати самарасидан (илмий кашфиётлар, ихтиrolар ва ҳоказолар) фойдаланиш натижасида янги миллый инновацион сиёсатни тизимли амалга оширишдан иборатдир. Республикаизда миллый инновацион тизимнинг зару-

<sup>68</sup>Freeman, C. (1987). Technology Policy and Economic Performance. London: Pinter

рияти жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув шароитида иқтисодиётнинг инновацияга асосланган тез суръатлар билан ривожланаётган Хитой, Жанубий Корея, Сингапур каби мамлакатлар тажрибасидан республикамиз миллий иқтисодиётида фойдаланиш ҳамда алоҳида олинган миллий инновацион тизимни шакллантириш заруриятидан келиб чиқади.

Ўзбекистонда миллий инновацион тизимни ривожлантариш ва шакллантириш ҳамда тартибга солиш масъулияти Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлайниш вазирлигига юклатилган.

Республикамизда миллий инновацион тизимни шакллантириш ва ривожлантариш зарурияти куйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, республикамизда инновация яратилаётган корхона ва ташкилотлар учун бу жараённи ягона бир тизими мавжуд эмаслиги.

Иккинчидан, республикамизда фан-таълим, ишлаб чиқариш бўйича бир-бирини боғлаб турувчи ягона инновацияга асосланган инновацион занжирнинг яратилмаганлиги.

Учинчидан, республикамизда ақлий меҳнат вакилларининг (олимлар, ихтирочилар, консукторлар) янги инновацион лойиҳалар, технологиялар таклифига мос талабни белгиловчи инновацион институтларнинг фаолиятини эркин таъминловчи ягона миллий инновацион лойиҳалар бозорининг мавжуд эмаслиги.

Тўртингчидан, янги инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётта жорий этишда бозор рискларининг (таваккалчилигининг) юқорилиги.

Бешинчидан, миллий инновацион тизим яратувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини шаклланмаганлиги.

Олтинчидан, республикамизда миллий инновацион тизимни самарали ташкил этишда инновацион ғоялар ва технологияларни истеъмолчиси сифатида хусусий сектор (корхоналари, фирмалари ва хоказоларининг) иштирокининг пастлиги.

Умуман, юқорида баён этилган заруриятни ифодаловчи муаммоларни ҳал этилиши миллий инновацион тизимнинг инновацион жараёнларга бевосита ва билвосита жалб этилган обьектлар мажмуаси сифатида инновацион маҳсулотларни яратади ҳамда инновацион фаолият узлуксизлигини юқори самарадорлик асосида фаолиятини амалга ошириш имконини беради. Бундай тузилмалар

таркибига давлат илмий секторлар инфратузилмаси, таълим тизими, давлат инновацион фаолиятига кирувчи субъектларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда миллий инновацион тизим таркиби қуидагилардан:

- давлат илмий секторлари ва уларнинг инфратузилмалари;
- таълим тизими (ОТМ, илмий тадқиқот муассасалари, илмий конструкторлик бюоролари вабошқалар);
- инновацион фаолиятда иштирок этувчи бошқа барча субъектлардан ташкил топади.

Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг келгуси тарақкіёт йўналишлари мамлакат инновацион ривожланиш стратегиясини белгилаб беради. Республикаизда инновацион ривожланиш тизимли жараён бўлиб, аниқ белгиланган чора-тадбирлар, стратегик режага асосан амалга оширишини назарда тутади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони билан “2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган инновацион ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичла-ридан иборат Бош стратегия белгилаб олинган. Мазкур стратегиянинг Бош мақсади, мамлакатнинг халқаро майдондаги ракобатбардошлигини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш ҳисобланади. Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган бош мақсадга эришища Стратегиянинг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси 2030 йилга бориб глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илфор мамлакатлари қаторига кириши;
- Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш ҳамда барча даражадаги таълим сифати ва қамровини оширишга эришиш;

- Инновацялар илмий тадқиқот, тажриба конструкторлик ва технологик ишларга маблаглар киритилиши (Давлат ва хусусий сектор маблағлари)ни кучайтириш;
- Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаб уларнинг самарадорлигини оширишга эришиш ҳамда илмий тадқиқот тажриба конструкторлик, технологик ишлар натижаларини жорий этиш учун таълим, илм-фан тадбиркорликни интеграция қилишининг тасирчан механизмларини яратишни кучайтириш ва бошқалардан иборат.

## **12.2. Республикаизда фан-таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси ва бу борада Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги роли ва ўрнини ошириш**

Республикаизда инновацион фаолиятнинг келгуси тараққиёти фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига асосланади. Бундай интеграциянинг ҳуқуқий асослари бўлиб охирги йилларда ҳукуматимиз томонидан чиқарилган бир катор фармонлар, қарорлар ва қонунлар ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги” Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3682 -сонли ҳамда 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-3698- сонли Қарорлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида фан-таълим ишлаб чиқариш интеграциясининг асосий йўналишлари сифатида қўйидагилар ҳисобланади:

### **I. Илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги йўналишлар:**

а) илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигига ва самарадорлигига эришишни амалга ошириш;

б) илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда ресурсларни мақсадли йўналтиришни йўлга кўйиш;

в) илм-фан ва илмий фаолият соҳасида Давлат ҳукуқий шерикликни қўллаб -қувватлашни кучайтириш;

г) илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни узвий боғлиқлигини таъминлаш ва ундан олинадиган манфаатдорликни оширишга эришиш ва хоказо.

I. Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича йўналишлар:

а) инновацион фаолиятни Давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тубдан такомиллаштириш;

б) иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни янада самарали жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш;

в) айниқса бунда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторлар, шериклар ва бошқа манфаатдор шахсларни жалб этишини кучайтириш;

г) янги технологияларни жорий килиш ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва хоказо.

II. Республика иқтисодиётига инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни илмий-амалий тадқиқотлар натижаларини ва ноу-хау ишланмаларни реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналарига жорий этиш йўналишлари:

а) ишлаб чиқариш тармоқлари корхоналарига инновацион ғоялар, лойиҳалар жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этишини кучайтириш;

б) яратилган янги технологияларни тижоратлаштиришни ошириш ва уларни ташки бозорларга олиб чиқишни йўлга кўйиш;

в) инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни тўлақонли реализация қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб этишини кучайтириш;

г) яратилган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни муваффакиятли ишлаб чиқаришга жорий этган (хусусий сектор вакиллари, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари

корхоналари) иштирокчилари натижаларини намойиш этишини ошириш ва ҳоказо.

Бугунги кунда республикамизда илм-фан соҳасини иқтисодиётдаги ўрнини ошириш бўйича мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев: – “Мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ҳеч бир давлат илм-фанинг барча соҳаларини бир йўла тараққий эттираолмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фанинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз”<sup>69</sup> деган эди. Шу билан бирга республикамизда келгусида бажарилиши зарур бўлган вазифалар ҳам белгилаб олинди, жумладан “илм-фан ютуқларини электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим. Ҳар бир Олий таълим ва илмий тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга кўйиши шарт”<sup>70</sup>.

Республикамизда миллый инновацион тизимни ривожлантириш ҳамда фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини шакллантиришда ҳамда республиканинг жаҳон бозоридаги ўрнини оширишда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг алоҳида ўрни мавжуд. Вазирлик ўз фаолияти давомида қатор вазифаларни амалга ошириши белгилаб кўйилган. Булардан энг муҳими вазирликнинг илм-фан ва илмий-техникавий тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси томонидан тартибга солинадиган илмий-техник кенгашнинг фаолияти хисобланади. Илмий-техник кенгаш республика иқтисодиётининг турли соҳаларидан етакчи мутахассисларни жалб этган ҳолда ҳар бир яратилган инновацион илмий ишланмаларга адолатли ўз муносабатини билдиришга асосланган.

Республикамизда мазкур вазирликнинг асосий йўналишлари этиб куйидагилар белгиланган, жумладан:

- мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини ошириш бўйича узок муддатли сценарийлари асосида келажак моделларини шакллантиришнинг стратегик режалаштириш тизимини яратиш ишларини амалга ошириш;

<sup>69</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи газетаси 2020 йил 25-январь.

<sup>70</sup>Ўша жода.

- худудлар ижтимоий-иктисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юксалишини таъминлайдиган фан ва инновация фаолиятини ривожлантириш бўйича замонавий инфратузилмасини шакллантиришни кучайтириш;

- илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, иқтидорли ёш авлоднинг ижодий гоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш учун қулай шароитлар яратиш зарурлиги;

- иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларига замонавий ахборот-коммуникация, саноат ва бошқа инновацион технологияларни жадал жорий этиш;

- инновация фаолияти соҳасида илғор хорижий (халқаро) ташкилотлар билан, шу жумладан уларни ноу-хау, нанотехнологиялар ва юқори технологик товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллий бозорига жалб қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

- республикамиздаги илмий тадқиқот ва инновация фаолиятиниг истиқболли ютуқларини тарғиб қилишни кучайтириш ва эришилган инновацион натижаларни жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш бўйича келгусидаги ишларни кучайтириш ва ҳоказо.

### **12.3. Республика мизда миллий инновацион тизимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

Республикамиздың фан-таълим ишлаб чиқариш интеграцияси асосида яратилган илмий ишланмаларни амалиётта жорий этиш бир қатор ўзига хос ёндашувларни талаб этади. Шу жиҳатдан республикамизды юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3682-сонли Карорига асосан янгича ёндашув асосида ташкил этиш вазифаси кўйилган. Бундай янгича ёндашув бўйича инновациялар ярмаркасини тизимли ташкил этиш куйидагиларни ўз ичига олади:

1. “Ташаббускор бизнес” блоки асосида. Бунда тайёр илмий ва инновацион ишланмалар натижаларини ва технологияларини максус кўргазма майдонида ташкил этилади ва тижоратлаштириш фаолияти ёритилиши ташкил этилади.

2. Инновацион ечимлар блоки асосида. Бунда макет ва прототип кўринишида энг зур маҳаллий илмий ва инновацион ишланмаларни намойиш этиш шаклида ташкил этилади.

3. Кооперацион алоқалар блоки асосида. Ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга кўйиш, шерикчилик ҳамда иқтисодиётнинг айrim тармоқлари соҳасидаги долзарб масалаларни кўриб чиқиш учун максус платформадан фойдаланиш.

Бундай инновацион ярмаркаларни республикамизда ташкил этилиши халқаро талаб даражаларига мос келади ҳамда инновацион гоя, ихтиро, технология яратувчиларни рағбатлантиришга йўналтирил-ган бўлади.

Республикамиздаги миллий инновацион тизимни келгуси тараққиёти кадрлар захирасига ва уларнинг илмий тадқиқот ишлари билан қандай даражада шуғулланишига боғлиқ бўлади. Халқаро тажрибага кўра инновацион фаолиятта кадрларни жалб қилиш кўйидаги кўрсаткичлар билан ифода килинади:

1. Илмий тадқиқот ва ишланмалар яратадиган ходимлар сони.
2. Илмий тадқиқот бажарувчи ташкилотлар сони.
3. Илгор ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланувчилар сони.

4. Технологик инновацияларни амалга оширувчи ташкилот ва корхоналар сони.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимни ривожлантиришга имкон берувчи кадрлар олдидаги вазифалар кўйидагилардан иборат:

1. Жаҳон таълим бозорида Ўзбекистон Олий ўқув юртларининг рақобатбардошлигини.
2. Замонавий технология ва услублардан фойдаланишни ўргатиш даражасини оширилиши.
3. Миллий ва глобал иқтисодиёт учун самарали инновацион инфратузилмани яратувчи кадрлар салоҳиятининг мавжудлиги.
4. Инновацион технологиялар асосида миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қиласидиган кадрлар билан тарь-

минланганлик даражаси ва бошқа шу каби вазифалар билан белгиланган.

Республикамизда миллий инновацион тизимнинг энг муҳим харакатлантирувчи жиҳати давлат илмий-техник дастури ва унинг бажарилишини мувофиқлаштириш хисобланади.

Давлат илмий-техник дастурлари ўз ичига фундаментал, амалий тадқиқотлар ҳамда илмий-техникавий лойиҳалар асосидаги фаолиятларни ўз ичига олади. 2018 йил маълумотларига кўра республикамизда давлат илмий-техник дастурлари доирасида 1700 дан ортик фундаментал, илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари, инновацион ишланмалар, ёш олимларнинг фундаментал ва илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари бажарилган. Бугунги кунда янги ташкил этилган инновацион вазирлигига илмий тадқиқот ишлари натижаларидан фойдаланишнинг тизимли мониторингини олиб бориш вазифаси топширилган. Бугунги жаҳон бозоридаги фан, таълим соҳасидаги тезкор ўзгаришлардан келиб чиқиб давлат илмий-техник дастурлари бажарилиши бўйича қўйидаги вазифалар белгиланган:

1. Жаҳон бозори ва республикамиз бозор талабидан келиб чиқиб илгор илмий тадқиқотлар ва изланишларни олиб бориш.

2. Илмий тадқиқот ишланмаларини яратишида замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораториялардан фойдаланиш асосида натижаларга эришиш.

3. Давлат илмий дастурларига юқори малакага эга бўлган олимларни ҳамда юқори илмий салоҳиятга эга бўлган илмий тадқиқотчиларни жалб этиш ҳамда уларни етакчи хорижий илмий марказларда илмий стажировкалар ўтишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш.

4. Давлат илмий-техник дастурлари лойиҳалари бўйича олинган муҳим илмий натижаларни иқтисодиёт тармоқларида жорий этилишини, шунингдек монографиялар, дарсликлар, ўқув кўлланмалар, илмий мақолалар чоп этилишини амалга ошириш ва бошқалардан иборат.

Республикамизда миллий инновацион тизимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қўйидагилардан иборат:

1. Республика иқтисодиётини ресурслар ва хомашёларни тежовчи қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга асосланган республика инновацион гоялар технологиялар ва лойиҳаларни яратиш йўналишлари.

2. Инновациянинг нанотехнологиялар ҳамда кимё технологиялардан фойдаланишга йўналтирилган миллий инновацион ишланмалар тизимини яратишга йўналтирилган йўналиш.

3. Замонавий биотехнологиялар ва қишлоқ хўжалиги бўйича миллий инновацион ишланмалар тизимини яратиш.

4. Ахборот коммуникацион технологиялар, ахборотларни янги инновацион тизимини яратиш бўйича ишланмалар йўналиши.

5. Тиббиёт ва фармакология соҳасида миллий инновацион тизимни яратиш.

6. Геология, минералогия, сеймсология ва минерал маъданлар соҳаси бўйича илмий инновацион ишланмалар яратиш йўналиши.

7. Физика атом энергетикаси бўйича илмий ишланмалар яратиш.

8. Хизмат кўрсатиш, сервис соҳаси бўйича илмий ишланмалар яратиш.

9. Аник фанлар соҳаси бўйича илмий ишланмалар яратиш.

Миллий инновацион муҳитни ривожлантириш бўйича республика-мизда амалга оширилган ишлар қуидагилардан иборат:

- илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш;
- раҳбарларнинг инновацион лойиҳаларни амалга оширишдаги иштирокини ошириш;
- инновацион фаолиятда қатнашувчиларни эркин даражасини ошириш;
- яратилган миллий инновацион лойиҳаларни истеъмолчилар эҳтиёжлари бўйича сотиш;
- инновацион лойиҳаларни тижоратлаштириш.

## **Таянч иборалар**

Инновация, рақобатбардошлиқ, билим, фан, таълим, ишлаб чиқариш, интеграция, аклий билим, фан сигими, гоялар, инновацион технологиялар, инновацион лойиҳалар.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Инновацион фаолиятни амалга оширишда халкаро ҳамкорликнинг зарурияти.

2. Инновацион технологияларни яратиша ҳозирги давр илм-фанинг аҳамиятини ёритинг.

3. Ўзбекистонда миллий инновацион ривожлантириш борасида кадрларнинг вазифаларини санаб беринг.

4. Инновацион фаолиятта кадрларни жалб қилиш кўрсаткичларини айтинг.

## **13-мавзу. Интеллектуал капитал, интеллектуал мулкни шакллантириш ва бошқариш**

### **Режа**

**13.1. Интеллектуал капиталнинг моҳияти ва таркибий тузилиш.**

**13.2 Интеллектуал мулкни бошқариш.**

**13.3. Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг муҳофазаланиши.**

**13.4. Ўзбекистоннинг халқаро интеллектуал мулк ташкилотлари билан алоқалари.**

### **13.1. Интеллектуал капиталнинг моҳияти ва таркибий тузилиши**

Кишилик жамияти фаолиятининг энг муҳим жихати – бу ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ресурслар ишлатилади ва унинг натижаси сифатида маҳсулотлар ва хизматлардан иборат ҳаётий неъматлар яратилади.

Мамлакатимиз олимлари томонидан чоп этилган иқтисодий адабиётларнинг аксариятида, иқтисодий ресурслар–ишчи кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларидан иборат эканлиги қайд этилади. Жумладан, Б.Ю.Ходиев ва Ш.Ш. Шодмоновлар муаллифлигига ёзилган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигига: “Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита кўлланилувчи барча ресурслар ишлаб чиқариш омиллари дейилади. Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъи назар ишлаб чиқариш содир бўлиши учун учта омил: ишчи кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари бўлиши шарт.

... иқтисодий ресурснинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланган пул ресурслари истеъмол моллари захиралари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита кўлланилмаганилиги сабабли, ишлаб чиқариш омили бўла олмайди.”<sup>71</sup>, дейилади.

Ҳозирги Farb мамлакатларида иқтисодиёт соҳасининг йирик олимлари иқтисодий ресурслар таркибига тадбиркорлик қобилиятини

<sup>71</sup>Xodiyev B.Y., Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi: Darslik. – T.: “Barkamol fayz media”, 2017, 45-46 belar.

ҳам киритишиади<sup>72</sup>. Бизнинг назаримизда, иқтисодий ресурслар таркибига “тадбиркорлик қобилиягининг” киритилиши асосли, чунки, ишлаб чиқаришнинг тақдиди, ривожланиши тадбиркорларнинг тұғма-ақпіл қобилияты, уddабуронлиги, ишбилармоналиги каби омилларга ҳам боғлиқдір. Тадбиркорларда бундай сифатларнинг бўлишилиги, айникса иқтисодий танглик, ресурслар тақчиллиги шароитида янада сезиларли бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш натижаси – унинг омилларининг бирикиши билан чегараланиб қолмайди. Ишлаб чиқарилаёттан маҳсулот ва хизматлар ҳажми ҳамда истемолчилар талабини қондира олиш даражаси ишлаб чиқариш омиллари: ишчи кучи, мөхнат қуроллари ва мөхнат предметларининг сифатига ҳам боғлиқ. Бу – ишловчиларнинг малака-маҳорати, билими ва тажрибаси, ишлаб чиқаришда инновацион технологияларнинг кўлланилиши демақдир. Бунинг замирида эса интеллектуал<sup>73</sup> капитал<sup>74</sup> ётади.

Интеллектуал капитал –бу маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг билими, маҳорати ва ишлаб чиқариш тажрибаси ҳамда номоддий активлар (патент, лицензия, ноу-хау ва ҳоказолар)дир.

Инновацион иқтисодиётда интеллектуал капитал ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, ишловчиларнинг малака-маҳорати, билими ва тажрибаси кўринишидаги интеллектуал капитал йиғилиб (тўпланиб) боради.

Иккинчидан, интеллектуал капитални унинг сохибларидан ажратиб бўлмайди. Интеллектуал капитал – шахсга тегишли олий даражадаги хусусият: яратувчанликка йўғрилган билим, гоя, ихтиро ва янги маҳсулот ёки хизматларни яратиш ва ҳоказо.

Учинчидан, интеллектуал капитални шакллантиришда шахснинг тұғма-ақпіл ёки тарбияланиши ва ўқиши давомида шаклланган қобилияты муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, интеллектуал капиталга сарфланган маблаг – қилинган сарфдан бир неча маротаба катта ҳажмда ва узоқ вақт мө-

<sup>72</sup>Кэлбелл Р. Макконелл, Стэнли Л. Брю. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Том 1. –Таллинн: 1993, стр.37.

<sup>73</sup> Интеллект (лат. *Intellectus*) – билиш, тушуниш, идрок этиш, ақп деган маънени англатади.

<sup>74</sup> Капитал (нем. *Kapital*, лат. *capitalis*) – бойлик деган маънени англатади.

байнида иқтисодий ва социал самара беради. Шунингдек, интеллектуал капиталга киритилган инвестициялар даври, бошқа объектларга кирилган инвестицияларга нисбатан узуроқ бўлади.

Бешинчидан, интеллектуал капитал –инсон капиталининг ажралмас қисмидир.

Интеллектуал капитал–маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларида ишлатилганидагина қийматга эга бўлади, акс ҳолда, у иқтисодиёт ва жамият учун аҳамиятли эмас, яъни ҳеч қандай қийматга эга бўлмайди.

Интеллектуал капитал– ишлаб чиқариш жараёнида иштироки давомида қиймат яратади ва интеллектуал ресурс сифатида трансформация бўлади. Ва бундай ишлаб чиқариш – интеллектуал ишлаб чиқариш деб аталади.

Интеллектуал ишлаб чиқариш инсоннинг ижодий фикрлаш ва маънавий жиҳатдан яратувчилик қобилиятига эга эканлигини тавсифлайди. Инсоннинг интеллектуал ижодкорлигининг маҳсули-интеллектуал маҳсулот дейилади. У фойдали яратувчилик хусусиятига эга. Бундай маҳсулотдан фойдаланувчиларнинг барчаси максимал даражада наф кўради.

Интеллектуал маҳсулот битмас-туганмасдир. У жамиятнинг инновацион техник-технологик, социал-иктисодий ривожланганлик даражасини акс эттиради. У ижодий фаолият натижаси ҳисобланади. Бу кўп ҳолларда ақлий меҳнат кишилари – ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар, инженер техник ходим ва бошқалар фаолиятининг маҳсулидир.

Интеллектуал маҳсулот янгилик хусусиятига ёки ўзига хос тақрорланмас белгиларига эга бўлади. Бундай маҳсулотларнинг кўғчилиги ғоявий – номоддий кўринишда бўлади. Шу сабабли ҳам уларга нисбатан одатдаги ашё, яъни моддий объектга нисбатан қўлланиладиган хукуқ меъёрларини қўллаб бўлмайди. У ўзига хос объектдир.

Интеллектуал маҳсулотлар иқтисодий фаолият жараёнида фойдаланиладиган моддий ашёлар ҳамда қимматбаҳо қофозлардан кўйидаги хусусиятлари билан фарқ қиласди:

- интеллектуал фаолият натижалари кўп ҳолларда моддий кўринишда эмас, балки ғоя билан ахборот шаклида намоён бўлади;

- гоя, билим шаклидаги интеллектуал мулк обьектига одатда моддий ашёга эгалик қилгандай эгалик қилиш мумкин эмас;
  - бундай обьектлардан бир вақтнинг ўзида чексиз доираадаги шахслар фойдаланиши мумкин;
  - интеллектуал мулк ҳуқуқи обьектларига мулк ҳуқуқининг бемуддат эканлиги ҳақидаги қоида кўлланилмайди;
  - қонунда белгиланган муддатлар ўтиши билан интеллектуал мулк сохибининг маълум интеллектуал мулкига нисбатан ҳуқуқлари бекор бўлади ва бу обьектлар умуминсоний бойлика айланади, ҳар қандай шахс ундан маълум шартлар асосида текин ва рухсатсиз фойдаланишга хақли бўлади;
  - интеллектуал мулк обьектларига нисбатан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда вижданан даъвони қўллаш имканияти амалда мавжуд эмас;
  - интеллектуал мулк ҳуқуқи обьектларига нисбатан одатдаги мулк ҳуқуқи эмас, мутлақ ҳуқуқлар ҳақидаги қоидалар кўлланилади;
  - интеллектуал мулк ҳуқуқининг амал қилиши, айни вактда маълум худуд билан чегаралangan бўлади. Ихтирога Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган патент<sup>75</sup>, муаллифлик гувоҳномаси ёки бошқа ҳужжатлар давлатимиз худудида амал қиласди;
  - кўпгина интеллектуал мулк обьектларига нисбатан улар муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари мавжуд бўлиб, бу обьектлардан фойдаланувчимуаллифлар шахсий ҳуқуқларга риоя қилишлари лозим.
- Ушбу хусусиятларга эга бўлган интеллектуал фаолият натижаларига куйидагилар киради:
- фан, адабиёт, санъат асарлари, эшигтириш ташкилотларининг ижроси, фонограммалари ва кўрсатувлари;
  - ЭҲМ дастурлари ва маълумот бальзалари;
  - ихтиро, фойдали моделлар, санъат намуналари, селекция ютуклари;
  - ошкор этилмаган ахборот, шунингдек, ишлаб чиқариш сири, яъни ноу-хаулар;
  - интеграл микросхемалар топологиялари.

<sup>75</sup>Патент (лат. patens (patentis) — очик, аник, равшан) — техник ечим ёки ихтиронинг давлат томонидан зътироф этилганлигини ва ихтирочининг ўз ихтиросига олган мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат



### 13.1.1-расм. Интеллектуал мулкнинг тузилмавий таркиби.

Инсоннинг ижодий тафаккури бу объектлар доирасини тинмай кенгайтириб бормоқда.

Интеллектуал маҳсулот фуқаролик қонунлари билан муҳофаза этилиши учун қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- ҳақиқатда ижод маҳсули бўлиши, яъни оригинал (ўзига хос) бўлиши;
- бетакрор бўлиши;
- бирон-бир объектив шаклида ифода этилиши.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ва ҳуқуқий муҳофаза қилишда вужудга келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг тегишли

қонунлари, жумладан, "Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги (1994 йил 6 май), "Электрон хисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хукукий ҳимояси тўғрисида"ги (1994 йил 6 май), "Муаллифлик ва турдош хукуқлари тўғрисида"ги (2006 йил 20 июль), "Товар белгилари, хизмат кўрсатиши белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида"ги (2001 йил 30 август) қонунлари ҳамда Фуқаролик Кодекси билан тартибга солинади.

### 13.2. Интеллектуал мулкни бошқариш

Мамлакатимизда илмий изланишни ташкиллаштириш ва ривожлантириш борасидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг "Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг "Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси" Инновацион ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда инновация ва инновацион фаолият соҳасида хукукий, иқтисодий ва ташкилий муносабатларни самарали бошқаришга, илмий, илмий-техник ва бошқа инновацион фаолият натижаларини яратиш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Бу каби кўмиталар Европа парламентида, шунингдек Австралия, Ирландия ва Канада парламентларида мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарувининг олий органи сифатида, юртимида олиб борилаётган илмий изланиш ишларининг умумий раҳбарлигини олиб боради. Шунингдек у:

- юртимида фан ва техника умумий сиёсатини таъминлайди;
- ахборотлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштиради;
- илмий ва илмий-техникавий муаммоларнинг асосий йўналишларини аниқлайди;

- илмий изланиш ишларининг самарадорлигини ошириш учун аник қарорлар қабул қилиб, илмий изланиш натижаларини миллый иқтисодиётга татбиқ этишини ташкиллаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги мамлакатни инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат хаётини ҳар томонлама ри-вожлантириш, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади. У ўз фаолиятида:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тўғрисидаги Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятнинг алоҳида масалалари бўйича – бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади:

- инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари, илмий тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

- илмий тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар томонидан амалга ошириладиган давлат илмий-техникавий дастурлари ҳамда лойиҳаларининг ягона буюртмачиси ҳисобланади.

Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий изжро этувчи ҳокимиёт органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши шарт.

Вазирликнинг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

- мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли сценарийларини ҳисобга олган ҳолда инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда давлат ва жамият қурилишига жорий этиш, шунингдек, жамият ва давлат тараққиётини таъминловчи илмий тадқиқотлар ва илғор

технологияларнинг устувор ҳамда истиқболли йўналишларини ривожлантириш стратегиясини белгилаш;

- тез ўзгарувчан жаҳон конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлаш бўйича стратегик ва олдиндан режалаштириш;

- аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, унинг фаровонлигини оширишни таъминлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва прогноз қилиш, шунингдек, мамлакат социал-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлай оладиган фан ва инновацияларни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

- қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва интенсив ривожлантиришга йўналтирилган инновацияларни жорий этиш;

- социал ривожланишга, шу жумладан таълим ва соғлиқни сақлаш тизимиға инновацияларни жорий этиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизимиға инновацияларни жорий этиш;

- давлат илмий-техник ва инновацион сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда грант асосида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг давлат илмий-техникавий дастурларини тасдиқлаш;

- мамлакатни ривожлантиришнинг узок муддатли сценарийларини ҳисобга олган ҳолда ноу-хауларни ишлаб чиқиш, инновацион фаолият ва рақобатбардош илмий-техника маҳсулотлари бозорини кенгайтишига йўналтирилган замонавий технологияларни жорий этиш;

- инновацион гоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда норматив-хукукний базани такомиллаштириш.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

- мамлакатни ривожлантиришнинг узок муддатли сценарийларини ҳисобга олган ҳолда инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда давлат ва жамият қурилишига жорий этиш, шунингдек, жамият ва давлат тараққиётини таъминловчи илмий тадқиқотлар ва илгор

технологияларнинг устувор ва истиқболли йўналишларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади;

- тез ўзгарувчан жаҳон конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлаш бўйича стратегик ва олдиндан режалаштиришни ташкил этади;

- аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, унинг фаровонлигини оширишни таъминлаш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини хар томонлама таҳлил қилиш ва прогноз қилиш, шунингдек, мамлакат социал-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлай оладиган фан ва инновацияларни ривожлантиришнинг замонавий инфраузилмасини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

- қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва интенсив ривожлантиришга қаратилган инновацияларни жорий этади;

- социал ривожланишга, шу жумладан таълим ва соглиқни сақлаш тизимиға инновацияларни жорий этишга кўмаклапшади;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизимиға инновацияларни жорий этишни ташкил этади;

- давлат илмий-техник ва инновацион сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда грант асосида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг давлат илмий-техникавий дастурларининг амалга оширилишини таъминлайди;

- мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли сценарийларини ҳисобга олган ҳолда ноу-хауларни ишлаб чиқиш, инновацион фаолият ва рақобатбардош илмий-техника маҳсулотлари бозорини кенгайтиришга йўналтирилган замонавий технологияларни жорий этиш бўйича ишлаб чиқади;

- инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш соҳасида амалий ишлар олиб боради.

Инновацион ривожланиш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Мамлакатда илмий ва инновацион фаолиятнинг ривожланишини фаоллаштириш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг янада кенг интеграциясини таъминлаш, янги билимларни яратиш ва кўллаш, илғор инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни

ишилаб чиқиши ва жорий этишда илмий-инновацион салоҳиятдан ва илмий лаборатория базасидан самарали фойдаланиш бўйича шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиши вазирлиги хузурида илғор технологиялар марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3674 сонли Қарори билан Инновацион ривожланиши вазирлиги, Фанлар Академияси ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг «Юкори технологиялар ўқув-экспериментал маркази» Давлат корхонаси “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиши вазирлиги хузуридаги Илғор технологиялар марказига” айлантирилди.

Ушбу марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб куйидагилар белгиланган:

- фундаментал, амалий илмий тадқиқотларни ўтказиш ва илғор технологиялар бўйича инновацион ишланмаларни амалга ошириш;
- дунё талаблари ва стандартлари даражасида мақсадли илмий-техник ва инновацион дастурларни бажариш, ишилаб чиқариш корхоналарида тадқиқот-синов ишларини бажаришга кўмаклашиш;
- олимлар ва тадқиқотчиларни ҳамкорлик қилишга жалб этиш учун зарурий шароитларни яратиш, илмий ҳажмдор маҳсулотлар ва ракобатбардош махаллий инновацион технологияларни яратиш мақсадида фан, таълим ва ишилаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш;
- иқтисодиёт соҳасида илмий ва олий таълим муассасаларининг янги истиқболли ғоялари ва инновацион ишланмаларини шакллантиришга кўмаклашиш, ускуналар ва инфратузилмадан ҳамкорликда фойдаланиш асосида юкори технологик инновацион ишилаб чиқаришларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш;
- академик, олий таълим ва тармоқ фанлари билан ҳам-корликнинг самарали шаклларини ривожлантириш, ҳамкорликда илмий тадқиқотларини бажариш;
- ҳалқаро даражада патентлаш имкониятига эга бўлган илмий ҳажмдор ва илғор технологияларни яратиш, янги инновацион маҳсулотларнинг намуналарини макетлаштириш, моделлаштириш, тайёрлашда ва уларни текширишда иштирок этиш;
- ёш олимлар томонидан илмий тадқиқотлар ўтказишининг замонавий, дунё амалиётида илғор бўлган усул ва технологияларини

ўзлаштиришлари мақсадида илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

• маҳаллий ва хорижий илмий ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда, шу жумладан инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш, технологияларнинг трансфери ва интеллектуал мулк обьектларини коммерциализациялаш масалалари юзасидан илмий конференциялар, семинарлар, тренинглар ва маҳорат дарсларини ташкиллаштириш;

• илмий фаолиятни натижадорлигини ошириш ва илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг янги шаклларини кўллаб-куватлашга қаратилган янги услубий ишланмаларни амалиётта жорий қилиш учун информацион-коммуникацион технологияларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш;

• ҳалқаро илмий-техник ҳамкорлик шаклларини ривожлантиришда иштирок этиш, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни, шу жумладан ҳалқаро дастурлар ва жамғармаларнинг грантларини жалб этган ҳолда бажариш.

Юқорида қайд этилган барча ташкилий-амалий ишлар Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг яратилиши бўйича қилинган мухим ишлар ҳисобланиб, унинг равнақига ўз хиссасини кўшади.

### 13.3. Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг муҳофазаланиши

Жамиятда моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида интеллектуал ресурсларнинг иштироки доимо бор. Улар ҳам бошқа ресурслар каби қийматтага эга ва мулк сифатида тан олини нади.

Маълумки, инсонда “мен”, “меники” деган тушунчалар қадимдан кучли бўлган. Ҳар бир одамда ўз шахсини устун қўйиш хислати мавжуд. Ҳозирги замон бозор муносабатларида буни ҳисобга олмаслик мулкий муносабатлар тенденциясини тушунмасликдир. Ана шу тарихий ҳақиқат эътиборга олинниб, мамлакатимиз Конституциясининг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги қайд этилган. Унинг 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги,

54-моддасида эса мулқор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасаррүф этиши белгилаб қўйилган.

Инсоннинг интеллектуал фаолияти натижаси, яъни интеллектуал махсулот унинг интеллектуал мулки ҳисобланади.

Интеллектуал мулкнинг асосий манбаи – инсоннинг илмий тадқиқот фаолияти, унинг билимига, илмига ва мамлакатнинг техник-технологик ривожланишига бўлган муносабати ҳамда мамлакатнинг илмий салоҳияти ҳисобланади.

Интеллектуал мулк – бу махсус товар. У олди-сотди обьекти ҳисобланади. Интеллектуал мулк бозорида сотувчилар ва харидорлар махсус товар ҳисобланган илмий ғоялар, техникавий янгиликлар, санъат ва адабиёт асарлари, хилма-хил ахборотлар олди-сотдиси юзасидан ўзаро муносабатда бўладилар.

Интеллектуал мулк бозорида илмий-техникавий янгиликлар харидор мулкига айланишшарти билан ёки ўз эгаси мулки бўлатуриб, вактинча фойдаланиш шарти билан сотилади. Амалда, бу бозорда патент, лицензия ва ноу-хау олди-сотдиси рўй беради.

Интеллектуал мулк бозорида кўпинча инновацияларни жорий этувчи фирмалар фаолият юритишади. Улар инновацияларни топиш, сотиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича хизмат кўрсатишади. Ушбу бозорда инжинеринг ва консалтинг фирмалари қатнашади.

Интеллектуал мулк бозори мамлакатда фан-техника ривожига катта таъсир кўрсатади ва инновациялардан самарали фойдаланишга хисса қўшади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, интеллектуал мулк бозорининг аҳамияти нафақат миллий, айни пайтда интернационал ҳамdir. Бугунги кунда илмий-техникавий янгиликларга бўлган талабнинг кескин ошиши, бу бозордаги муносабатларни мамлакатлараро даражасига кўтарди.

Интеллектуал мулк муҳофазасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги таъминлайди<sup>76</sup>.

<sup>76</sup> Ушбу агентлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 иккадаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиши чорадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4380-сон Қарори билан ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 июлдаги 609-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги Низом”га мувофиқ Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланган:

- интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объекtlарини ҳуқуқий ҳимоя қилиш;
- интеллектуал мулк объекtlарининг ҳуқуқий ҳимояси ҳолатини комплекс таҳдил қилиш, мазкур соҳасини ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;
- интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни, шу жумладан интеллектуал мулк объекtlарига бўлган ҳуқуқларни ўзаро муҳофаза қилиш ҳақида халқаро шартномаларни тузиш орқали ўрнатиш ва мустаҳкамлаш;
- интеллектуал мулк соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва бошқа ишларни амалга оширишда иштирок этиш;
- жамиятда интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳурмат ҳиссини шакллантириш.

Агентлик ўзига юклатилган бу вазифалардан келиб чиқсан ҳолда қуидаги функцияларни бажаради:

1. Интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объекtlарини ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:

- интеллектуал мулк соҳасида норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари ва таклифларини ишлаб чиқади ҳамда Адлия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси регламентларида белгиланган муддатларда кейинчалик келишиш (виза кўйилиши) учун киригади;

- ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар

келиб чиққан жой номлари, электрон хисоблаш машиналари (кейинги ўринларда ЭҲМ деб аталади), маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияси учун муҳофаза ҳужжатларини бериш юзасидан талабномаларни кўриб чиқишга қабул қиласди;

- ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, хизмат кўrsatiш белгилари, товар келиб чиққан жой номларини давлат экспертизасидан ўтказади, талабнома топширилган объектларнинг устуворлигини белгилайди, селекция ютуклари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларининг расмий экспертизасини ўтказади;

- ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналарини давлат рўйхатидан ўтказишни, селекция ютуклари, товар белгилари, хизмат кўrsatiш белгилари, товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказишни, ЭҲМ учун дастурларни, маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказишни ҳамда интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказишни амалга оширади, муҳофаза ҳужжатларини беради, Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари Рўйхати ва тегишли реестрларини юритади;

- ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, хизмат кўrsatiш белгиси, товар келиб чиққан жой номлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва интеграл микросхемалар топологияларига топширилган талабномаларнинг ўрнатилган талабларга мувофиқлигини текшириш натижалари бўйича муҳофаза ҳужжатларини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

- кўrsatilgan селекция ютуқларининг патентта лаёқатлилик шартларига мувофиқлигини белгилаш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Кышлоқ хўжалиги вазирлигининг Кышлоқ хўжалиги экинларни навларини синаш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ус гидан назорат қилиш инспекцияси хulosалари асосида муҳофаза ҳужжатларини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

- муҳофаза ва бош қа зарур ҳужжатларнинг ягона шаклларини белгилайди;

- депозитарийда сакланаётган интеллектуал мулк объектларининг очиқлиги ва улардан эркин фойдаланишни тъминловчи депозитарий функциясини бажаради, шу жумладан депозитарийга зарур бўлган нусхани депозитарий билан шартнома асосида олиш учун мурожаат қилган ҳар қандай шахсга имконият яратади;

- интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга хукуклар бериш тўғрисидаги лицензия шартномаларини, шунингдек уларни тўлиқ ёки қисман бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказади ва тегишли реестрларни юритади;

- интеллектуал мулкнинг расмий рўйхатдан ўтказилган объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради, уларнинг сакланиши ва фойдаланилиши учун шарт-шароитларни тъминлайди;

- Давлат патент фондини жамлаш ишларини ташкил этади ва амалга оширади, ундан иктисадиётнинг реал секторидаги хўжалик юритувчи субъектлар, илмий ташкилотлар, олимлар ва мутахассислар томонидан самарали фойдаланиш учун унинг сакланиши ва кулагилигини тъминлайди;

- Агентликнинг бюллетенларини ва бошқа расмий нашрларини, шунингдек интеллектуал мулк объектларини хукукий муҳофаза ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича бошқа маълумотлар ва материалларни чоп этишини ташкил қиласи хамда амалга оширади;

- патент вакилларини аттестациядан ва рўйхатдан ўтказади, патент вакилларининг давлат реестрини юритади;

- аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш ва фонограммаларни тайёрлашга лицензиялар беради, шунингдек лицензиатлар томонидан лицензия талаб ва шартларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

II. Интеллектуал мулк объектларининг хукукий ҳимояси ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, мазкур соҳасини ривожлантариш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

- интеллектуал мулк соҳасининг ривожланиш ҳолатини, жумладан, ушбу соҳадаги ҳалкаро рейтинглар ва индекслар методологияси ва мезонларини ҳисобга олган ҳолда ҳар томонлама таҳлил қиласи ва баҳолайди;

- интеллектуал мулк объектларини ишончли хукукий ҳимояси ва муҳофазаси тъминланишига, шунингдек, ушбу соҳани ривож-

лантиришга салбий таъсир кўрсатадиган тизимли муаммолар ва камчиликларни тахлил қиласи ҳамда натижаси бўйича уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

- интеллектуал мулк соҳасининг келгусидаги ривожи ва ҳукук эгаларининг қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

- интеллектуал мулк обьектларининг ҳукукий муҳофазасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича тегишли давлат органлари ва ташкилотларига таклифларни тайёрлайди ва киритади;

- замонавий тенденциялар хисобга олинган ҳолда қонунчиликни изчил ривожлантиришга, интеллектуал мулк соҳасида умумъетироф этилган ҳалқаро стандартларни миллӣ қонунчилик ва ҳукуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда киритади;

- интеллектуал мулк обьектларининг ишончли ҳукукий муҳофазаси ва ҳимоясини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қабул қилган ҳалқаро мажбуриятлар бажарилишининг мониторингини ўтказади;

- Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро мавқенини, жумладан, жаҳон ҳамжамиятига мамлакатда интеллектуал мулк соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида холисона ахборот етказиш орқали мустаҳкамлаш, обзорли, маълумотнома ва бошқа материалларни тайёрлаш чораларини кўради.

Ш.Интеллектуал мулк соҳасидаги ҳукуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш борасида:

- давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида интеллектуал мулк соҳасидаги норматив-ҳукукий ҳужжатларнинг татбиқ этилиши амалиётини ўрганади ва тахлил қиласи;

- ҳукуқни қўллаш амалиёти тахлили натижалари бўйича қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлайди ва белгиланган тартибда киритади;

- аниқланган қонунбузарликлар, уларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш

учун хукуқни кўллаш амалиёти бўйича умумлаштирилган материалларни давлат органлари ва ташкилотларига юборади;

• интеллектуал мулк соҳасидаги норматив-хукуқий хужжатларни нотўғри ва зиддиятли кўллаш амалиётини, шунингдек, ушбу соҳада хукуқбузарликлар содир этилишига ёрдам берадиган салбий омиллар, сабаблар ва шароитларни бартараф этишга доир амалий чоралар кўради;

• норматив-хукуқий хужжатларни кўллаш масалалари юзасидан ўз хulosасини шакллантиради ва етказади;

• қонун хужжатларини кўллаш амалиётини умумлаштиради ҳамда интеллектуал мулкни хукуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатининг амалга оширилиши холатини таҳлил қиласди, унинг асосида хукуқни кўллаш фаолиятини такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқади;

• интеллектуал мулк соҳасида хукуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича хукуқни муҳофаза қилувчи, солиқ ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қиласди;

• муаллифлик хукуқи ва турдош хукуқлар тўғрисидаги қонун бузилишлари тўғрисида белгиланган тартибда хulosса беради;

• қонунчиликка мувофиқ равишда интеллектуал мулк обьектларини хукуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган хукуқларни ҳимоя этиш масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

**IV. Интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро-хукуқий ҳамкорликни ўрнатиши ва мустаҳкамлаш соҳасида:**

• интеллектуал мулк обьектларининг хукуқий муҳофазаси соҳасида халқаро ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни амалга оширади;

• халқаро шартномаларни тузиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритади, интеллектуал мулк обьектларининг хукуқий муҳофазаси ва ҳимояси бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойихаларини тайёрлашда иштирок этади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси топшириғига кўра ушбу шартномаларни имзолайди;

• тегишли халқаро, минтақавий ва хорижий ташкилотлар билан музокаралар олиб боради ва интеллектуал мулк обьектларининг хукуқий муҳофазаси ва ҳимояси соҳасида белгиланган тартибда идоралараро шартномалар тузади;

- хорижий патент идоралари, халқаро, миңтақавий ва хорижий ташкилотлар билан патент ҳужжатлари ва патент-хуқуқий адабиётларнинг халқаро алмашинувини амалга оширади, интеллектуал мулк объектларининг хуқуқий муҳофазаси ва ҳимояси соҳасида чет эл тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланилишини ташкил қиласди;

- белгиланган тартибда интеллектуал мулк соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади ва ушбу ҳамкорлик доирасида интеллектуал мулк объектларининг хуқуқий муҳофазаси ва ҳимояси масалалари бўйича халқаро ва миңтақавий ташкилотларнинг ишида иштирок этади;

- Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини ўз ваколати доирасида таъминлайди.

V. Интеллектуал мулк соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва бошқа ишларни амалга оширишда иштирок этиш, шунингдек, жамиятда интеллектуал мулкка нисбатан хуқуқий маданиятни ошириш ва хурмат ҳиссини шакллантириш соҳасида:

- интеллектуал мулк объектларининг хуқуқий муҳофазаси ва ҳимояси соҳасида манфаатдор шахсларга услубий ёрдам кўрсатади;

- интеллектуал мулк объектларининг хуқуқий муҳофазаси ва ҳимояси масалалари бўйича идоралараро ахборот алмашинувини амалга оширади;

- интеллектуал мулк соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил қиласди ва уларда иштирок этади;

- мамлакатнинг социал-иқтисодий ва маданий ривожланиши учун интеллектуал мулк объектларига хуқуқларни хуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилишнинг мақсади ва аҳамиятини кенг тушунтириш бўйича тадбирлар ўтказади;

- интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро ва миллий илмий анжуманлар, симпозиумлар, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ташкил қиласди ҳамда уларда иштирок этади;

- интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш ва улардан қонуний фойдаланиши масалаларида аҳоли кенг қатламларининг хуқуқий маданияти ҳамда саводхонлигини ошириш тадбирларини амалга оширади;

• интеллектуал мулк объектларининг ҳукукий муҳофазаси ва ҳимоясини таъминлаш соҳасида ўз ваколати доирасида тегишли тадбирларни амалга оширади ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги интеллектуал мулк объектларига патент бериш ҳақидаги талабномаларни қабул қиласи ва уларни экспертизадан ўтказади. Амалдаги қоидаларга мос келган илмий ғоялар, техникавий янгиликлар, санъат ва адабиёт асарлари Интеллектуал мулк агентлиги томонидан давлат рўйхатига олинади, патентлар берилади ва расмий ахборотнома нашр этилади.

Патент – ихтиро учун алоҳида ҳукуқ берувчи ҳужжат, яъни патент эгасининг розилигисиз ҳеч ким ихтиродан фойдалана олмайди. Фойдаланиш ҳукуқига эга бўлиш учун муаллиф билан оддий, алоҳида ёки тўлиқ лицензия олиш ҳақида шартнома тузиш лозим. Шартномага кўра оддий лицензияда, уни сотиб олганга, муайян шароитларда патентланган ихтиродан фойдаланиш имкони берилади, шунингдек, патент эгаси ундан фойдаланиш ва бошқа бирорларга бериш ҳукукини сақлаб қолади. Шартномада келишилган алоҳида лицензияда сотиб олган шахсга шартнома доирасида фавқулодда ҳукуклар берилади. Бунда муаллиф ўз ҳукуқидан маҳрум бўлмайди, бироқ уни бошқаларга тақдим эта олмайди. Тўлиқ лицензия ҳақидаги шартнома уни сотиб олган шахсга шу шартномада кўрсатилган даврда патент ҳукуқларидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради, ихтиро эгаси ўз ихтиросидан фойдаланиш ҳукукини йўқ қиласи, яъни йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 979-сон қарори билан тасдиқланган “Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамгармаси тўғрисида Низом”нинг 37- бандига кўра: “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган илмий ва илмий-техник фаолият натижасида илмий ва илмий-техник фаолият субъектлари томонидан олинган интеллектуал мулк объектларига ҳукуқ давлатнинг илмий ва олий таълим, шунингдек, давлат бошқа муассасалари номидан, агар интеллектуал мулк объектлари

муаллиф (муаллифлари) билан тузилган шартномаларда бошқача кўзда тутилмаган бўлса, давлатга тегишли бўлади”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сон Қарори биландавлат бюджети маблағлари хисобидан молиялаштириладиган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича давлат илмий-техник дастурларини бажариш доирасида муассасалар томонидан яратилган илмий ва илмий-техникавий фаолият натижалари, давлат илмий-техник лойиҳалар якунланганидан ва (ёки) улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўtkазилганидан кейин тижоратлаштирилиши<sup>77</sup> ҳамда муассасаларнинг илмий кенгашлари ишлаб чиқариш сири (ноу-хай) ёки тижорат сири режимида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг интеллектуал (номоддий) натижасини қўриқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳукукига эгаэканлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сонли Қарорида:

- патентланган интеллектуал мулк обьектлари муаллифларига муассасанинг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан базавий хисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;
- муаллифлар ҳамда илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқиш ва тижоратлаштиришда иштирок этган илмий жамоага уларни тижоратлаштиришдан муассаса хисобига келиб тушаётган маблағларнинг тегишли равища 40 ва 30 фоизи миқдорида рағбатлантириш белгиланган.

Патент олиш жараёни, патент олувчининг масъулиятлари ва эксклюзив<sup>78</sup> ҳукуклари турли мамлакатларда турличадир. Шундай бўлса ҳам, ҳар бир патент олиш учун ёзилган аризада ихтиронинг бирор-бир янгилик киритётгани хақида маълумот бўлиши керак. Аксарият мамлакатларда берилган эксклюзив ҳукуклар бошқалар томонидан патентланган ихтирони рухсатсиз ясаши, қўллаши, сотиши ёки тарқатиши ҳолатларининг олди олинади.

<sup>77</sup>Фундаментал тадқиқотлар натижалари, шунингдек, гуманитар ва ижтимоий фанлар соҳасидаги лойиҳалар бўйдан мустасно.

<sup>78</sup>Эксклюзив – мутлақ, бетакор, ятона.

Бутунжаҳон Савдо Ташкилотининг муаллифлик хукуқлари бўйича шартномасига кўра, бу ташкилотга аъзо мамлакатларда ҳар қандай соҳадаги ихтиро учун патентлар мавжуд бўлиши зарур.

Юқорида қайд этилганидек, мамлакатимизда патент Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро муаллифига ёки ариза бўйича хукукий ворисига берилади.

Кўпгина давлатлардаги қонунларига кўра, патент 15-20 йил муддатта берилади. Баъзи мамлакатларда ихтиrolарни ҳимоялаш вақти одатда камида 20 йил бўлиши керак.

Патент одатда шу патент чиқарилган мамлакат ҳудудида амал килади. Халқаро амал қилувчи патентлар ҳам мавжуд. Баъзи мамлакатларда маълум бир соҳалардаги ихтиrolар учун патент берилмайди.

Ўзбекистонда ихтиrolар, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан қўйиладиган патент олиш хукукини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда Интеллектуал мулк агентлигининг бундай хужжатни бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган ‘Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида’ги қонунида белгилаб берилган.

Юртимизда кўпгина ривожланган мамлакатлар қатори интеллектуал мулк муҳофазасининг хукукий асослари яратилгани, мулк эгаларининг барча хукуқлари, қабул қилинган қонун ва қоидалар орқали тўла ҳимояланади.

Юқорида қайд этилганидек, интеллектуал мулк асосини фан-ижод, техника ва ишлаб чиқариш бўлиб, булар бир-бири билан чамбарчас боғланган. Энг янги илмий ижод маҳсулидан, унинг амалиётта татбиқ этилишигача бўлган йўлни ташил этади.

Бундаги илмий-техникавий ривожланиш, миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида иқтисодий қонунларига асосланган ҳолда, мунтазам равишда фан ва техника ютуқларини амалиётда кўллаб бориш билан олиб борилади.

Илмий-техникавий ривожланишда, мамлакатдаги ихтиroчиликка бўлган муносабат ўта муҳим ҳисобланади. Ихтиrolарнинг миллий иқтисодиётда кўлланилиши натижасида олинган иқтисодий самара илмий-техникавий ривожланишнинг ҳал қилувчи омилларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам интеллектуал мулк бўлган

ихтиро патентларнинг янги технология, техника сифатида миллий иқтисодиётга татбиқи юртимиз иқтисодиётига ялпи ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштиради.

Иқтисодиётимизнинг жадал ривожланиш вақтида мавжуд ва бўлажак интеллектуал мулкнинг муҳофазасига юртимизда катта зътибор берилаяпти, бунга айниқса юқорида келтирилган, мустақиллик йилларида қабул қилинган қонун ва қоидалар бунинг исботи бўла олади.

### 13.4. Ўзбекистоннинг халқаро интеллектуал мулк ташкилотлари билан алоқалари

Бугунги кунда интеллектуал мулкнинг яратилиши ва унинг ҳукукий муҳофазаси бўйича ишларнинг ташкиллаштирилиши дунё мамлакатларида давлат сиёсатига айланди. Чунки, ҳар қандай давлатнинг ривожланиш даражаси, унинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи, айнан интеллектуал мулк бўйича олиб бораётган ишлари қандай даражада олиб борилишига, янги техника-технологиялар яратилишига боғлиқдир.

Ўзбекистон ўзининг ривожланган интеллектуал мулк базаси, яъни интеллектуал капитали билан дунёга танилган мамлакатdir. У юқори мамлакали қадрлари билан Марказий Осиёдаги катта салоҳиятга эга бўлган илмий марказ ҳисобланади.

Бирок, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоеванинг таъкидлашича: “Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан “Глобал инновацион индекс” бўйича давлатлар рейтинги юритилишини биламиз. Ушбу рейтингга 129 та мамлакат кирган. Кўпни мамлакатлардан Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон кирган. Лекин Ўзбекистон мазкур рейтингда ўрин эгаллай олмаган”<sup>79</sup>.

Бундай ҳолат, табиийки, йирик интеллектуал капиталга эга бўлган Ўзбекистон учун давомли бўлиши мумкин эмас. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони билан 2019-2021 йилларда

<sup>79</sup>Танзила Норбоева: “Илм-фан, инновациялар соҳасига хусусий секторни жалб килиш кўрсаткичи жуда паст”. [www. Kuz.uz](http://www. Kuz.uz) 20.06.2020 12:06 706.

илмий ва инновацион фаолиятдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиқ даражасини кўтариш ва унинг инновацион жиҳатдан тараққий этишини таъминловчи асосий омил – инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган Стратегия ишлаб чиқилди.

Стратегиянинг бош мақсади – 2030 йилга келиб мамлакатимизни Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илгор давлатлар қаторига киритиш хисобланади.

Стратегиянинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш;
- инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш;
- инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш;
- таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш;
- рақобатни ривожлантириш ва маъмурий тўсиқларни камайтириш.

Ўзбекистон ўзининг фан ва технологиялари ривожланишини дунё ҳамжамияти билан ҳамкорлиқда, ўзаро келишув асосида олиб бормоқда. Жумладан, 1996 йил 20 декабрда Бутунжаон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) доирасида қабул қилинган Ижролар ва фонограммалар бўйича шартнома ҳамда Мўаллифлик ҳукуки тўғрисидаги шартнома 2019 йилнинг 17 июль куни Ўзбекистон Республикаси учун кучга кирди.

Дунёда 101 мамлакат ва Европа Иттифоқи БИМТнинг мазкур икки шартномаси иштирокчиси хисобланади.

БИМТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизими таркибига 1974 йилнинг декабрь ойидан эътиборан кирувчи ихтисослашган муассасасидир.

Ушбу шартномалар «Интернет соҳасида БИМТ шартномалари» номи билан ҳам машҳур бўлиб рақамли мухитда муаллифлик ҳукуки ва аралаш ҳукуклар ҳимоясининг асосий мезонларини белгилайди.

“Интернет соҳасида БИМТ шартномалари” муаллифлик-хуқуқий контентни интерактив тарзда етказиш, муаллифлик-хуқуқий химояни чеклаш ва ижодий маҳсулотларни тарқатиш ва фойдаланишга имкон берувчи технологияларга кўмаклашиш каби соҳаларда янги технологик нуқтаи назардан мувофиқлашган химоя тизимиға замин яратган<sup>80</sup>.

Мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикасининг 1968 йил 8 октябрда Локарнода имзоланган Саноат намуналарининг халкаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 юнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент хуқуқи тўғрисидага Шартномага қўшилиши ҳақида”ги қонунлар қабул қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Рио Декларациясига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши, биологик турли хиллик, саҳроланишга қарши Конвенциясига, озон қатламини химоялаш Вена Конвенциясига, хавфли чиққиндиларнинг ташилиши ва чиқарилишини назорат қилиш Basel Конвенциясига қўшилиб ратификация килган. Ўзбекистон Республикаси савдо маркаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид Келишувининг ҳам аъзоси хисобланади.

Мустакил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га кирган давлатлар худудида интеллектуал мулк соҳасида рўй бериши мумкин бўлган хуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон маҳсус битимига қўшилди ва саноат мулкини химоя қилиш бўйича – Россия Федерацияси (1995 йил 27 июнь), Грузия Республикаси (1996 йил 28 май), Киргизистон Республикаси (1996 йил 24 декабрь), Қозоғистон Республикаси (1997 йил 2 июнь), Озарбайжон Республикаси (1997 йил 18 июнь), шунингдек, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида Украина (1998 йил 19 февраль) ва Туркия Республикаси (1998 йил 13 апрель) билан иккитомонлама шартномалар тузди.

Ўзбекистонда социал-иктисодий ривожланишга қаратилган кең кўламли ишларни амалга оширишда интеллектуал мулқдан самарали фойдаланишга эътибор кучли бўлмоқда. Ўзбекистон

<sup>80</sup>Ўзбекистон Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг икки универсал халқаро шартномаси иштирокчисига айланади [www.kun.uz](http://www.kun.uz) / Ўзбекистон, 17.07.2019, 862.

Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш са-марадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сон Қарорида мамлакатимиз Ташки ишлар вазирлиги муассасалар томонидан илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини хорижда тижоратлаштиришга, шунингдек, уларни халқаро бозорларда илгари суришга дипломатик воситалар оркали кўмаклашиши белгиланган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатимида илмий ва илмий-техникавий фаолиятни амалга ошириш, илмий-техникавий ва инновацион ривожланишни таъминлаш учун қулай щарт-шароитларни яратишда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

### **Таянч иборалар**

Капитал, мулк, интеллектуал қобилият, интеллектуал салоҳият, билим, ижод, ижодий салоҳият, иқтисодий самара, рағбатлантириш, ихтиро, патент, мулкчилик ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, халқаро шартномалар, халқаро-келишувлар.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Интеллектуал капиталнинг моҳияти ва таркибий тузилишини ёритинг.
2. Интеллектуал мулкни инновацияга айлантириш жараёнини шарҳлаб беринг.
3. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқукларни таърифланг.
4. Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг вазифаси нима?
5. Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазаси қай даражада?

## **14. Илмий кашфиётлар, ихтиrolар ва лицензиялаш**

### **Режа**

**14.1. Илмий кашфиёт, ихтиро тушунчаларининг моҳияти ва уларнинг республикамиз инновацион иқтисодиётидаги аҳамияти.**

**14.2. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда илмий кашфиётлар ва ихтиrolарни лицензиялашнинг ўрни.**

**14.3. Илмий кашфиёт, ихтиро ва лицензиялаш ҳукуқлари ҳамда улар бўйича талабнома тузиш қоидалари.**

### **14.1. Илмий кашфиёт ва ихтиро тушунчаларининг моҳияти ва уларнинг республикамиз инновацион иқтисодиётидаги аҳамияти**

Корхона рақобатбардошлигини сақлаб туриш учун, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш шароитида, маҳсулотнинг мавжуд ҳусусиятларини яхшилаш, янги фойдали ҳусусиятларни кўшиш ёки мутлако янги маҳсулотни яратиш учун доимий равишда янги инновацион ижодий ғоялар ёки ихтиrolарни жорий этиш талаб этилади. Корхоналарда техник муаммоларни янги энг мақбул тарзда ҳал қиласиган ғоя ёки концепцияни ишлаб чиқиш, шу ижодий ғоялар учун патентни олиш орқали шахсий, қонуний ҳимояланган, техник устунликка айлантириш корхоналарга рақобат устунлигини тухфа этади.

Кўпчилик одамлар ихтиrolар, ижодкорлик ёки ихтиро ёркин илҳомни талаб қиласиди ёки бу чукур илмий изланишлар, давлат ёки корпоратив тадқиқот лабораториялари ёки тадқиқот институтлари томонидан олиб бориладиган кенг кўламли инновацион илмий изланишлар билан боғлиқ, деб ҳисоблашади. Биринчи марта Америка корпорациялари индивидуал ихтиroчиларга қараганда кўпроқ патентни 1931 йилда олди ва бу тенденция бугунги кунгача ҳам давом этиб келмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, патентланган ихтиrolарнинг аксарияти катта илмий ютуқлар эмас, унчалик катта бўлмаган, аммо мавжуд техникага нисбатан аниқ техник яхшилашларни ўзида акс эттирадиган ишланмалар эди. Баъзи машҳур ихтиrolар ҳам – оддий одамлар ёки мустакил ихтиroчилар томонидан,

илгари ишлаб чикилган технологияни такомиллаштириш орқали яратилганлиги тарихдан маълум. Кўп холларда, таниқли ихтиrolар тасодифий кашфиётлар орқали келиб чиқсан.

Кашфиёт – бу изланиш, текшириш, илмий тадқиқот натижасида баъзан эса тасодифан топилган илмий янгиликдан иборат. Унга табиат ҳодисалари ва жамият қонуниятларини онгли равишда илмий идрок қилиш натижасида эришилади. Кашфиёт туфайли моддий дунёнинг илгари инсониятга маълум бўлмаган объектив қонуниятлари, хоссалари ҳамда ҳодисалари маълум бўлади.

Кашфиёт фан-техника инқилобининг асосини ташкил этади ҳамда фан ва техника тараққиётига тубдан янги йўналишларни яратилишига имкон яратади.

Иқтисодиётда кашфиётлар ва ихтиrolар бир-биридан фарқ қиласи. Кашфиётлар шундай инқилобий ҳодисаларки, улар натижасида муҳим қонуниятлар яратилади. Масалан, ернинг тортишиш қонунининг яратилиши ва бошқалар. Ихтиrolар эса жамият ҳамда иқтисодиёт учун муҳим янгиликлар яратилиши билан чекланади. Бизнинг боболаримиз Беруний, Ибн Сино, Улугбек ва бошқа шунга ўхшаган алломалар яратган қонуниятлар кашфиётлар жумласига киритилади.

Ихтиро – бу иқтисодиётнинг турли соҳаларида (иқтимоий, маданий, курилиш, мудофаа ва ҳоказо) ижобий самара берадиган ўзига хос техникавий ечимга эга бўлган янгиликдан иборат. Тор маънода ихтирони давлат томонидан тан олинадиган ва тегишли жамиятда чиқарилган қонуллар билан муҳофаза қилинадиган янги техникавий ечим сифатида ифодалаш мумкин. Ҳар қандай янгилик ихтиро бўлавермайди. Масалан, илмий асосланмаган куруқ илмий қоидалар, амалга ошириб бўлмайдиган хато таклифлар ихтиро ҳисобланмайди. Олимлар томонидан яратилган у ёки бу таклиф ёки техникавий ечим ихтиро бўлиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

Биринчиidan, ихтиродан иқтисодиёт тармоқларида бир неча марта фойдаланиш мумкин бўлишлиги.

Иккинчиidan, ихтирова у бўйича яратилган янгилик бошқаларга қараганда биринчи эканлиги ва буни тасдиқловчи тегишли хужжатларнинг мавжудлиги (муаллифлик гувоҳномалари, патентлар) билан белгиланади.

Баъзида корхоналар ўзининг тадқиқот ва ишлаб чиқиш салоҳиятига эга бўлмаса ҳам, ишлаб чиқаришда, кўпинча уни англамасдан, ишчилар маҳсулот билан ишлаш орқали ихтиро яратиши ёки уни муайян эҳтиёжларга мослаштириш заруратига дуч келиши мумкин. Ихтирочилик гоялари корхонанинг исталган тузилмасида пайдо бўлиши мумкин.

Ихтиrolар – бу бозор тенденциялари ва мижозларнинг янги эҳтиёжлари юзага келганда бундай эҳтиёжларни қондириш учун техник ечимларни таклиф қиласидан маркетинг ва савдо хизматлари кўринишида ҳам намоён бўлади. Ихтирони патентлаш натижаси уни номоддий мулкка айлантириш орқали амалиётда кўлланиши устидан тўлиқ назорат қилиш имкониятини таъминлайди. Оқибатда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида кўшимча даромад олинниб ракобат устунлигига эришилади.

Ихтиро ва инновация тушунчаларини ажратиш жуда мухим. Ихтиро инновация бўлиши учун уни бозорга олиб чиқиш ва юқори баҳода истеъмолчи эҳтиёжи асосида олди-сотдини амалга ошириш жараёни керак бўлади. Амалиётда баъзи ихтиrolарнинг бозорга чиқиши учун йиллар талаб қилинади. Улар кўпинча бошқа кичик ихтиrolар билан аРАЛАшиб ягона маҳсулот бўлиб чиқади. Мисол сифатида уяли телефонни олишимиз мумкин. Телефоннинг ўзи гарчи XX асрнинг бошларида яратилган бўлса-да, ҳозирги ҳолатдаги мультифункционал даражага етгунча 80 йил талаб қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикамида ихтиrolар давлат томонидан ҳимоя қилинган ва уларни инновацион маҳсулот бўлиши учун барча зарурий шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”<sup>81</sup>ги қонуни 5-моддасида ихтиronинг хусусиятлари келтирилади:

Ихтиро сифатида кўрсатилган обьект, башарти у янги, ихтирочилик даражасига эга бўлса ва уни саноатда кўллаш мумкин бўлса, ҳукукий жиҳатдан муҳофаза қилинади.

Ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги деб ҳисобланади.

<sup>81</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конуни: Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида, 2002 йил 29 август.

Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади. Ихтиронинг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин топширилган ва қайтариб олинмаган талабномалар ҳам хисобга олинади.

Башарти, ихтирога оид талабнома, шу ихтирога тааллуқли маълумот муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита ушбу маълумотни олган бошқа ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор қилинган санадан бошлаб олти ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига топширилган бўлса, бу ҳолат ихтиронинг патентга лаёқатлиигини тан олишга таъсир кўрсатадиган вазият сифатида эътироф этилмайди. Бундай ҳолда ушбу фактни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Курилмалар, усуllар, моддалар, микроорганизмларнинг штаммлари, ўсимликлар ва хайвонлар хужайраларининг турлари, илгаридан маълум бўлган курилмалар, усуllар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги мақсадда кўлланилиши ихтиро сифатида эътироф этиллади.

Куидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди:

- илмий назариялар ва математика усуllари;
- хўжаликни ташкил этиш ва бошқариш усуllари;
- шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;
- аклий операцияларни бажариш қоидалари ва усуllари;
- электрон хисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
- бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва схемалари;
- эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, маҳсулотларнинг фақат ташки кўринишига оид ечимлар;
- интеграл схемаларнинг топологиялари;
- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;
- жамоат манбаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар ва бошқа шу кабилар ихтиро хисобланмайди.

## **14.2. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда илмий кашфиётлар ва ихтиrolарни лицензиялашнинг ўрни**

Илмий кашфиётлар ва ихтиrolар агар у янги бўлса ҳамда уларни саноатда (бошқа тармоқларда) қўллаш мумкин бўлса улар ҳукукий жиҳатдан муҳофаза қилинади ва шу асосда иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни таъминлайди. Илмий кашфиётлар ва ихтиrolарнинг ўзига хос мухим янгилик аломатлари мажмуи техника тараққиёти даражасидан илгарироқ (олдинрок) бўлсагина у янги деб ҳисобланади ҳамда унга маҳсус фойдаланиш ҳукукини берувчи лицензия олиш имкониятини яратади.

Лицензиялаш ҳам патентлашга ўхшаб номоддий мулк эгаси ҳукукларини тан олишнинг усули ҳисобланади ҳамда патент эгасининг бошқа шахслар билан алоҳида ҳукукларининг бир қисмини сотиш (бериш) бўйича тузган ҳукукий битими (шартномаси) кўринишида намоён бўлиши мумкин. Бугунги кунда амалиётда келишувчи томонларни белгилаш учун куйидаги умум қабул қилинган атамалардан фойдаланилади:

- лицензиар – лицензия сотувчи;
- лицензиат – лицензия сотиб оловучи;
- лицензия савдоси – бу замонавий технологик алмашинув ёки уни сотувчи ва сотиб оловучи ўртасидаги ўзаро келишув акти ҳисобланади.

Иқтисодиётда илмий кашфиётлар ва ихтиrolарни лицензиялаш улардан фойдаланиш ҳукукини берувчи тегишли хужжатлар (муаллифлик ҳукукини ифодаловчи гувоҳнома, патент ва бошқалар) асосида фойдаланиш ҳукукини беради. Илмий кашфиёт ва ихтиrolарга дастлабки патент ёки патент куйидаги холларда берилади:

- яратилган илмий кашфиётлар ва ихтиrolарга бериладиган муаллифлик ёки ҳукукий ворислик хужжати бўлганда;
- муаллифга шахсий ижодий меҳнати ва яратган маҳсулоти (тех-ник ечими) учун шу мулкнинг муаллифи деб эътироф этилганда;
- агарда яратилган илмий кашфиётлар ва ихтиrolар бир неча жисмоний шахсларининг биргалиқдаги ижодий меҳнат асосида яратилган бўлса (ёки улар ўртасида ўзаро келишув шартномаси

бўлса) ҳамда улар тенг ҳуқуқли муаллиф сифатида эътироф этилганда.

Илмий кашфиёт ва ихтиrolарни лицензиялаш яратилган мулқдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш шаклида намоён бўлади. Илмий янгилик ва кашфиётларни лицензиялаш жараёни лицензия шартномаси асосида амалга оширилади. Бунда мулқдан фойдаланиш факат патент эгасининг рухсати билан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Бундай лицензиялар бўйича тузилган шартномалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиш талааб этилади.

Иқтисодиётда лицензиялашнинг бир неча кўринишлари амал қиласи. Жумладан, очиқ лицензиялар – бунда, патент эгаси мулқдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга топширишга рози эканлиги тўғрисидаги ариза асосида рухсат берилади.

Ёпиқ лицензиялар – бундай лицензиялар давлат ёки миллий хавфсизлик манфаатларини кузлаб патент эгасининг рухсатисиз унга мутаносиб микдорда тавон тўлаш шарти билан мулқдан фойдаланишга рухсат берилади.

Илмий кашфиётлар ва ихтиrolарни молиялаштириш ҳамда рағбатлантириш белгиланган тартибда қонунда кўрсатилган шартлар асосида амалга оширилади. Агарда патент эгаси бўлмаган шахс мазкур мулқдан фойдаланишда унга доир лицензияларни сотиб олиш патент эгаси ёки уларнинг ҳуқуқий вориси билан тузилган шартнома асосида (ҳақ микдори, тўлаш шартлари, мукофот пули белгиланган келишув асосида) амалга оширилади.

Илмий кашфиётлар, ихтиrolар ва лицензиялаш бозорида патентларнинг сотиб олиниши, сотилиши ёки лицензияга эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолат бир қатор янги имкониятларни юзага келтиради. Патентлардан банк кредитини олишда гаров сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Патентлар потенциал инвесторларнинг эътиборини корхоналарга жалб қилиши мумкин, чунки сармояддорлар патентнинг мавжудлиги бошқа рақобатчилар учун тўсик эканлигини яхши билишади.

Патентлар нафакат илмий ва технологик ривожланишга сармоянгизни ҳимоя қилиши ва шу билан инвестицияларнинг даромадлилигини ошириш билан бирга, учинчи шахсларга сизнинг

патентингиздан фойдаланиш учун лицензия бериш орқали даромадни ҳам таъминлаши мумкин. Аксарият венчур капитал фирмалар, инвестиция банклари, молиявий таҳлилчилар ва бошқа инвесторлар патентнинг ижобий қийматини тан олишиади.

Юқоридан қўриниб турибдики, янгиликнинг ихтиро сифатида тан олиниши учун унинг маълум бир соҳада бутунлай янги кашфиёт сифатида қабул қилиниши талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонуннинг тўққизинчи ва ўн биринчи моддаларида патент эгасининг хукуқлари келтирилган: “Саноат мулкининг обьектига патент ёки дастлабки патент куйидагиларга берилади: саноат мулки обьектининг муаллифига (муаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига) муаллиф ёки унинг хукукий вориси томонидан патент ёки дастлабки патент бериш тўғрисидаги талабномада ёки саноат мулки обьекти рўйхатдан ўтказилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига топширилган аризада кўрсатилган жисмоний ва (ёки) юридик шахсларга (улар рози бўлган тақдирда); ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда иш берувчига.

Хизматчи ўз хизмат вазифасини ёки иш берувчидан олган аниқ бир топширикни бажариш муносабати билан яратган саноат мулки обьектига патент ёки дастлабки патент олиш хукуқига, агар бу ҳол улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчи эга бўлади.

Башарти иш берувчи билан муаллиф ўртасида ушбу модда иккинчи қисмидаги қоидалар назарда тутилган бўлмаса, муаллиф талабнома топшириш ва патент ёки дастлабки патентни ўз номига олиш хукуқига эга бўлади. Бунда иш берувчи саноат мулкининг тегишли обьектидан ўз корхонасида патент эгасига шартномада белгиланадиган ҳақни тўлаган ҳолда фойдаланиш хукуқига эга бўлади.

Иш берувчи томонидан саноат мулки обьекти маҳфий сақланадиган бўлса, у муаллифга мутаносиб миқдорда ҳақ тўлаши шарт, бу ҳақ миқдори шартнома асосида белгиланиб, мутлақ лицензиянинг бозор нархидан кам бўлмаслиги лозимлиги.

Саноат мулки объектига патент ёки дастлабки патент, шунингдек уни олиш хуқуки мерос бўлиб ўтади”<sup>82</sup>.

Шунингдек, юқорида баён қилинган қонуннинг ўн биринчи моддасида таъкидланганидек: “Патент эгаси саноат мулки объектига ўз хоҳишича эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳамда ундан фойдаланиш, башарти бундай фойдаланиш бошқа патент эгаларининг хуқуқларини бузмаса, шу жумладан бошқа шахсларнинг мазкур объектдан фойдаланишини тақиқлаб қўйиш мутлақ хуқуқига эгадир, бундай фойдаланиш ушбу Конунга мувофиқ патент эгасининг хуқуқини бузиш ҳисобланмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

Бир неча патент эгасига қарашли бўлган саноат мулки объектидан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасида тузилган битимга биноан белгиланади. Бундай битим бўлмаган тақдирда, ҳар бир патент эгаси муҳофазаланган саноат мулки объектидан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин, лекин қолган патент эгаларининг розилигисиз объектга оид лицензия беришга, патент ёки дастлабки патентни ўзга шахсга топширишга хақли эмас.

Патент эгалари ўртасидаги низолар ўзаро муросага келишнинг иложи бўлмаса, суд тартибида хал қилинади.

Патент эгаси фойдаланилаётган саноат мулки объектларига патент берилганингини кўрсатувчи огоҳлантиргич тамғадан фойдаланиши мумкин.

Патент эгаси саноат мулки объектидан фойдаланиши шарт.

Патент ёки дастлабки патент рўйхатта олинган санадан бошлиб уч йил мобайнода патент эгаси саноат мулки объектидан бутунлай ёхуд етарли даражада фойдаланмаса, ушбу муҳофаза этилаётган саноат мулки объектидан фойдаланмоқчи ва фойдаланишга тайёр бўлган ҳар қандай шахс, башарти патент эгаси у билан лицензия шартномаси тузишдан бош тортган тақдирда, мажбурий оддий лицензия беришни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат этиши мумкин.

Башарти патент эгаси саноат мулки объектидан бутунлай ёки етарли даражада фойдаланилмаганлигига узрли сабаблар борлиги-

<sup>82</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конуни: Ихтиолар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўгрисида, 2002 йил 29 август.

ни исботлаб бера олмаса, суд айтилган лицензияни бериб, ундан фойдаланиш меъёрларини, тўлов миқдори, муддати ва тартибини белгилаб қўяди. Тўлов миқдори лицензиянинг бозор нархидан кам бўймаслиги лозим.”<sup>83</sup>

Умуман юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хуоса қилиш мумкинки, илмий кашфиётлар ва ихтиrolарни лицензиялаш иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг келажак стратегиясиdir.

#### **14.3. Илмий кашфиёт, ихтиро ва лицензиялаш ҳукуқлари ҳамда улар бўйича талабнома тузиш қоидалари**

Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра илмий кашфиётлар, ихтиrolар ҳамда лицензиялашга талабнома тузиш қоидалари ва уни юритиш “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Бундай талабномаларни бериш ўзига хос талабларни амалга оширишни тақозо этади.

Илмий кашфиётлар, ихтиrolарга патент бериш бўйича талабнома энг аввало унинг муаллифи (яратувчиси) шунингдек иш берувчи ёки уларнинг ҳукуқий ворислари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига топшириши асосида дастлабки жараёни амалга оширилади. Белгиланган қоидага кўра бундай талабномалар шахсан (муаллиф), патент вакили ёки ишончли шахс орқали топширилиши шарт.

Илмий кашфиётлар ва ихтиrolарга талабнома қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Илмий кашфиёт ёки ихтиронинг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса ўша шахснинг манзили кўрсатилиб ариза бериш.

2. Илмий кашфиёт ёки ихтирони амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ ҳамда батафсил очиб берилган тавсифи.

3. Илмий кашфиёт ва ихтирони моҳиятини ифодаловчи ҳамда унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган бошқа жиҳатлари (масалан

<sup>83</sup>Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида, 2002 йил 29 август.

формуласи, чизмалари ва бошқа материаллари) ўз ичига олиши зарур.

4. Яратилган илмий кашфиёт ва ихтиронинг моҳиятини тушуниш кийин бўлса унинг учун зарур бўладиган бошқа зарурий нарсалар, ихтиро рефератини ҳам ўз ичига олишлари мумкин.

Инновацион асосда илмий янгилик яратишда илмий кашфиёт ва ихтирони ҳаққоний эканлигини ҳамда унга патент бериш ҳақидаги талабномани амалга ошириш учун расмий экспертиза, яъни унинг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда илмий техник экспертизани ўз ичига олган давлат экспертизаси ўтказилади.

Расмий экспертиза патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой муддатда вазирлик томонидан ўтказилади.

Патент бериш ҳақидаги талабномаларни давлат экспертизаси ўтказиш жараёнида муаллиф томонидан талабномалар бўйича тузатишлар, аниқликлар ёки кўшимча материаллар патент божи тўланган тақдирда вазирлик қарор қабул қилингунга қадар тақдим этилишига руҳсат берилади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома материалларидағи маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан сир сакланиши зарур ҳамда улар ҳақидаги ахборотлар патент эгаси ёки талабнома берувчининг розилигисиз берилишига йўл қўйилмайди. Агар талабнома материалларидағи ахборотларидан маълумотлар расмий равишда эълон қилингунга қадар ошкор этилса, қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Расмий экспертиза томонидан натижалар бўйича вазирликнинг қарорига асосан талабнома берувчига маълум қилинади. Агар талабнома берувчи вазирлик чиқарган қарордан норози бўлса уч ойлик муддат ичida аппелиция кенгашига аппеляция бериш ҳукуқига эга.

Республикамизда илмий кашфиётлар ихтиrolар ҳамда лицензиялар давлат томонидан муҳофазага олинган ва улар ҳукукий жиҳатдан химоя қилинади.

## **Таянч иборалар**

**Илмий кашфиёт, ихтиро, гоя, лицензиялаш, техник ечим, ихтиrolар бозори, лицензиялаш бозори, хукуқ, тижорат сирлари.**

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

- 1. Илмий кашфиёт нима?**
- 2. Илмий кашфиётлар объектлари ва уларни аниқлаш усулларини шарҳлаб беринг?**
- 3. Ўзбекистон Республикасида илмий кашфиётларни муҳофазалаш қандай амалга оширилади?**
- 4. Ихтиро, илмий кашфиётлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қайси қонунларини биласиз?**
- 5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланишида илмий кашфиётларнинг роли нималардан иборат?**

## **15-мавзу: Инновацион иқтисодиётда менежмент стратегиялари**

**Режа:**

**15.1. Замонавий инновацион стратегияларнинг моҳияти ва турлари. Инновациялар менежменти концепцияси.**

**15.2. Илмий тадқиқот, ишланма ва технологияларни натижаларини тижоратлашуви стратегиясини ишлаб чиқишида мақсадли бозор таҳлили.**

**15.3. Юқори технологик маҳсулотларнинг маркетинг хусусиятлари. Бозорга киришнинг диффузия модели. Юқори технологик маҳсулотлар харидорининг хусусиятлари. Бозорни баҳолаш. Чегаравий нарх. Нархни белгилаш усули.**

**15.4. Интеллектуал мулк бозори параметрлари – инновациянинг тижорат потенциалини баҳолаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот сифатида.**

### **15.1. Замонавий инновацион стратегияларнинг моҳияти ва турлари. Инновациялар менежменти концепцияси**

Замонавий инновацион стратегиянинг моҳиятини очиб бериш учун энг аввало иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий асосини ва менежмент стратегиясини ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Машҳур австриялик иқтисодчи олим И.Шумпетер<sup>84</sup> инновацияларни тавсифловчи бешта ўзига хос ўзгаришларни келтиради:

- янги техника, янги технологик жараёнлар ёки ишлаб чиқаришнинг янгича бозор таъминотидан фойдаланиш;
- янги истеъмол хоссаларига эга бўлган маҳсулотларни хўжалик оборотига киритиш;
- пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган ишлаб чиқариш жараёнида янги турдаги хомашёдан фойдаланиш;
- корхонани бошқариш таркиби ва уни моддий-техник таъминлаш тизимини ташкил қилишдаги ўзгаришлар;

<sup>84</sup>Шумпетер Й. Теория экономического развития / Й.Шумпетер. -М.: Прогресс, 1982, стр.174.

- мазкур инновация пировард маҳсулотлари учун янги сотиш бозорларининг пайдо бўлиши.

Замонавий инновацион стратегияда инновацияларнинг кенг доираси корхоналар фаолиятига таъсири ва фойдаланишининг синергетик тавсифи, уларни таснифлашга қатъий ёндашувни талаб қилмоқда.

### 15.1.1-жадвал

#### Инновацияларнинг таснифланиши

№	Таснифлаш белгиси	Инновацияларни таснифий гурухлаш
1.	Натижаси инновациялар бўлган ФТТ босқичлари ва инновацияларни кўллаш соҳалари	Илмий, техник, технологик, ахборот, ташкилий бошқарув, ижтимоий
2.	Инновацияларни амалга ошириш суръатлари	Жадал, секинлашган, ўсиб борувчи, бир текис, сакрашсимон
3.	Инновацияларни кўлами	Трансконтинентал, транс-миллий, минтакавий, йирик, ўрта, майда
4.	Инновацияларнинг амалиётдаги натижавийлиги	Юқори, паст, барқарор
5.	Инновациялар самарадорлиги шаклига кўра	Иқтисодий, ижтимоий, экологик, интеграл

15.1.1-жадвалда келтирилган инновацияларнинг таснифига кўра уларни аниқ, тўла ва объектив баҳолаш ҳамда натижавийлигини аниқлаш корхоналар амалиётида бошқариш усулларини танлаш имконини беради.

Назарий жиҳатдан инновацияларнинг ҳар хил турларини амалиётга кўллаш соҳасидан келиб чиқиб, улар стратегияларини белгилаш ҳамда бир қатор муҳим вазифаларни ҳал этишда намоён бўлади. Бу эса куйидагиларни ўз ичига олади:

- ташкилий-бошқарув, инновацион стратегия – ишлаб чиқаришда транспорт, сотиш ва таъминот соҳаларини ташкил қилиш жараёнларида;
- техник стратегия – янги ёки такомиллашган хусусиятларга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришда намоён бўлади;
- ахборот стратегияси – илмий-техник ва инновацион фаолият соҳасидаги рационал ахборот оқимларини ташкил қилиш, ахборот олишнинг тезкорлиги ва ишонччилигини ошириш вазифаларини ҳал қилишданамоён бўлади;
- ижтимоий стратегия – меҳнат шароитларини яхшилашга, соғликни саклаш, таълим, маданият муаммоларини ҳал қилишда намоён бўлади.

Умуман олганда, замонавий инновацион менежмент концепциясини шакллантириш жараёни корхоналар даражасида (яратилган янгиликлар бўйича) учта асосий гурухга ажратилади:

- 1) янги намунадаги товарлар (маҳсулотлар) ишлаб чиқарилади ва бунда уларни истеъмол қилиш жараёнида сифат жиҳатидан мутлақо янги маҳсулотларни яратишни ташкил этади;
- 2) технологик янгиликлар – эски ёки янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишнинг тубдан янги усуллари ёки технологияларини ўз таркибида мужассамлаштиради;
- 3) бошқарув янгиликлари. Бунда бошқарув аппарати томонидан корхоналар фаолиятини такомиллаштириш жараёнида кўлланиладиган сифат жиҳатдан янгича ишлаш усуллари тушунилади.

Инновацион жараёнлар стратегиясида бошланғич материаллар ва маълумотлардан самарали фойдаланиш такомиллаштирилиши ҳисобига иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш имконияти яратилади. Бу эса, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг пасайишига ва сифатининг ошишига олиб келади.

Ю.В.Яковеснинг<sup>85</sup> фикрича, инновацион маҳсулотлар ҳар хил турларининг юқорида келтирилган таснифидан фойдаланиш ва

---

<sup>85</sup>Кузык Б.Н., Яковец Ю.В. Россия-2050: стратегия инновационного прорыва.-М.: Экономика, 2005, 624стр.

уларнинг амалиётдаги хусусиятларини билиш, мулқдорлар ва менежерларга қуйидаги имкониятларни беради:

- ҳар бир янгиликни аник идентификациялашни, бошқалари орасида унинг ўрни ҳамда имкониятлари ва чекланишларини аниклашни таъминлаш;
- аник турдаги янгилик ва инновацион стратегия ўртасида самарали ўзаро алокадорликка эришиш;
- янгиликларнинг тегишли ташкилий-иктисодий механизмини ишлаб чиқиш ва уни ташкилот стратегик вазифаларини амалга ошириш мақсадида янгилари билан алмаштириш;
- янгиликлар тизимининг барқарорлиги ва мувозанатига таъсирини камайтириш имкониятини берадиган тегишли компенсацион (“антиинфляцион тўсиқларни бартараф килиш”) механизмни ишлаб чиқиш.

**Замонавий инновацион стратегиялар** товар модификацияси, ассортиментни янгилаш, эҳтиёжларни қондиришнинг янги дараражаларига эришиш, сотиш ва хизмат кўрсатишнинг мукаммал усуллари ва коммуникациялар шаклидан фойдаланиш назарда тутилади. Буларнинг ҳаммаси товар ва хизматларнинг сифат кўрсаткичларини ошириш учун шароит яратади.

Янгиликни жорий этишда корхоналар бошқарув фаолиятида қуйидаги инновацион менежмент стратегиялари қўлланилади ҳамда бундай стратегияларни танлаш имкониятини яратади. Булар қуйидагилардан иборат:

- ҳужумкор стратегия (бозорни янги соҳаларига ва бозор истиқболларига йўналтириш ва уни бошқариш);
- ҳимояланиш стратегияси (рақиб фаолияти натижалари таҳлил қилингандан кейингина бозорга чиқиш ва шу асосда бошқаришни ташкил этиш);
- ҳазм қилувчи стратегия (янгиликларни бошқа компаниялардан харид қилиш);
- оралиқ стратегия (рақобатчилар ўртасидаги бозор ўрнини тўлдириш);
- бозорни яратиш (бозорни кенгайтирувчи янгиликларни жорий этиш);

• қароқчилик стратегияси (бунда янги маҳсулот, янги технологияларни бозорда кутилмаганды киритилиб, бозор фаолиятини камайтирувчи янгиликлар жорий этилади).

Коидага кўра, инновацион жараёнлар жорий этишни менежерларнинг қайси таркибий бўлинмаларидағи фаолиятидан қатъи назар ишлаб чиқариш, ташкилий-технологик, маркетинг ва бошқарув фаолиятининг турли томонларини камраб олади. Менежерлар фаолиятига – маркетинг бўйича мутахассислардан ташкири, инновацион жараёнларга боғлиқ оддий ходимлар, персонал ходимлари ҳам бевосита алоқадор ҳисобланади. Бундай вазиятда инновацияни жорий этиш жараёни вертикал равишда юкоридан пастга йўналтирилади.

Агар янгиликлар муваффакиятли жорий этилса, унда мазкур вертикалга истеъмолчилар ҳам қўшилади. Бу ҳолатда янгиликлар янада кенгроқ тарқалиш имкониятини қасб этади: янгиликларни муваффакиятли корхонага сотиш ҳажмини оширишга, мижозлар сонини орттиришга имкон беради ва бир вақтнинг ўзида рақобатчиларга ҳам мазкур муваффакиятни тақрорлаш истагини уйғотади.

Менежмент концепцияси бўйича янгича ёндашув – стратегик бозор сегментидан потенциал мижозлар билан яхшироқ ишлашга асосланишини талаб қиласди. Бозор тадқиқотлари ёрдамида бир хил истеъмолчилар гурухларини ажратиб, стратегик сегментларни аниклаган ҳолда, корхона сезиларли миқдорда маблағлар тежаб қолади ва шу асосда жараённи бошқаради, натижада кўпроқ унумдорликка эришади.

Юқорида таъкидланганидек, менежмент концепциясига кўра XXI асрнинг бошларидан бошлаб турли тармокларда бозор етакчиларининг кўпчилиги реклама, ПР<sup>86</sup>, тўғридан-тўғри сотувлар, ички фирма муносабатлари учун жавоб берадиган бўлимларни бирлашган коммуникация хизматларига бирлаштириши рўй беради. Интеграцияланган менежмент коммуникацияларидан фойдаланувчи компаниялар сони ўсади. Янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда ушбу маҳсулотни лабораторияда синаб

<sup>86</sup>PR – ташкилот ва жамоатчилик ўртасида ахборот оқимиини мақсадли бошқариш.

күришга эмас, балки бозорда текшириб күриш учун күпроқ уни бошқаришга эътибор қаратиш зарур бўлиб қолади.

**Инновациялар менежмент концепциясида** бозор конъюнктурасини ўрганиш, инновацион лойиҳани бизнес-стойхалаштириш ва бошқариш, яъни уни амалга оширишдан тортиб инновацияларни бозорда ҳаракатлантириш, яъни инновациялар диффузияси ва даромад олишгача бўлган бутун инновацион циклинг тизимли ташкил этиш интеграциясини ифодалайди.

Инновациялар менежменти объекти – интеллектуал мулк, янги материаллар ва таркибий қисмлар, янги маҳсулотлар ва янги жараёнлар, янги бозорлар, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда янги технологик усуслар менежментнинг янгича инновацияни яратувчи ташкилий шакллари ҳисобланади.

Инновациялар менежментда истеъмолчи эҳтиёжларини яхшироқ қондириш, замонавий бизнесда устуворликни “функционал” маҳсулотлардан «инновацион» маҳсулотларга ўтказишни ташкил этиш (бошқариш) ҳисобига бозорни эгаллаб олиш имкониятини беради:

- функционал маҳсулотлардан энг муҳимларини, зарурий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиласи ва аксарият холларда жойига қараб ўтирасдан харид қилинишини ташкил этади. (“Керак бўлиб қолди - кўриб қолди - харид қилди”);

- инновацион маҳсулотларни яратиш ёки ишлаб чиқариш техника ва модификациянинг сўнгги натижаларини ифодалайдиган талабнинг ўзгаришига мос ва ҳаётйлик даври эса анча қисқа бўлган истеъмолчи учун аҳамиятли бўлган янгиликларга асосланади. Бироқ янгилик даражаси турлича бўлиши ва улар бир неча поғонада кўриб чиқилиши мумкин. Корхона учун илгари ишлаб чиқарилмаган товарлар инновацион товарлар бўлади ва бундай товарлар истеъмолчи талаби асосида ишлаб чиқариш инновацион жараёнини ташкил этади.

Шундай қилиб, инновацион менежментда мақсадли бозорга ва инновацияларни потенциал истеъмолчиларига таъсир кўрсатишни ташкил этишга йўналтириш ва уларни мақсадли бошқариш, рақобат мухити ва истеъмолчилар истакларидағи ўзгаришларни

ўзида ифода этади ва шунга мос амалий чора-тадбирлар йигиндиси бўйича менежмент стратегиясини белгилайди.

## **15.2. Илмий тадқиқот, ишланма ва технологияларни натижаларини тижоратлашуви стратегиясини ишлаб чиқишида мақсадли бозор таҳлили**

Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларидан фойдаланиш оқибатида жамиятнинг турли соҳаларидаги иқтисодий, хукуқий ва ижтимоий муносабатлар таомиллаштирилади ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти жадал тараққий этиш имконияти яратилади. Дунё тажрибасига кўра кўпгина мамлакатларида устувор фундаментал тадқиқотлар асосан, грант асосида ажратиладиган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳамда қисман бюджетдан ташқари фонdlар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Мазмунан олганда, инновацион жараён илмий билимларнинг инновацияга айланishi жараёнини ўзида мужассамлаштириб, уни инновацион ғоялардан аниқ маҳсулот, технология ёки хизматларга қадар ўзгартириш ва амалда фойдаланиш (тарқалиш жараёни) кетма-кет занжири сифатида тасаввур қилиш мумкин. Фан-техника тараққиётидан фарқли равишда, инновацион жараёни жорий этиш, яъни бозорда янги маҳсулот, хизматнинг биринчи марта пайдо бўлиши ёки янги технологиянинг лойиха қийматигача етказилиши билан якунланмайди, балки истеъмолчилар талаблари асосида тижоратлашуvida ўз аксини топади. Бу борада илмий тадқиқот, ишланма ва технологиялари натижаларини тижоратлашуви Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаги 3855-сонли “Илмий, илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тартибга солинади.

Инновацион жараён – инновацияларни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш билан боғлик бўлиб, уларни яратувчилар (новаторлар) товарнинг ҳаётий цикли ва иқтисодий самарадорлик каби мезонлар билан бошқарилади. Инновацион фаолият стратегияси –иқтисодий ёки ижтимоий соҳада бетакрорлиги тан олинадиган янгиликларни

яраттан ҳолда рақобатчилардан илгарила бетишга қаратылғанлығы билан харктерланади.

Хар қандай инновацияни уни олиб борадиган инновацион жараённинг хусусиятларини ҳисобга олиб, ўрганиш лозимлигидан келиб чиқилса, илмий-техник янгилиги, ишлаб чиқаришга жорий этилиши даражаси ва тижорий амалга оширилиши каби хусусиятлари мұхым ахамиятта эга эканлыгини ҳисобга олади.

Инновацион жараённинг илмий-техник янгилигининг, тижорий жиҳати инновацияни бозор иштирокчиларининг реал әхтиёжлари орқали англанган иқтисодий зарурият сифатида таърифланади. Шу билан боғлик равищда инновацион жараён моддийлаштирилиши ва тижоратлаштирилиши ўртасида аниқ чегарани билиш (фарқлаш) зарур бўлади. Дарҳақиқат, инновацион жараённи биринчи (моддийлаштириш) таркибий қисми инновациялар, қашфиётлар ва ишланмаларни саноат маҳсулоти, меҳнат буюмлари ва воситаларига(янги техник жиҳатдан тақкомиллашган турларига) айлантириш жараёнидан иборат бўлади. Иккинчи таркибий қисмida эса уларни даромад манбаига айланишини ифодалайди. Демак, илмий-техник инновациялар нафакат янгиликларни, балки бозорда товар ишлаб чиқарувчиларга фойда келтириш имкониятларини ҳам кўрсатиб беради.

Инновацион жараён қуидаги компонентлардан ташкил топади:

1. Инновацион жараённинг биринчи компоненти – новациялар, яъни янги ғоялар, билимлар – бу тугалланган илмий (фундаментал ва амалий) тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишланмалар натижаси, бошқа илмий-техник натижалардир.

2. Инновацион жараённинг иккинчи компоненти – жорий қилинган илмий ишлар, уларни амалий фаолиятта киритиш, яъни янгиликлар (новация)ни жорий этиш инновация ҳисобланади.

3. Инновацион жараённинг учинчи компоненти – инновациялардиффузияси бўлиб, бунда олдин ўзлаштирилган, қўлланилган инновацияларниянги шароитларда ва жойларда қўллаш ҳисобланади.

Инновацияларни тижоратлаштириш– мақсадли бозор таҳлилида мұхым ахамиятта эга жараён ҳисобланади. Бунда бозор талаби ўрганилиб ёки маркетологлар атамаси билан айтганда “истеъмолчи-

ни таҳлил этиш”амалга оширилади. Инновацияларни тижоратлаштиришда инновацион маҳсулотларнинг бозорлардаги ҳолати чукур таҳлил этилади ва уларни сотувга чиқаришдаги имкониятлари ўрганилади.

Илмий тадқиқот, ишланма ва технология натижаларининг (инновацияларнинг) тижоратлашуви учта таркибий қисмга бўлинади.

I. Бозор сегментацияси.

II. Истеъмолчи талаби сабабларини ўрганиш.

III. Кондирилмаган эҳтиёжларни аниқлаш.

I. Бозор сегментациясида товарларнинг тури, сифати ва миқдорига кўра турли талаб кўядиган истеъмолчиларни гурухларга ажратиш, турли мезонлар қўллашга асосланади. Шунингдек, бунда бозор бир таркибли ҳодиса тарзида эмас, балки айрим-айрим сегментлар мажмуи тарзида, ҳар бир сегмент доирасида алоҳида ўзига хос бир талаб намоён бўладиган ҳодиса тарзида ёндашилади.

Харидорларнинг товарларни сотиб олишдаги хулқ-атворлари, талаби ва товарларга муносабатидаги хусусиятларига қараб, гурухларга ажратишни бозор сегментацияси дейилади. Бозорда харидор(истеъмолчи)ларнинг маълум бир товарга бўлган талаблари хилма-хил ва ҳар бир харидор ўз дидига эга бўлади.

Мақсадли бозорда сегментларга ажратиш мезонларини танлаш кўп жиҳатдан товар ёки хизматнинг турига, шунингдек корхона бозор фаолиятида ҳал қилмоқчи бўлган масаланинг моҳиятига боғлик. Саноат товарлари ва кенг истеъмол товарлари учун танлов мезонлари бир-биридан кескин фарқ қиласи. Мабодо муайян мезон харидорлар ўртасида пайдо бўлган фарқларни изоҳлаб беришга имкон бермаса, унда бошқа мезонни киритиш ва бу фарқларни равшан аниқлашга қадар тадқиқотларни давом эттириш лозим.

Сегментлашнинг асосий мақсади – бозордаги ҳатти-харакатларни ўрганиб, уларнинг моделини (образини) ва келажакдаги эҳтиёж талабларини қондириш даражасини тасаввур қилишдан иборат.

Инновацион иктисодиётда бозорни сегментлаш, бозорни ўрганишнинг асосий усули сифатида намоён бўлади. Бозорни тўғри сегментлаш, шу сегментнинг ўзига хос маҳсус эҳтиёжларига қатъий риоя қилинган ҳолда кам харажатлар билан товар етказиб беришни тўғри ташкил қилишдан иборатdir. Илмий тадқиқот, ишланма ва

технологиялар натижаларини тијорталашуви шароитида истеъмол товарлари бозорини сегментлашда икки турдаги мезонлар қабул қилинади.

Биринчисида, харидорларнинг даромади, ёши, жинси, турар манзилгоҳи, оиласининг ҳаёт цикли, касби, турмуш тарзи ва шунга ўхшаш умумий белгилар хисобга олинади.

Иккинчи тур мезонларда сегментлашни ижтимоий гуруҳ қадриятлари тизими ёки уларнинг маркетинг стратегияси, шунингдек, масалан, янги маҳсулот, янги сотиш тизими кабиларга кўрсатила-диган қизиқишилари асос қилиб олинади.

Амалиётда биринчи усул кўпроқкўлланилади, иккинчи усулни кўллаш кўшимча кийинчиликларни келтириб чиқаради, чунки бунда ижтимоий социология ва психология соҳаларида бевосита тадқиқотлар олиб бориш йўли билан маҳсус хисоб-китоб ишларини амалга ошириш талаб этилади.

Максадли бозорда харидорларнинг муносабатларини табақа-лаштирадиган асосий омил даромад ҳисобланади ва бу мамлакат миқёсида харидорларни(истеъмолчиларни) даромад бўйича сег-ментлашдан кенг фойдаланилади. Бу уч гурухга бўлинади.

Биринчи гуруҳ, энг юқори даромадга эга бўлган харидорлар. Амалда улар жами харидорларнинг 10 фоизини ташкил эта-ди. Улар энг олий навли товарларни харид этадилар, харид қуввати ҳамда ўз гурухи иззат нафси бунга имкон беради. Бундай гурухлар ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлиб, уларнинг даромад мидори шу мамлакатнинг умумий бойлигига боғлиқ бўлади.

Иккинчи гуруҳ – ҳар бир мамлакатдаги ўртача даромад эгаларидир. Уларнинг сони жуда кўп, гарчи бу гуруҳ ичida яна ўзига хос табақаланиш бўлса-да, умуман олганда, шу мамлакатда бозорнинг умумий стандартини белгилайдиган, ялпи товарларнинг асосий харидорлари хисобланади.

Учинчи гуруҳ – бир шахс хисобига энг кам даромад оладиган харидорлардан иборат. Улар аксарият ҳолларда ижтимоий таъми-нотнинг турли кўринишларидан фойдаланадилар, ўз даромадларининг 80 фоизига яқинини асосий эҳтиёжларни қондиришга сарф-лайдилар.

II. Илмий тадқиқот, ишланма ва технологиялар натижаларидан олинадиган инновацияларни тијоратлашувининг

мақсадли бозор таҳлилида истеъмолчи талаби сабабларини ўрганиш мухим ҳисобланади.

Бозорда истеъмолчи талаби сабабларини ўрганишда, энг аввало, харидор (истеъмолчи) ўзини қандай тутиши, яъни мақсадли бозордаги унинг товар, нарх ҳақидаги тасаввuri, молиявий имкониятлари, диidi, билим дараҷаси ҳисобга олинади. Бунда истеъмолчи нарх тўғрисидаги қарор қабул қилиши сотувчининг хулк-автори, товар-моддий бойликларнинг айланиш ҳолати, фойдали савдо чегирмалари, сотилган товар ассортименти самараси каби-парга боғлиқ бўлади.

Мақсадли бозорда харидорлар маълум бир товарни корхона фаолиятини ва бозорни чуқур таҳлил қилиб, савдодан келадиган нафни аниқ билгланиридан кейингина сотиб оладилар. Айниқса, истеъмол буюмлари харидорлари талаби жуда хилма-хил ва мураккаб бўлади. Шу сабабли уларни танлаш жараёни ҳам бир қатор муаммоларни юзага келтиради. Мақсадли бозорда маркетинг харидорлари сегментациясида бу каби масалалар истеъмолчи талабини қондиришдан келиб чиқиб ҳал этилади.

Истеъмолчинин гистеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжининг шаклланишида демографик кўрсаткичлар катта таъсир кўрсатади. Чунки харидорларнинг ёши ўзгариши билан товарларга муносабати ва эҳтиёжи ўзгаради. Республикаизда олиб борилаётган маркетинг фаолиятларида аҳоли асосан 5 гурухга бўлинади:

- мактаб ёшигача;
- мактаб ёшида;
- 18-30 ёшгача;
- 30-50 ёшгача;
- 50 ёш ва ундан катталар.

Бу бўлинини республикамиз аҳолисини илмий-психологик хусусиятларидан келиб чиқади. Истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжларни шаклланишида мамлакатдаги оиласаларни катта-кичиклиги мухим аҳамиятга эга бўлади. Бугунги кунда республикамиздаги аҳоли оиласаларининг сони бўйича қуйидаги гурухлар:

- 1-2 кишилик ;
- 3-4 кишилик;
- 5 киши ва ундан юқорироқ бўлган оила аъзолари асосида туркумланади.

Мақсадли бозор таҳлилини ўрганишда истеъмол талаби сабабини ўрганиш, харидорни товарни сотиб олишдаги ўзига хос ҳулқ-атвортадаги белгиларида ҳам намоён бўлади.

Бу борада, чукур тадқиқот олиб борган Филипп Котлер ўз илмий тадқиқотларида мазкур белгиларни кўрсатиб ўтади<sup>87</sup>. Улар куйидагилар:

1. Товарни сотиб олиш сабабига кўра: а) доимий; б) алоҳида.
2. Сотиб олишдан манфаатига кўра: а) сифати бўйича; б) хизмат кўрсатиш турлари бўйича; в) иқтисод қилиш мақсадига кўра.

Юқоридаги белгилар харидорни характерини тўла-тўкис очиб беришга, уни товарга бўлган муносабати ва сотиб олиш имкониятини аниқлашга ёрдам беради.

**III. Илмий тадқиқот, ишланма ва технологиялар натижаларининг тижоратлаштиришда мақсадли бозор таҳлилидаги учинчи таркибий қисми ҳисобланган харидорларнинг қондирилмаган эҳтиёжини аниқлашга ўзига хос ёндашувни талаб этади.**

Бунда, харидорни қондирилмаган эҳтиёжларини аниқлашда истеъмол товарлари ва ишлаб чиқариши товарларини сегментлаш амалга оширилади. Бу жараён куйидагиларга боғлиқ бўлади:

- биринчидан, мавжуд маҳсулотлар сифати ва рақобатбар дошлиқ даражасига;
- иккинчидан, бошқа харидорларнинг товарга бўлган муносабатида;
- учинчидан, таклиф этилаётган товарларнинг истеъмолчи эҳтиёжини қондириш барқарорлигига;
- тўртинчидан, мавжуд харидор эҳтиёжларини қондирувчи мутлақо янги ва сифатли маҳсулотни бозорга киритиш зарурлигига намоён бўлади.

Харидорларнинг қондирилмаган эҳтиёжларини аниқлашда куйидаги услублардан фойдаланилади:

1. Концентранг анслуб, яъни келгусидаги яхши сегментни ахтаришга асосланган ва унчалик қиммат бўлмаган, аммо айни пайтда катта вакт ва харажатларни талаб қиласидиган ҳамда ягона мақсад сари йўналтирилиши билан характеристланади.

<sup>87</sup>Котлер Ф. Основы маркетинга, Учебное пособие. -М.: Издательский дом "Вильямс", 2010, 647 стр.

2. Дисперсли услуб эса, бир вақтнинг ўзида бир неча бозор сегментида ишлазни кўзда тутади, аммо кейинчалик вақт ўтиши билан маълум даврдаги фаолият натижаларини баҳолаш йўли билан самаралироқ бозор сегментини танлаш имкониятига эга бўлинади.

### **15.3. Юқори технологик маҳсулотларнинг менежмент хусусиятлари. Бозорга киришнинг диффузия модели. Юқори технологик маҳсулотлар ҳаридорининг хусусиятлари. Бозорни баҳолаш. Чегаравий нарх. Нархни белгилаш усули**

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг янгича шароитида иқтисодий ривожланишнинг асосий белгиси ишлаб чиқаришнинг юқори технологик усулларидан фойдаланиш ва уларнинг жамият иқтисодий салоҳиятига таъсиридаги ўзгаришлари хисобланади. Бугунги кунда, рўй берадиган иқтисодий инновацион ўзгаришлар нафакат жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ўзгартиради, балки мамлакатдаги иқтисодий фаолликни таъминлади. Инновацион ривожланиш концепциясига кўра, техника ва технологиялардаги инновацияларнинг ҳар бир янги авлоди ўзининг ижтимоий ҳаётдаги таъсир доирасини кенгайтиради ҳамда юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда ўзгаришларга олиб келади.

Иқтисодиётнинг ривожланиш конунийларидан маълумки, ракобатнинг асосий вазифасига капитал ресурслар ва моддий бойликларга эгалик қилиш эмас, балки инновацияларни ишлаб чиқариш жараённига қанчалик даражада жорий қилишдир. Шу боисдан инновацион технология асосий етакчи кучга айланади ва бизнеснинг ривожланишини белгилаб беради. У кичик компаниялардан тортиб, халқаро бозорлардаги йирик компаниялар фаолиятида ҳам кагта аҳамиятга эга бўлади.

Юқори технологик маҳсулотларнинг менежмент хусусиятларининг муҳим характерли жиҳати сифатида йирик, ўрта ва кичик компанияларда иқтидорли персоналнинг жалб этилганлиги билан инновацион лойиҳаларни пайдо бўлишига олиб келади. Лойиҳа доимо муайян истеъмолчига йўналтирилади ва унинг истеъмолини қондириш юқори даромад олишга олиб келади. Бунда бошқарув меҳнатини тақсимлашнинг вертикал иерархик тузилиши ва иерар-

хик поғоналари йўқолиб бориб, янги инновацион босқичга ўтади. Юқори технологик маҳсулотларнинг менежменти ўзига хос ёндашувга эга бўлган инновацион матрицали бошқарув билан алманилади.

Бундай менежмент жараёнида давлатнинг иқтисодий сиёсати шундай ишлаб чиқаришни зарур килиб кўядики, бунда ишлаб чиқарувчилар ички бозорнинг кенгайиши биринчи навбатда юқори технологик маҳсулотлар яратилиши хисобига рўй беради ҳамда маҳсулотларнинг ҳәётийлик даврининг илк босқичлариданоқ харидорлар манфаатдор бўлади. Шунингдек, иқтисодиётнинг барча тармоқларида инновацион жараён юқори технологик маҳсулотлар яратиш билан боғлиқ омиллар ижобий таъсирига имкон берадиган тенденциялар шаклланади. Бу омиллар ички ишлаб чиқаришда маҳсулотларга талабнинг инновацион таркибий қисмларида ўз ифодасини топади.

Шу сабабдан, дунё иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ракобатбардошлигини таъминлаш учун инновацион менежмент жараёнида юқори технологик маҳсулотларнинг менежмент хусусиятлари биринчи навбатда ташки бозорга эмас, балки ички бозорга йўналтирилади. Бошқача қилиб айтганда, “инновациялар ҳаракати” ракобатли устуникларни амалга ошириш учун ички бозорда ҳәётийлик даври қисқа бўлган маҳсулотлар билан тўлдирилиши лозим.

Жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари юқори технологик маҳсулотлар бозорининг конъюнктурасида ҳам кескин ўзгаришларга олиб келди. Бугунги кунда, юқори технологик маҳсулотлар истеъмол қилиш интенсивлиги юқорилиги, юқори технологик маҳсулотлар савдосини бекарорлаштириб, асосий бозор сегментларида эркинлаштиришни кучайтиради.

Юқори технологияларга асосланган хомашё ресурсларини қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда. Уларнинг таъсири остида, сўнгти ўн йилликда, исталган хусусиятларга эга бўлган товарлар, шунингдек “аклли” материаллар деб аталадиган, материаллар

улуси ортди, улар атроф-муҳит ўзгаришларига жавобан ўз хусусиятларини ўзгартирумокдалар<sup>88</sup>.

Кейинги йилларда жаҳон товари структурасининг ўзгариши, Осиё давлатларининг, айниқса, Хитой ва Ҳиндистоннинг иқтисодий ўсиш динамикаси юқори технологик маҳсулотларга бўлган талабнинг глобал ошишига олиб келди<sup>89</sup>. Бундай талаб бугунги кунда дунёнинг жуда кўп мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам мавжуд.

Юқори технологик маҳсулотлар менежменти стратегиясининг яна бир муҳим жиҳати истеъмол товарлари маркетингидан асосанмаҳсулотнинг ўзи билан эмас, балки харидорнинг тавсифи ва ўзига хусусиятлари бўйича фарқ қиласди. Масалан, юқори технологик маҳсулотлар бозорларида худди алоҳида шахслар ваоилалар билан бир қаторда автомобиллар, юк машиналари, асбоб-ускуналар каби муҳим стратегик маҳсулотлар харид қиласдиган корхоналар ҳам иштирок этади. Айни пайтда, йирик ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари(озик-овқат, кимё ва нефтни қайта ишлаш биланшугулланувчи компаниялар ва бошқалар), шунингдек, маҳсулот сотиболиш ва уни саноат харидорлари ва институционал харидорларга қайтасотиш билан шугулланадиган дистрибуторлар ҳам юқори технологик маҳсулотлар харидорлари хисобланади.

Сўнгги йиллардаги жаҳондаги глобаллашув шароитида дунё иқтисодиётидаги турли ривожланган мамлакатларнинг илм сифимили технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юқори технологик тармоқларнинг ривожланиши ҳамда шу асосда юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Илм сифимили бозорларнинг асоси ўз ичига электроника ва хисоблаш саноати, дастурий таъминот, телекоммуникация, роботсозлик, газни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, ахборот хизматларини олади. Ҳозирги кунда наноэлектроника, ген инженерияси, мультимедиа интерфаол ахборот тизимлари, юқори ҳароратли ўта ўтказувчаник, космик техника, нозик кимё ва бошқалар-

<sup>88</sup> Williams L., Adams W. Nanotehnologee bez tajn [Nanotechnology Demistified]. Moscow, Eksmo Publ., 2010, 365 p. (In Russian)

<sup>89</sup> Trade and Development Report. UnCTAD. Geneva, 2013. Available at: [http://unctad.org/en/PublicationsLibrary/tdr2013\\_en.pdf](http://unctad.org/en/PublicationsLibrary/tdr2013_en.pdf) (accessed: 28.03.2015).

нинг саноат ўзлаштирилиши амалга оширилмоқда. Жаҳон технологиялар бозорининг узлуксиз кенгайиши ва технологиялар янгилашнинг юқори тезлиги жаҳон бозорида сотилаётган технологик маҳсулотлар қийматининг товарлар ва хизматлар бозорига нисбатан юқорилигини таъминлайди. Бу эса янги технологияларнинг юқори даромадлилiği ва ишлаб чиқариш жараёнини жадал ривожланишдаги ролини белгилаб беришга асосланади.

Жаҳон илм сиғимли тармоклар маҳсулоти бозорининг умумий ҳажми таҳминан йилига 2,5-3 трлн. долл. деб баҳоланади. Юқори технологик товарлар сирасига кирадиган маҳсулотлар қийматида ИТГКИ улуши 3,5 фойиздан кам бўлмаслиги керак. Агар бу кўрсаткич 3,5-8,5 фойизга teng бўлса, мазкур товарлар «юқори сифатли техника», 8,5 фойиздан юқори бўлса, бу “энг юқори сифатли техника” деб ҳисобланади.<sup>90</sup>

Энг юқори илм сиғимли салоҳиятга эга технологик новациялар, иқтисодий ривожланишдаги кўламли ўзгаришлар асосига айланади. Шу билан бирга, бундай ўзгаришлар янги авлод маҳсулотига қондирилмаган талаб таъсири остида жаҳон бозорининг тезкор тараққиётини таъминлайди.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида юқори технологик маҳсулотлар харидорлари уч гурухга бўлинади:

1. Саноат харидорлари.
2. Институционал харидорлар.
3. Ҳукумат харидорлари.

Шу билан бирга юқори технологик маҳсулотларга бўлган талаб истеъмол товарлари вахизматларга бўлган эҳтиёжга ҳам боғлиқ бўлади. Булар хомашё, деталлар вайигув узеллари харидорнинг якуний маҳсулоти таркибий қисмига айланади ва уларга бўлган талаб (эҳтиёж) тўғридан-тўғри юқори технологик маҳсулотларга бўлган талаб билан белгиланади.

Юқори технологик маҳсулотларга талаб “хосила”, “қўшимча” талаб эканлиги туфайли маркетологлар фақатгина харидорларнинг маҳсулотларга бўлган талабини рагбатлантирган ҳолда ўз маҳсулотларига бўлган талабини янада ошириш имкониятига эга бўлади.

<sup>90</sup> Аханов С.А., Нурланова Н.К., Альжанова Ф.Г. Конкурентоспособность национальной экономики: критерии оценки и пути повышения. - Алматы: Экономика, 2009, стр.34.

**Юқори технологик маҳсулотлар харидорининг хусусиятлари маркетингининг тўртта ўзига хос жиҳати билан характерланади.**

**1. Функционал ўзаро боғлиқлик.** Юқори технологик маҳсулотларни ажратиб турадиган бундай жиҳат бу – умумий корпоратив стратегия билан кенгроқ алоқа ва функционал ўзаро боғлиқлик даражасининг юқорироқ эканлигини билдиради. Ушбу жиҳат маркетинг концепциясини истеъмол маркетингидан кўра тўлароқ амалга оширишга имкон яратади.

**2. Маҳсулотнинг мураккаблиги.** Саноат компанияларида кўпгина тадқиқот ва ишланмаларнинг харажатлари юқорилиги риск ва техник новаторликнинг ҳам юқори бўлишини талаб қилади. Бу эса компанияларда бошқарув қарорлари қабул қилишда техник қадриятлар устунлик қилиши мумкинлигини келтириб чиқаради. Ушбу холда “маҳсулотни харидордан кўпроқ ёқтириб қолиш” реал риски мавжуд бўлиб, мижознинг эҳтиёжлари ўзгаришига мослашувчан жавоб қайтириш қобилияти йўқотилади. Бунда юқори технологик маҳсулотлар – сотувчи ва харидор ўртасидаги иқтисодий, техник ва шахсий ўзаро алокаларнинг мураккаб йиғиндиси сифатида намоён бўлади.

**3. Харидор ва сотувчининг ўзаро боғлиқлиги.** Харидор ва сотувчининг ўзаро боғлиқлиги юқори технологик маҳсулотлар маркетингининг – айниқса, маҳсулотлар сотиш соҳасида – ўзига хос тавсифномаси ҳисобланади. Харидор сезиларли даражада таъминотчига – хомашё, деталлар ёки йигув узеллари етказиб беришнинг кафолатланишига; капитал асбоб-ускуналарни таъмирлаш бўйича малакали хизматлар кўрсатиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун материал етказиб беришнинг узлуксизлигига; буюртмалар билан ишлаш самарадорлигига ва қоидага кўра, кредит муддатини узайтириш имкониятига боғлиқ бўлади. Юқори технологик маҳсулотлар маркетингида музокаралар олиб бориш жараёни кўпинча харидор ва сотувчи ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи муҳим восита ролини ўйнайди.

**4. Харид жараёнининг мураккаблиги.** Харид ҳақида қарор қабул қилиш жараёни мураккаблиги расмий ташкилот таъсири, қатнашчилар сонининг кўплигини зътиборгаолиш лозим бўлган техник ва иқтисодий омиллар, фирма фаолият кўрсатадиган ташқи муҳит омиллари ва битимга жалб қилинган пулмикдорининг

мухимлиги каби омиллар натижаси ҳисобланади. Бунда мураккаблик, компаниянинг маркетинг стратегиясини харидорлар хулқ-автори билан бирга мувофиқлаштириш жараёни истеъмол товарлари ва хизматлари маркетингига қараганда анча қийин ва мураккаб эканлиги билан изохланади.

Юқори технологик маҳсулотларни бозорга киритиш мураккаб жараён ва ўзига хос ёндашувга асосланади. Хорижий тажрибага кўра маҳсулотлар мамлакатларда бозорга киришнинг диффузияси соҳасидаги таҳлили шуни кўрсатадики, инновацион маҳсулотнинг бозорга кириб боришида (инновациялар диффузияси) икки хил ёндашув мавжуд:

**I. Инновациялар диффузияси классик назарияси ёки бозорга киришнинг диффузия модели.**

II. Джейфри Мур<sup>91</sup>нинг “жарлик” назарияси.

I. Инновациялар диффузияси назариясига кўра бозорга киришнинг диффузия моделига асосан янги маҳсулотни бозорга қабул қилиш жараёни янги маҳсулот сотилишини бошқарадиган ҳамдаистеъмолчилар ўртасидаги узок муддатли ва узлуксиз коммуникациялар жараёни сифатида кўриб чиқилади. Бозорга киришнинг диффузия модели икки хил назарияга асосланади:

1. Э.Роджерс<sup>92</sup>нинг диффузия назарияси.

2. Френк Басс<sup>93</sup>нинг диффузия назарияси.

Э.Роджерс томонидан илгари сурилган диффузия назариясида истеъмолчилар беш хил тоифага ажратиб кўрсатилади. Бунда энг муҳими Э.Роджерс ҳар бир истеъмолчи сегментини алоҳида номлайди ва тоифалар ўртасидаги салмоғи бўйича қуидагича тақсимлайди:

1. 2,5 фоиз – новаторлар (янгилик яратувчилар);

2. 13,5 фоиз – илк издошлар (янгиликка интилевчи юқори авторитетли инсонлар);

3. 34 фоиз – илк кўпчилик (янгилик ва янги технологияларни биринчи бўлиб қабул қилишни истамайдиганлар, аммо иқтисодий самара нуқтаи назаридан уни қабул қиласиганлар);

<sup>91</sup> Джейфри Мур, «Преодоление пропасти. Как вывести технологический продукт на массовый рынок», пер. с англ. К. Головинского. М. : Мани, Иваев и Фербер, 2013, 336 стр.

<sup>92</sup> Роджерс Е. М. Диффузия инноваций, 4-е издание., Нью-Йорк, 2010, 518 стр.

<sup>93</sup> Басс Ф. М. Новая модель роста продукта для потребительских товаров длительного пользования // Наука управления. 1969. Том. 15, № 5, стр. 215-227.

4.34 фоиз— кечки күпчилик (янгиликка ишончсизлик билдира-диганлар, бу соҳадаги бирон-бир муҳим қарорни қабул қилишида фаол бўлмаган, аммо улар муҳимлик нуқтаи назаридан кечикиб бўлсада қўшиладиганлар);

5.16 фоиз— консерваторлар (эскилик традицияси тарафдорлари, янгиликни қабул қилишга қаршилик кўрсатувчилар).

Шунингдек, ушбу тақсимотда ҳар бир муайян маҳсулот тоифаси учун бу қийматлардан у ёки бу томонга сезиларли фарқ қилиши мумкинлиги илмий асосланган.

Френк Басс томонидан илгари сурилган бозорга киришнинг диффузия назариясига кўра (Басс моделида) инновацион маҳсулотнинг бозорга кириш жараёнида истеъмолчилар сонини ўсиши икки хил самара билан белгиланади, яъни:

1. Реклама самараси (инновацияни реклама қилиш натижасида).
2. Шахсларо коммуникация самараси.

Шу билан бирга Ф.Басс моделида Э.Роджерс моделидан фарқли равишда истеъмолчилар икки тоифага бўлинади:

1. Илк марта янги маҳсулотни синаб кўрадиганлар, аммо маҳсулот тўғрисидаги маълумотни реклама манбааларидан оладиганлар.

2. Янги маҳсулот тўғрисидаги маълумотларни бевосита биринчи манбаалардан биладиганлар ва шу асосда иш юритадиганлар (бу ҳолатда реклама ахамияти анча пасайтирилган бўлади).

Буларнинг барчаси бозорга киришнинг диффузия моделида ўзига хос ёндашувлар мавжудлигини белгилаб беради.

II. Джеффри Мурнинг “жарлик” назариясида ilk бозор (новаторлар ва ilk издошлар) ва асосий бозор (ilk кўпчилик, кечки кўпчилик ва консерваторлар) уларнинг эҳтиёжлари ва хоҳиш-истаклари бир- биридан фарқ қиласидан ва улар ўртасида ҳеч қандай коммуникация бўлмаган харидорлар билан тавсифланиши назарда тутилади. Шу сабабдан ( фирманинг ) ilk бозордаги маркетинг усули албатта ҳукмронлик қилинадиган бозорда кўлланаётган маркетинг харакатларидан фарқ қилиши зарур. Агарда (фирма) ўзининг маркетинг стратегиясида жиддий ўзгаришларни амалга оширмаса, янги маҳсулот сотишнинг сезиларли қисқариши эҳтимоли юқори бўлади.

Джеффри Мурнинг назариясига асосан асосий бозорга чиқиш режасига кўра қўйидаги алоҳида дастурлар ишлаб чиқишни таклиф этади:

- инновацион маҳсулотнинг ягона идентификацияланган иқтисодий харидорини танлаш (бозорни сегментлаш);
- инновацион маҳсулот харид қилишнинг иқтисодий оқибатлари ёки хал қилувчи харид омилини аниклаш;
- мақсадли харидорга тутгалланган ечим таклиф этиш (тўлдирилган товар);
- товар учун тўлдирувчи яратиш мақсадида хамкор ва иттифоқчилар жалб қилиш;
- инновацион товар учун дистрибуция ишлаб чиқиш;
- инновацион маҳсулот учун нарх шакллантириш стратегиясини танлаш;
- рақобатни баҳолаш;
- жойлаштиришни амалга ошириш;
- кейинги мақсадли харидорларни аниклаш ва бошқалардан иборат.

Умуман, асосий бозорга инновацион маҳсулот билан чиқиша маркетологлар тўғри коммуникацион канал танлаши лозим. Инновация ҳақида ахборот узатиш учун тўғри келадиган иккита канал мавжуд. Биринчи канал бу – ишбилармонлик матбуоти. Ишбилармонлик матбуотининг коммуникация воситаси сифатида муҳим устуњлиги унга нисбатан деярли барча ишбилармонлик вазијатларида ахборот узатиш даражасининг юқорилигидан иборат. Ишбилармонлик матбуотига қўшимча равишда ахборот тарқатиш учун иккинчи коммуникация канали - «вертикал медиа», яъни тармоқ ёки ихтисослашган оммавий ахборот воситалари томонидан турли хилдаги форумлар – тармоқ кўргазмалари, анжуман ва конференциялар бўйича ахборотларни узатишга хизмат қиласи.

Инновацион иқтисодиётда юқори технологик маҳсулотлар харидорларининг хусусиятларини шакллантиришда инновацион маҳсулотлар нархини белгилаш муҳим ҳисобланади.

Инновацион маҳсулотлар нархини шакллантиришда иккита асосий тизими характерлидир:

1. Талаб ва таклиф ўзаро муносабатлари асосида фаолият кўрсатадиган бозор нархи.

## 2. Давлат томонидан марказлашган нарх.

Бунда харажатлар бўйича инновацион маҳсулотлар нархини шакллантириш доирасида ишлаб чиқариш харажатлари ва муомала харажатлари нархни шакллантиришга асос қилиб олинади. Инновацион маҳсулотлар нархини шакллантириш тизимини шартли равишда олтига босқичга ажратиш мумкин:

1. Нарх сиёсати мақсадларини белгилаш.
2. Фирма товарларига талабни аниқлаш.
3. Харажатларни баҳолаш.
4. Рақобатчиларнинг товарлари ва нархларини таҳлил қилиш.
5. Якуний нарх ҳажмини белгилаш.
6. Нархларни давлат томонидан тартибга солиш чораларини хисобга олиш.

Нарх шакллантириш тизимини биринчи босқичида – нарх сиёсати мақсадларини аниқлаш, яъни фирмалар (корхона ва ташкилотлар) “ўз товарларининг нарх сиёсати ёрдамида нималарга эришиш мақсадга мувофиқ?” деган саволга жавоб беришда намоён бўлади. Нарх сиёсати мақсадини аниқлашда инновацион маҳсулотлар бозорларда самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, фойдани максималлаштириш, товар айланмасини максимал даражада кенгайтириш, сотувни оптимал ошириш, қиммат нарх белгилаш эвазига “бозор қаймоғини олиш” кабилар алоҳида ажралиб туради.

Иккинчи босқич – товарларга бўлган талабни аниқлашга асосланган бўлиб, бунда бозор сифимини эмас, балки турли нарх даражасида қанча инновацион товар сотиш мумкинлиги ифодаланади. Бу ерда энг асосийси ушбу товарларнинг турли нархлар даражаси талабга қандай жавоб қайтарилиши билан белгиланади. Талаб миқдори қанчалик кўп ва харакатчан бўлса, товар сотувчиси шунчалик қимматроқ нарх белгилаши мумкин.

Нарх шакллантириш жараёнининг учинчи босқичи – харажатларни баҳолаш билан боғлиқ бўлиб, бунда инновацион маҳсулотларни яратишдаги харажатларни пасайтириш йўлларини излаб топиш ниҳоятда мухимдир. Мальумки, инновацион маҳсулотларни яратишда харажатларни икки турга – доимий ва ўзгарувчан харажатларга ажратиш қабул қилинган. Доимий харажатлар – бу уларнинг ҳажми товар айланмасидан олинадиган

тушум ва ишлаб чиқариш ҳажми одатий тебранишларига боғлиқ бўлмаган харажатлардир. Ўзгарувчан харажатлар эса бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлади. Бу, асосан, хомашё харажатлари ва иш ҳаки харажатларидир. Доимий харажатлар ва ўзгарувчан харажатлар йифиндиси умумий харажатлар бўлиб, нархнинг қути чегарасини ҳосил қиласди.

Рақобатчиларнинг товарлари ва нархларини таҳлил қилиш босқичи нархни шакллантиришда энг мураккаб жараён ҳисобланиб, булар муайян битимлар бўйича нархлар тўғрисидаги ахборотни олишда жуда кўп қийинчиликларни юзага келтиради (бундай ахборотлар кўпинча ишлаб чиқарувчининг тижорат сири эканлиги сабабли). Бу босқичда рақобатчиларнинг товарлари ва нархларини ўрганишда улар учун товарларни харид қилиш фарқи бўлмайдиган нархини, яъни бепарвоник нархини топиш мухим ҳисобланади. Бу нархни аниқлаш, нима эвазига бундай «бепарвоник»ни бартараф қилиш ва айнан сизнинг фирмангиздан товарларни харид қилишларига эришишга ёрдам беришни аниқлашга имкон беради.

Якуний (чегаравий) нарх ҳажмини белгилаш босқичи харидорлар билан муайян музокаралар давомида амалга оширилади. Ушбу босқичда иккита асосий вазифани ҳал этиши: дастлаб харидорлар учун ўзининг чегирмалар тизими яратиш ҳамда чиқарилаётган товарнинг ҳётийлик даври босқичлари ва инфляция жараёнларини ҳисобга олган ҳолда келажақда нархларга тузатиш киритиш механизмини аниқлаб олиш, сўнгра эса шу асосда нархни шакллантириш усулидан фойдаланиб, муайян бошқа нарх белгилаб олишдан иборатдир. Бу ерда психологик таъсири, шунингдек турли маркетинг элементлари таъсири, айниқса, нарх сиёсатининг таянч мақсадларига амал қилиш, белгиланадиган нархга эҳтимолий реакциясини таҳлил қилиш каби бир қатор жиҳатларни ҳисобга олиш керак. Истеъмолчи учунинновацион маҳсулот ўзига хос, ноёб ва нуфузлироқ бўлиб кўринса, уни қимматроқ нархда сотиб олишни афзал кўради.

Нарх шакллантиришнинг сўнгги босқичи – нархларни давлат томонидан тартибга солиш чораларини ҳисобга олишдир. Дунёning кўпчилик мамлакатларида нархлар ва уларнинг динамикасини давлат томонидан лимитлаш ёки тартибга солишнинг турли чоралари кўлланиб келган ва кўлланилмоқда. Фирма (корхона ва

ташкилотлар) учун нарх шакллантириш бўйича давлат томонидан амалга оширилган чоралар улар фаолиятига (ижобий ёки салбий) таъсир кўрсатиб, нархни шакллантириш имконини беради.

Инновацион маҳсулотга нарх шакллантиришнинг асосий усуслари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- "бозорда қаймогини олиш" усули;
- бозорга кириб бориш усули;
- истеъмол қийматини баҳолаш усули;
- мақсадли даромад меъёри олиш усули;
- харажатларни тез қайтариш усули.

Инновацион товарларга нарх шакллантиришнинг шу ва бошқа усусларини шартли равишда икки гурухга ажратиш мумкин:

- харажатли ёндашув усули (нарх маҳсулот танинг ва рентабеллик нормативларига қараб белгиланади) гурухи;
- янгилик киритишнинг умумий фойдалилигидан келиб чиқадиган усувлар гурухи.

Шунингдек, нарх белгилашда асосий истеъмолчилар гурухининг инновацион маҳсулотга реакциясини ҳам ҳисобга олиш зарур. У ишлаб чиқарувчининг нуфузи ва истеъмолчининг умидларига бевосита боғлиқдир. Истеъмолчи нархи қимматроқ бўлесада, ўзини яхши томонидан кўрсатишга ултурган намунашаги маҳсулотни харид қилишни афзал кўриш эҳтимоли юқори бўлади. Бироқ бунда хаттоқи ишлаб чиқарувчининг нуфузи юқори бўлган тақдирда ҳамсифатли, инновацион маҳсулот(товар) хариди амалга ошади.

Инновацион маҳсулотта якуний нарх белгилаш масаласини ҳал қилишга киришишда энг муҳими, унинг ҳажмини аниқлаш бозордаги вазиятни ва корхонанинг умумий стратегиясини ҳисобга олмасдан туриб амалга оширилиши мумкин эмаслиги ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, якуний нарх ҳажми маркетинг бўлими, сотув бўлими, иқтисодиёт бўлими ва молия бўлими раҳбарлари томонидан белгиланиши лозим. Инновацион маҳсулот нархини белгилашда ҳисобга олинадиган асосий омил рақобатчилар нархларини ўрганиш ҳамда реал ва потенциал рақобатчилар доимо ишлаб чиқаришдан олинадиган фойда ва нархлар структурасини баҳолабборишдан иборатдир. Бунда, реал рақобатчилар худди шундай ёки бундан яхшироқ маҳсулот таклиф

қилганды, потенциал рақобатчилар эса фойда юқори бўладиган бўлсагина бозорга киришга интилади.

Янги товар ёки хизматларга нарх белгилашда асосийси шундаки, нарх (товар ёки хизматларнинг ўзи каби) осон тушунилиши, мижоз томонидан нарх товар ёки хизматнинг «асл» қийматини акс этишини кўриши лозим. Бу эса мижознинг компанияга бўлган ишончини оширади ва тақорий харидларга олиб келади ҳамда мижозлар ишончини мотивациялади.

#### **15.4. Интеллектуал мулк бозори параметрлари – инновациянинг тижорат потенциалини баҳолаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот сифатида**

Хозирги кунда жаҳонда яратилаётган технологияларнинг умумий қиймати жами ижтимоий ялпи маҳсулот ҳажмининг 60 фойзни ташкил этиб, сотиш жараёни салмоғида ҳам йирик микдорини ифодалайди. Йирик компаниялар (корхона ва фирмалар) янги технологияларни сотиб олар экан, нисбатан қиска муддатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг жаҳон сифат даражаси ва юқори рақобатбардошлигига эришиш имкониятини яратиб, янги сотиш бозорларига эга бўлади ҳамда экспорт ҳажмини кўпайтиришга эришади.

Шундай экан, интеллектуал мулк бозори – бу ихтиро шаклидаги билим ва тажриба, саноат нусхалари, товар белгилари, фойдали моделлар, технологиялар билан айрибошлишни патент, лицензия, франчайзинг шаклларда амалга ошириш муносабатларидир.

Бугун айнан билимлар, интеллектуал мулк ишлаб чиқариш ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ўсишининг асосий манбаси хисобланади. Статистик маълумотларга кўра, АҚШнинг илмий тадқиқот ишларига ички харажатлари йилига 243,6 млрд. долларни, ёки ЯИМнинг 2,6 фойздан ортигини ташкил этади. Японияда бу харажатлар 94,7 млрд. долларни, ёки ЯИМнинг 3 фойздан ортигини, Германияда мос равишда 47,6 млрд. долларни, ёки таҳминан 2,5 фойзни, Буюк Британияда – 25,4 млрд. долларни ёки 1,9 фойзни ташкил қиласди.

Ҳозирги кунда халқаро интеллектуал мулк бозори умумжаҳон бозорининг ўзига хос ривожланиш хусусиятларига ва тенденцияларига эга бўлган мустакил секторига айланган. Бу қуидагиларда ўз ифодасини топади: биринчидан, интеллектуал маҳсулотлар ва хизматлар халқаро бозорларда тобора кўпроқ аҳамиятли ўринларни эгаллашида. Иккинчидан, мутахассислар баҳоларига кўра жаҳон интеллектуал маҳсулотлар ва хизматлар бозори ҳозирги кунда анъанавий товарлар бозорига нисбатан 5 марта тезроқ ўсиш тенденциясига эга эканлигидир. Бундан ташқари яна бир замонавий хусусияти, маҳсулотлар ва хизматларнинг илм сифимлилигининг ўзи ҳам тез суръатларда ўсиб бораётганлиги билан ифодаланади. Илмий-техника тараққиёти космик тадқиқотлар, мудофаа каби соҳалардан ташқари, истеъмол товарларида (автомобиллар, аудио-, видео ва маишӣ техника, электроника ва бошқалар) ҳам тобора кўпроқ илмсигимлилиги ошиб бормоқда.

Халқаро амалиётда илмий-техник фаолият ҳуқуқлари ва натижаларини сотишнинг (узатишнинг) кўргина шакллари мавжуд бўлиб, уларни икки гурухга ажратиш мумкин: лицензия шартномасига асосланган ношартномавий ва шартномавий.

Биринчи турга корпоратив шакллар киради, улар ўз ичига компанияни харид қилиш ёки сотиш, кўшма корхонани тушиб, очиқ акциялар сотувида ушбу жараённи ҳисобга олади. Бундай шакллар учун технологиялар мажмусига ва мос равишда уларга эгалик ҳуқуқининг муайян тўпламига эга бўлиш характерлидир.

Шартномавий усулда эса ихтиродан, саноат намунасидан, савдо белгисидан ёки ноу-хаудан фойдаланиш истагига эга бўлганлар патент эгасидан маълум ҳақ эвазига лицензия олишлари зарур ҳисобланади.

Маълумки, ракобат курашида иқтисодий ўсиш ва муваффақиятнинг бош манбаси бўлиб, интеллектуал мулк обьектлари ва уларга асосланган инновациялар хизмат қиласи. Бу эса ўз навбатида, тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини ҳимоялаш ва кейинги илмий-техник тараққиётни рағбатлантириш интеллектуал мулк тизимиning ролини оширади. Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон лицензиялар бозорига кириши, бу жараёндаги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда янгиликларни жорий этиши илмсигимли маҳсулотларни ишлаб чиқариб, уни экспорт қилишда муваффақият-

ларга эришишнинг мухим гаровидир. Жаҳон технологиялар бозорида етакчи мавқеларни эгаллаб турган юқори ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб, Ўзбекистон мавжуд интеллектуал салоҳиятга ва илмий-техник ресурсларга асосланган ҳолда интеллектуал мулк бозори бўйича ўз тараққиёт стратегиясини танлаб олиши керак.

Интеллектуал мулк фаолият натижалари иккита йирик йўналишга бўлинади:

- саноат интеллектуал мулки – бунга патентлар, саноат дизайнни, савдо маркалари ва белгилари, тижорат сирлари киради;
- ижтимоий интеллектуал мулки – фан ва адабиёт, санъат асарларига муаллифлик ҳуқуки ва бошқа шу кабилардан иборат.

Интеллектуал мулки бозори охирги йилларда номоддий активлар бозорининг айнан шу соҳасида харидоргир бўлиб, жаҳон бозорининг бошқа секторларига нисбатан энг юқори қўшимча ўсиш суръатларини намоён этмоқда.

Ўзбекистонда ушбу бозорларнинг номоддий активларини капиталга айлантириш учун муайян шарт-шароитлар мавжуд. Шу сабабли, республикамизда аҳолининг (энг аввало ишбилармонлик доираларининг) юқори ҳуқуқий маданиятини, ижодкорлик ва яратувчанлик фаоллигини рағбатлантиришга имкон берувчи илмий-техник фаолиятни мотивациялашни молиявий механизмини кучайтириш зарур.

Интеллектуал мулк бозорининг шаклланишида илмий тадқиқот ва ишланмаларни инновацион салоҳияти ва инновацион фаоллиги, инновацион тижорат потенциалини баҳолашда мухим ҳисобланади. Бундай инновацион фаоллик республика ва унинг худудларини тезкор ривожланишини таъминлайди. Таъкидлаш жоизки, худудлар иқтисодиётининг инновацион ривожланиш йўлига ўтишини интеграл баҳолаш учун ушбу худудларда амалий ИТКИ босқичида бўлган, саноатда қўллаш ва ўзлаштириш башпорат қилинаётган илмий тадқиқот ва ишланмалар маълумотларини экспертиза қилиш асосида инновацион тижорат потенциалини баҳолаш зарур бўлади. Бунда экспертиза мақсади – инновацион лойиҳалар маълумотларини инновацион турдаги иқтисодиётга ўтиш салоҳиятини шакллантириш учун инновацион тижорат имкониятларини аниқлашдир. Бундай инновацион тижорат фаолия-

тини баҳолаш бўйича экспертиза технологияси қўйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

- ишлаб чиқилган ИТТКИ ва инновацион лойихаларнинг иқтисодий баҳоларини тавсифлайдиган кўрсаткичлар ишончлилигини бўйича ҳисоб-китобларини амалга ошириш;

- Инновацион тижорат фаолияти учун ҳисоблаб чиқилган самардорлик кўрсаткичларини аниқлаш, яъни:

- а) соф диконтланган даромад (СДД);
- б) дисконтланган даромадлилик индекси (ДДИ);
- в) ўзини қоплаш муддати;
- г) ички даромадлилик меъёри (ИДМ) сифатини баҳолаш.

Умуман, инновацион тижорат фаолиятини баҳолаш қўйидагиларга, жумладан, кадрлар салоҳиятига берилаётган ахборотининг ҳаққонийлиги ва ишончлилигига, етарли моддий-техника ресурсларининг мавжудлигига ҳамда тўғри бошқарув қарорларини қабул қиласидиган ташкилий бошқарув тузилмасининг фаолият даражасига бевосита боғлиқ бўлади.

## Таянч иборалар

Менежмент, концепция, стратегия, инновацион стратегия, илмий тадқиқот, ишланма, технология, тижорат, маҳсулот, диффузия модели, баҳо, нарх, интеллектуал мулк, потенциал, бошқарув қарорлари, ахборот.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Инновацион стратегияларнинг моҳиятини ёритинг.
2. Замонавий инновацион стратегияларнинг турларини санаб беринг.
3. Инновацион менежмент концепциясини шарҳлаб беринг.
4. Илмий тадқиқот ва ишланмалар натижаларининг тижоратлашуви қандай тавсифланади?
5. Янги маҳсулот ва технологияларнинг бозорга кириш стратегиясини ёритинг.

## **16-мавзу: Инновацион маркетинг фаолиятни тақомиллаштыриш**

### **Режа**

**16.1. Инновацион маркетинг моҳияти ва инновацион фаолиятни ташкил этиш жараёнлари.**

**16.2. Инновацион маркетинг турлари, таъсир этувчи омиллар ва инновацион маркетинг фаолияти самарадорлиги.**

**16.3. Инновацион бозорда рақобатчилар таъсирини камайтириш ва рақобатни бартараф этиш имкониятлари.**

#### **16.1. Инновацион маркетинг моҳияти ва инновацион фаолиятни ташкил этиш жараёнлари**

Ҳозирги замон маркетинг тўғрисидаги адабиётларда маркетингнинг моҳияти ва унинг муҳим хусусиятлари тўғрисида соҳа олимлари ва мутахассислар томонидан жуда кўплаб таърифлар берилган. Аммо, уларни умумлаштирган ҳолда мазкур соҳанинг машҳур маркетологи Ф.Котлернинг “Маркетинг асослари” номли асарида берган таърифини асос қилиб олиниши тўғри бўлади.

“Маркетинг – малакали бозор қатнашчиларининг асосий тартиб-интизомларидан биридир. Улар бозорни қандай қилиб тасвиrlаш, қандай қилиб уни сегментларга бўлиш, мақсадли бозор доирасида истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари ва талабларини баҳолаш, бозорда керакли бўлган истеъмол хусусиятлари бўлган товарни яратиш ва синашни, нарх воситасида товарнинг қимматлилиги ғоясини истеъмолчиларга етказишни, товар ҳаммага куляй бўлиши ва яхши танилиши учун тажрибали воситачиларни танлашни, истеъмолчилар товарни ташишлари ва уни олиш иштиёқида бўлишлари учун товарни реклама қилиш ва силжитишини билиши керак. Бозорнинг малакали қатнашчиси, албатта, кенг билимга кўниkmaga эга бўлиши керак”<sup>94</sup>.

<sup>94</sup> Котлер Ф. Основы маркетинга, Учебное пособие. -М.: Издательский дом “Вильямс”, 2015, стр. 809.

Демак, маркетинг – жуда серқирра жараёндир. Бу бозор муносабатлари субъектларининг, шунингдек, таъминотчилар амалий иқтисодчилар, олимлар, бутун ташкилотлар, ҳатто ҳукумат идораларининг бозор фалсафаси, фикрлаш стратегияси ва тактикаси, фаолиятидир. Бошқа томондан, маркетинг харакатчан, ўзининг кўлланилиши, фаолият кўрсатиш вақти, атрофидаги бозор муҳитининг параметрлари ва албатта, мақсадли истеъмолчилар гурухларига боғлик ҳолда ўзгаради. Маркетинг кўрсатмалар тўплами, фаоллик кўнікмаларининг дастури эмаслиги аён. У фақатгина комплекслик ва тизимлилик шартлари билангина маҳсулдор бўлиши мумкин. Маркетингнинг моҳияти шундан иборатки, у нафақат ишлаб чиқаришни таомиллаштиришнинг энг муҳим йўналиши, балки мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён ҳамдир.

Шундай қилиб, маркетинг харидорга у хоҳлайдиган нарсани таъминлаб, бунда оқилона нархни белгилаб ва замонавий янги товарларни унга қулай бўлган жойда ҳамда керакли микдорда харид қилиш имкониятини бериш орқали муваффақиятга эришиш мумкинлигига ҳаммани ишонтиришдан иборат.

Шунинг учун маркетинг эҳтиёжларини аниқлаш, шунга мувофиқ маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш ҳамда корхонанинг мақсадларига эришишни таъминлаш усусларидан самарали фойдаланишдан иборатлилиги билан белгиланади.

Маркетинг предметини тушуниш бўйича икки хил “кенгайтирувчи” ва “чекловчи” ёндашуви мавжуд. Кенгайтирувчи нуқтаи назарига кўра маркетинг предметига ижтимоий-иқтисодий ва технологик жараёнларнинг макроиқтисодий муаммоларидан бошлаб тор молиявий доирадаги муаммоларгача қарийб ҳамма жиҳатлар киритилади. Чекловчи ёндашувда эса фақатгина айрим, энг муҳим жиҳатлари, муаммолари хисобга олинади холос.

Шундай экан инновацион маркетинг – фирма маҳсулотининг максимал сотилиши, экспорт маҳсулотларининг максимал самарадорлигига эришиш ва бозор улушини кенгайтиришга йўналтирилган фирма фаолиятини бошқариш ва ташкил қилиш тизимидир ёки инновацион маркетинг – бу сотишни янги тизимини яратиш ва истеъмолчиларни сотувга товарлар ва хизматларни уларнинг талаб-

ларига мос ҳолда чиқариш орқали юқори даражада қондириш мақсадида ўтказиладиган чора-тадбирлар йиғиндисидир.

Инновацион маркетинг товар ишлаб чиқарувчилар а бозорга мўлжалланган хатти-харакатларнинг аниқ истиқболини бериб, уларнинг ушбу хатти-харакатларига мақсадли ва мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширишга имкон яратади.

Инновацион маркетингни ташкил этиш жараёнининг келгуси тараққиёти концептуал йўналишлари билан боғланган.

Инновацион маркетинг концептуал йўналишлари дейилганда маркетинг фаолиятини ташкил этишни ривожлантиришнинг ҳар хил босқичларида унинг келгуси стратегиясини белгилайдиган қарашлар тизимидан иборатдир.

Рақамли бозор иқтисодиётига ўтиш жараённида инновацион маркетинг концептуал йўналишлари қўйидагилар ҳисобланади:

- инновацион асосда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўналишида – товар ишлаб чиқарувчи ўз ҳаракатини маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигига, маҳсулот бирлигининг таннархини пасайтириш мақсадида ишлаб чиқариш – технологик жараёнларнинг рақамли технологияларга мос оптималлашувига қаратади. Шунингдек, кенг тарқалган ва нарх жиҳатидан куляй бўлган товарларга янги модефикациялар яратишга устуворлик берилади. Мақсадга эришишнинг етакчи воситалари сифатида ишлаб чиқариш миқёсларини кенгайтириш ва маҳсулот таннархини камайтиришга устуворлик беради;

- товарни истеъмолчи талабига мос такомиллаштириш йўналишида – маҳсулотнинг истеъмолчилик хусусиятларини оширишга алоҳида аҳамият берилади. Бунда истеъмолчилар энг юқори сифатли, энг яхши эксплуатацион хусусиятларга эга бўлган товарга нисбатан хайриҳоҳ бўладилар. Шундан келиб чиқиб, товар ишлаб чиқариш жараённида асосий дикқат - эътибор товарларга, уларнинг сифати ҳамда маркетинг стратегиясига қаратиласди;

- тижорат ҳаракатларини жадаллаштириш концептуал йўналишида асосий эътибор товарларни сотиши ва сотилишларни рағбатлантиришга қаратиласди. Бундай ҳолатда товар ишлаб чиқарувчи ўз ҳаракатларини барча истеъмолчилар фирманинг товарларини керакли миқдорда сотиб олишларига ва сотилишлар хажмининг ўсиши ҳисобига юқори фойда олишига қаратади;

- инновацион маркетингнинг “Маркетинг – микс” концептуал йўналишида асосий эътибор истеъмолчилар эҳтиёжларига ва уларнинг самарали қондирилишига қаратилади. Якуний натижа сифатида эса фойда олиш, товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва “маркетинг – микс” истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириши узвий боғлиқликни яратишга қаратади;

- инновацион маркетинг стратегияси концептуал йўналишида истеъмолчилар ва рақобатчилар эҳтиёжларини қондириш ва бир вақтнинг ўзида яхшироқ истеъмол хусусиятларига эга бўлган товарни яратиш ёки пастрок нарх қўйиш орқали рақобатбардошликни таъминлаш бўйича устунликка эришишдан иборат. Натижада, бу жараён корхоналарда бозор эҳтиёжларини тўликроқ қондириб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва келгусида бу соҳада эришилган барча ютуқлар инновацион натижа сифатида максимал фойда олиш имкониятини яратади.

Юқоридагилар билан бир қаторда инновацион маркетинг бўйича бир қатор замонавий янги концептуал йўналишлар ҳам шакллантирилган. Булар қўйидагилардан иборат:

- ижтимоий-ахлоқий маркетинг йўналишида инновацион жараён нафақат битта шахснинг, балки бутун жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилишидан иборат бўлиб, бунда харидор эҳтиёжлари, истеъмолчи даромадлари ва фойдаси жамият манфаатларини мувофиқлаштиради ҳамда ижтимоий-ахлоқий мухит яратилишига олиб келади;

- жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларга мос глобал маркетинг йўналишида бозор алоҳида сегментлар каби эмас, кўпроқ эҳтиёжларнинг гомогенизацияси жараёни, яъни истеъмолчиларнинг машҳур ва танилган товар маркаларини олишга жуда иштиёқмандлигига бўлган талаб ва эҳтиёжларга кўра ягона бозор сифатида қаралади. Шуни таъкидлаш жоизки, глобал маркетинг асосида инновацион товарни эҳтиёжларини қондиришининг стандартлашган ва истеъмолчиларнинг кенг сегментлари учун кулагай ва арzon бўлган усулига мос янги имкониятлар яратилади;

- инновацион “яшил маркетинг” ҳаракати йўналишида маркетинг жараёнининг атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга, экологик муаммоларни бартараф этишга йўналтирилади. Бундай инновацион маркетинг концептуал йўналишларида маркетинг

жараёнлари экологик жиҳатдан тоза бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда шунга мос истеъмолчи эҳтиёжини қондиришга қаратилган инновацион товарлар яратишга қаратилади.

## 16.2. Инновацион маркетинг турлари, таъсир этувчи омиллар ва инновацион маркетинг фаолияти самарадорлиги

Маркетингнинг аниқ шакллари ва мазмуни корхона фаолияти хусусиятларидан, унинг ички имкониятлари ва ташки шартшароитларидан келиб чиқади. Бу ерда маркетинг ва бошқа ҳамма оралиқ фаолият турларининг қуйидаги мақсадларга эътишиш учун ягона йўналтириладиган жараёнга бирлашиши содиг бўлади, бу эса ўз навбатида турли хил маркетинг турларининг ҳаракатланишини белгилаб беради.

Иктиносидиётда анъанавий маркетинг билан бир қаторда инновацион маркетинг ривожланиб бир қатор ўзига хос турлари мавжуд. Булар қуйидагилардан иборат:

- муносабатлар маркетинги;
- тармоқ маркетинги;
- ижтимоий маркетинг;
- геомаркетинг;
- мегамаркетинг;
- “яшил маркетинг”;
- таъсуротлар маркетинги.

Инновацион маркетингнинг юкорида энг муҳим туридан бири – бу муносабатлар маркетинги бўлиб, у корхона ва мижоз учун ўзаро манфаатли фойдани ифодалайдиган узоқ муддатли муносабатларни ўрнатиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни ифодалайди. Бундай маркетинг мижознинг (корхона, харидор, истеъмолчи) индивидуаллашувига йўналтирилади ва ишончли мижозлар ва таъминотчилар ўртасида ўзаро муносабатларни бошқаришга қаратилади. Бунда ушбу мижоз учун товарлар ва хизматларни тўғри танлаш муҳим ҳисобланади ва янада аникроқ айтиладиган бўлса, муносабатлар маркетингида (one-to-one маркетинги) – ҳар бир мижоз билан муносабатлар ўрнатиш ва уни ривожлантириш, айнан уларга юкори хизмат кўрсатиш билан белгиланади. Бунда

мижозни персонификация қилиш учун ахборот технологиялари ва маълумотлар тўпламлари фойдаланилади.

Тармоқ маркетинги – бозор ва мижозларни бирлаштирадиган сотувчилар ва харидорлар ўртасида муносабатлар ўрнатиш, ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш бўйича маркетинг фаолиятидир. Тармоқ маркетинги қўйидаги “токи сотувчи ва харидор ўртасида муносабатлар ўрнатилмас, ривожлантирилмас ва мустахкамланмас экан, битимни амалга ошириб бўлмайди”, - маркетинг постулатига асосланishi билан белгиланади.

Ижтимоий маркетинг – истеъмолчилар ва ушбу товар ўртасида айирбошлишга ижобий таъсир этадиган ва оқибатда корхона оладиган фойдага ижобий таъсир кўрсатадиган нотижорат харакатларини ўз ичига оладиган маркетинг фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнидан иборат бўлади. Бундай маркетингнинг инглиз тилидаги ифодаси “каусе релатед маркетинг” ушбу атамага тўлароқ ва аникроқ таъриф беради. Умуман, ижтимоий маркетингнинг бирламчи вазифаси узоқ истиқболда жамоатчилик учун қулай маркетинг муҳитини яратишдан иборат.

Геомаркетинг – таклифни яхшироқ мослаштириш учун махаллий истеъмолчилар талабини тушуниш ва аниқлашга йўналтирилиши билан белгиланади. Бундай маркетинг турли географик типологияга асосланади ҳамда уларни маркетинг бўйича иқтисодий маконларини аниқ ва географик таҳлил қилишга асосланади.

Мегамаркетинг – атамаси илк бор XXасрнинг ўрталарида АҚШда Ф. Котлернинг маркетинг академиясида қўлланилган. Мегамаркетингда жамоатчилик билан алоқалар элементи сифатида керакли бозорга кириш учун ахборот жуда муҳим роль ўйнашини ҳисобга олишга асосланади. Мегамаркетингда у ёки бу мамлакат бозорига трансмиллий корпорациянинг кириб келиши, катта савдоишлаб чиқариш ва молиявий компанияларни жалб қилиниши ва натижада зарур бўлган бошқа каттароқ бозорларни ҳам эгаллаши билан характерланади.

“Яшил маркетинг”да – табиий ресурсларнинг чекланганлигини англаб олиш ва товарлар истеъмоли ҳамда маркетингнинг атроф-мухитга таъсиридан ташвишланишни ифодаловчи (энvironменталистик) харакатлар ривожланиб бораётганлигини ҳисобга

олишга асосланади. Шу билан бирга экологик муаммоларга эътибор кучайди ва натижада экологик жиҳатдан тоза бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш маркетингини кенгайтириш имконияти яратилади.

Таъсуротлар маркетингида истеъмолчи товар ва хизматларни уларнинг функционал атрибутларидан кўра кўпроқ уларни истеъмол қилиш, фойдаланишида олинадиган эмоционал самарасини ҳисобга олиб, харид қилишга асосланади. Бунда истеъмолчи бошдан кечирилган ҳар бир кечинмә, у жамоавий ёки якка тартибда бўлишидан қатъи назар, алоҳида бир киши учун ўз шахсини, ўзига хослигини мустаҳкамлаш усули бош мезон бўлади.

Инновацион маркетинг турлари асосида ушбу жараённи жадал ривожлантириш жуда муҳим ҳисобланади. Бугунги иқтисодиётни глобаллашуви шароитида инновацион маркетинг фаолиятини ривожлантиришга бир қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатиб, улар куйидагилардан иборат:

1. Инновацион инфратузилманинг ривожлантириши.
2. Инновацион салоҳият ва инновацион фаолликни ошириши.
3. Инновацион маркетинг фаолиятини ривожлантиришда моддий-техник таъминотни яхшилаш.
4. Инновацион маркетинг фаолиятида ташкилий-бошқарув омиллари.

1. **Инновацион инфратузилмани ривожлантириш омили** – бу миллий инновацион тизимнинг бир сегменти сифатида функционал тўлақонли инновацион инфратузилма (технопарклар, бизнес-инкубаторлар, инновацион-технологик марказлар, технологиялар трансфери марказлари, венчур фондлари, интеллектуал мулк биржалари, маркетинг марказлари, илмий-техник ривожланиш марказлари) яратиш зарурлиги билан белгиланади. Техник жиҳозланиши ва кадрлар таркиби бўйича рақобатбардош илмий-техник маҳсулот ва технологиялар ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш, уларни ички ва ташки бозорларда амалга оширишни таъминлай оладиган, инновацион соҳанинг амалдаги ва сифат жиҳатидан янги субъектларини яратиш ва қўллаб-кувватлашни кўзда тутилиши зарурлигидан иборат.

Рақамли иқтисодиёт шароитида замонавий корхоналарни инновацион ривожлантириш куйидаги имкониятларни беради:

- янги ёки такомиллаштирилган технологиялар, маҳсулотлар, асбоб-ускуналар, материаллар ва ҳоказоларни жорий қилиш ҳисобига маҳсулот (товар, хизмат) ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлайди;
- фан-техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида кўшнимча иш ўринлари яратади;
- зарурый инновацион инфратузилма (технопарклар, инновацион-технологик марказлар, кичик инновацион-технологик корхоналар ва бошқалар), инновацион фаолият субъектларини иқтисодий қўллаб-куватлаш механизмлари яратади ва уларни жадал ривожлантиришга янги имкониятлар очиб беради;
- корхоналар инновацион фаоллигини оширишни таъминлайдиган, самарали фаолият кўрсатадиган, бозорни эгаллашга йўналтирилган инновацион тизим яратади;
- янгиликлар киритиш асосида ишлаб чиқаришда жадал таркибий ўзгаришларни амалга оширади, жумладан қонунчилик ва норматив-хукуқий асосларни шакллантириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимлари яратишни амалга оширади;
- ракамли технология асосида ишлаб чиқаришнинг техник дараҷасини ошириб маҳсулот (товар, хизмат) рақобатбардошлигини таъминлайди.

**2. Инновацион салоҳият ва инновацион фаолликни ошириш омилида инновацион тизим шакллантиришнинг энг мухим йўналишларидан бири сифатида инновацион ривожлантириш ҳамда илмий тадқиқот ва ишланмаларни мамлакат миқёсида инновацион салоҳияти ва инновацион фаолликни баҳолашдан иборат. Бунда инновацион фаоллик ҳудуднинг ривожланишини таъминлайдиган ягона омил сифатида намоён бўлади. Ҳудудлар иқтисо-диётининг инновацион ривожланиш йўлига ўтишини интеграл баҳолаш учун илмий тадқиқот ва ишланмалар маълумотларини экспертиза қилиш талаб этилади. Бундай экспертиза технологияси қуидагиларни ўз ичига олади:**

- ишлаб чиқилган ИТГКИ ва инновацион лойихаларнинг иқтисодий баҳоларини тавсифлайдиган кўрсаткичлар ишончлилигини хисоб-китоб қилиш;
- хисоблаб чиқилган самарадорлик кўрсаткичлари;

- а) соф дисконтланган даромад (СДД);
- б) дисконтланган даромадлилик индекси (ДДИ);
- в) ўзини қоплаш муддати;
- г) ички даромадлилик мөъёри (ИДМ) сифатини баҳолаш;
- лойиҳалар самарадорлиги ҳисоб-китобларининг ишонччилигини баҳолаш инновацион лойиҳалар вужудга келтирадиган пул оқимлари ҳисоб-китобларини амалга ошириш ҳамда башорат нархларини ишлаб чиқишига асосланади.

Инновацион салоҳият ва инновацион фаолликни оширишда экспертиза ва инновацияларни танлашнинг кўп вариантили тизими асосидаги илмий ва технологик салоҳиятларни ривожлантириш ҳисобига худудларни ривожлантиришнинг иктиносидий кўрсаткичлари ва инновацион портфел ишлаб чиқилади:

Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш кўйидаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади:

- илмий-техник ходимлар (тадқиқотчилар, конструкторлар, технологлар, экспериментал база ишчилари), жумладан, фандокторлари, фан номзодлари ва илмий даражаси бўлмаган ходимлар умумий сони;
- илмий йўналиш бўйича ўргача меҳнат стажи;
- илмий йўналиш доирасида илмий мактаб мавжудлиги;
- илмий йўналиш мавзуларида диссертация химоя қилган фандокторлари ва фан номзодлари сони, мавзулари бўйича чоп этилган нашрлари, жумладан, хорижда чоп этилган монографиялар ва нашрлар сони;
- нашрлардан цитата келтиришлар, жумладан, хорижий маңбаалардан;
- илмий анжуманларда иштирок этиш сони (шу жумладан хориждан таклифлар), илмий йўналиш мавзулари бўйича кашфиётлар мавжудлиги, патентланган ихтиrolар ва сотилган лицензиялар сони (шу жумладан хорижда);
- илмий йўналиш бўйича давлат микёсида мукофот билан тақдирланган илмий натижалар мавжудлиги кабилардан иборат.

**3. Инновацион маркетинг фаолиятини ривожлантиришда муҳим ҳисобланган моддий-техник таъминотини яхшилаш омили қуйидагиларга асосланади:**

- молиялаштириш ҳажми, жумладан, давлат бюджетидан, бюджетдан ташқари фондлардан самарали фойдаланиш;
- илмий йўналишда фойдаланиладиган, жумладан, хизмат муддат 5 йилдан кам бўлган илмий ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш даражаси;
- илмий йўналишнинг асбоб-ускуналар ва материаллар билан таъминланганлик даражасини ошганлиги;
- синов-экспериментал база ва ички майдонлар билан таъминланганлик даражасини ошганлиги;
- моддий-техник таъминотни яхшилаш натижасида ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинганлик даражасини ошганлиги ва шу кабилардан иборат.

Буларнинг барчаси корхоналарда белгиланган шкалалар бўйича ўзини ўзи баҳолаш мезони асосида амалга оширилади.

Мазкур омилни ҳисобга олиш корхоналарда моддий-техника таъминотини яхшилаб инновацион маркетинг фаолиятини ривожлантириш имконини беради.

**4. Инновацион маркетинг фаолиятини жадал ривожлантиришнинг келгуси тараққиёти ташкилий бошқарув омилларига бевосита боғланган.**

Инновацион маркетинг фаолиятида ташкилий-бошқарув омиллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- илмий йўналиш доирасида бошқарувни тўғри ва тизимли ташкил қилинганлиги;
- бошқарув обьектига таъсир кўрсатиш ва фойдаланилаётган тадқикот усулларининг прогрессивлик даражаси;
- ҳалқаро илмий кооперацияда иштирок этиш ва кооперациянинг самарадор эканлиги ва бошқалардан иборат.

Инновацион маркетингда унинг фаолият самарадорлигини баҳолаш ўзига хос ёндашувни талаб этади. Бунда энг аввало инновацион маркетинг фаолияти самарадорлигига “нарх” омили асосий таъсир кўрсатиб, истеъмолчининг харид қилишида асосий роль ўйнайди. Инновацион иқтисодиёт шароитида хар бир хўжалик юритувчи субъект олинаётган фойданинг максималлаштиришга

интилади. Бунинг учун фойдани оширишга таъсир қиладиган омилларни чукур таҳлил қилиш талаб этади.

Инновацион маркетинг самараси ишлаб чиқарувчи ёки сотувчими маркетинг тадбирларининг натижаси бўлиб, савдо ҳажмининг ўсиши, фойда, бозор улуши каби кўрсаткичларда ўлчанади. Инновацион маркетинг самарасини, унга эришиш учун сарфланган маблагларга нисбати – инновацион маркетинг тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини келтириб чиқаради. Инновацион маркетинг тадбирларининг фойдани оширишдаги самараси куйидагича топилади:

$$\text{ИМсф} = \text{Стф2} - \text{Стф1} \quad (1)$$

Бу ерда, Стф1 – инновацион маркетинг тадбирлари ўтказилгунгача бўлган корхонанинг савдо тушумидан олган ялпи фойдаси (сўм);

Стф2 – инновацион маркетинг тадбирлари ўтказилгандан сўнг корхона эришган савдо тушумидан олинган ялпи фойда (сўм).

Корхонанинг инновацион маркетинг тадбирлари натижасида савдо ҳажмини ошириш самараси куйидаги формула билан топилади:

$$\text{ИМсс} = \text{Ст2} - \text{Ст1} \quad (2)$$

Бу ерда, Ст1 – инновацион маркетинг тадбирлари ўтказилгунча бўлган умумий савдо тушуми;

Ст2 – маркетинг тадбирлари ўтказилгандан сўнг эришилган умумий савдо тушуми.

1-формулада инновацион маркетинг тадбирлари натижасида корхонанинг фойдаси қанчага ошганлиги (ёки камайганлигини), 2-формула орқали, инновацион маркетинг тадбирлари натижасида корхонанинг савдо тушуми қанчага ошганлиги (ёки камайганлигини) аниқлашшимиз мумкин.

Инновацион маркетинг тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги куйидагича аниқланади (3-формула):

$$\text{ИМис} = \text{ИМсф} / \text{ИМмх} \cdot 100 \text{ фоиз} \quad (3)$$

Бу ерда, ИМмх – инновацион маркетинг тадбирлари учун сарфланган харажатлар.

ИМсф – инновацион маркетинг фаолиятида олинган фойда.

### **16.3. Инновацион бозорда рақобатчилар таъсирини камайтириш ва рақобатни бартараф этиш имкониятлари**

Инновацион бозорда рақобатчилар таъсирини камайтириш янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мавжудларини модификациялаш, энг асосийси, маркетинг диверсификациялашни тизимли йўлга кўйиш асосида амалга оширилади.

Янги инновацион маҳсулот мавжуд маҳсулотни модификация қилиш ёки истеъмолчи муҳим деб ҳисоблайдиган янгилигини киритишни назарда тутади. Истеъмолчи янги ва такомиллашган маҳсулотларни хоҳлайди ва кутади. Рақобатчилар ҳам уларни бундай янгиликлар билан таъминлаш учун максимум ҳаракатларни амалга оширадилар. Демак, инновацион бозорда рақобатчилар таъсирини камайтириш учун ишлаб чиқариш бўйича алоҳида янги маҳсулотлар яратиш дастури бўлиши талаб этилади.

Корхона янгиликларга икки йўл билан эга бўлиши мумкин. Биринчидан, четдан сотиб олиши йўли билан, яъни қандайдир фирмани ёки бировнинг товарини ишлаб чиқариш учун патент ёки лицензияга эга бўлиши ҳисобига. Иккинчидан, ўз ҳаракатлари туфайли, яъни ўзида тадқиқотлар ва ишланмалар асосида яратиш орқали. Инновацион “янгиликлар” дейилганда товарнинг сифатлиси, яхшиланган варианtlари ва модификациялари, шунингдек, янгиланган маркалари назарда тутилади.

Маҳсулот бўйича янгиликлар, яъни янги маҳсулотларнинг яратилиши ва ўзлаштириш жараёни дифференциация ёки диверсификация асосида амалга оширилиши мумкин. Инновацион бозорда маҳсулот дифференциациясида фирманинг (корхонанинг) маҳсулот етиштириш дастурига мос таркибий ўзгаришлар асосида янги маҳсулот ишлаб чиқарилишини тизимли ташкил этишдан иборат. Бунга, бир томондан, истеъмолчилар орасида эҳтиёжлар дифференциациясининг чукурлашуви, бошқа томондан эса, хукуқий актлар (масалан, ҳар хил бозорларда, айниқса чет эл бозорларидағи турли хил талаблар)нинг муҳим жиҳатлари ҳисобга олинади.

Инновацион бозорда рақобатни камайтириш йўлларидан бири сифатида эҳтиёжта мос бир неча турдаги маҳсулотларни яратиш, бошқача айтганда маркетинг диверсификацияси кўриниришида на-моён бўлади. Маркетинг диверсификацияси дейилганда корхона-

нинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг янги буюртмачилирини топиш ва шу асосда янги бир неча турдаги маҳсулотлар яратиш ҳамда сотиш дастурини янгилаб бориш тушунилади. Бу жарашён куйидагиларни ўз ичига олади:

- корхона янги инновацион маҳсулотнинг бир неча турларини ишлаб чиқаришга эришади ва бунда ишлаб чиқаришнинг технологик, сотиш жиҳатдан эски маҳсулотта боғлиқ бўлган айrim жиҳатлари такомиллаштирилади ҳамда янги истеъмолчилар ёки бозорлар учун мўлжалланган (бир неча турдаги) маҳсулотларни (ишлаб чиқариш ва сотишни) ўзлаштиради (горизонтал диверсификация);
- корхона илгаридан ишлаб чиқариладиган (эски) маҳсулотларни такомиллаштириш натижасида товарларни (бир неча турларини) илгариги истеъмолчилар ва бозорларга таклиф этади (вертикал диверсификация). Бунда олдинги ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулотларни (турлари бўйича) замонавий бозор талабига мослаштиради (модификацияланган диверсификация);
- корхона умуман янги бўлган, техник ва бозор муносабатлари жиҳатидан аввалги маҳсулотлар билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган мутлақо янги (истеъмолчи эктиёжига мос бир неча турдаги) инновацион маҳсулотларни ўзлаштиради (латерал диверсификация).

Умуман, маркетинг диверсификацияси корхона ишлаб чиқариш дастурининг мақсадли инновацияга мос кенгайтирилиши деб каралиши, бозорда сотиш хавф-хатарларини ва аввалги бозорлар, истеъмолчилар ёки маҳсулотларга боғлиқликни камайтиришга имкон бериши билан ҳам характерланади. Бундай маркетинг дивер-

сификациясида корхоналар куйидаги янги инновацион йўналишлардан бирини танлаши зарур бўлади:

- мутлақо янги инновацион маҳсулотларни (турлари бўйича) ишлаб чиқиши (ўз ишланмаси ёки ишланмага буюртма бериш) асосида;
- янги маҳсулотлар учун янги технологияга ҳамда янги лицензияга эга бўлиш;
- инновацион кооперацияни амалга ошириш асосида бозор талабига мос товарлар (турлари бўйича) ишлаб чиқариш ва сотишни амалга ошириш (маҳсулотлар алмаси ёки қўшма корхона ташкил этиш).

Инновацион маркетинг фаолиятида янги товарларни ишлаб чиқиш – бу, бозорда муваффақиятта эришишнинг муҳим гарови бўлиб унинг ёрдамида корхона юқори натижага эришиши, янги бозорни шакллантириш, рақобатчилардан ўзид кетиш ҳамда ўз даромадларини ошириш имкониятларини яратади.

У ёки бу товарларининг бозор учун янгилигини, инновацион бозорга мос эканлиги мезонлар тизими асосида аниклаш мумкин. Бунда нафакат истеъмолчи эҳтиёжларни қондирадиган янги товарлар (дельтоплан, виндерсерфинг), шунингдек, рақобатчи товарга нисбатан янги нархида ҳам рақобатбардошлик ҳисобга олинади.

Инновацион бозорда рақобатчилар таъсирини камайтириш жуда муҳим ҳисобланади. Бунда, корхона инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришига нисбатан янгиликлар киритишнинг ички ва ташки сабабларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувоғиқдир. Янгилик киритишнинг ички сабаблари куйидагилардан иборат бўлади:

- корхона жадал ўсишини таъминлаш зарурияти;
- фойдані юқори даражасини сақлаб туриш;
- рақобатли вазиятларни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш;
- баъзи хатарли фаолият соҳаларини бартараф этиши.

Ташки сабаблар одатда куйидагилардан келиб чиқади:

- сотиш бозорларининг тобора тўйиниб боришига эришиш;
- бозор талабига мос таркибий ўзгаришларни (дифференциацияни) амалга ошириш;
- конъюнктура ва мавсумий тебранишларни текисланиши (мельрланишини) таъминлаш ва бошқалардан иборат.

Инновацион бозорда бошқа рақобатчиларни бартараф этиш имкониятини яратадиган янги инновацион товарни ишлаб чиқариш жараёни куйидаги тўрт босқични ўз ичига олади:

- 1) янги товар (хизмат)лар яратиш **ғояларини излаш** ва танлаш;
- 2) янги товар концепциясини шакллантириш ва аниклаш;
- 3) янги товарни ишлаб чиқариш;
- 4) янги товарни бозорга чиқариш ва уларга сервис хизмат кўрсатishi.

Инновацион бозорда янги товарларни, **ғояларни излаш** ва танлаш жараёнида эҳтиёжлар ривожланиши, истеъмолчиларнинг

хатти - ҳаракатлари ва хоҳишистаклари, инсон ҳаёт фаолияти истиқболли соҳаларининг ривожланишига алоҳида аҳамият берилади (дам олиш, ахборотлаштириш, автоматлаштириш, шахар ташқарисидаги қурилиш ва х.к). Янги ғояларни манбалари сифатида ходимлар, тақсимот каналлари, рақобатчилар ва бошқалар бўлиши мумкин. Улар бозорга мўлжалланган бўлади ва улар орасидан истеъмолчиларнинг хоҳишистаклари ва эҳтиёжларига асосланган имкониятларни аниқлайдилар, сўнгра бу истакларни қондиришга илмий тадқиқотлар йўналтирилади. Лабораторияга мўлжалланган манбалар фундаментал тадқиқотлар асосида имкониятларни аниқлайди. Бу тадқиқотлар янги билимларга эга бўлишга мўлжалланади ва янги товарлар ғояларининг туғилишига билвосита сабаб бўлади.

Янги ғояларни генерация қиёшида “мия хужумлари” усулидан фойдаланади. Бозорни чуқур таҳлил қилган кўпгина мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай ғояларни яратувчилар ўзига хос ҳарактер ва хусусиятга эга бўлиб, улар янги ғояларни генерация қилиш учун кенгрок дунёкарашга эга бўлишлари ҳамда улар қанчалик ғайриоддий бўлишидан қатъи назар, уларни танқид қиласлик кераклиги айтилади.

Янги товар концепциясини шакллантириш ва аниқлаш жараённида товарнинг якуний тавсифларини истеъмолчининг унга муносабатни ҳамда ишланинг бу босқичида харид қилиш ниятини аниқлаш учун истеъмолчига тақдим этиладиган манбаатлар тўпламишининг тасвири тақдим этилади. Бу потенциал истеъмолчилар ташаббусхорлигининг синовидир. Улар товарнинг оғзаки тасвири, ёзма маълумот шаклидаги янги товарнинг тасвири, шакли, кўриниши ва бошқа шу кабиларда ўз муносабатларини ифодалаши керак бўлади.

Янги товар концепциясини аниқлаш жараённида шу вақтгача бошланғич маҳсулотни харид қилиб келаётган мижозлар (“алмаштириш самараси”) ва биринчи бор янги маҳсулотни харид қилаётган мижозлар (“жалб этиш самараси”) дан янги маҳсулотни сотиб олиш борасидаги тушум бозорга янги товарни чиқаргунгача бўлган тушумдан кўп бўлганда ижобий натижага эришишини билдиради.

Инновацион бозорда янги товарни ишлаб чиқариш бир қатор ўзига хос бозор талабларини юзага келтиради. Булар қуйидагилардан иборат:

- товарни янги инновацион технология асосида ишлаб чиқариш;
- деффект товарлар бўлишига йўл қўймаслик;
- товарларни истеъмолчи мижозлар талабига мос ўзгартириб туриш;
- янги товарларни модификация қилиш ва дизайнларида ўзгартиришлар киритиш;
- истеъмолчи талабига мос рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш.

Инновацион бозорда янги товарларни бозорга чиқариш ва уларга сервис хизмат кўрсатишда рақобатнинг кучайиши ва товарларнинг мураккаблашуви билан истеъмолчилар янги товарнинг факат сифат хусусиятларини эмас, балки сотиш ва сотищдан кейинги хизмат кўрсатиш тизими ҳам катта аҳамиятта эгалиги билан ифодаланади.

Янги товарларни бозорга чиқаришда сервис хизмат кўрсатиш истеъмолчи харид қилган товар (асосан техник мураккаб маҳсулотлар)ни оқилона кафолатланган ишлатиш имконини берадиган таъминлаш тизимидан иборат.

Инновацион маркетингда бундай хизматлар техник ва тијорат хусусиятига эга бўлган маҳсус хизматларнинг барчасини қамраб олади. Бундай сервис хизмат кўрсатиш янги товарларни бозорга чиқаришдаги инновацион маркетинг жараёни бўйича кўйидаги янги мақсадларни бажариш имконини беради:

- инновацион товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш стратегисини белгилаб олиш;
- инновацион товарлар учун янги истеъмолчиларни топиш ва улар орасида устун муносабатларни шакллантириш;
- мавжуд истеъмолчилар билан муносабатларни мустаҳкамлаш ва уларни янги харидларга рағбатлантириш.

Янги яратилган товарлар учун сервис хизматларини кўрсатиш, корхона имижини яратиб, “мижозларнинг эхтиёжларини ишончли қондириш”дан иборат бўлган маркетинг мақсадини кам харажатлар билан амалга ошириш ва рақобат курашини самарали олиб бориш асосида инновацион маркетингни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиб беради.

## **Таянч иборалар**

Маркетинг, таҳлил, услубиёт, самарадорлик, инновацион махсулот, тижорат, нарх, илмий тадқиқот, ҳукуқий муҳофаза, инновация бозори, рақобат, башоратлаш.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Замонавий инновацион маркетингнинг стратегик кўринишларини шарҳлаб беринг?
2. Юқори технологик товарларнинг инновацион маркетинг хусусиятлари қандай тавсифланади?
3. Янги инновацион товарларни ишлаб чиқишида мақсадли бозор таҳлили?

## **17-мавзу. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими**

**Режа:**

- 17.1. Инновацион лойиҳаларнинг мазмуни ва уларга қўйиладиган талаблар.**
- 17.2. Инновацион лойиҳалар танлови ва экспертизаси.**
- 17.3. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш элементлари, манбалари ва шакллари.**
- 17.4. Инновацион лойиҳаларни венчур капитали ҳисобига молиялаштиришнинг хусусиятлари.**

### **17.1. Инновацион лойиҳаларнинг мазмуни ва уларга қўйиладиган талаблар**

Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимига оид масалаларни ўрганиш учун “loyixa” тушунчасининг мазмунини тўлиқ англаб етишимиз лозим бўлади. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида келтирилишича “loyixa” атамаси араб тилида – “рўйхат”, “низом”, “коида”, “режа”, “дастур” деган маъноларни англатади. Лугатда ушбу атамага иккита изоҳ берилган. 1. Бино, иншоот, машина ва шу кабиларни қуриш ёки тиклаш учун ишланган, тайёрланган ҳужжатлар (чизма, ҳисоб-китоб, андоза, нусха ва шу кабилар) мажмуи. 2. Қарор, фармон, қонун ва шу каби ҳужжатларнинг дастлабки ҳомаки матни<sup>95</sup>.

Иқтисодий адабиётларда лойиҳаларга<sup>96</sup> – иқтисодий, социал ва бошқа манфаат қўриш мақсадида маблағ сарафлаган (киритган) ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар мажмуаси, деб каралади.

“Инновацион фаолиятни бошқариш” номли дарслик муаллифи С.А.Салиховнинг таъкидлашича, “... инновацион лойиҳа – бу ресурслар, муддатлар ва ижрочилар бўйича ўзаро бир-бирини

<sup>95</sup>Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 80 000 дан ортик сўз ва сўз бирикмаси. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий национали, www.ziyouz.com kutubxonasi, 505 бет.

<sup>96</sup>Иқтисодиётта оид лойиҳаларга. Масалан, инвестицион, инновацион ва бошқа лойиҳаларга

асослайдиган ҳамда ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган, илм-фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларида муайян мақсадлар (вазифалар)га эришишга қаратилган жараёнларнинг мураккаб тизимиdir<sup>97</sup>.

Келтирилган фикрлар асосида айтиш мумкинки, “инновацион лойиҳа” тушунчаси:

- инновацион мақсадларга эришишга хизмат қиладиган тадбирлар йиғиндисини;
- инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёнини;
- амалга ошириладиган тадбирларни асословчи ва баён қилувчи ҳужжатлар пакетини ўзида мужассам этади.

Бу жихатлар инновацион лойиҳанинг инновацион фаолиятини ташкил қилиш ва мақсадли бошқариш шакллари сифатидаги аҳамиятини кўрсатади.

Тадқиқ этилаётган муаммолар кўламларига қараб инновацион лойиҳалар кўйидаги кўринишларда бўлади:

- монолойиҳа – одатда, битта ташкилот (ёки битта бўлинма) томонидан бажариладиган лойиҳадир. Унинг олдига битта инновацион мақсад: аниқ буюмни, технологияни яратиш кўйилади. Тадқиқот – қатъий вакт ва молиявий ресурс доирасида амалга оширилади. Бунда, лойиҳа мувофиқлаштирувчиси ёки раҳбари нинг бўлиши зарур бўлади;

- мультилоиҳа – ўнлаб монолойиҳаларни бирлаштирувчи комплекс дастурлар кўринишида тақдим этиладиган, мураккаб инновацион мақсадга эришишга (масалан, илмий-техник мажмуани барпо этиш, йирик технологик муаммони ҳал қилишга) қаратилган лойиҳадир. Бунда, лойиҳа мувофиқлаштирувчисининг бўлиши маъкул ҳисобланади;

- мегалойиҳа – бир қатор мультилоиҳаларни ва юзлаб монолойиҳаларни бирлаштиради. У битта мақсадга йўналтирилган комплекс лойиҳа бўлиб, марказлаштирилган молиялаштиришни ҳамда мувофиқлаштириш марказидан бошқарилишини талаб қилади.

Мегалойиҳалар асосида мингақавий социал-иктисодий ҳамда экология муаммоларини ҳал этиш, тармоқни техник қайта қуроллантириш, маҳаллий маҳсулотлар ва технологиялар рақобатбар-

<sup>97</sup>Салихов А.С. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслек. –Т.: Иктисолидёт, 2013, 221 бет.

дошлигини ошириш каби инновацион мақсадлар рўёбга чиқарила-ди.

Инновациён лойиҳалар бажарилаётган ишлар ҳажмлари ва давомийлигига қараб:

- киска муддатли – 1 йилгача;
- ўрта муддатли – 5 йилгача;
- узоқ муддатли – 5 йилдан ортиқ бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инновацион илмий-техник лойиҳалар (бошка турдаги лойиҳаларга қараганда) мавҳумлик даражасининг юқори эканлиги билан ажralиб туради. Шу сабабдан улар ишланманинг эрта босқичидаёқ катта бўлмаган молиявий йўқотишлар билан тўктатиб кўйилиши мумкин;

Назарияда ва амалиётда “инновацион лойиҳа” тушунчаси билан бир қаторда, “инновацион дастур” деган тушунча ҳам кенг қўлланилади. Бу тушунчалар бир-бирига яқин ва узвий боғлиқ. Шундай бўлса-да, улар ўргасида кескин фарқлар мавжуд.

Инновацион дастур – “мульти” ва “мега” лойиҳалар доирасида тузилади. У – амалий ва тематик илмий тадқиқотлар, шунингдек, инновацион ишланмалар танловининг муаммолари илм-фан ва техниканинг устувор йўналишларини, мамлакатни инновацион ривожлантиришни инобатта олган холда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, йирик саноат корхоналари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таклифлари асосида шакллантирилиши мумкин.

“Инновацион дастур лойиҳаларнинг (мультилоиҳа ва мегалойиҳалар) мураккаб комбинацияси бўлиб, бошқарув обьекти сифатида алоҳида лойиҳадан ёки ўзаро бир-бири билан жуда заиф боғланган, ташкилот ёки унинг ижрочилари томонидан бажариладиган лойиҳалардан жуда кучли фарқ қиласи”<sup>98</sup>.

Республикадаги инновацион фаолият кўп жиҳатдан (қонунчилик, давлат ва идоралар фондлари, давлат томонидан молиялашибтириладиган йирик лойиҳалар, турли имтиёзлар ва ҳоказолар) давлат томонидан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартағи “Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-хукуқий базасини янада такомиллашибтириш

<sup>98</sup>Салихов А.С. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. -Т.: Иктисолидёт, 2013, 223 бет.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги 133-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ, давлат буюртмаси тематик илмий тадқиқот лойиҳалари, мақсадли илмий тадқиқот лойиҳалари ҳамда илмий фаолият субъектларининг ташаббуслари асосидаги илмий тадқиқот лойиҳалари<sup>99</sup> асосида шакллантирилади.

Давлат буюртмасини шакллантириш ва амалга ошириш учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиши вазирлигига юклатилган. У фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни бажариш борасида – илмий тадқиқот лойиҳаларнинг ижрочи ташкилотлари билан шартнома тузиш ва лойиҳаларни амалга оширишга масъуллур.

Фундаментал илмий тадқиқот лойиҳалари қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- табиат, жамият, инсон, онг ва сунъий равишда яратилган объектларнинг тузилиши, фаолияти ва ривожланишининг асосий қонуниятларини очишга қаратилган янги билимларни эгаллаш;
- илм-фаннынг муайян соҳасидаги тадқиқотлар натижаларини назариялар, тушунчалар, методологиялар, усуллар, тавсиялар шаклида қўллаш мақсадида тадқиқ этиш;
- илм-фан назарияси ва методологиясини бойитишга, келгусида бажариладиган амалий тадқиқотлар ҳамда уларни амалий қўллашга қаратилган инновация ишлари учун асос сифатида хизмат қилиш.

Фундаментал лойиҳаларни амалга оширишнинг энг кўп муддати беш йилгача бўлиши мумкин.

Амалий илмий тадқиқот лойиҳалари қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- ишлаб чиқариш ва/ёки ижтимоий, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида янги конструкциялар, материаллар, усуллар, хизматларни яратишга ёки мавжудларини такомиллаштиришга хизмат қилиши;
- иқтисодиётнинг реал секторини шакллантиришга кўмаклашиш, ишлаб чиқариш соҳасида энергия ва ресурсларни тежашни таъминлаш, миллий иқтисодиёт субъектлари эҳтиёжларидан келиб

<sup>99</sup>Лойиҳанинг илмий раҳбари тегишли илмий даражага эга бўлиши шарт.

чиққан холда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг инновацион тар-  
кибини ва қўшимча қийматини ошириш;

- юқори технологияли маҳсулотлар намуналарини тайёрлаш ва  
ёки ишланмаларнинг техник ва технологик синовларининг натижали-  
ари ва ёки олинган илмий-техник натижани иқтисодиётнинг реал  
секторига жорий қилиш;

- илмий-техник маҳсулотлар ва унга илмий-техник хужжатлар  
тўпламини, шу жумладан лойиҳалаш хужжатларини ва ёки техно-  
логик хужжатларни тасдиқлаш, лаборатория қоидалари ва ёки тех-  
ник шартлар ва паспортлар, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил  
қилиш учун зарур бўлган бошқа хужжатлар тўпламини ишлаб чи-  
қиш.

Амалий лойиҳаларни амалга оширишнинг энг кўп муддати уч-  
ийлгача бўлиши мумкин.

Инновацион лойиҳалари куйидаги талабларга жавоб бериши  
зарур:

- аввал бажарилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар  
асосида маҳаллий хомашёлардан фойдаланган холда импорт ўрни-  
ни босувчи, экспортга мўлжалланган янги маҳсулот ва техноло-  
гияларни яратиш, мавжудларини сифат жиҳатидан такомиллашти-  
риш, таннархини пасайтириш, меҳнат бозорида янги иш ўринла-  
рини яратишни таъминлаш;

- кейинчалик улардан амалиётда фойдаланиш мақсадида амалга  
oshiриладиган конструкторлик, тажриба намуналари, асбоблар,  
материаллар, буюмлар ва бошқа илмий ишланмаларни лойиҳалаш,  
тайёрлаш ва синовдан ўtkазиш, ривожлантириш билан боғлиқ  
тажриба-конструкторлик ишларини бажариш;

- юқори технологияга асосланган маҳсулотлар намуналари ёки  
прототипларини яратиш ва/ёки тажриба-лаборатория технология-  
сини татбиқ этиш, илмий ҳажмдор маҳсулотни ишлаб чиқаришга  
тайёрлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада қўллаш  
учун янги турдаги хизматларнинг тажриба-синовини ўtkазиш  
(соглиқни сақлаш, банк-молия сектори ва бошқалар).

Инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг энг кўп муд-  
дати икки йилгача бўлиши мумкин.

Изланишлар натижасида янги ёки такомиллаштирилган  
маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар), илғор технологиялар-

ни яратиш ёки мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган лойиҳаларга алоҳида устунлик берилади.

Инновацион лойиҳалар – ғоялар, фикрлар ва техник ечимларнинг илмий-техник аҳамияти даражасига кўра куйидагича таснифланади:

- модернизацион лойиҳалар. Бунда намуна конструкцияси ёки асосий технология туб ўзгармайди;
- новатор лойиҳалар. Бунда янги буюм конструкцияси турига ва элементлари хоссаларига қараб (ўзига хос янги хусусиятлари билан) олдингисидан кескин фарқ қиласди;
- илгарилааб борувчи. Бунда конструкция илгарилааб борувчи ечимларга асосланади;
- ўхшashi йўқ (янги) лойиҳалар. Улар асосида илгари мавжуд бўлмаган материаллар пайдо бўлади.

Лойиҳанинг социал-иктисодий аҳамияти – унинг мураккаблиги, кўлами, давомийлиги, ижрочилар таркиби, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиш даражаси билан белгиланади.

Умумлаштирган ҳолда айтиш мумкин-ки, инновацион лойиҳанинг таркиби – ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг тахминлананётган сотув бозори кўламига, рақобатчиларнинг бор-йўқлигига ва лойиҳа натижаларидан фойдаланиш истиқболларига боғлик.

Инновацион лойиҳа тузища эътибор қилинадиган асосий шартлар куйидагилар:

- инновацион лойиҳа профессионал ва шу билан бир пайтда содда, бажариш учун тушунарли ва осон бўлиши лозим;
- инновацион лойиҳа инвестор ёки бошқа манфаатдор шахс ўзига керакли маълумотларни қидириб топиши учун бўлимларга (бобларга) бўлиниши лозим;
- инновацион лойиҳанинг объектив баҳоданишига эришиш керак, яъни унда хатолар ва нотўғри ҳисоб-китоблар бўлмаслиги лозим.

Инновацион лойиҳа етарлича батафсил тузилиши керак, чунки эксперталар лойиҳа билан танишаётганда, унинг ҳакида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши ва лойиҳанинг мақсадларини тушуниши лозим. Инновацион лойиҳани қай даражада деталлаштириш ва унинг таркиби бўлажак тадқиқот ишлари ҳажмларига боғлик. Масалан, лойиҳада қандайдир маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки

инновацион технологияни жорий этишни йўлга кўйиш кўзда тутилаётган бўлса, жуда батафсил режа ишлаб чиқилиши лозим. Унинг қанчалик батафсиллиги инновацион лойиҳанинг якуний маҳсулоти мураккаблигига ва мазкур маҳсулот (тажминланётган) сотув бозорининг кўламига, рақобатчиларнинг бор-йўқлигига ва лойиҳа натижаларидан фойдаланиш истиқболларига боғлиқ.

Ишлаб чиқилган инновацион лойиҳа жамиятнинг, нафакат, истиқболли йўналишини акс эттирибина қолмасдан, балки: ушбу лойиҳага пул ажратиш керакми ёки йўқми?, бу лойиҳа қанча даромад келтиради?, қилинган харажатлар ва унга сарфланган куч ўзини қачон оқлади? каби саволларга ҳам жавоб бериши керак.

Кўйилган саволларга жавоб бериш учун эса, инновацион лойиҳалар: ташкилий, техник, тијкорат ва экологик нуқтаи назардан чукур таҳлил қилинади. Амалиётда инновацион лойиҳаларни таҳлил қилишда: молиявий, инвестицион ва техник-иктисодий, математик-статистик усуслардан фойдаланилади.

## 17.2. Инновацион лойиҳалар танлови ва экспертизаси

Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик, технологик иш ҳамда инновацион ишланмалар бўйича танлов Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан (манфаатдор бошқа вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда) зълон қилинади.

Танловда олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар таркибидаги илмий тадқиқотларни олиб бориши мақсадида ташкил этилган лабораториялар (таркибий бўлинмалар), мулк шаклидан қатъи назар таъсис хужжатларида илмий тадқиқотларни амалга ошириши мумкинлиги кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган бошқа илмий ташкилотлар жамоаларининг лойиҳалари қатнашади.

Бугунги кунда давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган инновацион лойиҳалар куйидаги йўналишларга қаратилган:

- илғор рақамли, интеллектуал ишлаб чиқариш технологияларига, роботли тизимларга, янги материалларга ва курилиш усусларига ўтиш, йирик ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, техник таълим ва сунъий ақл тизимларини яратиш;

- экологик тоза ва ресурс тежовчи энергетикага ўтиш, углеводород хомашёсини қазиб олиш ва чукур қайта ишлаш самардорлигини ошириш, энергиянинг янги манбаларини, узатиш ва саклаш усулларини шакллантириш;

- шахсийлаштирилган тибиётга ўтиш, юкори технологияли соғликни саклаш ва соғликни муҳофаза қилиш технологияларидан, шу жумладан, дори воситаларидан (айниқса, антибактериал препаратлардан) оқилона фойдаланиш;

- юкори маҳсулдор ва экологик тоза агро ва гидро хўжалик юритишга ўтиш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ва ҳайвонларини кимёвий ва биологик ҳимояловчи воситалардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саклаш ва самарали қайта ишлаш, ҳавфсиз ва сифатли, шу жумладан, функционал, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимларини яратиш ва жорий этиш;

- инсон ва табиат, инсон ва технология, глобал ривожланишнинг ҳозирги босқичида ижтимоий институтлар, шу жумладан, гуманитар ва ижтимоий фанлар усулларини қўллаш бўйича ўзаро самарали таъсир ўtkазиш имкониятини яратиш.

Лойихани амалга ошириш, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожланишини таъминлайдиган илмий ва технологик захираларни шакллантиришга йўналтирилиши лозим.

Лойихани танловдан ўtkазиш учун лойиха раҳбарининг бевосита ўзи Инновацион ривожланиш вазирлигига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- лойиха раҳбарининг аризаси (қоғоз нусхада) ҳамда унга қўшимча материаллар;

- лойиха раҳбари ва асосий ижрочилари ҳамда ташкилот ҳакида маълумот (loydixa бажариладиган ва молиялаштиришни амалга оширадиган ташкилот);

- лойиха мазмунни (социал-иқтисодий муаммонинг мавжудлиги, лойиханинг мақсади ва вазифалари, кутилаётган натижалар);

- лойихани амалга ошириш учун сўралаётган молиялаштириш ҳажми;

- интеллектуал фаолият натижаларининг индикатор кўрсаткичлари.

Танловга тақдим этилган аризалар илмий ва илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни кўриб чиқиш бўйича амалдаги хужжатларга ҳамда илмий, илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни танлов асосида саралаб олишнинг танлов шартларига мувофиқ дастлабки ва асосий экспертизадан ўтказилади.

Танлов натижалари Инновацион ривожланиши вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Илмий-техник Кенгашлар томонидан кўриб чиқилади ва унинг қарори билан тасдиқланади.

Танловда ғолиб бўлган лойиҳа раҳбарларига шартномани қўйидагиларни кўрсатган ҳолда имзолаш ва расмийлаштириш учун АТГ орқали юборилади.

- илмий тадқиқот йўналиши;
- илмий тадқиқотни амалга ошириш учун иш режаси ва харожатлар сметаси;
- лойиҳа раҳбарининг лойиҳа бажарилиши бўйича оралиқ ва йиллик ҳисоботларни тақдим этиб бориш мажбурияти;
- ташкилотнинг илмий жамоани зарур бинолар, ускуналар ва материаллар билан таъминлаш, шунингдек, илмий тадқиқотлар учун мавжуд экспериментал базага кириш мажбурияти;
- ташкилот раҳбарининг илмий жамоа аъзоларининг ҳар бири билан грант ажратилиши билан боғлиқ тегишли фуқаролик-хуқуқий ёки меҳнат шартномаларини тузиш мажбурияти;
- ташкилотнинг лойиҳа раҳбари томонидан берилган ёзма сўровига кўра, илмий жамоа аъзоларига лойиҳани амалга ошириш учун мукофот пули тўлаш мажбурияти;
- ташкилотнинг грант харажатларининг алоҳида ҳисобини юритиш (грант бўйича қўшимча харажатларни ҳисобга олиш) ва мақсадли ишлатилиши тўғрисида ҳисобот бериш мажбурияти;
- мониторингда қатнашиш мажбурияти;
- вазирлик томонидан грант маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолати аниқланган, шунингдек, шартнома муддати тугагандан кейин фойдаланилмаган грант маблағлари мавжуд бўлган тақдирда тарафлар ўргасидаги шартномани бекор қилиш ва ёки грант маблағларини қайтариш (қисман қайтариш) тартиби ва шартлари;

• грантдан фойдаланиш билан алоқадор томонлар – вазирлик, лойиҳа раҳбари ва ташкилотнинг бошқа хукуқ ва мажбуриятлари.

Давлат сири бўлган маълумотларни ўз ичига олган лойихалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилади.

Лойиҳалар экспертизаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил қилинади. Лойиҳалар бўйича – дастлаб техник ва кейинчалик илмий экспертизани ўтказиш йўли билан якуний хуласа шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартағи “Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-хукукий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 133-сон қарорининг 61-бандига кўра, қабул қилинган барча турдаги лойиҳа хужжатлар техник экспертизасини ўтказиш муддати лойиҳа талабномалари учун хужжатларни қабул қилиш тугаган кундан бошлаб ўн беш кун килиб белгиланган. Бундан ошмаслиги керак.

Техник экспертиза – тақдим этилган лойиҳа хужжатларнинг Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тасдиқланган талабларга мувофиқлигини ҳамда маълумотлар таҳлилида хатоларнинг йўқлигини (ёки мавжудлигини) аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Техник экспертиза қўйидаги тартибларни ўз ичига олади:

- талабномага илова қилинган шаклларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини, зарур имзо, муҳр ва штампларнинг мавжудлигини текшириш;

- илгари топширилган лойиҳа талабномасига ўхшаш ёки шу мавзуда бажарилган лойиҳаларнинг мавжудлиги ва лойиҳа талабномаларининг тақрорланишини аниқлаш;

- тақдим этилган молиявий-иктисодий ҳисоб-китоблар мавжудлигини ўрганиш;

- лойиҳа талабномасига кўра, тақдим этилган хужжатларда кўрсатилган маълумотларни текшириш, техник хатолар ва ноаниқликлар йўқлигини текшириш.

Лойиҳа хужжатлари бўйича техник экспертизанинг ижобий хуласаси бўлган тақдирда, хужжатлар тўплами Эксперт гурухи

томонидан илмий экспертизани ўтказиш учун вазирлик хузуриданын фан йўналишлари бўйича тегишли илмий-техник кенгашларга юборилади.

Лойиха хужжатлари бўйича техник экспертизанинг салбий хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, Инновацион ривожланиш вазирлиги лойихани тақдим этган муассасага (ташкилотга) бу ҳақда ёзма равишда маълум қилади. Буюртмачи томонидан камчиликларни бартараф этиш учун уч иш қунидан кам бўлмаган муддат белгиланади.

Буюртмачи лойиха талабномада кўрсатилган тартибда асослантирилган хulosани тегишли ташкилотга (муассасага) етказади.

Агар лойиха тақдим этган ташкилот (муассаса) Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан асослантирилган таклифларни белгилangan муддатда тақдим этмаса, лойиха кўриб чиқиши жараёндан олиб ташланади ва илмий экспертизадан ўтказилмайди.

Экспертизадан олиб ташланган лойиха хужжатлари уни тақдим этган ташкилотга (муассаса) қайтариб юборилмайди ҳамда қонун хужжатларида белгилangan тартибда Инновацион ривожланиш вазирлигида сақланади. Бироқ, лойихани тақдим этган ташкилот (муассаса)нинг ёзма мурожаатига асосан лойиха хужжатлари Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан қайтарилиши мумкин.

Давлат буюртмаси асосидә бажариладиган илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги илмий лойихалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартағи 133-сон карорида давлат илмий экспертизасидан ўтказилиши қаттий белгилаб кўйилган.

Лойиха талабномаларининг илмий экспертизаси тегишли соҳалардаги фан йўналишлари бўйича тегишли илмий-техник кенгашлар (ИТК) томонидан амалга оширилади.

Эксперт сифатида тегишли соҳада етарли даражада билим ва малакага эга бўлган, экспертиза қилинаётган ишга холис ёндоша оладиган, илмий даражага эга бўлган мутахассислар жалб қилинади.

Илмий экспертизани ўтказишга чет эл мутахассислари жалб этилиши мумкин.

ИТК ва экспертлар ўтказилган экспертиза хulosаларининг холислиги юзасидан шахсан жавобгардирлар.

Илмий экспертиза лойиҳанинг илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини, уни техник жиҳатдан амалга ошириш имкониятларини, шу жўмладан моддий-техник базанинг етарли эканлиги, илмий салоҳиятнинг ва жамоанинг илмий натижалари мавжудлигини аниқлаш максадида ўтказилади.

Илмий экспертиза қўйидаги тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилади:

- эксперталарнинг мустақиллиги;
- илмий лойиҳани илмий ёндашув асосида, холис, тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш;
- экспертиза натижаларининг асослантирилганлиги;
- эксперталарнинг чуқур билимга эгалиги, юкори даражада профессионал ва касбий маҳоратга эгалиги;
- давлат, хизмат ва тиҷорат сирларига риоя қилган ҳолда экспертиза натижаларининг очиқлиги;
- жамоат, техника ва экологик хавфсизликка, миллий ва ҳалқаро стандартларга риоя қилиш.

Илмий экспертиза муддати Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ИТКга лойиҳа келиб тушган санадан бошлаб бир ойдан ошмаслиги керак.

Лойиҳа талабномаларининг илмий экспертизаси икки босқичда ўтказилади.

Илмий экспертизанинг биринчи босқичида лойиҳа талабномаси келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичидан иккита эксперт бўйича таклиф Инновацион ривожланиш вазирлигига киритилади. Вазирлик томонидан эксперталар рўйхатта олингандан сўнг, эксперталарга лойиҳалар кўриб чиқиш ва баҳолаш учун тақдим қилинади.

Эксперталарга қўйиладиган талаблар, уларни танлаш ва экспертизага тайинлаш тартиби Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан белгиланади.

Эксперталар лойиҳа талабномасини 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқади. Текширув натижаларига кўра, ҳар бир эксперт лойиҳа бўйича ўзининг эксперт хulosасини беради ва уни 100 баллик

шкала бўйича баҳолайди, бунда 0 балл — энг паст кўрсаткич, 100 балл — энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Агар иккала эксперт лойиха талабномасини 60 баллдан паст баҳоласа, лойиха талабномаси илмий экспертизадан ўтмаган деб ҳисобланади.

Агар экспертларнинг фақат биттаси лойиха талабномасини 60 баллдан юқори баҳолаган бўлса, ИТК учинчи эксперт томонидан кўшимча экспертиза тайинлайди. Агар учинчи экспертнинг баҳоси 60 баллдан паст бўлса, лойиха талабномаси илмий экспертизадан ўтмаган деб ҳисобланади.

Агар иккала эксперт ҳам лойиха талабномасини 60 баллдан юқори баҳолаган бўлса, у илмий экспертизанинг биринчи босқичидан муваффакиятли ўтган ҳисобланади. Бунда агар эксперт баҳоларидаги фарқ 25 баллдан юқори бўлса, ИТК экспертиза натижаларини аниқлаштириш учун учинчи экспертни кўшимча экспертиза учун тайинлайди.

Лойиха талабномасининг якуний эксперт баҳоси барча эксперт баҳоларининг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисобланади.

Илмий экспертизанинг биринчи босқичидан ўтган лойиха талабномалар, эксперт баҳолаш натижаларига кўра илмий экспертизанинг иккинчи босқичи учун ИТКга юборилади.

Экспертизадан ўтмаган лойихалар бўйича лойиха талабномаси олинган ташкилотга (муассасага) ёзма равишда асослантирилган рад этиш хуносасини Инновацион ривожланиш вазирлиги тақдим қиласи.

Бунда вазирлик рад этиш қарорига лойихани кўриб чиқсан эксперталарни кўрсатмаган ҳолда эксперт хуносаларини илова қиласи.

Ҳар бир илмий тадқиқот лойихасини мустакил экспертлар томонидан илмий экспертизадан ўтказилганилиги учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан меҳнатта ҳақ тўлаш энг кам микдорининг ярмига тенг ҳажмда гонорар тўланади.

Хуноса қилиб айтганда, танловда иштирок этувчи субъектлар инновацион лойихани ишлаб чиқишида, у ёки бу янгиликни жорий этиш қандай фойда келтиришини, шунингдек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхона (фирма)ларининг самарали фаолиятининг

энг асосий мезони бўлиб нима хизмат қилишини исботлаб бериш лозим бўлади.

### 17.3. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш элементлари, манбалари ва шакллари

Маълумки, инновацион жараёнлар катта ҳажмда капитал, йирик инвестиция лойиҳаларни молиялаштиришни талаб этади. Аммо мамлакатимизда инновацион гояларнинг асосий инвестори сифатида давлат фондлари хизмат қиласидар, ва албаттага, давлат маблағлари чегараланган шароитда кўплаб инновацион лойиҳалар ва гоялар молиявий жиҳатдан кўллаб-кувватланмайди. Хусусий тадбиркорларнинг маблағлари, ривожланган давлатлар иктисодиётидаги сингари, ушбу жараёнда деярли қатнашмайди.

Шунинг учун илмий ва амалий жиҳатдан ривожланган давлатларда ташкил топган – давлат, корпоратив ва хусусий инвесторларнинг маблағларини жамлаб, инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирадиган механизм катта аҳамиятга эга.

АҚШда иктиносидий ўсишнинг инновацион моделини инвестицион таъминотида фаол иштирок этиши қуидаги қоидалар билан асосланади:

- илмий билимлар келажак қалитидир;
- юқори технологиялар социал-иктиносидий тараққиётни таъминловчи кучдир;
- хукumatнинг масъулияти фан ва технологияларни рағбатлантиришдан иборат.

Умуман олганда, фан соҳасида етакчилик қилаётган ривожланган мамлакатларда илмий тадқиқот, тажriba-конструкторлик ва технологик ишларни молиялаштириш икки йўналишда амалга оширилади. Бир томондан, илмий тадқиқотларни давлатнинг ўзи бевосита, яъни тўғридан-тўғри молиялаштираса, иккинчи томондан, хусусий секторнинг ИТТКИ га ҳаражатларни оширишни солиқ имтиёзлари каби тадбирлар орқали рағбатлантиради.

Инновацион фоалият рақобатбардошлигини таъминлашда инновацион лойиҳаларни мукаммал молиялаштириш тизимининг бўлиши талаб этилади.

Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимининг элементлари кўйидагилардан иборат:

- инвестиция ресурслари манбалари;
- молиявий ресурсларни тўплаш механизми ва уларни инновацион лойиҳаларга сармоялаш;
- маблағлардан самарали фойдаланиш ва бошқариш механизми.

Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг кўйидаги шакллари мавжуд:

- давлат томонидан молиялаштириш;
- хусусий капитал билан таъминлаш;
- венчур капитали ҳисобига молиялаштириш ва бошқалар.

Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш – мулкчилик шаклларига кўра қўйидагича таснифланади:

- давлат грантлари асосида молиялаштириладиган инновацион лойиҳалар;
- ҳалқаро молиявий институтлар грантлари ҳамда бошқа хорижий донорлар кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган инновацион лойиҳалар;
- тижкорат ва нотижорат характеристига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда жисмоний шаклларининг инвестицион молиявий ресурслари асосида молиялаштириладиган инновацион лойиҳалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2020 йил 9 мартағи 133-сон қарорига мувофиқ: “Давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ажратилган ҳамда шу мақсадлар учун жалб қилинган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади”.

Унга кўра, тармоқ ва саноат корхоналари муаммоларини ҳал этишга қаратилган давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий тадқиқот лойиҳалари тармоқ ва саноат корхоналари билан келишуввлар асосида шерикликда молиялаштирилиши мумкин.

Лойиҳани молиялаштириш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар ва молиявий режанинг шакллари, тартиби, харажатларнинг ҳажми ҳамда турларини аниклаш тартиби Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Қарорнинг 90-бандига кўра: “Лойиҳа доирасида ажратилиган маблағлар илмий изланишлар олиб боришга, шунингдек, иш ҳақидан ташқари, умумий маблағнинг камида 40 фоизи илмий асбоб-ускуналар, хом-ашёлар ҳамда бошқа зарур материалларни ҳарид қилиш ва натижада юқори қийматта эга, тижоратлаштириш имкони юқори бўлган янги маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилиши лозим.

Харид қилинган илмий асбоб-ускуналар негизида ноёб илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказлари ташкил этилиши мумкин”.

Корхона (фирма) даражасидаги инновацион лойиҳа бўйича ҳам танловлар эълон қилинади. Танловда юридик ва жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин. Бунда ҳам лойиҳа баҳоланади ва энг мақбули танлаб олинади.

Бунинг учун лойиҳа муаллифи (ижрочиси) лойиҳани кўриб чиқиши учун буюртмачига, яъни корхона (фирма)га бир қатор ҳужжатларни, жумладан, расмий хат, лойиҳанинг бизнес-режаси, харажатлар сметаси калькуляцияси ҳамда лойиҳанинг техник-иктисодий асосланишига оид маълумотларни тақдим этиши зарур бўлади.

Ўзбекистонда корхона (фирма) даражасида амалга оширилаётган инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ўзига хос хусусиятга эга.

Танлаб олинган лойиҳа қиймати доирасидаги сумма, дастлаб, “келгуси давр харажатлари”да қайд этилади. Келгуси давр харажатлари – бу ҳисобот йилида келгуси даврлар учун қилинган харажатлардир.

Лойиҳанинг бажарилиш босқичлари давомида унга тегишли бўлган “келгуси давр харажатлари”ни ҳисобдан чиқариш қуидагича амалга оширилади:

- лойиҳа доирасидаги илмий тадқиқот ишлари якунлангандан сўнг, янги технологиялар яратиш ва қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш бўйича патент олишга эришилган ҳолда “келгуси давр харажатлари” корхона номоддий активи сифатида тан олинади;

• лойиха натижалари актив сифатида тан олинмаган тақдирда унга тегишли “келгуси давр харажатлари” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”нинг 2.3.18 ва 2.3.19- бандларида белгиланган тартибга кўра корхона (фирма)нинг “давр харажатлари” таркибидаги “бошқа операцион харажатлари”га ўтказилади.

Низомнинг 2.3.18 ва 2.3.19-бандларида, корхонанинг инновацион фаолиятига оид “бошқа операцион харажатлар” таркиби куйидагича келтирилган:

- янги технологиялар яратиш ва қўлланилаётган технологияларни тажомиллаштириш, шунингдек илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари олиб бориш, хомашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан боғлиқ маҳсулотлар сифатини ошириш харажатлари;
- ишлаб чиқариш тусидағи ихтирочилик, рационализаторлик, тажриба-эксперимент ишлари олиб бориш, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ва синаш, кўргазмалар ва кўриклар, танловларни, сертификатлашни ҳамда ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича бошқа тадбирларни ташкил этиш, муаллифлар ҳақини тўлаш харажатлари ва бошқа харажатлар.

Шуни таъкидлаш лозимки, яқин хорижий давлатларнинг айримларида, корхона (ташкилот)ларнинг инновацион фаолиятини молиялаштириш манбай бўлиб – амортизация ажратмалари фонди ҳамда ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобидан шакллантириладиган “ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди” ҳисобланади<sup>100</sup>.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви ва ракобатнинг кучайиши шароитида инновацион фаолиятни молиялаштиришга хусусий секторни кенг жалб этиш энг долзарб муаммолар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоеванинг таъкидлашича: “Илм-фан, инновациялар

<sup>100</sup> Яковенко М. Н. Экономика и организация инновационной деятельности : учебное пособие / М. Н. Яковенко, Е. О. Коваленко, В. В. Ровенская. – Краматорск : ДГМА, 2011, стр.68.

соҳасига хусусий секторни ҳам кенг жалб қилиш, улар фаолиятини олиб бориши учун қулай шарт-шароит яратиш масаласига алохида эътибор қаратиш керак. Бугунги кунда бу йўналишга хусусий сектор деярли жалб қилинмаган десак бўлади. Жалб қилинган бўлса ҳам жуда паст кўрсаткичда. Илм-фан, инновацияларни молиялаштириш асосан давлат бюджети зиммасига юкланиб қолган. Илм-фан соҳасига ажратилган молиялаштириш бугунги кунда ЯИМга нисбатан 0,2 фоизни ташкил қилади.

Сўнгти йилларда давлат бюджетидан соҳага ажратилаётган маблағлар ҳажми 3 марта гача оширилди. Лекин улар асосан илмий фаолият билан шугулланувчиларнинг маошлари, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланмоқда.

Илмий ташкилотларнинг моддий-техника ва илмий лабораториялар баъзаларини ривожлантирмас эканмиз, кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз”<sup>101</sup>.

Шу сабабдан ҳам, вазиятни ўнглаш ва 2030 йилга келиб Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илгор мамлакати қаторига киришига эришиш мақсадида – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармонида, инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштиришнинг куйидаги йўналишлари белгиланган:

- илмийтадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланадиган давлат харажатларини кўпайтириш ва 2021 йилга бориб, бу кўрсаткични ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 0,8 фоизига етказиш;
- инновацион фаолиятни молиялаштириш бўйича маҳсус институтлар (инновация жамғармалари, инновация банклари, венчур жамғармалари) ташкил этиш;
- мамлакатни инновацион ривожлантиришни рағбатлантириш учун банк кредитини олиш тартиб-таомилларини ва талабларини соддалаштириш;
- инновацион тараққиётни микромолиялаштириш тизимини такомиллаштириш;

<sup>101</sup> Танзила Норбоева: “Илм-фан, инновациялар соҳасига хусусий секторни жалб қилиш кўрсаткичи жуда паст”. www. Kip.uz 20.06.2020 12:06 706

- илмий-технологик ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш ва молиялаштиришда хусусий сектор иштирокини рағбатлантириш;
- инновацион лойиҳалар ва салоҳиятли инвесторларнинг доимий равишда янгилаш бориладиган ягона маълумот базасини ташкил этиш;
- инновацион лойиҳалар учун грантлар ва техник кўмак маблағларини олиш ва улардан фойдаланиш тартиб-таомилларини соддлаштириш ва шаффофлигини ошириш.

Хуоса шуки, инновацион лойиҳалар ҳаётий циклининг барча босқичларида молиявий ресурслар билан таъминланиши, уларнинг рад этилиши ёки тўхтатиб кўйилиши каби ҳолатларнинг бўлмаслигини кафолатлади.

#### **17.4. Инновацион лойиҳаларни венчур капитали ҳисобига молиялаштиришнинг хусусиятлари**

Мамлакатимизнинг инновациялар бозоридаги вазият, молиявий ресурсларга бўлган талаб, унинг таклифидан анча юқорилиги, асосий инвестор сифатида фақат давлат қатнашиши – иқтисодиётда венчурли молиялаштириш каби янги усуслар кўллаш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ракобат шароитида даромадни кўпайтириш ва бозордаги улушларини саклаб қолиш учун корхоналардан доимо инновацион лойиҳалар, технологиялар ва маҳсулотларни ўз фаолиятларига жорий этишни талаб этади. Аммо инновациялар вужудга келиши ва амалиётта татбиқ этилиши бир қанча молиявий, ташкилий ва илмий қийинчликларга дуч келади.

Жаҳон амалиётида инновацион лойиҳаларни ва корхоналарни молиялаштириш усули, ўз хусусиятларига ва инфрагузитмасига эга бўлган венчур капитали бозори яратилган. Яқин ўтмишда, Farb мамлакатларида инновацион лойиҳаларни инвестициялаш жараёнидаги, ички манбалар чегараланган вазиятда ва бошқа ташки манбалар кўллаш имконияти йўқлигига, венчур капитали илмий янгиликларнинг молиявий негизи бўлиб хизмат қилди.

XX асрнинг иккинчи ярмида венчур капитали ҳисобига йирик илмий-техника, шу жумладан хисоблаш техникаси, биотехнологиялар,

информацион технологиялар ва бошқа юқори технологик тармокларга оид инновацион лойихалар молиялаштирилди.

Айнан Microsoft, Intel, Apple Computers, Lotus, Compaq, Sun Microsystems каби компьютер технологиялар бүйича етакчи компаниялар ўз фаолиятларини кичик венчур корхоналари сифатида бошлаган эдилар. Бугунги кунда уларнинг инновациялари бутун дунёда тан олиниб, юқори даромад манбай бўлиб хизмат қилмоқда.

Венчур капитали (венчурли молиялаштириш) атамалари инглизча “venture” сўзидан олинган бўлиб “юқори рискли янги корхона, фаолият тури” маъносини англатади. Венчурли корхона – кичик 3-5 та юқори малакали мутахассислар (олимлар, қашфиётчилар ва менежерлар)дан иборат илмий-изланиш корхонасиdir.

Венчур корхонаси – акциядорлик капиталига (акцияларни сотиб олиш йўли билан ёки инвестицион кредит бериши орқали) ўз инвестицияларини узоқ муддатта, келажақда юқори даромад олиш мақсадида киритадиган инвесторлар томонидан ташкил этилади. Инвесторлар – маҳсус венчур фонdlари, йирик корпорациялар, банклар ёки ўз жамгармаларига эга бўлган жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Венчурли молиялаштириш – молиялаштиришнинг шундай турики, бунда венчур капитали эгалари, юқори хавф-хатарли, айни пайтда, юқори даромадли лойихаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қиласидилар. Лойиханинг хавф-хатарлилик даражаси, бошқарувнинг яхши йўлга кўйилмаганлиги ёки бозор инфрагузилмасининг ривожланмаганлиги кабилар билан эмас, балки янги технологиянинг режалаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чикара олиш қобилияти ва бозорда бу маҳсулотни тан олиниши билан боғлиқ бўлади.

Демак, венчурли молиялаштириши – инновацион лойихани амалга оширишда бошқа манбалардан фойдаланиш имконияти бўлмаган шароитда инновацияларга хаётийлик баҳш этадиган молиялаштириш усулидир.

Венчурли инвесторлар ўз маблағларини фонд биржасида акциялари эркин савдода бўлган корхоналарга эмас, балки барча акциялар маълум юридик ва жисмоний шахслар ўргасида тақсимланган корхоналарга киритишни афзал кўришади. Маблағ бегараз ва фоизсиз берилади, шунингдек, банк кредитлари каби таъминот талаб қилинмайди: таъминот сифатида венчур инвесторнинг кўлида факат сотиб олинган акциялар бўлади. Берилган маблағлар шартнома муддати тутагунча венчур фирма-

сидан қайтариб олинмайди. Лойиха муваффакиятли бўлган тақдирда корхона юқори фойда олади. Фойда акционерлар ва инвесторлар ўртасида тақсимланади. Фойда тақсимоти эса акционерлик жамиятлар фойдасининг тақсимоти каби бўлади.

Инвесторларнинг мақсади корхона бошқарувини эгаллаш эмас. Чунки, акцияларнинг аксарият қисми кичик корхона раҳбарияти кўлида бўлади. Венчурли инвестор эса ушбу инновацияларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнида фаол катнашади ва таъсисчи сифатида фойдадан ўз улушини олади холос.

Шуни таъкидлаш лозимки, венчурли инвесторлар корхона бошқарувида четда қолиши майди, аксинча улар бу жараёнда фаол қатнашиб, ўз тажрибалари, малакалари, бизнес ҳамкорлари билан ёрдам бериб, керагича имкониятлар яратиб, венчур кичик корхонасида илм-фанинг ишлаб чиқариш жараёнига интеграциялашувини таъминлашади. Шунингдек, улар зарарларни олдини олиш мақсадида венчур капитали ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни ўрганиб, чукур таҳлил қилиб, ичидан энг ишончлиларини танлаб олишади.

Лойиха амалга оширилгандан сўнг, инвестор ўзига тегишли акцияларни фонд биржасида ёки корхона раҳбариятига олган нархидан юқори роқ нархда сотади<sup>4</sup> (чунки корхонанинг умумий қиймати ушбу даврга қадар ошган бўлади). Буни “ўйиндан чиқиш”, дейиш мумкин.

Венчурли молиялаштиришнинг афзаллик томони, унинг ўртacha даромадлилик даражасининг юқори бўлишилигидир. Венчурли инвесторлар мамлакат иқтисодиёти бўйича кўриладиган даромаддан 2-3 баробар кўпроқ фойда кўриши мумкин.

Инновацион лойиҳаларини венчур капитали ҳисобига молиялаштиришнинг хусусиятлари кўйидагилардан иборат:

- лойиҳанинг дастлабки босқичидан бошлаб ноаниқлик ва хавф-хатарлик даражасининг юқорилиги;
- венчур капитали эгалари фоиз ва таъминот шартларини қўймайди-лар ва узоқ муддатта тўғридан-тўғри акционерлик капиталига инвестициялар киритадилар;

Хулоса қилиб айтганда, инновацион лойиҳаларни венчур капитали ҳисобига молиялаштириш – бу юқори технологик тармоқлардаги корхоналарнинг ривожланиши ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таъминлайдиган молиялаштиришнинг ноанъанавий, айни пайтда, юқори хавф-хатарли туридир.

Ривожланган давлатлар венчурли молиялаштириши кўллаш натижасида бир қанча макроиктисодий ютуқларга эришдилар. Хусусан:

- инвесторлар хавф-хатарлилик даражаси баландигига қарамай инвестициялаш тўғрисида қарорлар қабул қилишлари, иктиносидётда молиявий ресурсларнинг самарали таҳсиланишини таъминлади;
- янги инновацион корхоналар яратилиши юқори технологик тармоқларни ривожлантиришга, мамлакатнинг ракобатбардошлигини оширишга олиб келди;
- янги иш ўринлар барпо этилади, айниқса юқори интеллектуал салоҳиятта эга инсонлар, янги инновацион соҳаларда ўз қобилиятларини намоён этишга молиявий имкониятлар яратилди;
- мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ўсишига замин яратилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам инновацион-инновацион лойиҳаларни венчур капитали ҳисобига молиялаштиришга эътибор кучайиб бормокда. 2019 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирилигига Туркия савдо палаталари ва товар биржалари уюшмаси Венчур капитал қенгаши раҳбари бошчилигидаги делегация билан бўлиб ўтган музокараларда, томонлар ҳамкорликдаги 2 млн. АҚШ доллари миқдоридан кам бўлмаган ўзбек-турк венчур жамғармасини тузиш масаласи муҳокама қилдилар.

Мазкур венчур жамғармасини ташкил этишдан мақсад инновацион лойиҳаларни ва стартапларни молиялаштириш орқали мамлакат венчур экотизимини ривожлантиришдир.

Учрашув натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирилиги ҳамда Туркия савдо палаталари ва товар биржалари уюшмаси Венчур капитал қенгаши ўргасида Англапашув меморандуми имзоланди<sup>102</sup>.

Шунингдек, жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инновацион ғоялар ва стартаплар экотизимини кўллаб-куватлаш инфратузилмасини яратиш ва “UzVC” миллий венчур жамғармаси фаoliyatini ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

<sup>102</sup>Ўзбекистон ва Туркия 2 млн долларлик венчур жамғармаси тузади: [www.Kun.uz](http://www.Kun.uz) 12:40 / 12.11.2019 2222  
0

Унда:

- Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида “UzVC” миллий венчур жамғармасини ташкил этиши.
- Жамғарманинг бошланғич устав капитали (фонди)ни 30 миллиард сўм миқдорида белгилаш.

• Жамғарма бошланғич устав капитали (фонди)ни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Таракқиёт ва ривожланиш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан улушкини – 50 фоиз, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг улушкини – 50 фоиз улушларда шакллантириш кўзда тутилган.

Жамғарманинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- инновацион гоялар ва стартаплар экотизимини қўллаб-куватлаш инфратузилмасини яратиш;
- юқори технологик инновацион гоялар ва лойиҳалар ҳамда стартапларни молиялаштириш ва хусусий инвесторларни жалб қилиш учун имтиёзли субсидиялар, инвесторлар билан шериклиқда венчур фондлар очиш каби инвестицион инструментларни (“Fund of Funds”) ишлаб чиқиш;
- жамғарма устав капитали ҳисобидан юқори технологик стартап лойиҳаларини ғ50 миллион сўмдан ошмаган ҳолда молиялаштириш ва мониторингини олиб бориш.

Қарор лойиҳасида белгиланишича:

- Жамғарма юридик шахс ҳисобланиб, ўз мустақил баланси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги шахсий ғазна ҳисобвараклари ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири ва давлат тилидаги ўз номи туширилган муҳр, штамп ва бошқа белгиларига эга.
- Жамғарманинг устав капитали бошқа манбалар орқали оширилишига рухсат берилади.

• Жамғарма юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан шериклиқда венчур лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида венчур жамғармаси муасасаси бўлиши мумкин.

- Жамғарманинг ташкилий тузилмаси ҳалқаро тажрибадан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Таракқиёт ва ривожланиш жамғармаси билан келишилган ҳолда

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

- Жамғарма директори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Таракқиёт ва ривожланиш жамғармаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тайинланади.

- Жамғармани сақлаш харажатлари Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

- Жамғарма учун самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (“КРІ”) халқаро тажрибадан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Таракқиёт ва ривожланиш жамғармаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан белгиланади.

- Жамғарма бошқарувига малакали ва халқаро тажрибага эга чет эл ёки Ўзбекистон фуқаролари жалб этилиши мумкин.

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлигининг Жамғарманинг устав капиталидаги улушкини шакллантириш учун 15 миллиард сўм микдоридаги маблағ 2020 йил Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан вазирлик учун ажратилган маблағлар доирасида молиялаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Таракқиёт ва ривожланиш жамғармаси 15 миллиард сўм микдоридаги маблағни Жамғарманинг устав капиталидаги улушкини шакллантириш учун молиялаштиради.

Инновацион лойиҳаларни венчур капитали ҳисобига молиялаштириш илмий тадқиқот ишланмаларнинг тижоратлашувига, яъни инновацион гоя тайёр инновацион маҳсулотга айланишига молиявий ёрдам беради. Шунингдек, илмий тадқиқот ишланмаларга бўлган талаб венчурли инвесторларга юқори даромад олишга имконият яратиб, давлатга инновацион ривожланиш йўлига ўтишга, илм-техника тараққиёти даражасини оширишга турткни бўлади.

## **Таянч иборалар**

Инновациён лойиха, инновацион дастур, молиялаштириш, капитал, харажат, танлов, давлат грантлари, венчур жамғармаси, маблағ, капитал харажат,

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Давлат инновацион дастурлари хусусида нималарни биласиз?
2. Инновацион лойиха нима?
3. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини айтинг.
4. Инновацион лойиҳаларни давлат бюджетидан молиялаштириш қандай амалга оширилади?
5. Корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан инновацион лойиҳаларни молиялаштириш қандай ташкил этилади?

## **18-мавзу. Иқтисодиётда инновацион кластерларни шакллантириш зарурини**

### **Режа**

**18.1. Инновацион иқтисодиётда кластерлар сиёсати, ўзига хос хусусиятлари ҳамда кластер усууларини кўллашнинг аҳамият.**

**18.2. Инновацион фаолиятни кластер усуулини кўллаш асосида давлат томонидан бошқариш. Ўзбекистонда инновацион кластерлар ва уларни ташкил этишининг устувор йўналишлари.**

**18.3. Инновацион иқтисодиётда инновацион кластерларнинг асосий турлари.**

#### **18.1. Инновацион иқтисодиётда кластерлар сиёсати, ўзига хос хусусиятлари ҳамда кластер усууларини кўллашнинг аҳамияти**

Ҳозирги макроиқтисодий ривожланиш шароитида иқтисодиётда юқори самарадорликка эришишда инновацион кластерларнинг алохидга ўрни мавжуд. Жаҳон тажрибасидан маълумки, иқтисодиётнинг турли соҳаларида турли кўринишдаги кластерлар сони ошиб бормоқда. Айниқса, дунёning ривожланган давлатларидан Америка Кўшма Штатларида, Буюк Британияда, Германияда, Японияда, Францияда турли замонавий инновацион технологияларга асосланган кластерлар ташкил этилган.

Миллий иқтисодиётимизни ривожланишининг ҳозирги босқичида кластерларни кўпайтириш, айниқса, инновацияга асосланган кластерларни ташкил этиш муҳим вазифалардан хисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Парламентимиз ... “Кооперация ва кластерлар тўғрисида”ти янги қонунни” тезроқ қабул қилиш...”<sup>103</sup> мамлакатимизда мазкур соҳада режалаштирилаётган катта ишларнинг муҳим хуқукий асоси яратилар эди.

<sup>103</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь,

Жаҳондаги кластер мактабининг асосчиси ҳисобланган Горвард бизнес мактаби профессори Майкл Порттер<sup>104</sup> эътироф этишича, кластер тушунчаси инглиз тилидаги “cluster” (тўплам, боғлам, гурух) сўзидан олинган бўлиб, унга кўра “кластер – маълум бир соҳада фаолият кўрсатадиган географик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган компаниялар ва унга алоқадор ташкилотлар гурухидир, у умумий фаолият ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи хусусиятлар билан таснифланади”.

М.Порттернинг тармок, минтақа, мамлакатнинг рақобатбардошлигини унинг “тегишли соҳага мансуб бўлган, географик концентрациялашган ўзаро боғлиқ компаниялар, ихтисослашган етказиб берувчилар, хизмат кўрсатиш компаниялари, бир-бирига яқин соҳаларга мансуб фирмалар ва ассоциациялашган институтлари белгилайди”<sup>105</sup> деган фикри кластернинг классик таърифи сифатида кўлланилади.

М.Порттер концепциясига кўра, кластерни шакллантириш учун қуидаги омиллар бўлиши талаб қилинади: чекланган географик ҳудудда барча кластер иштирокчиларининг концентрацияси; мазкур минтақада, кластерни шакллантиришига ва корхоналарни қўллаб-куватлаш ва хизмат кўрсатишга ёрдам берадиган рақобатли устунликка эга бўлган етакчи компанияларнинг мавжудлиги; иштирокчилар ўртасида ҳамкорликни мувофиқлаштириши.

Инновацион кластерни тузишдан мақсад бозорда биргалиқда ҳаракатлар самараси ҳисобига (синергитек самара) соҳани рақобатбардошлигини ошириш инновацион самарадорликка эришиш ҳамда янги инновацион йўналишларни ривожлантиришдан иборат бўлади. Бугунги тезкор иқтисодий ривожланишда инновацион кластерларни шакллантиришнинг асосий заруряти қуидагилар ҳисобланади.

Биринчидан, хусусий корхоналар ва тармоқлар, давлат хусусий ҳамкорлик ташкилотлари ҳамда давлат органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иқтисодиёт эҳтиёжи учун мухим зарурый маҳсулот ишлаб чиқариш.

<sup>104</sup> Порттер М.Э. Конкуренция. Пер. с англ.-М.: Издат. Дом “Вильямс”, 2001, стр 205.

<sup>105</sup> Уша жойда.

Иккинчидан, тегишли ҳудудда турли ресурсларни жалб этиш асосида кластер субъектларидан самаравали фойдаланишининг янги имкониятларини яратиш.

Учинчидан, “фан-таълим-ишлаб чиқариш” занжиридан кластер элементларидан фойдаланган ҳолда самаравали фойдаланишини ташкил этиш ва бунда фан соҳасида эришилаётган ютуқларни жадаллик билан амалиётга жорий этиш тизимини кучайтириш.

Тўртингчидан, инновацион кластер ташкил этилган ҳудудда барча обьектлар ва субъектлар рақобатбардошлигини ошириш ва янги ички имкониятларни очиб берилишига шарт-шароит яратиш.

Бешинчидан, инновацион кластер асосида юқори билим, малака ва кўнгуммага эга бўлган инсон ресурсларидан самаравали фойдаланиш ҳисобига янги инновацион ғояларни яратилишини кучайтириш.

Олтингчидан, мамлакатда географик жойлашув бўйича турли ҳудудлар ички имкониятларидан самаравали фойдаланишга шарт-шароитлар яратиш.

Бугунги кунда республикамизда инновацияга асосланган кластерлаш сиёсатини амалга ошириш ҳамда кластер ёндашуви усулларини қўллаш асосида ушбу жараённинг ўзига хос устунилкка эга бўлган хусусиятлари қуидагилар ҳисобланади.

Республикамиз иқтисодиётда инновацион кластерларни шакллантириш қуидаги янги имкониятларни яратади.

Биринчидан, фаолият соҳаси бўйича географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган компаниялар, ташкилотлар ва корхоналарнинг юқори даромад олишлиги учун ўзаро ҳамкорлиги яратилади.

Иккинчидан, маълум бир соҳага мансуб бўлган ихтисослашган корхона ва ташкилотларнинг янги инновацион ғоялари ишланмали-ри ҳамда тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга қўллашга эга бўлинади.

Учинчидан, маълум бир минтақада кластерлаш асосида ҳудуд самарадорлигини оширишнинг ички имкониятлари очиб берилади.

Тўртингчидан, ҳамкор ташкилотларнинг самаравали фаолияти натижасида юқори ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича кластер самарадорлигига эришилади ҳамда фойда олиш имконияти юзага келади.

**Иктисолдустинн кластерларының сиёсатыда инновациялык кластерларниң устунылиги**

Т.р шаралып көрүнгөн ассоциацияның номинациясы	Шаралып көрүнгөн ассоциацияның номинациясы	Инновациялык кластерларниң устунылиги
Шеристилек ассоциация фасолият олиб боручи уюшмалар, бирнешмалар, кооперация кабы үзаро хамкорлыгын ассоциантан ташкынлар-нинг ўзиге	1. Юкори фойда олишга ассоциантан технологиялар ассоциация фасолият олиб боради	Яғыға ва замонавий инновациянен ва ракамлы технологиялар ассоциада фасолият олиб боради. Юкори фойда олиш кафолатланади
Хамкорлык ассоциация күпкөр дарромад ва фойда олиш ассоциация даражада ташминанды	2. Хамкорлык ассоциация күпкөр дарромад ва фойда олиш ассоциация даражада ташминанды	Инновациялык ассоциантан фикрлар, янын фойнарни бирлаштырып ассоциация даражада ташминанды, ракобаттардош махсуслуглар ишлаб чыгарылади ва хизметтеги талымналанды
3. Инвеститорлар күйткайтириши рабагаттан-тиради, молчалык маслагетарни максаддаи сарфлайды, хорижта маслагетарни мұстакил сарфлайды, хорижта инвестициялар күниш заудан юкори дарромад олиш имкониятты көнгөздө	3. Инвеститорлар күйткайтириши рабагаттан-тиради, молчалык маслагетарни максаддаи сарфлайды, хорижта маслагетарни мұстакил сарфлайды, хорижта инвестициялар күниш заудан юкори дарромад олиш имкониятты көнгөздө	Түрли юкори дарромад көлтирувчи инвестициялар күниш заудан юкори дарромад олиш имкониятты көнгөздө
4. Мамырлар болшарурун ассоциация даражада ташминанды	4. Мамырлар болшарурун ассоциация даражада ташминанды	Болшарурун ассоциация даражада ташминанды
Махсуслуг мөндерини күйткайтириши ва юкори дарромад олишта қаратауды	5. Махсуслуг мөндерини күйткайтириши ва юкори дарромад олишта қаратауды	Инновациялык кластерларниң мақсады юкори ракобаттардош махсуслугтеги ташминанды
Моддий мәнбаатдорликчи талымналанда мәмүмурлар аралаштурум мавжуд	6. Моддий мәнбаатдорликчи талымналанда мәмүмурлар аралаштурум мавжуд	Юкори ракобаттардош махсуслугтеги ташминанды
Түрли мүлк шақылдагы корхоналар фасолитини монополистик хуусияттеги талымналанда	7. Түрли мүлк шақылдагы корхоналар фасолитини монополистик хуусияттеги талымналанда	Түрли мүлк шақылдаты корхона ва ташкилоттар бирлашмалары жоңа бир мүлгіларынан максал сары хамкорлықта фөнликтеги талымналанды
Хамкорлык кипаёттеги корхоналарда териториал – географик жиһазлар хисоба олинмайды	8. Хамкорлык кипаёттеги корхоналарда териториал – географик жиһазлар хисоба олинмайды	Математикалык соҳада фасолият күрсатылғанда териториал географик жиһазлар ва шунда мос харажатларни камайтириши ва башка имконияттар хисоба олинади.

Бешинчидан, республикамиз минтақаларида корхоналар, компаниялар ва ташкилотлар ўртасида соғ рақобатбардошлик имконияти яратилиб ва натижада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрса-тишнинг юқори натижадорлигига эришилади.

## **18.2. Инновацион фаолиятни кластер усулини кўллаш асосида давлат томонидан бошқариш. Ўзбекистонда инновацион кластерлар ва уларни ташкил этишининг устувор йўналишлари**

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш асосида ташкил этилган инновацион кластерлар тизимини бошқаришда барча ҳамкор ташкилотлар бир хил даражада иштирок этса-да, аммо давлат бош ислоҳотчи сифатида самараали бошқарув бўлишлигини назорат қилиб туради.

Инновацион фаолиятни кластер усулида бошқаришда давлатнинг устуворлик жиҳатлари қўйидагиларда намоён бўлади.

1. Инновацион кластернинг мухим тамойили бўлган фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлигини ҳамда турли жараёнда иштирок этган ташкилотлар, корхоналар, тармоқлар интеграцияси-ни фаол ташкил этилишини назорат қилиб туради.

2. Инновацион кластерни давлат томонидан бошқаришда кластер жараёнига янги маҳсулот ва технологияларнинг янги турларини ўзлаштириш учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлашни давлат назорат қилиб туради.

3. Давлат томонидан инновацион фаолиятни амалга оширувчи кластерларни бошқариш бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модерни-зация ва диверсификация қилиш асосида амалга оширилади.

4. Давлат томонидан инновацияга асосланган кластерларни бошқаришда улар жойлашган минтақалар, иқтисодий-ижтимоий ҳолати, аҳолининг турмуш даражаси ҳамда шу худуддаги тармоқларнинг рақобатбардошлик хусусиятлари ҳисобга олинади.

5. Инновацион фаолиятни давлат томонидан бошқарувига давлатнинг инвестицион фаолликдаги ўрни ва жозибадорлигини ташкил этишдаги ҳиссаси ҳисобга олинади.

6. Инновацион фаолиятга асосланган кластерларни давлат томонидан бошқаришда менежментнинг асосий ҳаракат қоидаси ҳисобланган мақсад-ҳаракат-натижага эътибор берилиб, бунда кластер мақсади белгилангач, унга эришиш учун стратегик ва тактик ҳаракатлар амалга оширилади ҳамда унинг муваффакиятли якуни кутилган ижобий натижа билан белгиланишини давлат ўз назоратига олади.

7. Инновацион кластерларни давлат томонидан бошқаришда бошқарувнинг ушбу жараёнга мос ташкилий тузилмалари тегишли бўлим ва бўлинмалар ҳамда уларни амалга ошириш бўйича бошқариш механизмлари белгилаб олинади.

8. Инновацион кластерларни давлат томонидан бошқаришда бошқарув тузилмаларининг муваффакиятли фаолияти замонавий менежмент тамойиллари, усул ва воситаларининг жорий этишнинг қай даражада амалга ошириши билан белгиланади.

9. Инновацион кластерлар рақамли иқтисодиётнинг муҳим элементларини ўзида акс эттириши, рақамли технологияларни кўллашини давлат назорат қилади.

Бугунги глобаллашув шароитида инновацион кластерлар турли кўринишларда тармоқ ва соҳаларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, туркумланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кластерлаш сиёсатида давлат бош ислоҳотчи сифатида кластер механизмидан фойдаланишда фаол иштирок этади. Айниска, ривожланган етакчи мамлакатларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ва соҳаларида кластерлаш иқтисодиётнинг деярли 50 фоизини эгаллаган. Жумладан, АҚШ иқтисодиётида етакчи тармоқларнинг юқори самарадорлиги бевосита кластер мөханизмининг самарали фаолияти билан боғлиқ бўлиб, сўнгти йилдаги маълумотларга кўра, улардаги саноат кластерларининг сони 380 тани ташкил қилади. Бундай кўрсаткичлар Буюк Британияда 168 та, Италияда 206 та, Францияда 96 та, Ҳиндистонда эса 106 тани ташкил этади. Жаҳон статистик маълумотларига кўра Финландия рақобатбардошлиқ жаҳон рейтингигида саноат кластери тўлиқ эгаллаганлиги сабабли

етакчи мавқиега эга бўлса, Италияда иш билан банд аҳолининг 40 фоизи ҳамда мамлакат миллий экспорт ҳажмининг 30 фоиздан ортиги кластерлар хиссасига тўғри келади. Шу сабабли кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида кластер механизмидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда республикамида қуийдаги йўналишларда инновацион кластерлар ташкил этиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

1. Республикаизда тез ўсиб бораётган ва мамлакатимизнинг келгуси тараққиётини белгилаб берувчи стратегик соҳа туризмда янги инновацион туризм кластерларини фаолиятини ташкил этиш, жумладан, туризм кластерлари, юқори сифатли туристик хизмат кўрсатиш ҳудудий кластерларини ташкил этиш ва ривожлантириш.

2. Мамлакатимизда муҳим тармоқ ҳисобланган тўқимачилик саноат корхоналари ўргасида бозор муносабатларини ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва фермер хўжаликлари ўргасидаги муносабатларни такомиллаштиришга асосланган, шунингдек қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга йўналтирилган янги инновацион пахта - тўқимачилик кластерларини ташкил этишни ривожлантириш.

3. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, саклаш ва айниқса уларни қайта ишлаш жараёнларини қамраб олувчи янги инновацион мева-сабзавот кластерларини ташкил этиб, уларнинг самарали фаолиятини йўлга кўйиш долзарб ҳисобланади. Бу борада Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш...”<sup>106</sup> олдимида турган муҳим вазифадир.

4. Республика иқтисодиётининг “кон-томири” бўлган ва саноатнинг етакчи замонавий тармоғи ҳисобланган автомобилсозликда инновацион транспорт кластерини шакллантириш.

5. Республикада ўта муҳим ҳисобланган энергетика, төғ-кон металлургияси, геология ва бошқа шу каби тармоқ ва соҳаларни

<sup>106</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

ривожлантириш эхтиёжидан келиб чиқиб янги инновацион кластерларни ташкил этишини кенгайтириш ва бошқа шу кабилар ҳисобланади.

### **18.3. Инновацион иқтисодиётда инновацион кластерларнинг асосий турлари**

Мамлакатимиз инновацион иқтисодиётта ўтиш жараёни халқаро жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, янги инновацион кластерларни шакллантиришни тақозо этмоқда.

Жаҳон тажрибасига кўра, бугунги кунда республикамизнинг иқтисодиёт тармоқларида қўллаш мумкин бўлган қуйидаги инновацион кластерларининг турлари мавжуд. Жумладан:

1. Технологик (боғланган) кластерлар.
2. Саноат (янги саноат) кластерлари.
3. Интеллектуал (ақлий мухит) кластерлари.
4. “Ақилли” инновацион кластерлар.

**Технологик (боғланган) кластерлар** тушунчасини фанга киритган олимлар А.Вебер ва А.Маршалл ҳисобланади. Технологик (боғланган) кластерлар бу инновацион гоялар ва фикрларга асосланган ҳолда боғланган технологик жараёнларни юқори самара бериш асосида корхоналардаги (ташкилотлар, компаниялардаги) ва харажатларни (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича) камайтиришга (минималлаштиришга) йўналтирилган ҳамкорликка таянган кластерлашни амалга оширишдан иборатdir.

Бундай кластерлар технологик жараёнларни ўзаро самарали боғлаш, тармоққа сарфланган харажатларни минималлаштириш, юқори фойда олишга интилиш ҳисобига ҳамкор корхоналарнинг ички имкониятларини очиб беради. Бундай кластерлар тўғрисида А.Вебернинг фикрига кўра, фирмалар юқори салмоққа эга харажатларни камайтиришни, масалан, кўпгина субъектларда транспорт харажатларини минималлаштиришни кўзлаб, энг якин жойлашган таъминотчи корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатади. Бу турдаги кластерлар одатда кичик ва ўрта бизнес вакилларини бирлаштиради, яъни уларни ўзаро технологик боғлайди. Масалан, А.Вебернинг таъкидлашича, ўз давридаги Бирмингемдаги Заргарлар кўчаси ёки Лондондаги Хакней майдонидаги технологик

(боғланган) кластерлар юқори натижаларга эришган. Технологик (боғланган) кластерлар корхоналарга ишлаб чиқариш технологик жараёнини тезрок ва камхарж йўл билан ўзгартириш имкониятини берганлиги сабабли, турли соҳаларда: мода саноати, мебель ишлаб чиқариш, туризм, қишлоқ хўжалиги ва бошқаларга тезлик билан кириб бормоқда.

Республикамизда бугунги кунда инновацион иқтисодиётимиз олдида турган муҳим вазифа сифатида харажатларни камайтириш бош мақсад эканлигидан келиб чиқиб, технологик (боғланган) кластерларни иқтисодиётнинг барча тармоқларида қўллаш мумкин.

**Саноат (янги саноат) кластерлари** – юқори билим, илмий тадқиқот ва илмий ишланмалар натижаларига асосланган ҳолда мутлақо янги инновацион маҳсулотларни яратишга, юқори саноат технологик жиҳатларга таянадиган, территориал географик жиҳатдан яқин бўлган корхоналарнинг (компания, ташкилотлар) кооперация асосида ҳамкорлигига асосланади.

Саноат (янги саноат) кластерлари кўпроқ билимга, илмий тадқиқот натижаларига асосланганлиги учун иқтисодиётни саноатлаштиришга йўналтирилганлиги билан бошқа кластерлардан фарқ қилади. Бунга жаҳон амалиётида тез суръатлар билан ривожланаётган ахборот технологиялари ва микро электроника каби соҳалардаги кластерларни мисол қилиш мумкин. Саноат (янги саноат) кластерларида корхоналар илмий ишланмаларга йирик инвестициялар киритиб, янги саноат маҳсулотларини яратади. Улар одатда кластерларни ташкил этиш географик хусусиятидан келиб чиқиб, кўпроқ шаҳар четларидағи саноатлашган зоналарда жойлашади. Масалан, дастлабки, янги саноат (саноат) кластерлари АҚШ амалиётида қўлланилган бўлиб, Калифорниядаги Силикон водийсида ташкил этилган саноат кластерлари бунга ёрқин мисол бўлади. Бундай саноат (янги саноат) кластерларининг муҳим жиҳатлари корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорбоп, харидоргир бўлишилиги ҳамда чуқур илмий билим натижаларига асосланиши, шунингдек, улардаги муҳим харажатлар масалан, транспорт харажатларининг жами харажатлардаги улуши анча камлиги ва бошқа шу каби хусусиятларни ҳисобга олиш билан характерланади. Бундай кластерларнинг яна бир муҳим хусусияти жараёнда иштирок этаётган ҳар бир ходимга илмий ва технологик

жихатдан чуқур билимга эга бўлиш талаби қўйилганлиги ҳамда янги инновацияларни яратиш ва уни амалиётга жорий этиш тезлиги юқорилигидан иборат. Ушбу кластерда иштирокчилар бўйича корхоналар ҳажми турлича бўлиб, трансмиллий корпорациялардан тортиб то кичик саноат корхоналари ҳам кластер аъзоси бўлиши мумкин.

Республикамида бугунги иқтисодиётимизнинг жадал ривожлантириш учун саноат (янги саноат) кластерларининг сонини ошириш тақозо этилмоқда.

Интеллектуал (ақлий мухит) кластерлари корхоналар ҳамкорлиги эмас, балки инсонлар интеллектуал (ақлий мухит) ҳамкорлигига асосланади. Бунда юқори интеллектга эга, тажрибавий тадқиқот, қизиқарли инновацион лойиҳалар яратишга қодир бўлган салоҳиятли ходимлар ўзларининг билим, тажриба ва янги гояларини алмашиши орқали субъектлар (корхоналар, ташкилотлар, фирмалар) ҳамкорлиги – кластерлашни йўлга қўяди.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, интеллектуал (ақлий мухит) кластери дастлаб 1990 йилларда француз олимлари (Айдалот, Камагни ва Мелат) томонидан олиб бориylган тадқиқотлар натижасида қўлланилганлиги аниқланган. Юқорида таъкидланганидек, бундай интеллектуал кластерда инсонлар мухим субъект сифатида ўзаро ҳамкорликка асосланниб шакланади ҳамда бу иқтидорли ходимлар бир корхонада эмас, балки бир неча ҳар хил корхоналарда ишлашлари кластерларнинг мухим жихатларидан ҳисобланади. Интеллектуал (ақлий мухит) кластерида инсонлар ўзининг ҳамкаслари, сафдошлари, танишлари ва дўстлари билан билим, амалий тажриба алмашиш орқали ўзлари ишлаётган корхоналар фаолиятини тубдан ўзгартиришлари мумкин. Жаҳон тажрибасида бундай кластерларга мисоллар жуда кўп. Жумладан, Миланда жойлашган Емиля ва Романия фирмалари ҳамкорлиги шу типдаги кластерлашга асосланганлиги айтилган. Бунда мазкур фирмалар ходимлари вақти - вақти билан қизиқарли инновацион лойиҳаларда ўзаро ҳамкорликни фикрлар алмашинуви ҳамда мухокамалар асосида амалга оширган. Интеллектуал кластерининг яна бир ўзига хос жихати бошқа кластерлар каби юқори даромад, фойда куришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди, балки кўпроқ тажрибавий тадқиқотлари, илмий тадқиқот натижаларини

амалиётта татбиқ этишга, инновацияни ишлаб чиқаришга кўллашга асосланади. Шу сабабли, бу турдаги кластерлар барқарор эмас. Кўпинча бундай кластерлар ўз мақсадларига эришгандан сўнг тез тутатилиб кетишлари ҳам мумкин.

Бугунги кунда дунё амалиётида иқтисодиётни тезкор суръатлар билан ривожлантириш ҳамда соҳани чуқур биладиган билимли инсонларни интеллектуал қобилиятидан самарали фойдаланиш мақсадида бундай типдаги кластерларни кўплаб ташкил этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги уч турдаги кластерларда корхоналар географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган маҳаллий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида бирлашади. Шу билан бирга, бундай кластерлар кўпинча амалиётда умумий қизиқишилар бўйича деярли кесиши маслиги ҳам мумкин. Аммо, бაъзан бир-бирига жуда яқин жойлашган корхоналарда уларнинг ўзаро таъсирининг мавжудлиги зътироф этилган.

Бугунги жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида инновацион кластерларни энг юқори даражадаги келажак турларидан бири “аклли” инновацион кластерлар ҳисобланади. Бундай кластерлар – келажак кластерлари сифатида зътироф этилади.

“Аклли” инновацион кластерлар дейилганда ўзаро ҳамкорликнинг шундай кооперацион бирлашмаси ҳисобланадики, бунда ҳамкорликда иштирок этувчилар (интеллектуал иқтидорли инсонлар) ўзларининг акллий интеллектуал қобилиятиларидан фойдаланган холда маълум бир географик ҳудудда рақамли иқтисодиётдаги “аклли машина”, “аклли технология” тамоилига асосланиб бир томондан рақобатчи, иккинчи томондан ҳамкор корхоналар (ташкилотлар, фирмалар)нинг маълум бир мақсад сари максимал фойда ва даромад олиш учун бирлашишига асосланади.

Рақамли иқтисодиётга мос инновацион кластерларни ташкил этишининг иқтисодий ва ижтимоий асослари ҳамда афзалликлари қўйидагилар ҳисобланади:

- инновацион кластерларни ташкил этиш мақсадидан тортиб то уни юқори даромад олишигача бўлган барча жараёнларни инновацион янгиликлар, янги илмий тадқиқот натижаларига асос-ланиши;

- инновацион кластерларнинг барча жараёнларида рақамли иқтисодиёт элементларининг мавжудлиги, рақамли технологиядан фойдаланганлик ҳамда оқибатда ахборот технологияларнинг эришган ютукларини кластерлаш жараёнида кўлланилиши;
- инновацион кластерларда “фан-таълим-ишлаб чиқариш” интеграцияси талабларига мос “фан-таълим-инновация-ишлаб чиқариш - истеъмолчи” занжири асосида кластерлашни истеъмолчи буюртмаси асосида йўлга қўйиш;
- инновацион кластерларда барча ҳамкорлар максимал фойда олиш ва ҳаражатларни камайтиришга интилиши, рақобатбардошликини таъминлаши билан бирга юқори ижтимоий манбаатдорликни қондиришга қаратилиши билан ҳам характерланади.

### **Таянч иборалар**

Кластер, кластерлар сиёсати, кластерусули, бошқариш, инфратузилма, ишлаб чиқариш, технология, интеллектуал кластерлар, саноат кластерлари, технологик кластерлар, стратегик дастурлар.

### **Назорат ва мухокама учун саволлар**

1. Инновацион иқтисодиётда кластерлар сиёсатини шарҳлаб беринг.
2. Инновацион технологияларни амалга оширишда кластер усулларини кўллашнинг аҳамиятини ёритинг.
3. Инновацион кластерларни қўллаб-кувватлаш инфратузил масини тавсифланг.
4. Инновацион кластерларни турларини ёритинг.
5. Инновацион кластерларни ташкил этиш афзаликларини айтинг.

## ГЛОССАРИЙ

**Академик ҳаракатчанлик** – илмий ходимларнинг ўз иш жойидан ажралмаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси худудида ва унинг ташқарисида ўтказиладиган илмий тадбирларда иштирок этиши, тажриба алмашиши.

**Акселерация дастури** – менторлар ва бозор эксперклари ташкили ва маслаҳат билан қўллаб-кувватлаган ҳолда тест синовидан ўтказиша бизнес-моделини ишлаб чиқиши йўли билан стартап-лойиҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган таълимий-амалий дастур.

**Амалий тадқиқотлар** – амалий мақсадларга эришиш ва аник вазифаларни ҳал этиш учун асосан янги билимларни ва фундаментал тадқиқотлар натижаларини қўллашга йўналтирилган тадқиқотлар.

**Бенефициар (лойиҳадан фойда олувчи)** – илмий тадқиқот лойиҳасининг амалга оширилишидан манфаатдор бўлган шахс.

**Бизнес-режа** – компания, товар, уни ишлаб чиқариш, кўрсатиладиган хизматлар, маҳсулот сотиладиган потенциал бозорлар, маркетинг стратегияси, операцияларни амалга оширишни ташкил этиш ва уларнинг самарадорлиги кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган режа, компаниянинг ҳаракатлари, бизнес-операцияларни амалга ошириш дастури.

**Давлат буюртмаси** – илмий тадқиқот лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва қонун ҳужоатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан амалга ошириш топшириғи.

**Илмийтадқиқот лойиҳаси** – фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар шаклида мақсад ва вазифалари, ижрочилари ва бажариш муддатлари, манбалари, воситалари (уларнинг шакллантириш манбаларидан қатъи назар) илмий ва (ёки) илмий-техник натижаларни, ноу-хау ва янги технологияларни олишига қаратилган ташкилий-техник ва бошқа зарур чора-тадбирлар мажмуи.

**Илмий-техник кенгаш** – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида илмий лойиҳаларни илмий экспертизадан ўтказиш мақсадида тегишли фан йўналишлари бўйича соҳага оид олимлар, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларнинг юқори

малакали мутахассисларидан шакллантирилган ҳамда жамоатчилик асосида фаолият юритадиган илмий-техник жамоа.

**Илмий-техник сиёсат** – бу миллий иқтисодиёт тармоқларининг илмий-техник ривожланишни қўллаб-кувватловчи тадбирлар тизимиdir.

**Илмий экспертиза** – илмий тадқиқот лойиҳалари бўйича асослантирилган қарор қабул қилиш мақсадида уни ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва хулоса тайёрлашга қаратилган фаолият.

**Инновация** – қандайдир янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот (товар, хизмат) ёки жараённи, маркетингнинг янги услугини иш амалиётида, иш жойларини ташкил қилинганда ёки ташкил алоқаларда янги ташкилий услугни истеъмолга киритишдир.

**Инновацион жараён** – бу янги ёки сезиларли даражада яхшиланган ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш услугини, техник жараёнлар, ускуналар ёки дастурий таъминотдаги сезиларли ўзгаришларни жорий этишдир.

**Инновацион фаолият** – бу инновацияни амалга оширишга олиб келадиган ёки шу мақсад билан кўзлаб қилинган барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тиҷорат, маркетинг харакатлардир. Инновацион фаолият, шунингдек, қандайдир аниқ инновацияни тайёрлаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган тадқиқотлар ва ишланмаларни ўз ичига олади.

**Инновацион лойиҳалар** – амалга ошириш муддати, инфратузилмаси, ижрочилари, молиялаштириш манбай ва ҳәмкига эга инновацияни яратиш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган тадқиқотлар.

**Инновацион сиёсат** – бу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг инновацион фаолиятини интенсив амалга оширишга кўмаклашадиган тадбирлар тизимиdir.

**Ихтиро** – бу турли соҳалардаги маҳсулотта (хусусан, курилма, модда, микроорганизм штамплари, ўсимлик ва хайвонлар ҳужайраларига) ёки усулга (моддий обьектлар устидан ҳаракатни амалга ошириш жараёнига) тегишли техник ечим. Агар ихтиро янги бўлиб, ихтиро даражасига эга ва саноатда қўллаш мумкин бўлса, унга хукуқий муҳофаза (патент) берилади.

**Ишчи орган** – лойиҳаларни баҳолашда техник таъминлаш ва кўмаклашишни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Инно-

вацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илгор технологиялар маркази.

**Кластер** – муайян йўналишда бир-бирини тўлдирадиган ва ўзаро боғланган ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг бир жойда жам бўлиши.

**Коллегиал орган** – Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг хайъати.

**Лойиҳанинг ижрочи ташкилоти** – илмий тадқиқот лойиҳасини амалга оширувчи илмий фаолият субъектлари, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолияти билан шуғулланадиган бошқа ташкилотлар.

**Маркетинг инновацияси** – бу фирма томонидан маркетингнинг янги услубини жорий этиш (маҳсулотнинг дизайнни ва қадоқлаш, уни жойлаштириши, нарх белгилаш, бозорга чиқариш) агарда у фирмадан биринчи марта ишлатилаётган бўлса. Масалан, дизайн ва қадоқлаш бўйича: янгича кўриниш бериш ва кўркамлигини ошириш учун мебель дизайнига озгина ўзгартириш кириши; маҳсулотга сифатли кўриниш бериш мақсадида косметик лосьон учун идишининг янги дизайнини жорий этиш.

**Маҳсулот инновацияси** – бу янги ёки сезиларли даражада яхшиланган товар ва хизматларни жорий этишдир. Масалан, техника хусусиятлари, компонент ва материаллари, ичига ўрнатилган дастурий таъминоти, фойдаланувчи учун кулиялиги ёки бошқа функционал хусусиятлари.

**Мақсадли илмий тадқиқот лойиҳалари** – Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида белгиланган давлат сиёсати вазифаларининг илмий ечимини таъминлашга йўналтирилган, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимиyati органлари олдида турган ўзига хос муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган комплекс ечимларни ишлаб чиқишига қаратилган, танлов ташкил қилиш учун альтернатив лойиҳа таклифларини шакллантириш имкони чегараланган илмий тадқиқот лойиҳалари.

**Ментор** – стартап-loyiҳani ривожлантириш ва илгари силжигиш мақсадида уни ўз билимлари ва тажрибаси билан қўллаб-куватлайдиган маслаҳатчи.

**Муаллиф** – ижодий мөхнати билан асар яратган жисмоний шахс.

**Ноу-хау** – бу ишлаб чиқариш сири хисобланган, эгаси бу маълумотларни учинчи шахслар томонидан ноқонуний ишлатилишидан ҳимоя қилиш ҳуқукига эга бўлган, ҳимояловчи ҳужожатлар (масалан, патентлар) билан муҳофазаланмаган ва тўлиқ ёки қисман нашр қилинмаган техник, ташкилий ёки тижорат маълумотлариридир. Булар ҳўжалик фаолияти жараёнида фойда келтирадиган янги технология, техник ёки бошқа ечимлар, билим, тажриба бўлиши мумкин.

**Саноат намуналари** – бу саноат ёки хунармандлик буюмларининг ташки кўринишини белгиловчи бадиий-конструкторлик ечи-мидир. Агар саноат намунаси янги ёки сифатли бўлса, унга ҳуқуқий муҳофаза (патент) берилади.

**Саноат ҳамкори** – илмий тадқиқот лойиҳаси натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан манфаатдор бўлган ва шунга муво-фиқ лойиҳани ҳамкорликда молиялаштириш таклифига эга саноат ёки тармоқ корхонаси. Агар саноат намунаси янги ёки сифатли бўлса, унга ҳуқуқий муҳофаза (патент) берилади.

**Селекцион ютуқлар** – бу ижодий мөхнат орқали ўсимликнинг янги нави ёки ҳайвонларнинг янги турини яратиш (аниқлаш) каби инсоннинг аниқ бир мақсадга қаратилган фаолиятининг натижаси-дир. Агар селекцион ютуқлар янги, бошқалардан фарқли ва барқарор бўлса, унга ҳуқуқий муҳофаза (патент) берилади.

**Стартап** – ёш тадбиркорларнинг янги ғоялар, илмий, илмий-техник ва инновацион фаолият натижалариносида, аввал фойдаланилмаган услубда, истеъмол бозорига (қонун билан тақиқланмаган) товарлар ёки хизматлар тақдим этишини ифодалайди.

**“Стартап” компания** – илмий, илмий-техник ва инновацион фаолият натижаларини илгари суриш ҳамда тижоратлаштириш учун ташкил этиладиган юридик шахс.

**Стартап-лоиҳа** – фойда олиш ноаниқ ва молиявий таваккалчилик юқори бўлган шароитларда янги инновацион ечим ва технологиялари, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги маҳсулот яратишни ёки хизматни жорий этишини кўзда тутувчи янги бизнес лойиҳа.

**Стартап-лоиҳа ташаббускори** – стартап-лоиҳани амалга ошириш бўйича таклиф тақдим эттан лойиҳа раҳбари ёки жамоа.

**Тажриба-конструкторлик лойиҳаси** – тажриба, конструкторлик намуналари, асбоблар, материаллар, буюмлар ва бошқа илмий ишланмаларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва синовдан ўтказиш, ривожлантириш билан боғлиқ лойиҳа.

**Ташаббускор илмий тадқиқот лойиҳалари** – фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофиқ илмий фаолият субъектларининг ташаббуслари асосида қабул қилинадиган, альтернатив лойиҳа таклифлари талаб қилинмайдиган илмий тадқиқот лойиҳалари.

**Ташкилий инновация** – бу фирманинг иш амалиётига янги ташкилий услубни жорий этиш. Ташкилий инновацияларга фирма биринчи марта фойдаланаётган иш амалиётини ташкил қилиш, иш жойлари ёки ташкии алоқаларни ташкил этиши мумкин.

**Тематик илмий тадқиқот лойиҳалари** – илмий фаолиятнинг илғор йўналишлари, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг эҳтиёжлари ва муаммоларидан келиб чиқсан ҳолда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, махаллий давлат ҳокимияти органларининг эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқиладиган, молиявий ҳажми кўрсатилган, мавзу доирасида олинадиган якуний махсулоти аниқ акс эттирилган мунтазам равишда зълон қилинадиган, танлов асосида молиялаштириладиган илмий тадқиқот лойиҳалари.

**Технологик инновациялар** – бу янги махсулот ва жараёнларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш, шунингдек, махсулот ва жараёнларни сезиларли такомиллаштириш; технологик жихатдан янги ёки сезиларли такомиллаштирилган хизматларни ишлаб чиқариш (кўрсатиш) усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиш.

**Товар белгиси** – бу бирор ишлаб чиқарувчининг товар ва хизматларини бошқа ишлаб чиқарувчининг ўхшаш товар ва хизматларидан фарқлаш учун мўлжалланган график тасвир, рақам, ҳарф ёки сўзларнинг бирикмасидир.

**Фойдали модель** – бу мосламага таалукли техник ечим. Ишлаб чиқариш воситаларининг конструктив бажарилиши ва истеъмол қилиш предметлари хамда уларнинг таркибий қисми фойдали моделларга киради. Агарда фойдали модель янги ва саноатда кўлланиладиган бўлса, унга хукукий муҳофаза (патент) берилади.

**Фундаментал тадқиқотлар** – табиат, жамият ва инсоннинг тузилиши, шаклланиши ва ривожланишига оид асосий қонуниятлар хақидаги янги билимларни олишга, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни,

шунингдек, муайян фаолият натижасида яратилган объектларни ўрганишга бўлган назарий ва (ёки) тажриба ўtkазишга қаратилган тадқиқотлар.

Хукуқ эгаси – муаллифлик хукуқига нисбатан муаллиф ёки унинг меросхўрлари, турдош хукуқларга нисбатан ижрочи ёки унинг меросхўрлари, фонограммани тайёрловчи, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшигтириш берувчи ташкилот, шунингдек щартномада ёки ушбу Конунда назарда тутилган бошқа асос бўйича асарлардан ёхуд турдош хукуқлар объектларидан фойдаланиш хукукини олган бошқа юридик ёки жисмоний шахслар.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **I. Ўзбекистон Республикасининг Қонуилари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2018.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида, 1994 йил 6 май.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳукукий ҳимояси тўғрисида, 1994 йил 6 май.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси (1 кисм). - Т.: Ўзбекистон, 1995.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида, 1996 йил 26 апрель.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Реклама тўғрисида, 1998 йил 25 декабрь .

1.7. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида, 2000 йил 25 май.

1.8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида, 2001 йил 30 август.

1.9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Интеграл микросхемалар топологияларини ҳукукий муҳофаза қилиш тўғрисида, 2001 йил 12 май.

1.10. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида, 2001 йил 30 август.

1.11. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳукуклар тўғрисида, 2006 йил 20 июль.

1.12. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Фирма номлари тўғрисида, 2006 йил 18 сентябрь.

1.13. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги (янги таҳрирда), 2014 йил 9 декабрь.

1.14. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида, 2019 йил 29 октябрь.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг қарорлари**

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, ПК-3416-сон Қарори.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Илғор технологиялар марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК-3674 сон Қарори.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3682-сон Қарори.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3697-сон Қарори.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПК-3698 сонли Қарори.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПК-3682 сонли Қарори.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тикоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3855-сон Қарори.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграция қилиш

тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3899-сон Қарори.

2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича” ПФ-5544 сон Фармони.

2.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сонли Фармони.

2.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

2.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4380-сон Қарори.

2.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июль куни қабул қилинган “Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

2.15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ”.

2.16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 979-сон қарори билан тасдиқланган “Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармаси тўғрисида Низом”.

2.17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 июлдаги 609-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисида Низом”.

2.18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартағи “Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-хукукий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 133-сон Қарори.

### **III.Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари**

3.1.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатни биргаликда барпо этамиз. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016.

3.2.Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

3.3.Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.- Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.

3.4.Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

3.5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

### **IV. Дарсликлар**

4.1. Бабурин В. Л. Инновационные циклы в российской экономике. М.: КРАСАНД, 2010.

4.2. Зубко Н.М. Экономическая теория. - Минск: НЦ АПИ, 1998.

4.3. Ижтимоний соҳа иқтисодиёти. Дарслик./и.ф.д., проф. Қ.Х.Абдураҳмонов таҳрири остида. – Т.: Иқтисодиёт, 2013.

4.4. Кэмпелл Р. Макконнелл, Стенли Л.Брю. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Том 1. –Таллин, 1993.

4.5. Носов А.М. Теория диффузии инноваций и инновационное развитие регионов России, Псков, 2015.

4.6. Порттер М.Э.Конкуренция. Пер.с англ.-М.: Издат. Дом “Вильямс”, 2001.

- 4.7. Портер М. Э. Конкурентная стратегия. Альпина Бизнес Букс, 2005.
- 4.8. Роджерс Э. М.. Диффузия инноваций, 4-е издание., Нью-Йорк, 2010.
- 4.9. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2013.
- 4.10. Soliyev A., Buzrukxonov S. Marketing, Bozorshunoslik. Darslik. –Т.: Iqtisod-Moliya, 2010.
- 4.11. Фатхуддинов Р.А. Инновационный менеджмент. Учебник.–СПБ.: Питер, 2004.
- 4.12. Xodiyev B.Y., Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi: Darslik. – Т.: “Barkamol fayz media”, 2017.
- 4.13. Ergashxo'jayeva Sh.J. Innovatsion marketing. Darslik. – Т.: Cho'lpox nomidagi NMIU, 2014.
- 4.14. Шумпетер Й. Теория экономического развития / Й.Шумпетер. –М.: Прогресс, 1982.
- 4.15. Үлмасов А., Вахобов А. Йқтисодиёт назарияси. –Т.: “Шарқ” нашиёти, 2010.

## V. Ўқув қўлланмалар

- 5.1. Abdusattarova X.M. Innovatsiya strategiyasi. O'quv qo'llanma – Т.: TDIU, 2011.
- 5.2. AbernathyJ., Clark K.B. (1985) Innovation: Mapping the winds of creative destruction. [http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/0048-7333\(85\)90021-6](http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/0048-7333(85)90021-6)
- 5.3. Басс Ф. М. Новая модель роста продукта для потребительских товаров длительного пользования. // Наука управления. 1969. Том. 15, № 5.
- 5.4. Джейфри Мур. Преодоление пропасти. Как вывести технологический продукт на массовый рынок, пер. с англ. К. Головинского. – М.: Мани, Иванов и Фербер, 2013.
- 5.5. Ильчева, И. В. Маркетинговые технологии: учебно-методическое пособие / И. В. Ильчева. - Ульяновск: УлгГУ, 2012.
6. Korotayev, Andrey; Zinkina, Julia; Bogevolnov, Justislav (2011). "Kondratieff waves in global invention activity (1900–2008)". Technological Forecasting and Social Change. 78(7): 1280. doi:10.1016/j.techfore.2011.02.011
- 5.6. Котлер Ф. Основы маркетинга, Учебное пособие. – М.: Издательский дом “Вильямс”, 2010.

- 5.7. Perez, Carlota (2002). Technological Revolutions and Financial Capital: The Dynamics of Bubbles and Golden Ages. UK: Edward Elgar Publishing Limited. ISBN 978-1-84376-331-4.
- 5.8. Кузык Б.Н., Яковец Ю.В. Россия-2050: стратегия инновационного прорыва. –М.: Экономика, 2005.
- 5.9. Siebert R., ZulehnerCh., AbrevayaJ, The impact of market demand and innovation on market structure.
- 5.10. Taraxtiyeva G.K. Innovatsion menejment. O'quv qo'llanma. – Т.: «Fan va texnologiya», 2013.
- 5.11. Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машакқатли йўли. – Т.: "Ўзбекистон", 1999.
- 5.12. Ульяновский А.В. Маркетинговые коммуникации: 28 инструментов миллениума / А.В. Ульяновский - М.: ЭКСМО, 2008.
9. Freeman, C. (1987), Technology Policy and Economic Performance, London: Pinter
- 5.13. Яковенко М. Н. Экономика и организация инновационной деятельности : учебное пособие / М. Н. Яковенко, Е. О. Коваленко, В. В. Ровенская. – Краматорск:ДГМА, 2011.
- 5.14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. –Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. [www.ziyouz.com/kutubxonasi](http://www.ziyouz.com/kutubxonasi),

## VI. Монографиялар

- 6.1. Шавқиев Э.Ш. Тадбиркорлик – аҳоли фаровонлигини оширишида асосий омил. //Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш: муаммо ва ечимлар. Монография. Муаллифлар жамоаси – Т.: "Fan va texnologiya", 2019.
- 6.2. Эргашев Р.Х. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг илмий-назарий ва хуқукий асослари. //Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш истиқболлари. Монография. Муаллифлар жамоаси. – Т.: "Iqtisod-Moliya", 2019.

## VII. Интернет сайклари маълумотлари

- 7.1. Жамшид Хўжаев хуқукий асоси йўқ кластер тизими ва янги агентлик хакида гапидри. [www.Kun.uz](http://www.Kun.uz) 22:23 / 05.02.2020 2 17437.
- 7.2. Инновацион технопаркларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши тартибга солинади. [www.Kun.uz](http://www.Kun.uz) / Ўзбекистон13.11.2018 18:16 951.

7.3. [www.Marketing.kharkov.ua/marketing/сетевой-маркетинг.htm](http://www.Marketing.kharkov.ua/marketing/сетевой-маркетинг.htm)  
7.4. <https://www.provenmodels.com/575/fivegenerationsofinnovation/тоу-г.-rothwell/>

7.5. <https://claytonchristensen.com/keyconcepts/#:~:text=Disruptive%20innovation%20is%20a%20term%20of,market%20displacing%20established%20competitors.>

7.6. <https://elibrary.ru/item.asp?id=19749721>

7.7. <https://www.amyjwilson.com/innovation-strategy>

7.4. Танзила Норбоеva: "Илм-фан, инновациялар соҳасига хусусий секторни жалб қилиш кўрсаткичи жуда паст". [www.Kun.uz](http://www.Kun.uz) 20.06.2020 12:06 706

7.5. Ўзбекистон Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг икки универсал халкаро шартномаси иштирокчисига айланади. [www.Kun.Uz](http://www.Kun.Uz) / Ўзбекистон, 17.07.2019, 862 .

7.6. Ўзбекистон ва Туркия 2 млн долларлик венчур жамғармаси тузади: [www.Kun.uz](http://www.Kun.uz) 12:40 / 12.11.2019 222.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>1-Модул. “Инновацион иқтисодиёт” фанининг назарий асослари .....</b>	<b>8</b>
<b>1-мавзу. “Инновацион иқтисодиёт” фанига кириш.....</b>	<b>8</b>
1.1. Инновацион иқтисодиёт – фан ва ўкув курси сифатида .....	8
1.2. “Инновацион иқтисодиёт” – иқтисодиёт фанларининг таркибий қисми ва билимлар соҳаси .....	12
1.3. “Инновацион иқтисодиёт” фанининг мазмунни, мақсадлари ва бошқа фанлар билан алоқаси .....	16
<b>2-мавзу. Иқтисодиётда инновацион фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари .....</b>	<b>22</b>
2.1. Инновациялар ҳаракати, унинг ҳаётийлик даври ва босқичлари .....	22
2.2. Иқтисодиётда инновацион бозорни бошқариш услуги, инновацион жараённинг гепотизалари .....	26
<b>3-мавзу. Инновацион иқтисодиётнинг илмий-услубий асослари .....</b>	<b>30</b>
3.1. Инновацион иқтисодиётда инновацион фаолият ва инновацион инфратузилма зарурлиги, вазифалари ва аҳамияти .....	30
3.2. Инновацион иқтисодиётда инновацион инфратузилма турлари .....	32
3.3. Инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-куvvatлашнинг илмий услубий асослари.....	35
<b>4-мавзу. Инновацион фаолият инфратузилмасининг ташкилий-иқтисодий механизмлари .....</b>	<b>38</b>
4.1. Инновация фаолият инфратузилмасининг аҳамияти....	38
4.2. Инновационфаолият инфратузилмасининг таркиби....	44
4.3. Инновацилар бозорида тадбиркорликни ривожлантиришнинг айрим масалалари .....	52

<b>5-мавзу. Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш омиллари .....</b>	60
5.1. Корхоналарда инновацион фаолиятда иқтисодий усуллар, инновацион бошқариш (менежмент) усуллари-дан фойдаланиш .....	60
5.2. Инновацион фаолиятни оширишда инвестиция лойи-халарини молиялаштириш .....	62
5.3. Инновацион фаолиятда инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш .....	67
5.4. Корхоналарда инновацион салоҳиятни ошириш .....	70
<b>6-мавзу. Инновацион иқтисодиётда инсон омилини фаоллаштириш .....</b>	74
6.1. Инновацион тизимда инсон омили, ўрни ва аҳамияти.	74
6.2. Инсон омилини фаоллаштириш асосида инновацион соҳада корхонани бошқариш .....	76
6.3. Кадрларни танлаш, улар фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш асосида инновацион фаолликни таъминлаш тизими .....	80
<b>7-мавзу. Инновацион иқтисодиётда хизматлар бозорини ривожлантириш .....</b>	88
7.1.Инновацион иқтисодиёт шароитида хизматлар бозо-рининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти .....	88
7.2.Хизматлар бозорининг мамлакат иқтисодиётининг ри-вожланишида тутган ўрни .....	94
7.3.Ўзбекистонда инновацион хизматлар бозорини ривож-лантириш йўллари .....	100
<b>8-мавзу. Инновацияларнинг соҳалар бўйича турлари.</b>	106
8.1. Инновацияларни иқтисодиётнинг турли ўзгаришлар таъсирида шаклланиш зарурияти. Инновацион сиёсат ва инновацион стратегия.....	106
8.2. Инновацион лойиҳалар, соҳалар бўйича инновацион турлар .....	111
<b>2-Модул. Инновацион иқтисодиётни ривожланти-ришга таъсир этувчи омиллар .....</b>	115
<b>9-мавзу. Иқтисодиётда инновацион технология-лардан самарали фойдаланиш.....</b>	115

9.1. Корхоналарда инновацион технологиялар салоҳиятини оширишга таъсир этувчи омиллар, илмий - техника тараққиёти бошқаруви, инновацион кластер стратегияси..	115
9.2. Инновацион технологияларнинг ривожлантиришни устувор йўналишлари ва улардан корхоналарда фойдаланиш заруряти, асосий жиҳатлари .....	118
9.3. Инновацион ривожланиш индикаторлари (кўрсаткичлари) .....	121
<b>10-мавзу. Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий тажрибалардан фойдаланиш .....</b>	<b>124</b>
10.1. Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий тажрибаларни ўрганиш заруряти. Ривожланган давлатлар – АҚШ, Япония давлатларининг Ўзбекистоннинг инновацион иқтисодиёти учун муҳим жиҳатлари .....	124
10.2. Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда айрим ривожланаётган хорижий давлар сабоқлари .....	127
10.3. Хитой давлати тажрибаси ундан республикамизда инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин бўлган жиҳатлари .....	130
<b>11-мавзу. Корхоналарда экспорт салоҳиятини оширишда инновацион маркетинг технологияларидан самарали фойдаланиш .....</b>	<b>137</b>
11.1. Корхоналарга инновацион маркетинг жорий этишнинг аҳамияти .....	137
11.2. Ўзбекистон Республикасида замонавий инновацион маркетинг стратегияларини жорий этиш масалалари.....	141
11.3. Корхоналарда экспорт имкониятларини кенгайтиришда инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланиш йўллари .....	145
<b>12-мавзу. Ўзбекистон миллий инновацион тизими ....</b>	<b>152</b>
12.1. Ўзбекистонда миллий инновацион тизим ва иқтисодиётни инновацион иқтисодиётга ўтишнинг долзарблиги, мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси. (2030 йилгача) асосий йўналишлари .....	152
12.2. Республикамизда фан-таълим, ишлаб чиқариш интеграцияси ва бу борада Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги роли ва ўрнини ошириш .....	156

<b>12.3. Республикамизда миллий инновацион тизимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари .....</b>	<b>159</b>
<b>13-мавзу. Интеллектуал капитал, интеллектуал мулкни шакллантириш ва бошқариш.....</b>	<b>163</b>
<b>13.1. Интеллектуал капиталнинг моҳияти ва таркибий тузилиши .....</b>	<b>163</b>
<b>13.2. Интеллектуал мулкни бошқариш .....</b>	<b>168</b>
<b>13.3. Ўзбекистонда интеллектуал мулкнинг муҳофазаланиши .....</b>	<b>173</b>
<b>13.4. Ўзбекистоннинг ҳалқаро интеллектуал мулк ташкилотлари билан алоқалари .....</b>	<b>184</b>
<b>14-мавзу. Илмий кашфиётлар, ихтиrolар ва лицензиялаш .....</b>	<b>188</b>
<b>14.1. Илмий кашфиёт, ихтиро тушунчаларининг моҳияти ва уларнинг республикамиз инновацион иқтисодиётидаги аҳамияти. ....</b>	<b>188</b>
<b>14.2. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда илмий кашфиётлар ва ихтиrolарни лицензиялашнинг ўрни .....</b>	<b>192</b>
<b>14.3. Илмий кашфиёт, ихтиро ва лицензиялаш хукуклари ҳамда улар бўйича талабнома тузиш қоидалари. ....</b>	<b>196</b>
<b>15-мавзу. Инновацион иқтисодиётда менежмент стратегиялари .....</b>	<b>199</b>
<b>15.1. Замонавий инновацион стратегияларнинг моҳияти ва турлари. Инновациялар маркетинги концепцияси.....</b>	<b>199</b>
<b>15.2. Илмий тадқиқот, ишланма ва технологияларни натижаларини тижоратлашуви стратегиясини ишлаб чиқишда мақсадли бозор таҳлили.....</b>	<b>205</b>
<b>15.3. Юқори технологик маҳсулотларнинг маркетинг хусусиятлари. Бозорга киришнинг диффузия модели. Юқори технологик маҳсулотлар ҳаридорининг хусусиятлари. Бозорни баҳолаш. Чегаравий нарх. Нархни белгилаш усули. ....</b>	<b>211</b>
<b>15.4. Интеллектуал мулк бозори параметрлари инновациянинг тижорат потенциалини баҳолаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот сифатида. ....</b>	<b>222</b>

<b>16-мавзу. Инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш .....</b>	<b>226</b>
16.1. Инновацион маркетинг мөхияти ва инновацион фаолиятни ташкил этиш жараёнлари .....	226
16.2. Инновацион маркетинг турлари, таъсир этувчи омиллар ва инновацион маркетинг фаолияти самарадорлиги .....	230
16.3. Инновацион бозорда рақобатчилар таъсирини камайтириш ва рақобатни бартараф этиш имкониятлари .....	237
<b>17-мавзу. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими .....</b>	<b>243</b>
17.1. Инновацион лойиҳаларнинг мазмуни ва уларга кўйиладиган талаблар .....	243
17.2. Инновацион лойиҳалартанлови ва экспертизаси .....	249
17.3. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш элементлари, манбалари ва шакллари .....	256
17.4. Инновацион лойиҳаларни венчур капитали ҳисобига молиялаштиришнинг хусусиятлари .....	261
<b>18-мавзу. Иқтисодиётда инновацион кластерни шакллантириш зарурини .....</b>	<b>268</b>
18.1. Инновацион иқтисодиётда кластерлар сиёсати, ўзига хос хусусиятлари ҳамда кластер усу́лларини қўллашнинг аҳамияти .....	268
18.2. Инновацион фаолиятни кластер усу́линни қўллаш асосида давлат томонидан бошқариш. Ўзбекистонда инновацион кластерлар ва уларни ташкил этишининг устувор йўналишлари .....	272
18.3. Инновацион иқтисодиётда инновацион кластерларнинг асосий турлари .....	275
<b>Глоссарий .....</b>	<b>280</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар .....</b>	<b>286</b>

**Мирзаев Кулмамат Жонузокович,  
Шавқиев Эркин Шавқиевич,  
Жанзаков Бекзот Кулмамат ўғли**

## **ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ**

Тошкент – «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» – 2020

Мухаррир: М. Ҳайитова  
Мусаввир: А. Шушунов  
Мусахҳих: Ш. Мирқосимова  
Саҳифаловчи: А.Нарманов

Босишга руҳсат этилди: 24.08.2020 й.  
Бичими 60x84 1/16. Times.uz гарнитураси.  
Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоби 19,1.  
Нашриёт босма табоби 18,6. Адади 100. Буюртма № 89

**«Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»  
босмахонасида чоп этилди.**

100066, Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171-уй.

4000

9968 4

488.

